

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ, ФАЛСАФА”
кафедраси

Барча бакалавр йўналиши 4 курс талабалари учун

**“СИЁСАТШУНОСЛИК, ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА
АМАЛИЁТИ”** фани бўйича

МАЪРУЗА МАТНИ

Наманган

Кириш.

XXI аср—ахборот ва технология асри. Ахборот оқими, фикрлар ранг-баранглиги инсон онги ва тафаккурини яшин тезлигида ривожлантириб, шу асосда илм—фан ва маданият, турмуш тарзи, миллатлараро, халқлар ва давлатлараро муносабатлар тубдан ўзгариб бормоқда. Албатта, бу жароён ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари қатори сиёсат, у шуғилланаётган масалаларни ҳам четлаб ўтгани йўқ.

Сиёсат ҳамма вақт, ҳамма даврда, айниқса бугунги кунда унинг жамиятда, инсон ҳаётида тутган ўрни, аҳамияти ва нуфузи тобора ошиб бормоқда. Чунки сиёсат алоҳида олинган шахс, бутун бир халқнинг тақдир—қисмати, келажагига жиддий таъсир кўрсатадиган воқелиқдир. Сиёсат қамраб олмаган бирорта ижтимоий соҳа, қолаверса, дунёда сиёсат билан у ёки бу тарзда банд бўлмаган инсоннинг ўзи йўқ.

Сиёсат ўзининг серкирралиги ва ҳаммабоплиги билан ижтимоий ҳаётда бошқа соҳалардан ажралиб туради. Шу боис бўлса керак, эрамиздан аввалги V асрда яшаб ижод этган машҳур юнон мутафаккири Аристотель сиёсатни инсон фаолиятининг энг юқори даражаси деб белгилайди ва

одамларнинг ўзаро муносабатлари орқали жамиятда ижтимоий адолат қарор топади, бахт– саодатга эришилади¹, дейди.

Кенг қамровли билим, жумладан, сиёсий билим ва маданият, маънавият ва миллий кадриятлар билан қуролланган, ўз куч ва қобилиятларига қатъий ишонч ҳосил қилган, эл–юртда амалга оширилаётган яратувчилик, бунёдкорлик ишларида оддий томошабин эмас, балки уларнинг ташаббускори, ташкилотчиси сифатида онгли фаолият кўрсата оладиган кишиларгина мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат, фуқоролик жамиятини барпо этишдек буюк мақсад, вазифани уддасидан чиқа олиши мумкин.

Бироқ, демократик жамият аъзоларига хос бундай хислат–фазилятлар ўз– ўзидан, бирданига шаклланиб қолмайди. Бунинг учун фуқоролар сиёсат орқали ўзлигини, ижтимоий–сиёсий ҳақ–ҳуқуқларини, мажбуриятларини англаб етишлари, жамиятдаги шахсий ўрни ва вазифаларини белгилаб олишлари, мамлакатда ва хорижда рўй бераётган воқеа–ҳодисалардан хабардор бўлишлари ва уларга муносабат билдириб, вазиятни тўғри баҳолай билишлари лозим.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек “–Сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур. Бошқача айтганда, жамият марказда ва жойларда сайланган ҳокимият ўз тақдирини қай тарзда ҳал этаётгани, уларнинг истиқболини қай тарзда белгилаётганлигидан хабардор бўлиб туриши керак”².

Ҳаёт тажрибасида синаб кўрилганидек халқ оммаси орасида, ҳатто унинг ўқимишли қатламларида ҳам сиёсат ҳақида элементар саводхонлик, унга нисбатан қизиқишнинг суствлиги, мамлакат ичида ва ташқарисида содир бўлаётган сиёсий жароёнлар, алоқа ва ўзаро муносабатларга бўлган бефарқлик, лоқайдлик, ўзибўларчилик жамиятдаги ислохотларни, демократлаштириш жароёнларини жадаллаштиришга тўсқинлик қилади. Етарли сиёсий онг ва тафаккурга эга бўлмаган бу тоифадаги кишилар ҳокимият устидаги айрим манфаатдор гуруҳ, баъзи бир шахсларнинг сиёсий “ўйин”, ҳийла–найранглари қурбонига айланиб қолишлари эҳтимолдан холи эмас.

Давлатнинг куч–қудрати нафақат ундаги моддий бойликлар, табиий ресурслар балки, халқ оммасининг онглилик, уюшқоқчилик даражаси, ватанпарварлик, фидоийлиги билан ҳам ўлчанади. Олдимизга қанчалик улкан туб ўзгаришлар, янгиланиш ва ислохотларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйган бўлсак, одамлар ҳам бу ишларга шунчалик тайёр бўлишлари керак. Зотан юксак сиёсий онг, сиёсий тафаккур, бир сўз билан айтганда, сиёсий саводхонлик жамият аъзоларини бир томондан ижтимоий сиёсий фаоллигини оширса, иккинчи томондан жамият ҳаётига хавф солаётган турли ёт ғоялар, мафкураларга, дин ниқобидаги экстремистик кучларга нисбатан муросасиз бўлишни, иммунитетни кучайтиради. Жамият бошқарувида эса учраб турадиган турли хилдаги ижтимоий, маъмурий зўравонлик, бош–бошдоқлик, қонунбузарчилик ҳоллари каби иллатларнинг олдини олади, бартараф этади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг кўзга кўринган сиёсатшунос олимлари–Ш.Акрамов, С.Атамуратов, В.В.Дубков, С.Жураев, Т.Жўраев, Э.Муминов, Х.Одилқориев, Д.Раззоқов, И.Рамазонов, Ф.Шарипов, М.Қирғизбоев, А.Қодиров ва бошқалар томонидан сиёсатшунослик фани бўйича мазмунли

дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар ишлаб чиқилган. Шунга қарамай, республика олий ўқув юртларида мазкур фан ўқув қўлланмаларига нисбатан талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Мазкур ўқув қўлланма ҳозиргача амалда қўлланилаётган сиёсий манбаалар қатори бўлажак мутахассис–талаба ёшлар, зиёлилар вакиллари, қолаверса сиёсат, сиёсий масала–муаммолар билан қизиқувчи ва унда фаол иштирок этишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган ҳар бир кишининг мақсадига эришишида назарий ва амалий ёрдам кўрсатади деган умиддамиз.

Ушбу маъруза матни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 17 сентябрдаги 392-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Сиёсатшунослик фанидан намунавий дастур” (бакалавр йўналиши) асосида ишлаб чиқилган.

¹ Қаралсин. Аристотель. Политика. М., 1965, С.11 : Аристотель. Соч., 4 т. М., 1983. С.380

² Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда. Т., “Ўзбекистон”. 1999. 20-21 б.

1-Мавзу: Сиёсатшунослик фан сифатида. Сиёсий қарашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

Режа:

1. Сиёсат: тушунча, мазмун моҳияти ва даражалари.
2. Сиёсатшунослик фани предмети, қонунлари, категориялари, функциялари. Унинг ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни ва роли.
3. Сиёсий қарашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Қадимги замон мутафаккирларининг мумтоз сиёсий ғоя ва қарашлари.

Сиёсат: тушунча, мазмун-моҳияти ва даражалари.

Инсон табиатан сиёсий мавжудотдир³. Бундан 2.5 минг йил муқаддам машҳур юнон мутафаккири, файласуф Аристотель томонидан олға сурилган ушбу ғоя ҳозирги билим ва қадриятлар заминида шаклланаётган янги цивилизация даврида ҳам ўз актуаллигини йўқотгани йўқ. Дарҳақиқат, сиёсат қамраб олмаган соҳа, сиёсат билан у ёки бу тарзда шуғулланмаган кишининг ўзи йўқ. У оилавий муносабатлардан тортиб миллатлар, халқлар, давлатлараро алоқа, муносабатларда намоён бўлади. Эслаб кўринг биз кундалик фаолиятимизда “ижтимоий сиёсат”, “иқтисодий сиёсат”, “маданий сиёсат” “миллий сиёсат”, “демографик сиёсат”, “ички сиёсат”, “ташқи сиёсат” каби сиёсат билан боғлиқ кўплаб ибораларни учратамиз, сиёсий муносабат, сиёсий жароён, сиёсий “ўйин” ларда иштирок этамиз.

Сиёсат ижтимоий ҳодиса, воқелик сифатида жамиятдаги индивидлар, ижтимоий гуруҳ, қатлам, синфларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ифода этади. Сиёсат орқали жамият олдида турган бош, стратегик мақсад-вазифалар ишлаб чиқилади, инсон зотига муносиб яшаш ва турмуш шароитлари яратилади, мамлакат, ҳудуд, ер юзидаги тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик, ҳамжихатлик таъминланади.

Илмий адабиётларда сиёсатга турлича ёндошувлар, хилма-хил таъриф-таснифлар берилган. Булар:

а) сиёсат бу-ижтимоий гуруҳ, қатлам, синфларнинг ўзаро муносабатлари. Уларнинг давлат ҳокимиятини қўлга киритиш, сақлаб қолиш ҳамда ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш учун олиб бориладиган ижтимоий фаолият, ҳатти-ҳаракат, кураши;

б) сиёсат бу-давлатни бошқариш санъати;

в) сиёсат бу-давлат. Давлатни бошқариш ишларида иштирок этиш. Жамиятдаги турли куч, институтлар, фуқаролар, партия, жамоат ташкилотлари, оммавий ҳаракатларни давлатга, ҳокимиятга бўлган муносабати, уларга ўтказиладиган босим, таъсир кўрсатиш жароёнлари;

г) сиёсат бу-жамият аъзоларининг барча-барчаси учун бажарилиши шарт бўлган қарорларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш;

д) сиёсат бу-ижтимоий гуруҳ, қатлам, синф манфаатларини ўзаро мувофиқлаштириш, тартибга солиш, жамият яхлитлиги, ҳавфсизлигини таъминлаш, юзага келадиган ихтилоф, келишмовчиликларни олдини олиш, бартараф этиш⁴.

Сиёсатнинг бош масаласи-бу давлат ҳокимиятини ташкил этиш масаласидир. Зотан давлат ҳокимияти органларига тегишли, у билан алоқадор ҳар қандай иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ва бошқа соҳаларга таалуқли масала-муаммолар сиёсий тус олади, сиёсий аҳамият касб этади. Сиёсат ўзининг универсаллиги билан ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидан фарқланиб туради. Шунинг учун бўлса керак Аристотель сиёсатни инсон фаолиятининг энг юқори чўққисидир. Зеро одамларнинг ўзаро сиёсий муносабатлари орқали жамиятда ижтимоий адолат қарор топади, бахт-саодат, эзгуликка эришилади⁵ деган эди.

Илмий адабиётларда сиёсатнинг таркибий қисмлари: шакли, мазмун-моҳияти, ҳаракат жароёнлари, асосий элементларига жиддий эътибор қаратилган.

Сиёсатнинг шакл, қиёфаси-бу ундаги барқарорлик, қатъиятлиликни таъминлайдиган, кишилар хулқ-атворини тартибга солиб турадиган ташкилий тузилиши-структурасидир. Ташкилий тизим давлат,

³ Қаралсин: Аристотель. Политика //соч.: в 4 т. Т.4.М., 1984. С. 378.

⁴ Қаралсин: Политологический словарь. В двух частях. Ч.1.-М.: “Луч”. 1994.С.168; Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию: Учебник для студентов высш.учеб.заведений.-3-е изд., Переб.и доп.-М.:Аспект Пресс, 2000. С. 7-14; Политология: Учебник для вузов /под.ред. М.А.Василика.М: юрист 2002.с.6-9;Философский энциклопедический словарь. М.: “Советская энциклопедия”, 1983. Стр. 507.

⁵ Қаралсин: Аристотель. Политика. М., 1865.С.11.; Аристотель.Соч.: 4 т. Т. М, 1983. С.380.

партиялар, манфаат гуруҳлари, уюшма, ҳаракатлар, шунингдек, қонунлар, сиёсий-юримдик нормалардан иборат бўлади.

Сиёсат мазмун-моҳиятини жамият олдида турган муҳим мақсад-вазифаларни аниқлаш, мавжуд муаммолар ечимини хал қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, сиёсий қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш ташкил этади.

Сиёсий жароёнлар кўп сонли сиёсат субъектлари-ижтимоий гуруҳлар, ташкилот, уюшма ва индивидларнинг жамиятни ривожлантириш, ўзгартириш борасида олиб борган ўзаро муносабатларида аниқ фаолият, ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлади.

Сиёсатнинг таркибий қисмлари, элементлари ҳақида сўз кетганда сиёсий қараш, ғоялар, назария, муҳим аҳамиятга молик кўрсатмалар, йўналишлар, миллий урф-одатлар, анъаналар, ҳулқ-атвор намуналари, ижтимоий фикр, махсус сиёсий тил, кишилар руҳияти, давлат, партиялар, ҳаракат ва гуруҳлар, қонунлар, инсон ҳуқуқлари ва бошқа сиёсий, сиёсий-ҳуқуқий нормалар, сиёсий лидер-етакчилар, элита ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш ўринлидир.

Сиёсатнинг таркибий қисми, элементлари билан бир қаторда унинг ўзига хос фаолият кўрсатиш даражаларини ҳам кўрсатиб ўтиш керак бўлади. Улар:

а) микросиёсат-жамиятдаги айрим ташкилотлар: партия, қасаба уюшмалари, ёшлар ҳаракати, корхона, фирма, маҳалла ва шунга ўхшаш сиёсат субъектларининг маҳаллий миқёсда амалга ошириладиган сиёсат. Унда ҳам умумдавлат миқёсида олиб бориладиган сиёсатдаги каби алоҳида олинган жамоа олдида турган мақсад-вазифалар белгиланади, мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора тадбирлари ишлаб чиқилади, турли масалалар бўйича қарор ва кўрсатмалар қабул қилинади, хизмат лавозимлари, олинган фойда, даромад тақсимланади, маъмурий жазолаш ёки рағбатлантириш татбиқ қилинади, шахс ва гуруҳларнинг ҳокимиятни қўлга киритиш ва ўз манфаатларини қондириш учун ҳаракат, интилишлари амалга оширилади;

б) макросиёсат-бутун давлат миқёсида олиб бориладиган, қабул қилинган қонун, қарорларни бажариш ҳамма, ҳамма учун мажбурий бўлган расмий, очик-ошқора сиёсат;

в) мегасиёсат-жаҳон ёки маълум ҳудуд миқёсида халқаро ташкилотлар (БМТ, НАТО, ЕИ, ШОС, ОДКБ ва х.к.) томонидан олиб бориладиган сиёсат.

Сиёсат ички сиёсат ва ташқи сиёсатга бўлинади. Давлатнинг ички сиёсати у ёки бу давлат, ҳукмрон партиянинг мамлакат ичида олиб борадиган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳарбий ва бошқа соҳалардаги амалий фаолияти, ҳаракат йўналишларини ташкил этади.

Ташқи сиёсат давлат ижтимоий тузуми табиатидан келиб чиқиб унинг хорижий давлатлар, халқлар, партиялар, халқаро ташкилотлар билан турли соҳаларда олиб борадиган муносабатлари йиғиндисидир. Мамлакатнинг ташқи сиёсати унинг ички сиёсати билан узвий боғлиқликда амалга оширилади.

Сиёсат объектив борлиқнинг инкосидир. Унинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам инсон хазрати олийлари бўлиб унинг ҳар бири ва кўпчилиқ манфаатларини ифода этувчи давлат, партиялар, меҳнат жамоалари, ташкилотлар, оила каби турли хилдаги уюшма-бирликлар сиёсатнинг субъекти ва объекти бўлиб хизмат қиладилар.

Сиёсат жамиятшунослиқнинг катта бир қисми, ҳал қилувчи звеноси сифатида ижтимоий фанлар тизимида ўзининг муносиб ўрни, мавқеига эга. Уни ўрганадиган фан – сиёсатшунослиқ эса сиёсат ҳақидаги таълимот (юнонча politik-давлат ёки ижтимоий ишлар ҳамда logos-таълимот) деб номланади ва ўз тараққиёти давомида уч босқичли: 1) Аристотель давридан 1861-1865 йилларгача 2) 1865 йилдан иккинчи жаҳон урушигача ва 3) 1945 йилдан ҳозирги кунгача⁶ бўлган узоқ ва мураккаб масофани босиб ўтди.

2. Сиёсатшунослиқ фанининг предмети, қонунлари, категориялари, функциялари. Унинг ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни ва роли.

Кишилиқ ақл-заковати, интеллектуал фаолиятининг энг қадимги соҳаларидан бири бўлган сиёсат ҳақидаги ушбу фан асослари, дастлаб, қадимги юнонистонда фалсафанинг таркибий қисми сифатида шаклланган. Ўша пайтларда унинг бош мақсад-вазифаси инсоният жамиятининг ташкил топиши, тузилишининг асосий принципларини ишлаб чиқишдан иборат бўлган.

Тарихий манбааларнинг гувоҳлик беришича эраמידан олдинги II-I минг йилликларда сиёсат ҳақидаги тасаввур, қарашлар диний-мифологик характерга эга эди. Уларда ҳокимият ва жамиятнинг

⁶ Қаралсин: Федун Л.А. О предмете и методе политологии. Социально-политические науки. Журн. М.1991, № 3, С.65.

келиб чиқиши илоҳий кучлар хоҳиш-иродаси билан изоҳлаб ўтилган. Эрамиздан олдинги I минг йилликлар ўрталарига келиб сиёсатшуносликнинг ҳозирги илмий тушунча-категорияларининг илк шакллари, сўнгра, бир бутун фалсафий таҳлили, сиёсий фикр-қарашлар тизими ишлаб чиқилди.

Аристотельнинг сиёсат ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига яна бир бор қайтадиган бўлсак (Платон ва Аристотель сиёсатшунослик фанининг асосчилари ҳисобландилар) сиёсат ҳақидаги фан ҳамма фанларнинг юқорисидир. Чунки у кишиларнинг адолатпарвар қонунлар асосида яшашга ўргатади. Унинг мақсади эзгуликдир⁷.

Алоҳида ижтимоий-сиёсий фан сифатида сиёсатшуносликка бўлган қизиқиш, талаб-эҳтиёжнинг ортиб бориши, асосан, XIX асрнинг иккинчи ярмисидан бошланади. Ҳозирги даврда жаҳон сиёсий фанлар ассоцияси 100 дан ортиқ сиёсий тадқиқотлар институтларини бирлаштиради. Кўпчилик ривожланган Европа мамлакатлари, АҚШда у нафақат олий ўқув юртларида, балки умумтаълим мактабларида ҳам мажбурий фан, предмет сифатида ўқитилади.

Совет Иттифоқида сиёсатшуносликка буржуа фани нуқтаи назаридан ёндошилиб, у таълим тизимида умуман ўқитилган эмас. Мустақиллик шарофати билан ушбу фанни ўқитишга кенг йўл очиб берилди.

1993 йилдан бошлаб сиёсатшунослик республикамиз олий ўқув юртларида ўқитила бошланди. Кейинчалик бир қатор университет ва илмий текшириш институтлари қошида ушбу фан бўйича докторлик, номзодлик диссертацияларини ёклашга ихтисослашган илмий кенгашлар ташкил этилди.

Сиёсатшунослик ҳокимиятни амалга оширувчи ва унга таъсир ўтказувчи давлат, партия ҳамда бошқа сиёсий, носий институтларнинг функционал ҳолат, фаолиятини, жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий режим, шунингдек, инсон ва жамият муносабатларига дахлдор сиёсий воқеа-ҳодисалар, жароёнларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, улар бўйича тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқади. Фаннинг таъсир доираси булар билангина чекланиб қолмайди. У жамиятнинг моддий-маънавий, географик, демографик соҳалари, кўп қиррали халқлар ва давлатлараро сиёсий-ижтимоий муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Умуман олганда, **сиёсатшунослик** сиёсий ҳокимият ва унинг амал қилиш қонуниятлари, бошқарувчилар билан бошқарилувчилар, миллатлар ва халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатлар, сиёсий жароёнлар моҳияти-мазмуни, асосий йўналишлари, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг назарий ва амалий асослари, давлатни бошқариш ҳақидаги таълимот-фандир.

Сиёсатшуносликнинг бошқа ижтимоий фанлардан ўзига хослиги шундан иборатки у барча ижтимоий воқеа-ҳодисалар, жароёнларни сиёсий ҳокимият билан боғлиқ равишда ўрганади, таҳлил қилади. Г.Лассуэл фикрича сиёсат, сиёсат ҳақидаги фан тўғрисида сўз юритилганда биринчи навбатда ҳокимият тўғрисидаги таълимот, фан тушунилади⁸.

Ўзининг мазмун-моҳиятига кўра сиёсатшунослик сиёсий ҳаётни илмий-назарий таҳлил қиладиган, ўрганадиган яхлит фан ҳисоблансада у сиёсатни алоҳида, нисбатан, мустақил соҳалари: сиёсий фалсафа, сиёсий тарих, сиёсий социология, сиёсий психология, сиёсий антропология, сиёсий география каби қисмларга бўлинади.

Сиёсатшуносликни ўзининг ана шу таркибий қисмлари билан нақадар боғлиқлигини шарҳлаб ўтишни ҳожати йўқ. Буни уларнинг номланишиёқ исботлаб турибди. Лекин бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан ўзаро алоқадорлиги масалаларига ўқувчи диққат-эътиборини жалб қилиш фойдадан холи эмас.

Ижтимоий ҳаёт, илмий изланишлар тажрибаси шундан гувоҳлик берадики фалсафа деярли барча ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанлар учун субстанция ролини ўтаган ва ўтайди ҳам. Биз ўрганаётган сиёсат ҳақидаги ушбу фан ҳам тарих илғамас қадим замонлардан тортиб ҳозирги кунгача ўша эски асосидан узоқлашиб кетгани йўқ.

Аслида сиёсатда ўз ифодасини топмайдиган ижтимоий ходиса, воқеликни ўзи йўқ. Бироқ унда ижтимоий борлиқнинг энг муҳим томонлари акс этади. Мисол тариқасида ижтимоий бошқарувнинг марказий масаласи, ҳокимиятни амалга ошириш масаласини фалсафий нуқтаи назардан олиб қаралса унда икки томоннинг муносабатларида бири буйруқ берувчи иккинчиси эса буйруқни бажарувчиси бўлиб майдонга чиқади. Шу масалага сиёсатшунослик фани нуқтаи назаридан ёндошиладиган бўлинса у ҳолда фалсафадаги ижтимоий ҳокимият вазифасини сиёсий ҳокимият бажаради. Бунинг фарқи шундан иборатки агар ижтимоий ҳокимият буйруқлари икки томондан (икки одам ёки гуруҳ ва х.к)

⁷ Қаралсин: Пугачев В.П. Соловьев А.И. Введение в политологию: с.24.

⁸ Қаралсин: Федун Л.А. О предмете и методе политологии. С.66.

ижро этилса сиёсий ҳокимият қарорлари барча жамият аъзолари, гуруҳ, қатлам, синф, давлат органлари, партия ва бошқа ташкилотлар учун бажарилиши шарт бўлган фармони олий деб тушунилади. Яни сиёсий ҳокимият ўрнатилиши билан ижтимоий ҳокимият, бошқарув, сиёсий характер касб этади. Бу ҳақда алоҳида сўз юритамиз.

Одамлар сиёсат билан тўлақонли шуғулланишларидан аввал унумли меҳнат қилишлари, мол-мулкка, яшаш учун қулай шароитларга эга бўлишлари, етарли миқдорда даромад олишлари лозим бўлади. Халқимизнинг “олдин иқтисод кейин-сиёсат” деган мумтоз нақли ҳам шу ҳақиқатга асосланса керак. Дарҳақиқат, иқтисод ва сиёсатнинг ўзаро муносабатлари мураккаб мазмун ва шаклга эга бўлиб, улар диалектик моҳиятлидирлар. Давлатлар тарихида ҳеч қачон иқтисод сиёсатнинг аралашувисиз амалга ошмаган. Иқтисод эса сиёсатга моддий пойдевор бўлиб хизмат қилган.

Ана шу сиёсий, иқтисодий боғлиқлик, алоқадорлик жароёнларини илмий-назарий исботлаш сиёсатшунослик ҳамда иқтисодиёт назарияси фанларининг асосий объекти бўлиб ҳисобланади. Агар иқтисодиёт назарияси фанида жамиятнинг ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари, товар, пул, молия, кредит, мулкчилик шакллари, халқаро иқтисодий алоқаларга доир масалалар назарий жиҳатдан ўрганилса сиёсатшунослик фани эса иқтисодий сиёсат асосларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш механизмлари ва ҳаёт тажрибасида синаб кўрилган рационал усул ва йўллари излаб топиш, жамият сиёсий тизими институтларини бу ишларга сафарбар қилиш чора-воситаларини илмий жиҳатдан асослаб беради.

Сиёсатшунослик тарих фани билан ҳам яқин алоқада туради. Уларнинг ҳар иккаласига мос бўлган умумийлик жамиятнинг сиёсий ҳаётида ва сиёсий муносабатларида рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни, уларнинг келиб чиқиш даври билан боғлиқ ҳолда ўрганишдан иборат. Ҳар иккала фаннинг умумий жиҳатларини давом эттириш мумкин. Аммо умумийликдан кўра улар олиб бораётган изланишлардаги фарқларни аниқлаб олиш муҳимроқ.

Ҳаёт тажрибаси, илмий кузатишлар шуни кўрсатадики сиёсатшуносликнинг илмий - назарий ҳамда амалий жиҳатлари диалектик бирликда ўз ифодасини топади. Шу жароённи яна ҳам соддароқ қилиб баён этиладиган бўлса, унинг назарий ютуқлари реал амалиётда ўз тасдиғини топади, самарасини беради ва шунинг билан бирга ўзининг илмий методологик заминини мустаҳкамлаб боради. Тарих фанида эса воқеа-ҳодисалар, асосан, хронологик тартибда изоҳланади ва ўрганилаётган тарихий даврнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳолат, вазиятлари билан боғлаган ҳолда баҳоланади, хулосага келинади.

Сиёсатшунослик юқорида кўрсатиб ўтилган фанлардан ташқари социология, психология, ҳуқуқ, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, конфликтология, миллий ғоя ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан ҳам ўзаро самарали ҳамкорликда бўлиб уларнинг барчаси бир-бирини тўлдириб, мазмунини бойитиб боради.

Сиёсий қарашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Қадимги замон мутафаккирларининг мумтоз сиёсий ғоя ва қарашлари.

Сиёсатшуносликнинг энг муҳим ўрганиш ва тадқиқот предмети-бу энг аввало давлат, сиёсий ҳокимият ва уларнинг тузилиши, фаолияти; жамият сиёсий ҳаёти ва унинг ҳаракатга келтирувчи сиёсий институтлар; сиёсий жароёнлар ва муносабатлар; сиёсий мафкура ва сиёсий фаолият; партия ва сайлов тизимлари; сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар; сиёсий хулқ-атвор ва сиёсий маданият; сиёсий коммуникация ва оммавий ахборот воситалари; ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти; сиёсий барқарорлик ва сиёсий хавф-хатар; сиёсатнинг диний ва миллий жиҳатлари; ижтимоий ихтилоф-келишмовчиликларнинг сиёсий ечимлари ва бошқалардан иборатдир.

Фаннинг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусиятлари унинг қонунлари орқали янада кенгроқ очиб берилади. Қонунлар умумбашарий характерга эга бўлиб, уларни кишиларнинг хоҳиш-иродаси билан ўзгартириш мумкин эмас. Улар жамият сиёсий ҳаётининг асосий йўналиш, тенденцияларини аниқлаш, сиёсат субъектлари фаолияти, ҳатти-ҳаракатларининг рационал услуб тамойилларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллашга хизмат қиладилар.

Сиёсатшунослик фанининг қонунлари ўзларининг амал қилиш қоидаларига кўра учта гуруҳни ташкил қиладилар. **Биринчи гуруҳ** -бу жамият сиёсий ҳаётини бошқа ижтимоий соҳалар билан ўзаро алоқадорлигини акс эттирувчи қонунлар-иқтисод билан сиёсатнинг диалектик бирлиги; сиёсатни иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий соҳаларга ўтказадиган жиддий таъсири; қарорларни қабул қилишда юридик қонунлар устуворлиги;

Иккинчи гуруҳ- бу мамлакат ички сиёсий ҳаётида амал қилинадиган қонунлар-давлат ҳокимиятининг қонун ишлаб чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятларга бўлиниши; кўппартиявийлик тизимини ташкил этиш; сиёсий плюрализм принципларига амал қилиш; сиёсий ҳокимият механизмларидан унумли фойдаланиш; сиёсий онг, сиёсий маданиятни шахс хулқ-атворида ўтказадиган таъсири;

Учинчи гуруҳ-бу халқаро муносабатлар билан боғлиқ қонунлар- умумбашарий манфаатларни ижтимоий гуруҳ, қатлам, синф манфаатларидан устуворлиги; бошқа давлат, халқларнинг ички ишларига аралашмаслик; юзага келган халқлараро, давлатлараро ихтилоф, келишмовчиликларни сиёсий йўллар билан ҳал қилиш; бошқа давлатларга нисбатан куч ишлатилмаслик, куч билан таҳдид қилмаслик ва бошқа халқаро сиёсат билан боғлиқ масалалардан иборат бўлади.

Сиёсий ҳаётда содир этилаётган турли воқеа-ходиса, жароёнларни ўзига хослиги, ўхшашлиги ва бошқалардан фарқлари барқарорлиги ва ўзгаришларни, ҳар томонлама ўрганишда сиёсатшуносликнинг илмий тушунчалари тизими-категориялари муҳим рол ўйнайди. Фаннинг категориялари жумласига “сиёсат”, “сиёсий ҳокимият”, “сиёсий жароён”, “сиёсий муносабат”, “сиёсий партия”, “сиёсий институт”, “сиёсий тизим”, “сиёсий онг”, “сиёсий социаллашув”, “сиёсий маданият”, “сиёсий манфаат”, “сиёсий фаолият”, “сиёсий кадрлар”, “сиёсий режим”, “сиёсий ҳаёт”, “сиёсий элита”, “сиёсий лидер”, “ҳарбий сиёсат”, “сиёсий мафкура”, “сиёсий кураш”, “сиёсий дастур”, “сиёсий ҳаракат”, “сиёсий фракция”, “сиёсий тузум”, “сиёсий раҳбарлик”, “сиёсий бошқарув”, “ички сиёсат”, “ташқи сиёсат”, “давлат ҳокимияти” ва бошқа сиёсатга дахлдор илмий тушунчалар киради.

Ҳар қандай фан каби сиёсатшунослик ҳам жамиятда ўзига хос функция-вазифаларни бажаради. Булар:

-жамият сиёсий ҳаёти, уни ҳаракатга келтирувчи кучлар-давлат, давлат институтлари, жамоат ташкилотлари фаолиятини ташкил қилиш орқали кишиларда мамлакат, дунё миқёсида кечаётган сиёсий воқеа - ходисалардан хабардор бўлиш, уларга ўз муносабатларини билдириш ва, энг муҳими, ана шу жароёнларда онгли иштирок этиш кўникмаларини шакллантириш, ривожлантиришга йўналтирилган гносеологик, яъни билиш, ўргатиш функцияси;

-жамият аъзоларининг сиёсий билим ва ҳаётий тажрибалари нафақат кундалик ҳаётда қўл келади, балки уларга мамлакат тараққиётининг ҳозирги ҳолати, вазиятидан келиб чиқиб жамият тақдир-кеलाжagini олдиндан кўра олиш, юзага келган ёки келиши мумкин бўлган сиёсий-ижтимоий муаммо-қийинчиликларни бартараф этиш ёки олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш имконини берадиган башорат қилиш функцияси;

-сиёсий тизим институтлари, энг аввало, давлат, парламент, ҳукумат, сиёсий партия ва бошқа ташкилотларнинг жамият бошқарувини амалга оширишдаги амалий фаолиятини илмий-назарий таҳлил қилиш ва бошқарувнинг давр талабларига жавоб берадиган рационал услуб, механизмларини ишлаб чиқишга хизмат қиладиган назарий функцияси;

-жамият аъзоларини ўзлигини, фуқаролик ҳисси, бурчини англаши, сиёсий онги, маданияти ва сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий жароёнлар, муносабатларнинг актив иштирокчисига айлантиришга қаратилган социаллашув функциясидан иборатдир.

Сиёсатшуносликнинг кенг тарқалган ва қўлланиладиган назарий – амалий функцияларидан яна бири-бу сайлов ва сайловолди компанияларини ташкил этиш ва ўтказишдан иборатдир. У сайловда иштирок этадиган партиялар, барча бўғинидаги депутатлик, бошқарув лавозимларига тавсия этиладиган номзодларнинг сайловолди дастурларни тузиш, тарғибот-ташвиқот ишларини уюштириш, сайловни ўтказиш муддатини белгилаш, уни тўғри молиялаштириш каби назарий-амалий вазифаларни амалга оширади.

Энг муҳим сиёсий вазифалар қаторига юзага келган ижтимоий низо, можароларни тинч, сиёсий йўллар билан ҳал этиш, шунингдек, ечимини кутаётган муаммо, масалалар бўйича сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жароёнлари киради.

Сиёсий воқеа-ходисалар табиати, келиб чиқиш ва ривожланиш қонун- тенденцияларини ўрганиш услубларининг, муҳим турлари қуйидагилардан иборат:

-институтционал услуб - жамиятда қабул қилинган ижтимоий-сиёсий норма ва муносабатлар ижроси ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш кафолатчиси ҳисобланган сиёсий тизим институтлари-давлат, парламент, ҳукумат, партия ва бошқа турли ташкилот, уюшма, ҳаракатлар фаолиятини ўрганиш услуби;

-социологик услуб-турли хилдаги сўров, савол-жавоблар, анкеталар, статистик маълумотлар олиш, тажриба ўтказиш йўли билан жамиятда юз бераётган воқеа-ходисаларнинг сиёсий жиҳатлари;

сиёсатнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий-маънавий ва бошқа соҳалар билан ўзаро боғлиқлиги; давлат томонидан қабул қилинаётган қонун, қарорлар қайси ижтимоий гуруҳ, қатлам, синф манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги белгилловчи услуб;

-антропологик услуб инсон табиати, талаб-эҳтиёжларини қондириш, жамоа бўлиб ҳаёт кечириши заруратидан келиб чиқиб кишини сиёсатга муносабати, унинг руҳияти, интеллект, миллий характерлари, диний қарашлари ва бошқа инсоний жиҳатлари билан ифодаланишини ўрганиш услуб;

-Бихевиористик (хулқ-атвор) услуб алоҳида олинган шахс ёки гуруҳнинг сиёсатга бўлган муносабати, уларнинг ҳокимият ишларида ўзларини кўрсатишга йўналтирилган хулқ-атворини ўрганиш услуби.

-қиёсий таққослаш услуби икки ёки ундан ортиқ тузилиши ва функциялари бир хил сиёсат объектлари-ҳукумат, партия ва бошқа ташкилот, уюшмалар ўз вазифа-функцияларини қайси йўл, усуллар билан амалга оширишларидаги умумийлик ёки хилма-хилликни таққослаш асосида қиёсий ташкилотчилик ва бошқарувчилик усуллари раціонал шакллари ишлаб чиқиш услуби.

Сиёсатшунослик фанининг юқорида кўрсатиб ўтилган ўрганиш услубларидан ташқари яна бир қанча: тарихий, функционал, системали, коммуникатив, психологик, аксиологик, қиёсий моделлаштириш, субстанционал каби услублари мавжуд.

Сиёсатшуносликнинг барча илмий-назарий ва амалий услубларининг асосий мақсади-бу жамиятда кечаётган қиёсий воқеа-ҳодисалар, жароёнларнинг кечиши ва уларнинг келажаги ҳақида аниқ билим ва холис маълумотларга эга бўлишдан иборатдир. Қиёсий ғоя ва қарашлар тарихи узоқ ва мураккаб тараққиёт даврини ўз ичига олган моддий ишлаб чиқариш усули ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар заминидан шакллана бошлаган. Қиёсий қарашларнинг илк намуналари қадимги Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитой давлатлари ҳудудида диний-мифологик кўринишларда пайдо бўлган. Уларга кўра ҳар қандай ижтимоий ҳодиса-воқелик ўз келиб чиқиши нуқтаи назаридан илоҳий кучлар хоҳиш-иродаси билан рўй беради. Тарихий манбаларда келтирилишича қадимги Миср шоҳи Рамзес II ҳудо томонидан бошқариш учун яратилган. Ҳудо унинг отасидир⁹.

Эрампдан олдинги минг йилликларда Хитойда ҳам шоҳ “Осмон ўғли”, илоҳиёт хоҳиши-иродаси деб юритилган. Лекин Конфуций (эрампдан аввалги VI-V асрлар) таълимотида осмонни дунёни бошқарадиган энг олий куч деб тан олинсада, жамиятни бошқариш, асосан, ахлоқий қоидаларга асосланиши кераклиги уқтириб ўтилади. Мутафаккир одамларни тақдирга тан бериш, давлат ишларига аралашмасликка даъват этади, маърифат, тарбияга, ахлоқий етуклик ва инсонпарварлик ғояларига катта эътибор беради.

Ҳар бир янги давр бу ижобий ёки салбий ўзгаришлар даври. Бунинг исботини ана шу кўхна Хитой донишманди Мо-Цзи (эрампдан аввалги V-IV асрларда) олға сурган, биз яшаётган ҳозирги даврда ҳам ўз кадр-қимматини йўқотмаган, барча кишиларни табиатан тенглиги, давлат халқники эканлиги ва уни шартнома асосида бошқарилиши лозимлиги, давлат лавозимларига раҳбарларни ижтимоий келиб чиқиши, бойлиги, қариндош-уруғлигига қараб эмас, балки уларнинг шахсий хислат-фазилатларига, қобилиятларига қараб тайинлаш, олий ҳокимият халқ қўлида бўлиши кераклиги¹⁰ каби илғор ғоя-таълимотларда кўришимиз мумкин.

Мо-Цзи катта давлат кичик давлатга хужум қилмаслиги, қудратли оила, ожиз, кичкина оилага зуғум ўтказмаслиги, кучли кучсизни таламаслиги, муғомбир соддани алдамаслиги, таниқли танилмаганнинг устидан кулмаслиги, кишилар бир-бирига дўстона муносабатда бўлишларини талаб қилган. Мутафаккир издошлари Конфуций илгари сурган тақдири азал ғоясини рад этганлар. Улар ҳар қандай урушга қарши бўлганлар, барча низоларни уруш йўли билан эмас, балки қиёсий-келишув музокаралар йўли билан ҳал этиш тарафдори бўлганлар¹¹.

Қиёсий ғоя ва қарашлар тарихида қадимги Юнонистон, айниқса, янги қиёсий ташкилот-Афина демократиясининг демократик полисини (шаҳар-давлат) ташкил этилиши (эрампдан олдинги VIII-VII асрлар) муҳим бурилиш ясади. Шаҳар-давлатни олдинги давлат тузилмаларидан фарқли томони шундан иборат эдики ойига 3-4 марта чақирилиб туриладиган халқ мажлисларида Афинанинг ҳамма балоғат ёшига етган эркак фуқаролари иштирок этганлар. Йиғилиш қатнашчилари жамият ижтимоий – қиёсий ҳаётининг барча жабҳаларига доир қонун-қарорлар қабул қилиш, аҳолидан ундириладиган солиқлар ҳажмини белгилаш, олинган даромадни тақсимлаш, мамлакат бошлиғи-архонтни,

⁹ Қаралсин: История политических учений. Изд-во “высшая школа”. М: 1965. с.29.

¹⁰ Қаралсин: История политических учений. с. 41

¹¹ Фалсафа: Қомусий луғат (тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). –Т.: “Шарқ”. 2004. 281-282 б.

генералларни, судларни сайлаш, жинойтчиларни судлаш, урушлар эълон қилиш, бошқа давлатлар билан битимлар тузиш ва бошқа масалаларни очиқ овоз бериш йўли билан хал этганлар. Полис ташкил этилгунга қадар давлат лавозимларини фақат бойлар эгаллашарди. Энди шундай ҳуқуқ ҳар бир бошқарув ишларига қобилятли фуқароларга берилди¹².

Юнонистонга ўша давр жаҳон цивилизацияси ютуқларини кириб келиши, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривож, жамият сиёсий ҳаётидаги туб ўзгаришлар нафақат буддавийлик, зардуштийлик, кейинчалик христиан динларини пайдо бўлишига, балки фалсафа ва бошқа фанларни ривожланишига ҳам асос солди.

Эрамузгача бўлган IV-III асрлар давомида яшаб ижод этган юнон файласуфлари Демокрит, Гераклит, Сократ, Платон, Аристотель асарларида сиёсат, унинг табиати, мазмун-йўналишлари, давлат бошқарувининг услуб, тамойиллари, ижтимоий адолат, ахлоқ ва ҳуқуқ масалаларига катта эътибор берилган.

Платон ўша давр мутаффакирларидан биринчи бўлиб давлат бошқарувининг мукамал ва номукамал шаклларини ихтиро қилади. Унинг номукамал шакли **тимократия**, яни бойлик ва амалга ружу қўйган, шухратпараст, иззатгалаб одамлар ҳокимияти; **Олигархия**-озчиликни ташкил этган бадавлат кишилар ҳокимияти; **демократия**-оддий, қора халқ, кўпчилик ҳокимияти, ва ниҳоят, тирания-зулмор, шафқатсиз одамлар ҳокимиятидан ташкил топади¹³. Лекин файласуфнинг фикрича бошқарувнинг ана шу шакллари мутлоқ, абадий эмас. Улар бир бирига ўтиб алмашиб туриши ҳам мумкин.

Донолик, жасорат, мулоҳаза ва адолат тамойиллари асосида бунёд этилган жамият аъзоларининг турли эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган идеал давлатдаги бошқарув эса идора этишнинг **мукамал** шаклидир. Идеал давлатни ҳам озчилик бошқаради, лекин бу ишни олдиндан тайёргарлик кўрган, ҳар томонлама етук, қобилятли, билимдон кишилар амалга оширади. Давлат ҳар бир фуқарони табиати, мойилликларига қараб иш билан таъминлайди ва унга яраша кадрлайди. Шунинг учун ҳам Платон жамиятни табақаларга: ҳуқумдор-файласуфлар, соқчи ва ҳарбийлар ҳамда жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи хунарманд, деҳқонларга бўлади.

Биринчи ва иккинчи табақадагилар давлатни бошқариш, ундаги тинчлик, осойишталикни таъминлаш билан шуғулланадилар ва вазифаларидан келиб чиқиб бир-бирларига яқин турадилар. Учинчи табақа вакиллари эса жамият эҳтиёжини қондирувчи моддий бойликлар ишлаб чиқарадилар. Меҳнат тақсимотининг бундай шакли олимнинг тасаввурида ўша даврдаги ҳар қандай жамият ва давлат қурилишининг тамал тоши, фундаменти бўлиб хизмат хизмат қилиши керак эди.

Платоннинг идеал давлат ҳақидаги қарашлари утопик характерга эга. Зеро ундаги биринчи, иккинчи табақа аъзоларининг на шахсий мол-мулки, оиласи ва на даромад манбаи бўлсин. Буларнинг барча-барчаси умумий. Ҳамма нарса, хаттоки, бола тарбияси ҳам давлат томонидан амалга оширилади, бошқарилади. Давлат жамият аъзоларининг шахсий ҳаётини ҳам ўз назоратидан четда қолдирмайди¹⁴. Аммо Платон фан тарихида илк бор жамият қурилишининг назарий жиҳатларини таҳлил қилади ва ҳаёлий бўлса ҳам унинг лойиҳасини ишлаб чиқади.

Платоннинг шогирди, Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) нинг устози Аристотель биз ўрганаётган сиёсатшуносликнинг алоҳида фан сифатида ажралиб чиқишига асос солган буюк алломадир. Мутафаккир фикрича сиёсат ҳақидаги фаннинг асосий вазифаси давлат қурилишининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

У қадим Юнонистондаги 158 давлат тузилмаларининг келиб чиқиши тарихи, фаолият кўрсатиш жароёнларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, ўзидан олдин ўтган мутафаккирларнинг бу соҳадаги ғоя ва қарашларини умумлаштирди ва ривожлантирди. Давлат табиий тузилма бўлиб у қонун асосида бошқарилиши лозим. Қонун ҳукмронлиги ўрнатилган жамиятдагина адолат қарор топиши мумкин деб таъкидлайди олим. Жамият тараққиёти оиладан, жамоа, ундан эса давлат даражасига ёйилади. Лекин, мантиқан давлат бирламчидир. Зеро у барча имкониятларни жамият олдида турган мақсад-вазифаларни бажаришига сафарбар қиладиган ва амалга оширадиган ягона куч-воситадир. Давлатнинг асосий мақсад-вазифаси фуқароларга фаровонлик, яхши ҳаёт тўхфа этишдан келиб чиқиши керак. Унинг сиёсий қарашларида ҳам Платон таълимотлардаги тенденция-киши давлатнинг ажралмас бир қисми, жамият, давлат манфаатлари шахсий манфаатлардан устун қўйилганлиги кўзга ташланади. Шахсий

¹² Қаралсин: Хеллер Джозеф. Вообрази себе картину. Журнал. Иностранная литература. М. 1998. №2. С.63.

¹³ Қаралсин: Асмус В.Ф. Античная философия. Учеб. Пособие. Изд доп. М., "Высшая школа" 1976. С. 236-238.

¹⁴ Қаралсин: Асмус В.Ф. Античная философия. С. 238-242; Политология. Учебник для вузов/под.ред. М.А.Василика. С. 43-44.

манфаатлар жамият манфаатларига бўйсундирилади. Аммо алоҳида олинган шахснинг ҳаммаси ҳам давлат таркибига кирмайди, тўлақонли аъзо бўлолмайди. Бу хол энг аввало куллар ва куллик билан боғлиқдир. Фуқаролар эркин, озод кишилар. Уларнинг хўжайини йўқ, ҳеч кимга тегишли эмаслар. Фуқаролар ҳарбий ишлар, қонунчилик кенгашларининг йиғилишлари, судлов ишларида иштирок этадилар. Қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш куллар тақдир-қисматига битилган юмушдир¹⁵.

Файласуф томонидан рад этилган ва танқид остига олинган идеал давлат тузуми ўрнига у ўзининг идеал давлат ҳақидаги янги таълимотини олға суради. Унинг давлат, Полиси ижтимоий асосини ҳарбийлар табақаси ва давлат манфаатлари ҳимоясида турадиган, эндигина кўрсатиб ўтилган, қонунчилик кенгаши ҳамда судлов ишларида иштирок этадиган кишилар табақаси ташкил этади. Худди ана шу иккита синф давлат ва мулкка эгалик қилишга ҳақлидир. Фуқаролар ҳам шуларнинг ўзлари. Аммо Полисда мулкдор синфлардан ташқари фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаган куллар билан тенглаштирилган куйи синф ҳам бор. Улар бошқарув ишларида қатнашмасалар ҳам Полис таркибига кирадилар. Ушбу ҳолат, вазиятни ҳисобга олиб Аристотель бошқарув ишларида фаол қатнашадиган ўрта синф ҳақида сўз юритади.

Аристотель ўзи яшаган даврдаги давлат бошқаруви шакллари икки гуруҳга бўлади. Биринчи, бошқарувни тўғри шаклига- монархия, аристократия ва полития (кўпчилик) ва, иккинчи, нотўғри шаклига - тирания, олигархия, демократияни киритади. Донишманд жамиятда рўй бериши мумкин бўлган сиёсий ларза, ағдар-тўнтаришларни келиб чиқиш сабаблари, давлат тузилишини мамлакат худудининг катта-кичиклиги, аҳоли сони ва кишиларнинг феъл-атвориға боғлиқ эканлигини ҳар томонлама таҳлил қилади. Олим гарчанд Платон сингари аристократлар бошқарувини тарафдори бўлса ҳам давлатни идора этишнинг аралаш шакли, кўпчилик-полития бошқаруви ҳам ўзини оқлаши мумкинлигини башорат қилади.

Антик давр сиёсий ғоя ва қарашлари ҳақида гап кетганда, албатта, қадимги Рим мутафаккири, тенги йўқ нотиқ Цицерон (эрамиздан олдинги 106-43 йиллар) номи тилга олинади. У ўзининг сиёсий назарияларида иккита энг муҳим ғоя-жамиятдаги адолат энг яхши, ҳақиқий конституция қабул қилинганидагина амалга оширилиши ҳамда қонунларни ҳурмат қилмайдиган одамларсиз қонунлар ҳеч нарса эмаслиги ғоясини олға суради. Табиий, ҳақиқий ҳуқуқ деб ёзади файласуф ҳар қандай битиладиган қонун, давлат қурилишидан аввал пайдо бўлган. Давлатнинг ўзи моҳият-мазмуниға кўра адолат ва ҳуқуқ тимсолидир. У Платон ва Аристотелдан фарқли равишда давлат бошқаруви монархия, аристократия ва демократиянинг энг афзал томонларини ўзида мужассамлаштирган аралаш бошқарувни тақлиф қилади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки Цицерон ҳуқуқий давлат ижодкоридир.

Умуман олганда, антик давр донишмандларининг ижодида сиёсат инсон борлиғи, ҳаётининг энг муҳим жиҳати деб таҳлил қилинган ва баҳоланган. Улар тасвирида инсоният жамияти ва давлат бир биридан узоқда, бир бириға қарши турмаган бирликлардир. Давлатнинг бирдан бир мақсади жамият аъзоларига бахтли ҳаёт кечиртиш учун имкон, шароит яратиб беришдан иборат бўлган. Бироқ мутафаккирлар наздида киши ҳар қандай давлатда эмас, балки оқилона ва ижтимоий адолат принциплари заминида ташкил этилган давлат, жамиятдагина ўзининг нималарға қодир эканлиги, нима учун яшаётганлигини намоён қила олади. Шунинг учун ҳам антик файласуфлар ўз таълимотларида мукаммал давлат барпо этишни орзу қилганлар.

Такрорлаш учун саволлар

- 1. Аристотельнинг инсон табиатан сиёсий мавжудотдир деган иборасини изохлаб беринг.*
- 2. Сиёсатни жамият ижтимоий ҳаётининг бошқа соҳаларидан ажратиб турадиган хусусиятларини кўрсатиб ўтинг.*
- 3. Сиёсатшунослик фанининг предмети нималардан иборат?*
- 4. Сиёсатшунослик фани қонунларининг асосий йўналишларини тушунтириб беринг.*
- 5. Фаннинг вазифа ва ўрганиш услубларини характерлаб беринг.*
- 6. Сиёсатшуносликни Сиз таълим олаётган олий ўқув юртида ўтилган бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро алоқадорлигини шарҳланг.*
- 7. Қадимги Хитой мутафаккирларининг сиёсий ғоя ва қарашларини таърифланг ва фарқланг.*
- 8. Платоннинг сиёсат ва сиёсатшуносликка қўшган ҳиссаси нимадан иборат?*
- 9. Аристотель ўз даври сиёсий қараш ва назарияларига қандай янгиликлар киритди?*

¹⁵ Қаралсин: Асмус В.Ф. Античная философия. Стр. 379-392.

2-мавзу: Жамиятнинг сиёсий тизими. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари.

Режа:

1. Сиёсий тизим тушунчаси, унинг таркиби, ўзига хос хусусиятлари, функциялари.
2. Сиёсий тизим типологияси. Сиёсий тизимда давлат ва нодавлат ташкилот, уюшмаларнинг ўрни ва роли.
3. Сиёсий институтлар. Давлатнинг моҳияти, вужудга келиш шакллари, қурилиши ва бошқарув услублари.
4. Фуқаролик жамияти. И.А.Каримов давлатнинг бош ислохотчилиги ҳақида.

Сиёсий тизим тушунчаси, унинг таркиби, ўзига хос хусусият ва функциялари.

Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар, жароёнларнинг бевосита иштирокчиси давлат, ҳокимият, ижтимоий гуруҳ, синф, қатлам ёки миллатларгина эмас, балки улар томонидан тузилган турли хил ташкилот, уюшмалардир. Маълумки қулдорлик жамиятидан тортиб ҳозирги кунгача жамиятдаги турли гуруҳ манфаатларини кўзлаб давлат, ҳокимиятга таъсир, босим ўтказадиган, манфаатлари бир-бирига мос келадиган ёки мос келмайдиган жамоатчилик ташкилотлари, уюшмалари фаолият кўрсатиб келган. Худди ана шу ташкилот, уюшмаларнинг умумий йиғиндиси жамият сиёсий тизимини ташкил этади.

Сиёсий тизим ҳақидаги ғоя ва таълимотлар ривожининг янги даври XX аср ўрталарига бориб тақалади. Даставвал америкалик социолог Т.Парсонс жамият ҳаётидаги бир-биридан фарқ қиладиган мустақил иқтисодий, маънавий тизимлар ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқади. Кейинчалик эса шу мамлакатнинг сиёсатшунос олимлари Д.Истон ва Г.Алмонд ва уларнинг издошлари бу таълимотни янада ривожлантириб, уни ҳозирги даражасига олиб чиқадилар¹⁶.

Улар томонидан кашф этилган тизимнинг қиёфаси ривожланаётган ва ўзини-ўзи бошқарадиган ягона организмни эслатади. У ўзаро алоқадорлик ришталари билан боғланган диалектик яхлитликни ташкил этувчи мустақил сиёсий ва носиёсий тузулмалардан иборат бўлиб, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий талаб-эhtiёж, қарор ва кўрсатмалар орқали ҳаракатга келади.

Умуман олганда, жамиятнинг сиёсий тизими-бу сиёсий ҳокимият ва жамият бошқарувини амалга ошириш институтлари-давлат, сиёсий партия, касаба уюшмалари, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар ва бошқа жамоат ташкилотлари ва уюшмаларининг, шунингдек, ҳаракатдаги ҳуқуқий, сиёсий нормалар, муносабатларнинг умумий йиғиндисидир.

Сиёсий ҳокимият жамият сиёсий тизимининг ўзагини ташкил этиб, унинг табиати, мазмун-моҳияти, чегараларини белгилайди, жамият тараққиёти, жумладан, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, социал таркиби, маданий-маънавий, миллий-этник ҳолати, кишиларнинг уюшқоқлиги ва ҳамкорлиги, давлатнинг халқаро майдонда тутган ўрни ва мавқеини акс эттиради.

Жамият сиёсий тизимини ташкил этувчи элементлар сиёсий ҳокимиятни шакллантириш ва амалга оширишда тутган ўрнига қараб қуйидаги тўртта кичик гуруҳларга бўлинади: биринчиси-давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлардан иборат ташкилий тизим; иккинчиси-сиёсий маданият, сиёсий онг, мафкура, жамоатчилик фикрини ўз ичига олган маданий-мафкуравий тизим; учинчиси-сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, ахлоқий ва бошқа меёрларни ташкил этувчи меёрий-норматив тизим, ва ниҳоят, ўзида оммавий информация воситалари, коммуникация ва илмий инфраструктура-тузулмаларини мужассамлаштирган ахборот-коммуникация тизими¹⁷.

Жамият сиёсий тизими бажарадиган вазифа-функциялари қуйидагилардан: а) жамият аъзоларининг социаллашуви-давлат ва жамиятни бошқаришга жалб қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш; б) жамият тараққиётининг мақсад-вазифаларини белгилаш, уларнинг илмий-назарий асослари, дастурларини ишлаб чиқиш, мавжуд имкониятлар ва кенг халқ оммасини, уларни бажаришга сафарбар этиш; в) мамлакатдаги моддий, маънавий бойлик, неъматларни ижтимоий гуруҳ, қатламларнинг жамиятда тутган ўрни, мавқеи, манфаатларига мос келадиган тарзда тақсимлаш; г) давлат, ижтимоий гуруҳ, бирлик ва шахс манфаатларини уйғунлаштириш, мувофиқлаштириш; д)

¹⁶ Қаралсин: Каменская Е.Н. Политология. С. 70-73; Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. С. 182.

¹⁷ Қаралсин: Отамуротов С, Эргашев И, Акрамов Ш, Қодиров А. Политология. Т: “Ўзбекистон”, 1998. 52 б.

жамият аъзоларининг сиёсий онги, маданияти ва фаоллигини ошириш; е) мавжуд ижтимоий-сиёий тузум асослари, ундаги тартиб-қоида ва қонунчиликни мустахкамлашдан иборат.

Жамиятдаги бошқа ижтимоий тизимлар қатори сиёсий тизим ҳам ўзига хос хусусиятларга эга, булар:

а) у ҳокимиятни амалга оширади. Аҳолининг барча қатламлари учун бажарилиши шарт бўлган қарор, кўрсатмалар ишлаб чиқади. Шунинг учун ҳам у бошқа тизимлардан устун, юқори туради;

б) сиёсий тизим жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий структураси-тузилишига боғлиқ бўлиб, жамиятнинг иқтисодий негизига асосланади;

в) махсус бошқарув органларига эгалик қилиши сабабли сиёсий тизим, нисбатан, мустақил тизим ҳисобланади;

г) сиёсий тизим ҳокимият ҳамда ўзидаги моддий ва меҳнат ресурсларини ишга солиш орқали жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларига ўз таъсирини ўтказди.

2. Сиёсий тизим типологияси. Сиёсий тизимда давлат ва нодавлат ташкилот, уюшмаларнинг ўрни ва роли.

Сиёсий муносабат, сиёсий принцип ва нормалар ҳам жамият сиёсий тизимининг муҳим элемент-унсурлари ҳисобланади. Сиёсий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг таркибий қисим бўлиб, у сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш ёки унинг ўзига нисбатан бўлган алоқаларда, жамиятдаги сиёсий ва носий ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорликларида, шунингдек, ижтимоий гуруҳ, синф, қатлам, миллатлараро ҳамда давлатлараро муносабатларда намоён бўлади. Бундан ташқари сиёсий муносабатлар сиёсий ташкилотни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ва бошқа соҳаларини бошқариш ва уларга раҳбарлик қилиш жароёнларида ҳам ўз аксини топади.

Сиёсий принцип, нормалар ҳақида сўз кетганда таъкидлаш жоизки улар жамият сиёсий системасини ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишини белгиловчи тартиб-қоидалар йиғиндиси-асосидир. Сиёсий принцип, нормалар жамиятдаги ижтимоий-сиёсий тузум шаклига хос бўлади. Масалан, авторитар сиёсий тузум ўрнатилган мамлакатда сиёсий ҳокимият бир киши ёки бир гуруҳ одамлар қўлида мужассамлашади. Авторитаризмнинг бош принципи, тамойили-бу сиёсатда қатнашишдан бошқа ҳамма нарсага рухсат берилишидир. Бундай жамиятда фуқароларнинг сиёсий ҳақ-ҳуқуқлари мумкин қадар чегараланган бўлади, давлат ҳокимияти тармоқларга бўлинмайди, бўлинган тақдирда ҳам унга амал қилинмайди, сиёсий ҳокимият марказлашган характерга эга бўлади, муҳолифат сикув остига олинади ёки унга умуман йўл қўйилмайди, сиёсий партиялар, оммавий ташкилотлар фаолияти назорат остига олинади.

Бунинг акси ўлароқ демократик тузум ҳокимиятнинг легитимлиги (қонунийлиги), унинг мустақил қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятларга тақсимланиши, инсон ҳуқуқ, эркинликларини ҳурмат қилиши, кўппартиявийлик, асосий ҳокимият органларини сайлаб қўйилиши, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги, қонун устиворлиги, ошқоралик, жамиятда мустақил муҳолифат, оммавий ахборот воситаларининг мавжудлиги каби замонавий-демократик принцип, нормаларга асосланади.

Ана шу демократик норма, принциплар сиёсий муносабатларни тартибга солиш, жамият сиёсий тизимини мустахкамлаш, унда юз бериши мумкин бўлган турли хилдаги вазият, ҳолатларни баҳолаш ва тегишли чоралар кўриш имконини беради. Қолаверса, жамиятда қабул қилинган норма, принципларни халқ оммасига етказиш орқали ҳокимият тизимлари фуқароларда уларга мос ҳулқ-атворни шакллантиришга ҳаракат қиладилар.

Сиёсий онг, сиёсий маданият, сиёсий мафқуралар ҳам жамият сиёсий тизимининг муҳим таркибий қисмларини ташкил этадилар. Лекин бу масалалар алоҳида батафсил таҳлил қилиниши сабабли ушбу маъруза доирасида уларга тўхталиб ўтиш шарт эмас деб топилди.

Сиёсий ҳаётнинг кўп қирраллиги ва уни турлича нуқтаи-назардан таҳлил этилиши, сиёсий тизимни классификация-гуруҳларга ажратиш, тасниф этишга асос бўлиб хизмат қилади. Сиёсий адабиётларда сиёсий тизимлар инсоният жамияти турларига қараб анъанавий, модернизациялашган, демократик, тоталитар; атроф-муҳит билан ўзаро алоқадорлиги жиҳатидан - очиқ ва ёпиқ; сиёсий маданиятни сиёсий ҳокимият тузилиши ва фаолиятида намоён бўлиши нуқтаи назаридан инглизча, американча, континентал-европача кўринишлари мавжуд.

Жаҳон миқёсида кенг тарқалган сиёсий тизимлар қаторига тоталитар, авторитар ва демократик сиёсий тизимлар киради. Жамиятда ўрнатилган сиёсий режим-идора этиш усули ана шу тизимлар ўртасидаги тафовутларни белгиловчи муҳим фактор ҳисобланади. Ҳозиргина авторитар ва демократик

сиёсий тузумлар хақида фикр-мулохазалар билдирилганлиги назарда тутиб биз асосий диққат эътиборни тоталитар сиёсий тизимининг ўзига хос хусусиятларига қаратамиз.

Тоталитар сиёсий тизимининг маъно-мазмунини “тоталитаризм” тушунчаси билан изоҳланади. Бу тушунчани илк бор 1925 йилда Италиядаги фашистик режим лидер-етакчиси Б. Муссолини ўзи тузган бошқарув тизимини характерловчи ибора сифатида татбиқ этган. 1929 йилга келиб “тоталитаризм” тушунчаси собиқ СССРга нисбатан ҳам қўлланилган¹⁸.

XX асрнинг 50-чи йилларида америкалик политологлар К. Фридрих ва Зб. Бжезинскийлар тоталитар режим табиатига хос белги-хусусиятларни ишлаб чиқадилар. Улар таълимотига кўра:

а) тоталитаризм бу ўздан олдинги ижтимоий-сиёсий тартиботни бутунлай инкор этадиган ва одамларни янги жамият куриш ғоялари билан қуроллантириб уни амалга оширишга сафарбар қиладиган расмий мафкурадир. Аҳолининг барча қисмларидан ана шу мафкурани сўзсиз тан олиниши ва бажарилиши талаб қилинади. Тоталитар режим ўрнатилган мамлакатларда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари-иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маданий ва бошқа жабҳалар, муносабатлар, ахлоқий, сиёсий норма ва принциплар ана шу ягона мафкурага бўйсунадилар;

б) харизматик лидер-етакчи бошқарадиган ҳокимиятни ягона партия томонидан монополлаштириб олиш. Бундай вазият, ҳолатда партия ўзида давлатни мужассамлаштиради ва унинг ўзи давлатнинг функция-вазифаларини бажаради;

в) террористик полиция кучига асосланган текширув тизими томонидан нафақат “халқ душманлари”, балки бутун жамият фаолиятини назоратга олиниши. Бундай назоратдан алоҳида олинган шахс, бутун синф, этник гуруҳлар ҳам четда қолмайди;

г) оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан партия назоратини ўрнатилиши. Ҳар қандай ахборот, маълумотни цензура қилиш, барча оммавий коммуникация воситалари-матбуот, радио, кино, адабиёт ва бошқа соҳалар фаолиятини назорат остига олиш;

д) қуролли кучларни ҳар томонлама назорат қилиб бориш;

е) иқтисод ва бюрократик иқтисодий бошқарувни марказдан назорат қилиниши¹⁹.

Хулоса шундан иборатки жамиятнинг сиёсий тизими-бу давлат ва нодавлат ташкилот, уюшмалар, сиёсий муносабат, бошқарув, норма ва принципларнинг умумий йиғиндиси сифатида сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш, жамият тараққиётининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш, фуқароларни жамият олдида турган мақсад-вазифаларни бажаришга сафарбар этиш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш каби муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий функцияларни оширадиган куч, қурол-воситадир.

Сиёсий тизим институтлари ичида энг нуфузлиси давлат ва сиёсий партиялар ҳисобланадилар. Худди шулар чин маънодаги сиёсий институтларни ташкил этадилар. Буларга яқин турган бошқа жамият ташкилотлари, уюшма, ҳаракатлар сиёсий институтлар таркибига шартли киритиш мумкин ҳолос. Бизнингча уларни жамият сиёсий-ижтимоий ҳаётида фаол қатнашадиган аҳолининг турли гуруҳ, қатламлари, касбий-малакавий, миллий, маданий-маърифий ва бошқа манфаат, қизиқишларини ифода қиладиган, фуқароларни жамият, давлат ва ҳокимият билан боғлаб турадиган носий ташкилотлар деб аташ мумкин.

Давлат жамиятнинг расмий вакили, ундаги раҳбарлик ва бошқарувни амалга оширувчи сиёсий тизим ва сиёсий ташкилотнинг етакчи институтидир. У кишилар, ижтимоий гуруҳ, қатлам, сиёсий тизим таркибига кирувчи барча ташкилотлар, уюшма, ҳаракатларнинг ўзаро муносабатлари, ҳамкорлигини ташкил этувчи ва назорат қилувчи қурол воситасидир. Ҳокимият ўз сиёсий фаолиятини давлат орқали амалга оширади.

Давлатни ташкил этувчи асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1) давлат ҳокимияти (мажбурлаш, бошқариш аппарати)нинг мавжудлиги; 2) аҳолининг худудлар бўйича уюшганлиги; 3) суверенитет-мустақиллиги; 4) ҳуқуқ ижодкорлиги (қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизимини амалга ошириш); 5) фуқаролар, корхона, муассаса, ташкилотлар ва бошқа хўжалик юритиш субъектларидан ундириладиган солиқ микдорини белгилаш ва солиқни ундириш; 6) мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, жинойтчиликка қарши кураш, халқ фаровонлигини юксалтириш²⁰; 7) давлат рамзлари-герб, байроқ, гимн.

¹⁸ Қаралсин: Политология. Учебник для вузов. Под. ред. М.А. Василика. Стр. 238.

¹⁹ Ўша ерда.

²⁰ Қаралсин: Фалсафа: Қомусий луғат. 99 б.: Политологический словарь в двух частях. Часть 1. С. 64.

Давлат ўзининг ички ва ташқи сиёсатида намоён бўладиган турли хилдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларга алоқадор вазифа-функцияларни бажаради. Давлатнинг ички функциялари энг аввало, унинг иқтисодий-ижтимоий муносабатларни бошқариш, хўжалик юритиш, халқ оммасининг меҳнат, турмуш шароитларини яхшилаш, фаровонлигини ошириш, ҳар томонлама етук комил инсонни тарбиялаш, миллий-этник, халқаро муносабатларни ривожлантириш, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, мавжуд ижтимоий тузум асослари, ҳуқуқ-тартибот тизимини мустаҳкамлашдан иборат.

Давлатнинг ташқи вазифа-функцияси эса жаҳон мамлакатлари, халқлари билан ўзаро алоқа, муносабатларни ўрнатиш, турли даража, соҳалардаги интеграцион жароёнларда, халқаро меҳнат тақсимоотида, глобал муаммоларни хал этишда иштирок этиш, халқаро майдонда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат мудофаасини таъминлаш, ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий муносабатларни авж олдиришга қаратилади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятига ўтиш даврида давлатнинг бошқарувчанлик роли янада ошиб бормоқда. Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “Ўзбек модели”да давлат бош ислохотчи деб белгиланган. Давлат мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий соҳалар, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги туб ўзгаришларнинг устивор йўналишлари, уларнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқди ва изчил амалга оширмоқда.

Ўтган йигирма йиллик мустақил ривожланиш даврида давлат қурилишининг барча соҳаларида улкан натижаларга эришилди. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадларининг ўсиши эса 3,8 баробарни ташкил этди.

2008-2011 йилларда, яъни жаҳон миқёсида рўй берган ва давом этаётган молиявий - иқтисодий инқироз сабабли дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суратлари сезиларли равишда тушиб кетган, ишлаб чиқариш пасайган бир вақтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суратлари 2008 йилда 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил этгани, умуман олганда, сўнгги беш йил мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача ўсиши 8,5 фоизга тенг бўлгани²¹ ислохотларни қай даражада бораётганлигидан далолат беради. Давлатнинг бош ислохотчилик роли нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Лекин фуқаролик жамиятининг таркибий қисми бўлган давлатнинг бошқарувчилик роли абадий эмас. Демократик ҳуқуқий давлат ривожлана борган сари у ўзининг ҳозирги кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш даврида бажараётган функциялари босқичма-босқич, фуқаролар, уларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларига ўтади, яъни фуқаролик жамиятининг асосий тамойили - ўзини ўзи бошқариш тамойили амалга ошади.

Президент И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек “Бундай жамиятда давлатнинг бош вазифаси тараққиёт структурасини аниқ белгилаш ва уни ҳаётга жорий этиш учун қаттиқ назорат олиб боришдан иборат бўлади.

Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифаларнигина амалга оширади. Мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш шулар жумласидандир”²².

Жамият сиёсий тизимини ташкил этувчи энг салобатли институтлардан бири сиёсий партиялардир. Айнан сиёсий партиялар жамият аъзоларини ҳокимият, давлат билан боғлаб турадиган, турли ижтимоий гуруҳ, қатламларнинг сиёсий эҳтиёж-қизиқишларини, манфаатларини ҳимоя қиладиган, ҳокимият учун кураш олиб борадиган, фуқароларнинг сиёсий онги, маданияти, фаоллигини оширишга хизмат қиладиган ягона сиёсий институтдир.

Жамият аъзоларида демократик ҳислат-фазилатларни шакллантириш ва ривожлантиришни амалга оширадиган, фуқароларнинг ўзлари томонидан ташкил этиладиган, уларнинг сиёсий-иқтисодий, маданий-маърифий манфаатларини қондиришга, ўзликларини намоён қилишга хизмат қиладиган ихтиёрий бирлашмалар-касаба уюшмалари, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар ташкилотлари, ҳунармандлар, китобхонлар, исътемомчилар, сайловчилар, экологик, миллий, спорт ва бошқа соҳаларда

²¹ Қаралсин: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Наманган хақиқати. 2010, 16 ноябрь; Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз-демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. “Халқ сўзи” 2011. 8 декабрь.

²² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1995. 15 б.

ташқил этилиши мумкин бўлган доимий ёки даврий уюшма ҳаракат, клуб каби ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам жамиятнинг сиёсий тизими ва фуқаролик институтлари асосини ташқил этадилар. Ёзилмаган ҳақиқат шундан иборатки уюшмаган кўпчилик бу-оломон, уюшган озчилик эса-қудратли куч.

“Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташқилотлари,-деб уқтиради давлатимиз раҳбари И.А.Каримов, -ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Сиёсий институтлар. Давлатнинг моҳияти, вужудга келиши ва унинг ўзига хос белги, хусусиятлари.

Жамиятнинг сиёсий тизими турли вазифа-функцияларни бажарувчи тузилмалардан иборат бўлиб, унда сиёсий институтлар алоҳида ўрин тутади. Ижтимоий-сиёсий манбааларда сиёсий институтлар таркибига ҳокимият асосларини ташқил этувчи ва ҳокимиятни амалга оширувчи давлат, сиёсий партиялар, манфаатлар гуруҳлари, ижтимоий ҳаракатлар, ташқилот, уюшмалар, оммавий ахборот воситалари киритилган²³.

Жамият, унда кечаётган сиёсий жароён, муносабатларга жиддий таъсир ўтказувчи куч, қурол-бу давлат ва сиёсий партиялардир. Чин маънодаги сиёсий институтлар ҳам шулар ҳисобланади. Давлат жамиятнинг расман вакили сифатида жамият номидан бажарилиши ҳамма, ҳамма учун шарт бўлган қонун, қарорларни қабул қилади, уларнинг ижросини, жамият барқарорлиги, ундаги тартиботни таъминлайди. Сиёсий партиялар эса ҳокимиятни шакллантирувчи, жамиятни давлат билан боғлаб турувчи механизм, восита вазифасини бажаради. Бошқа турдаги жамоатчилик ташқилотлари, уюшмалар ижтимоий-иқтисодий дастурларни ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашадилар, ўз аъзолари манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Сиёсий тизимнинг марказий, бош институти давлатдир. “Давлат қурилиши борасида танқидий нуқтаи назарсиз қабул қилинадиган тайёр қолип ва андозалар йўқ. Дунёда бир-бирига айнан ўхшаган иккита инсон бўлмаганидек, бир-бирига айнан ўхшаган иккита давлат ҳам йўқ. Бундай бўлиши ҳам мумкин эмас”²⁴.

Демак, ҳар бир давлат-алоҳида, бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий ҳаётининг маҳсули, унинг ўзига хос ва ўзига мос маданияти, ривожининг мантиқий натижасидир.

“Давлат” тушунчасига икки хил, тор ва кенг маъноларда ёндошилади. Тор маънода у ҳуқумронлик институти, давлат ҳокимиятининг бош субъекти, соҳиби сифатида қўлланилади. Бундай ҳолатда давлат “жамият”га қарама қарши тургандай туйилади. Аслида эса давлатни инсоният жамияти тузади ва у жамиятга хизмат қилади.

Кенг маънода давлат маълум кенглик, макондаги кишиларнинг умумий бирлиги, жамоа-уюшмаси, жамиятни ифодалайди. Худди шу маънода Ўзбекистон, Америка, Россия, Олмон давлати деб юритилади. Баъзи бир ҳолларда давлат мамлакат, сиёсий жиҳатдан уюшган халқ билан ҳам тенглаштирилади.

Давлат мазмун-моҳиятини белгиловчи норматив ва институционал ёндошувлар мавжуд бўлиб, унинг биринчисига кўра давлат жамиятдаги сиёсий муносабатлар, фуқаролар ҳуқ-атворларини тартибга солиш, бошқариш шакли. Иккинчисига кўра эса давлат ҳокимият тимсоли, унинг бош институти, турли мураккаб поғона-босқичлардан ташқил топган тузилма сифатида талқин қилинади.

Ана шуларга асосланиб **давлатни бир бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг маҳсул бошқарув аппарати таянадиган, барча учун қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган сиёсий ташқилот**²⁵ деб таърифлаш мумкин.

Давлат учун умумий белгилар қуйидагилардан иборат бўлади:

- 1) расмий ҳокимиятни жамиятдан ажратилганлиги, унинг халқ ташқилотига мос келмаслиги, профессионал бошқарувчилар қатламини вужудга келиши. Давлатнинг ушбу белгилари уни ўзини ўзи бошқаришга асосланган қабила-уруғчилик ташқилотидан фарқлайди.

²³ Қаралсин: Политология. Под общей редакцией Ю.А.Северова. Часть. II. стр. 3; Политология. Учебник для вузов/ под.ред. М.А.Василика. Стр. 203-204.

²⁴ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 1996, 6 б.

²⁵ Фалсафа: Қомусий луғат. 99 б.

- 2) давлат чегараларини белгиловчи ҳудуд. Давлатнинг қонунлари ва ваколатлари маълум ҳудудда истиқомат қилувчи кишиларгагина таалуқли бўлади. Давлат қариндош-уруғчилик муносабатларига қараб эмас, балки ҳудудий ва кишиларнинг этник бирлиги асосида ташкил этилади.
- 3) Суверенитет, маълум ҳудудда олий ҳокимият мавжудлиги. Ҳар қандай жамиятда ҳокимиятнинг оилавий, ишлаб чиқариш, партиявий ва бошқа турли шакллари учраб туради. Аммо барча фуқаролар, ташкилот, муассасалар учун қарорлари мажбурий бўлган олий ҳокимият давлатга тегишлидир. Фақат давлат аҳолининг барча қатламлари учун мажбурий қонун ва нормаларни қабул қилиш ҳуқуқига эга.
- 4) куч ва жисмоний зўравонликни қўллаш ва ишлатишга монопольлик. Давлат томонидан жисмоний куч ишлатиш одамни эркинликдан маҳрум қилишдан тортиб то жисмоний йўқ қилиб ташлашгача бориб етади, ҳуқуқий давлат ҳокимиятини ўта таъсирчан куч эканлигини намоеън қилади. Давлатнинг зўравонлик функциялари махсус воситалар (қурол, қамоқхона ва х.к) шунингдек, армия, милиция, ҳавфсизлик хизмати, суд, прокуратуралар орқали амалга оширилади.
- 5) аҳолидан солиқ ва бошқа йиғимларни ундириш. Солиқлар кўп сонли хизматчилар ва давлат сиёсатининг асоси-мудофаа, иқтисод, ижтимоий ва бошқа соҳаларни таъминлаш учун керак бўлади.
- 6) давлат аъзоси бўлишнинг мажбурийлиги. Сиёсий партияга аъзо бўлиш ихтиёрий, ҳамма учун шарт эмас. Аммо киши давлат фуқаролигини дунёга келиши билан олади²⁶.

Давлатнинг умумий белгиларини аниқлаб олиш нафақат илмий-назарий, балки амалий сиёсий, айниқса халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Давлат халқаро муносабатлар субъектидир. Ана шу сифатларга эга давлат у ёки бу ташкилотгина халқаро ҳуқуқнинг субъекти деб тан олинадилар ва унга мос ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

Тахминан XVII асргача давлатни жамиятдан ажратилмаган ҳолда талқин қилинган. Уни ифодалаш учун “полития”, “қироллик”, “империя”, “республика”, “деспотия” ва бошқа ном-иборалар ишлатилган. Ҳаттоки 2700 йиллик давлатчилик тарихига эга²⁷ бизнинг қадимий ҳудудимизда ҳам давлатни миллийлик белгисига қараб ташкил этиш, номлаш қабул қилинмаган эди. “... Бу ерда Россия томонидан мустамлака қилиб олинганча мавжуд бўлган ҳамма давлатлар асосан сулолавий ёки ҳудудий (Бухоро, Қўқон, Хива хонликлари) принциплар бўйича ташкил этилар эди”²⁸ яъни давлат миллат номи билан аталмаган.

Н.Макиавелли биринчи бор амалиётда давлатни кенг маънода қўллаш у киши томонидан ўрнатилган ҳар қандай олий ҳокимиятни, хоҳ у монархия, хоҳ республика бўлмасин махсус термин “Stati”(мақом)ни илмий муомалага киритади ва давлатни тузиш, ташкил этиш масалаларини илмий тадқиқоти билан шуғуллана бошлайди.

Давлат ва жамиятни шартнома асосида бир-биридан ажратиш, олий ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва федерал органларга бўлиш ғояларини Т.Гоббс, Ж.Локк, Ж.Ж.Руссо ва бошқа либерализм вакиллари ҳам олға сурадилар.

Давлатни ташкил топиши ҳақида турли назария-концепциялар мавжуд. Булар:

а) теократик (руҳонийлар бошқаруви) концепция давлатни келиб чиқиши худонинг хоҳиш-иродаси билан боғлайди. Монарх худонинг ердаги вакилидир;

б) шартнома концепцияси давлатни вужудга келиши жароёнини халқни ҳуқумдор билан тузган ўзаро шартномаси асосида юзага келиши ғоясини олға суради;

г) забт этиш назариясида давлат заиф, кучсиз гуруҳларни ташкилий жиҳатдан уюшган, кучли гуруҳлар томонидан босиб олиниши натижаси деб қаралади;

д) ижтимоий-иқтисодий концепция давлат меҳнат тақсимотини амалга оширилиши, иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш, жамиятдаги ижтимоий қарама-қаршилик, зиддиятларни кескин тус олиб бориши натижаси ўлароқ талқин қилади.

Шунингдек, илмий адабиётларда давлат келиб чиқишини Дарвин таълимотига асосланган органик назария; Миср, Месопотамия, Хитой, Ҳиндистон давлатларини ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган кенг миқёсдаги ирригацион ишларни акс эттирувчи ирригацион назария, давлат ижтимоий

²⁶ Қаралсин: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. Стр. 252-253.

²⁷ Қаралсин: Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар)//Масъул муҳаррир: Б.Аҳмедов/. Т.: “Шарқ”, 2000. 23 б.

²⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарққиёт қафолатлари. Тошкент 1997. 101 б.

меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш кучларига хусусий мулкчиликни шаклланиши, жамиятни синфларга бўлиниши билан боғлиқ марксча назариялар ҳам кўп учрайди.

Давлат шакллари, қурилиши ва бошқарув услублари.

Тарихий турларига қараб давлатлар қулдорлик, феодал, капиталистик, социалистик давлатлар деб номланадилар.

Шунингдек, давлатлар ўзларининг бошқарув шакллари ва тузилиши жиҳатидан ҳам фарқланадилар.

Бошқарув шакли-бу олий давлат ҳокимиятини ташкил этиш услуби, ҳокимият органлари ўзаро муносабатларининг принциплари ҳамда уларни амалга оширишда халқ оммасининг иштироки даражасидир. Давлат ҳокимиятини ким ва қандай амалга ошираётгани, ҳокимият органларини қай тарзда тузилганлиги ва унинг қандай фаолият кўрсатаётганига қараб бошқарув иккита асосий шакл-монархия ва республикага бўлинади.

Монархия бошқарувида олий ҳокимият давлат бошлиғи, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятларнинг вазифа функциялари бир киши-монархга тегишли бўлади. Шундай қилиб монархияда давлат бошлиғи барча давлат аппарати учун расман ҳокимият манбаи бўлиб хизмат қилади. Монархия икки хил: мутлоқ ва конституцион кўринишларда намоён бўлади. Ҳозирги замонда Саудия Арабистони, Қатар, Уммон, Бруней давлатларидаги бошқарув шакли шунга яқинроқ туради.

Конституцион монархия бошқарувида монарх ҳокимияти ҳокимиятнинг конституция асосида ташкил этилган бошқа органлари томонидан чегараланган бўлади. Ўз навбатида конституцион монархия дуалистик ва парламентли монархияларга бўлинади.

Дуалистик монархия бошқарувида монарх, асосан, ижро этувчи ҳокимият, қисман қонун чиқарувчи ҳокимиятни бошқариш ҳуқуқига эга бўлади (масалан, Иордания, Кувайт, Марокко давлатлари).

Парламентли монархия бошқарувининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки унда монарх давлат бошлиғи бўлиб ҳисоблансада амалда у вакиллик функциялари, қисман, ижро этувчи ҳокимият вазифасини бажаради. Айрим ҳолларда у парламент қарорларига вето (таъқиқлаш) ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Аммо бу камдан кам учрайди ёки, умуман, амалиётда қўлланилмайди (Англия, Швеция, Бельгия, Испания, Голландия, Люксембург, Норвегия, Япония ва х.к. давлатлар).

Парламентли монархияда ҳукумат парламентдаги кўпчилик томонидан шакллантирилади ва монархга эмас парламентга бўйсунди.

Республика бошқарув шаклида давлатдаги олий ҳокимият сайланадиган орган – парламент, Президентга тегишли бўлади. Бунда халқ ҳокимиятнинг манбаи сифатида давлат олий органларини маълум муддатга сайлаб қўяди. Республиканинг парламент, Президент, аралаш бошқарув шакллари мавжуд.

Парламент бошқаруви ўрнатилган республикада ҳукумат парламент томонидан ташкил этилади ва у расмий жиҳатдан парламент олдида масъул бўлади. Бунда ҳукумат ижро этувчи ҳокимият мақомига эгалик қилади. Кўпчилик ҳолларда ҳукумат қонунчилик ташаббуси, шунингдек, президентга парламентни тарқатиб юбориш ҳақидаги таклиф билан кириши мумкинлиги кўзда тутилади.

Парламент бошқарувида ҳукумат раҳбари бу тизимдаги биринчи шахс, Президент эса, одатда, вакиллик ва расмий маросимларда иштирок этиш вазифаларини бажаради.

Президент бошқаруви ўрнатилган республикада Президент бир вақтнинг ўзида ҳам давлат бошлиғи, ҳам ҳукумат бошлиғи ҳисобланади, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига раҳбарлик қилади, мамлакат қуроли кучларининг олий бош қўмондони вазифасини бажаради.

Республиканинг ярим президентлик ёки аралаш бошқарув шаклида кучли Президент ҳокимияти парламентнинг ҳукумат фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиши билан қўшиб олиб борилади²⁹.

2007 йилда Ўзбекистон республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ бугунги кунда “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди”³⁰.

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек ўзбек давлатчилиги узоқ тарихий даврни бошидан кечирди ва давлатни ташкил этиш, бошқариш соҳасида жиддий тажриба орттирди. Бунда буюк Амир Темур даври давлатчилик тизими алоҳида ўрин тутди. Амир Темур ўз бошқарув фаолиятида замонлар синовидан ўтган назарий ва амалий асосларга таянди ва уларни такомиллаштирди.

²⁹ Қаралсин: Пугачев В.П., Соловьев А.И. стр. 264-266.

³⁰ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. Наманган ҳақиқати. 2010. 6 ноябрь

“Темур тузуклари” да баён қилинишича Амир Темур давлат бошқарувини ҳозирги демократик принципларга яқин талаб-тамойиллар асосида амалга оширган. Булар: а) деярли барча ишлар- кенгаш, тадбир ва машварат орқали ҳаётга татбиқ этилган; б) қонун устиворлигига катта эътибор берилган. Суд (адлия) тизими тармоқларга бўлинган. Қонунчиликда фуқаро манфаати биринчи ўринда турган. “Куч-адолатда” тамойилига амал қилинган; в) халқ-давлат муносабатларида жамиятдаги барча 12 та табақа фаолияти ва манфаатлари ўзаро ҳурмат, тенглик принципларига асосланган; г) давлат хизматидаги амалдорлар ақл-заковати, билимдонлиги, бошқарувчилик қобилияти, ҳалол-поклиги, ахлоқ-одоби ва сабр-чидамлилигига қараб танлаб қўйилганлар; д) давлат бошқаруви иккита орган-даргоҳ-энг олий давлат идораси ва девонларга (вазирликларга) бўлинган; е) давлат раҳбари бир сўзли, ўз ишини билиб қилиши, ўзи ва атрофидагиларга адолатли бўлиши, ҳолис, қатъийлик билан иш юритиши, фикрлар хилма-хиллигидан чўчимаслиги, қизикқон бўлмаслиги, мулоҳаза билан иш юритиши лозим³¹ деб топилган.

Сиёсатшуносликда давлатлар тузилиши нуқтаи назаридан унитар давлат, федерация, конфедерация, империя шаклларига ажратиладилар.

Унитар давлат-бу ягона ҳудуд, ягона Конституция, марказлашган суд тизими, ягона давлат олий ҳокимияти органлари тизими, ягона фуқаролик асосида тузилган давлат шаклидир. Бундай давлатнинг ҳудуди сиёсий жиҳатдан мустақил бўлмаган маъмурий бирликлар (вилоят, туман, шаҳар ва х.к.)дан ташкил топади. Ҳозирги замон унитар давлатлар қаторига Ўзбекистон, Англия, Франция, Италия ва бошқа бир қатор давлатларни киритиш мумкин.

Федерация ўз ҳудудида маълум даражадаги мустақилликка эга давлат тузилмаларидан ташкил топган иттифоқчи давлатни билдиради. Федерациянинг ҳар бир субъекти ўзининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятларига эга бўлиши мумкин. Одатга кўра Олий давлат ҳокимияти ва федерация субъектлари ўртасидаги ваколатлар чегараланиб қўйилади. АҚШ, Россия, Канада, Мексика ва х.к. федератив давлатлар ҳисобланадилар.

Конфедерация мустақил, суверен давлатларнинг қандайдир бир умумий мақсадлар-ташқи сиёсат, мудофаа, иқтисодий ва бошқа манфаатларни кўзлаб тузилган доимий равишдаги иттифоқидир. У давлатларнинг кўнгилли уюшмаси бўлиб, улардан ҳар бири Марказий ҳокимиятга қатъий чекланган ваколатларини узатади. Конфедерациянинг барча аъзорларига тегишли қарорлар унга кирувчи давлатлар вакилларининг розилиги асосида қабул қилинади ва миллий давлатлар ҳокимият органлари тасдиқлагандан кейингина кучга киради. Ҳозирги кунда конфедератив давлат таркибига Европа Иттифоқи, шунингдек собиқ СССР ҳудудидаги суверен давлатларнинг маълум қисмини ўз ичига олган МДХни киритиш мумкин³².

Империя улкан ҳудуд, кучли марказлашган ҳокимиятга бўйсунувчи маҳаллий ҳокимиятлар, ҳар хил миллий ва маданий таркибдаги аҳолидан ташкил топган федератив давлат тузилишининг ўзига хос бир туридир. Империялар зўрлик, куч ишлатиш ёки нисбатан тинч йўллар билан қудратли миллий давлатга бошқа ҳудудларни қўшиб олиниши натижасида вужудга келадилар. Инсоният ўз тарихида Хитой, Мўғул, Рим, Византия, Олмон, Француз, Россия империяларини гувоҳи бўлган.

Давлатнинг асосий кўринишлари: ҳуқуқий давлат, ижтимоий давлат.

Назарий тафаккур ва амалиётда давлат ва шахс муносабатларида юзага келадиган келишмовчиликлар, ихтилофлар масаласига катта эътибор бериб келинган. Бошқа томондан давлат асрлар давомида бошқарув воситаси, қуроли сифатида синовдан ўтган цивилизация институти махсули деб тан олинган ва шундай бўлиб қолади ҳам. Қадим замонлардан тортиб ҳозиргача давлат табиатига хос ана шу қарама-қаршиликни бартараф этиш, давлат ва фуқаро ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган ғоялар силсиласи, энг аввал, ҳуқуқий, ижтимоий давлат ғояси олға сурилган.

Мазмун-моҳиятига кўра ҳуқуқий давлат-бу конституционализм ғоя ва принципларини ўзида мужассамлаштирган реал воқелик, институтдир.

Унда инсон ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари давлат қонунларидан устун қўйилади, шахс ва ҳокимият муносабатлари конституцияга мувофиқ амалга оширилади, ҳокимият суверен халқ хоҳиш-иродасига бўйсундирилади. Халқни давлат фаолияти устидан назоратини ўрнатиш, давлатни жамиятни ваҳимага

³¹ Қаралсин: Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 173-187.

³² Қаралсин: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. Стр. 268-270.

солиб турувчи бахайбат мавжудотга айланиб қолишига йўл қўймаслик мақсадида ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятларга тақсимланади. Мустақил суд барча фуқаролар, давлат ва жамият ташкилотлари учун бир хил кучга эга бўлган ҳақ-ҳуқуқлар ҳимоясида туради.

Ҳуқуқий давлат ғояси давлатчилик ҳақидаги қараш ва назариялар заминида босқичма-босқич шаклланди, ривожланиб келган. Масалан, барча фуқароларга тегишли қонун ҳуқумронлиги тўғрисидаги фикрни биринчи бор эрампдан олдинги VI асрда юнон архонти (ҳуқумдор) Солон билдирган. Одамнинг табиий ҳуқуқлари ва давлат қонунлари ҳақида Аристотель ва Цицерон сўз юритганлар. Қадимги Римда ва ундан сўнг Амир Темур даврида ҳуқуқий давлатнинг дастлабки куртаклари-ҳокимиятни тармоқларга бўлиниши ҳақидаги ғоялар вужудга келди, ҳаётга татбиқ этилди.

XVII-XIX асрларга келиб эса Локк, Монтескье, Кант, Жефферсон ва бошқа либерализм тарафдорлари томонидан ҳуқуқий давлат назариясининг асослари ишлаб чиқарилди³³.

Ҳуқуқий давлатлар вужудга келиши ва тараққиёт тажрибаларига асосланиб ҳуқуқий давлатга хос қўйидаги умумий белгиларни кўрсатиб ўтамиз: 1) ривожланган фуқаролик жамиятининг ташкил этилганлиги; 2) ҳуқуқий давлат фаолиятини шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, жамиятдаги тартиботни ҳимоя қилиш, хўжалик ишлари билан шуғулланиши учун зарур бўлган ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш билан чекланиши; 3) дунёқарашнинг индивидуаллиги, ҳар бир кишининг ўз фаровонлиги, бахт-саодати учун масъуллиги; 4) барча фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги, инсон ҳуқуқини давлат қонунларидан устунлиги; 5) ҳуқуқнинг умумийлиги, уни барча фуқаролар, ташкилот ва муассасалар, жумладан давлат ҳокимияти учун ҳам тегишлилиги, таалуқлилиги; 6) халқ суверенитети. Давлат суверенитетини конституциявий-ҳуқуқий регламентация қилиб қўйилиши; 7) давлат ҳокимиятини тармоқларга бўлиниши; 8) давлатнинг фуқаролик муносабатларини тартибга солишда таъқиқлаб қўйиш услубини ижозат бериш услубидан устунлиги. Бу-ҳуқуқий давлатда фуқароларга “Қонун билан таъқиқланмаган ҳамма нарсани қилиш мумкинлигини”, ижозат олиш услуби эса фақат давлатни ўзига, яъни унинг ўзига берилган ваколатлар доирасидагина ҳаракат қилишга мажбурийлигини билдиради; 9) бошқа кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари алоҳида олинган индивид эркинлигини чеклаб қўювчи бирдан бир восита эканлиги. Ҳуқуқий давлатда ҳар бир кишининг эркинлиги бошқалар эркинлигига путур етказилиши билан ўз ниҳоясига етади, тугайди.

Ҳуқуқий давлатни ташкил этилиши индивид ва жамият эркинликлари кенгайтирилишининг муҳим босқичи бўлди. Унинг ижодкорлари ҳар бир кишини эркинлик билан таъминлаш, рақобатдошлик, ҳамманинг хусусий мулкка эга бўлиш имконияти, индивидиал маъсулият ва ташаббускорликни оширади ва уларнинг натижаси улароқ умумий фаровонлик, бахт-саодат қарор топади деб ўйлаган эдилар. Аммо бундай бўлиб чикмади. Ҳуқуқий давлатда туҳфа қилинган индивидиал эркинлик, тенг ҳуқуқийлик ва давлатни фуқаролик жамияти ишларига аралашмаслиги, иқтисодни монополаштириш ва вақти-вақти билан инқирозга юз тутишини, шафқатсиз эксплуатация-бировни кучидан фойдаланиш, ижтимоий тенгсизлик ва синфий курашнинг кескинлашиб боришига тўсқинлик қилаолмади. Чуқур илдиз отган ҳақиқий тенгсизлик фуқаролар тенг ҳуқуқчилигини қадрсизлантирди, конституцион ҳуқуқлардан фойдаланишни эса бой-бадавлат кишилар имтиёзига айлантирди³⁴.

Мумтоз вариантдаги ҳуқуқий давлатнинг номукамаллиги, шунингдек маъмурий социализмга қарши конструктив жавоб сифатида ҳар бир кишига моддий эркинлик ва жамиятда ижтимоий адолат, тенгликни таъмин этувчи ижтимоий давлат ёки оммавий фаровонлик давлати назарияси шаклланди ва тараққий этмоқда.

Ижтимоий давлат-бу ҳар бир фуқарога муносиб ҳаёт кечириш учун етарли шарт-шароит яратиш бериш, унинг ижтимоий ҳимояси ва ишлаб чиқаришни бошқаришда бирга қатнашишини таъминлаш, деярли ҳамма учун бир хил яшаш, шахс ўзини жамиятда намоён қила олиш имкониятларига эга бўлиши демакдир. Бундай давлатнинг диққат марказида барча кишиларнинг фаровонлиги, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш масалалари туради. У мулкий ва бошқа ижтимоий тенгсизликни сайқаллаштириш, заиф, бенаво-бебахраларга ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилади, ҳар бир кишини иш билан ёки яшаш учун зарур бўлган бошқа манбаа билан таъминланишига ғамхўрлик қилади³⁵. Жамиятда тинчлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, инсон учун қулай ҳаётини муҳитни шакллантириш, бунёд этишга хизмат қилади.

³³ Қаралсин: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. Стр. 258.

³⁴ Қаралсин: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. Стр. 260.

³⁵ Қаралсин: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. Стр. 261.

Ижтимоий давлат тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Агар қадимги Рим ҳуқумдорлари кашшоқ-камбағалларни “нон ва томоша” билан таъминлаган бўлсалар буюк бобомиз Амир Темур “Мамлакатим худудиди тиланчилар бўлмасин, меҳнатга яроқсизлар нафақа билан таъминлансин, ишга яроқлилар меҳнат қилиб тирикчилик ўтказсин, ишқмаслар меҳнатдан бўйин товлаб, гадойчилик қилсалар, Туркистондан чиқариб юборилсин”³⁶ қабилда иш тутган. Мустақиллик йилларида эса кучли ижтимоий сиёсат юритиш тараққиётимизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолди.

Ҳозирги замон ижтимоий давлати кўп қиррали фаолият кўрсатадиган давлат бўлиб унда миллий даромад аҳолининг кам таъминланган қисмлари фойдасига қайта тақсимланади, иш билан бандчилик, корхона ишчи, хизматчилари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий суғурталаш, оила ва оналикни қўллаб-қувватлаш, ишсизлар, кекса ва ёшларга ғамхўрлик қилиш, барчанинг таълим, соғлиқни сақлаш, маданий ва бошқа тизимлар хизматидан тўла фойдалана олиш имкониятига эга бўлиш каби тартиб-қоида, нормалар кенг тараққий этади.

Фуқаролик жамияти. И.А.Каримов давлатнинг бош ислохотчилиги ҳақида.

Бизнинг бош, стратегик мақсадимиз Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир. Фуқаролик жамияти ҳуқуқий давлат заминида вужудга келадиган, ҳар бир фуқарога ўз турмуш-ҳаётини ўз ихтиёри асосида қуришига тўла эркинликларни қафолатловчи жамият бошқарувининг давлатга қарам бўлмаган мустақил шакл-босқичидир.

Фуқаролик жамияти ўзаро муносабатлари давлатнинг аралашувисиз амалга ошириладиган хўжалик, иқтисодий, оила-уруғчилик, этник, диний, ҳуқуқий ва ахлоқий, шунингдек, ҳокимиятнинг бирламчи субъектлари-индивидлар, партия, манфаат гуруҳлари ва бошқа бирлашма-уюшмаларнинг мураккаб тизимидан таркиб топади. Улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик давлат тузилмаларидан фарқли равишда бир-биридан устунлик, бўйсунувчилик талаб-қоидалари асосида эмас, балки юридик жиҳатдан эркин ва тенг ҳуқуқли шерик-партнерларнинг ҳамжиҳатлиги ва рақобатдошлиги заминида кечади.

Аммо турли нодавлат ташкилот, уюшмаларнинг бундай кўринишдаги мустақил фаолияти давлатни барҳам топилишига олиб келади деган эмас. Давлат фуқаролик жамияти сиёсий тизимининг муҳим институтларидан бири сифатида сақланиб қолади. Лекин унинг ҳозирги кундаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва бошқа соҳаларни бошқаришдаги вазифа-функцияларининг асосий қисмлари бевосита фуқароларнинг ўзларига ва уларнинг ана шу нодавлат ташкилот, уюшмаларига ўтади.

“Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифаларнигина амалга оширади. Мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш”³⁷ шулар қаторига киради.

Фуқаролик жамияти ҳақидаги ғоя ва қарашлар тарихи қадимги Юнонистон ва Римдан бошланади. Аристотелнинг “Сиёсат” номли асарида “Полис”га (шаҳар-давлат) инсоният жамиятининг бахтли ҳаётини таъминлашнинг энг олий шакли сифатида қаралади. Ўз даврида Флоробий ҳам фуқаролик жамияти шароитида бошқарувнинг жамоатчилик асослари тўғрисидаги дастлабки ғояларни олға суради. Фуқаролик жамияти масаласига оид ғоя ва таълимотлар Амир Темур, Бобур, Навоий шунингдек Ғарбий Европа мутафаккирлари Кант, Гегель, Руссо ва бошқалар томонидан давом эттирилади.

Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини қуриш пировард мақсадимиз эканлиги ва уни босқичма-босқич амалга оширишнинг назарий ва амалий асосларини юртбошимиз И.А.Каримов ҳар томонлама асослаб берди ва уларни кундалик ҳаётга татбиқ этилишига раҳнамолик қилмоқда. “Ўзбекистон,-деб таъкидлайди юртбошимиз,-келажаги буюк давлат. Бу-мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир”³⁸ “... ҳақиқий миллий раванққа биз фақат давлат ҳокимияти вазифалари қатъий ва мукаммал белгилаб қўйилган фуқаролик жамияти шароитидагина эришмоғимиз мумкин”³⁹.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш ўз-ўзидан, бирданига кечадиган жароён эмас. Бунинг учун кенг қўламдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий чора-тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари бу жароённи эволюцион, яъни, тадрижий ривожлантириш йўллари аниқ кўрсатиб, фуқаролик жамиятини дастлаб, ҳуқуқий негизини сўнгра

³⁶ Иброҳимов А ва бошқ. Ватан туйғуси/А.Иброҳимов, Х.Султонов, Н.Жўраев. –Т.-: Ўзбекистон, 1996. 65 б.

³⁷ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. 15 б.

³⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. 15 б.

³⁹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. 15 б.

демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва ривожлантириш учун етарли шарт-шароитларни вужудга келтириш ва улар асосида янги ҳаётга хос кадриятларни шакллантириш зарурлигини такрорлаб ўтади.

Жамиятни демократлаштириш узлуксиз жароён бўлиб, у фақат юқоридан туширилмайди, балки пастдан юқорига томон ривожланиб борганидагина фуқаролик жамиятига мустақкам замин яратилади. Бу эса И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “Ўзбек модели” ва “Кучли давлатдан кучли жамият сари” ҳамда 2010 йилнинг ноябрь ойида республика парламенти қабул қилган “Мамлакатимзда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция”ларини нақадар ҳаётийлиги ва пухталигидан далолат беради.

Кўриниб турганидек биринчи вазифани бажармай туриб иккинчисига ўтиш мумкин эмас. Соддарок қилиб айтиладиган бўлса ўтиш даври вазифаларини ижобий ҳал этилиши фуқаролик жамиятига солинган кўприк бўлиб хизмат қилади. Бунда Президентимиз белгилаб берганидек “... давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур. Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жароёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва изчил рўёбга чиқариш керак”⁴⁰.

Давлат ислохотлар жароёнининг марказида бўлиши шарт. Чунки, фақат давлатгина, умуммиллий иқтисодий-ижтимоий манфаатларни мужассам ифодалашга ва ҳимоя қилишга, аҳолининг барча қатламларини умум мақсадлар асосида жипслаштириш ва уларни бажарилишини таъминлашга сафарбар қилаоладиган ягона куч, бошқарув институтидир.

Гарчи фуқаролик жамиятининг шаклланиб бориши жароёнида давлат бажарадиган вазифа-функцияларни катта қисми, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, фуқароларнинг ўзлари ва уларнинг нодавлат бирлашма, уюшмаларига ўтказилсада унинг мамлакатдаги турли ижтимоий бўҳронларни олдини олиш, ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштириш, ижтимоий адолатни қарор топтиришдаги ўрни ва роли сақланиб қолади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Жамиятнинг “сиёсий тизими” тушунчасини батафсил таърифланг.
2. Сиёсий тизим элементларини характерлаб беринг.
3. Сиёсий тизим бажарадиган вазифа-функциялар нималардан иборат?
4. Сиёсий тизимда давлатнинг ўрни ва роли.
5. Сиёсий тизим турлари-тоталитаризм, авторитаризм, демократия ҳақида қандай фикрдасиз?
6. Сиёсий институтларни таърифланг.
7. Давлат ва давлат ҳақидаги гоя ва қарашларни тасниф этинг.
8. Давлатнинг турлари ва бошқарув шакллари тўғрисида нималарни биласиз?
9. Марказий Осиёдаги Марказлашган давлат қачон ва ким томонидан ташкил этилган ва қандай бошқарилган?
10. Хуқуқий давлатнинг ўзига хос белги, хусусиятларини таърифлаб беринг
11. Ижтимоий давлат ўзи нима?
12. Фуқаролик жамияти. И.А.Каримов фуқаролик жамияти ҳақида.
13. Тараққиётнинг “Ўзбек модели” концепциясида давлатнинг ўрни ва роли.

Змавзу: Сиёсий ҳокимият. Сиёсий элита ва сиёсий етакчи.

Режа:

1. “Ҳокимият”, “Сиёсий ҳокимият”: тушунча, мазмун-моҳияти. Сиёсий ҳокимият субъекти ва объекти.
2. Ҳокимиятни тармоқларга бўлиниши. Ҳокимият легитимлиги.
3. “Сиёсий элита” тушунчаси ва назариясининг вужудга келиши. Шарқ мутафаккирларининг элита ҳақидаги гоя ва қарашлари.
4. Элита ҳақидаги таълимотларни Ғарбий Европа олимлари томонидан ривожлантирилиши.

“Ҳокимият”, “Сиёсий ҳокимият”: тушунча, мазмун-моҳияти.

“Ҳокимият” сиёсатшуносликнинг энг муҳим тушунчаси ва тамал-тошидир. Жамиятда кечаётган барча ижтимоий-сиёсий жароён, воқеа-ҳодисалар, ижтимоий гуруҳ, синф, қатламлараро, турли сиёсий

⁴⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: “Ўзбекистон”. 1995. 10-11 б.

ва носий институтлараро муносабатлар, олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат самарадорлиги ҳокимиятнинг мазмун-моҳияти билан характерланади.

Ҳокимият инсоният жамоаси, жамиятдаги алоқа-муносабатларнинг умумий йиғиндиси бўлиб, жамият яхлитлиги, ҳамкорлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминловчи ягона куч, қурол сифатида вужудга келган. Қадим юнон фуқаролари-“Полиит”лар хулқ-атвори, яшаш фаолиятига ҳар хил восита, йўллар билан таъсир ўтказиш, уларни буйруқ-қонунларга бўйсундириш услублари бошқарув санъати-“сиёсат” деб номланган ва ана шу “ҳокимият” ва “сиёсат” тушунчаларининг мантиқан бирлиги заминида “сиёсий ҳокимият” ибораси шаклланган⁴¹.

Ҳокимиятсиз кишилик жамиятини тасаввур қилиш мумкин эмас. Қаерда буйруқ берувчи ҳуқумдор ва буйруқни бажарувчи бўйсунувчи бўлса-ўша ерда ҳокимият. Бироқ демократиянинг ҳозирги кенг тараккий этиб бораётган даврида ана шу ҳуқумдор-бўйсунувчи талқинидаги ҳокимият мазмун-тартиби янгича кўринишда, яъни ҳуқумдорнинг зўравонлиги, бўйсунувчининг сўзсиз итоаткорлиги муносабатлари иккала томоннинг тенг ҳуқуқлилигини акс эттирувчи шартнома асосида амалга оширилмоқда.

“Ҳокимият” ва “сиёсий ҳокимият” тушунчалари мазмунан бир-бирига яқин турсаларда улар ўртасида жиддий тафовут мавжуд. Бундан олдинги мавзуларда қайд этиб ўтилганидек ҳокимият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига дахлдор мураккаб, сирли воқелиқдир. Оилада “ота” ёки “она” ҳокимияти, инсоният жамиятида “иқтисодий ҳокимият”, “ижтимоий ҳокимият”, “пул ҳокимияти”, “маънавий ҳокимият”, “суд ҳокимияти”, “марказий ҳокимият” ва бошқа ҳокимият турлари ҳокимиятнинг умумий мазмун-моҳиятини ифодаловчи иборалардир.

Ҳокимиятга шу нуқтаи назардан таъриф бериладиган бўлса, ҳокимият – бу кишиларнинг ҳаёт тақдирига, хулқ-атвори ва фаолиятига турли хил воситалар ҳуқуқ, обрў-эътибор, ирода ва зўравонлик, ишонтириш йўллари билан ҳал қилувчи таъсир ўтказиш, бўйсундириш имкониятидир. Ҳокимият–бу маъмурий ваколатлар берилган шахс, давлат органлари тизимидир.

Сиёсатшуносликнинг асосий предмети, сиёсий ҳокимият ҳақида сўз юритилганда таъкидлаш жоизки бу масала сиёсий ғоя ва таълимот асосчилари Платон, Аристотеллардан тортиб Шарқ ва Ғарб уйғониш даври мутафаккирлари ва ҳозирги замон сиёсатшунослари томонидан ҳам инсон факторига сиёсий мавжудот нуқтаи назаридан ёндошилган ва тадқиқ қилинган. Сиёсий ҳокимият умумий кўринишдаги ҳокимиятга нисбатан иккиламчи ҳокимият сифатида жамиятдаги кўпчиликни ташкил этувчи кишилар сиёсий ҳақ-ҳуқуқларининг маълум қисмини (ҳокимият, давлатни бошқариш ва бошқалар) бирор ҳокимият субъектига ихтиёрий равишда узатилиши натижасида таркиб топади.

Сиёсий ҳокимият – бу жамиятдаги кўпчиликни ташкил этувчи маълум бир ижтимоий гуруҳ ёки синф, шунингдек, улар манфаатларини ифода этувчи ташкилот, шахснинг сиёсатда ифодаланган хоҳиш-иродасини турли йўл, усул ва воситалар орқали амалга оширишнинг ўзига хос алоҳида шаклидир.

Сиёсий ҳокимиятнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: 1) умумдавлат миқёсида куч ишлатишнинг ошқора, қонунийлиги; 2) қабул қилинган қарор, қонунларнинг устиворлиги ва ҳар қандай бошқа ҳокимият учун уларнинг мажбурийлиги; 3) сиёсий ҳокимиятни оммавийлиги. Яъни сиёсий ҳокимият ҳокимиятнинг бошқа турларидан фарқли равишда барча жамият аъзолари номидан фаолият кўрсатади; 4) агар бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамиятларда иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий ҳокимиятлар каби кўплаб мулк эгалари қарорлари тури даражаларда қабул қилинса сиёсий ҳокимият ҳукм, қарорлари ягона марказ томонидан қабул қилинади; 5) сиёсий ҳокимият ресурсларининг хилма-хиллиги. Бунда сиёсий ҳокимият, айниқса давлат ҳокимияти нафақат зўравонлик, балки иқтисодий, ижтимоий, маданий ва ахборот ресурсларини ишга солади⁴².

Сиёсий ҳокимият давлат ҳокимияти ва ижтимоий (жамоатчилик) ҳокимиятларидан ташкил топади. Давлат ҳокимияти таркибига парламент, ҳуқумат, суд ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар-милиция, армия, прокуратура, жазо органлари ва бошқалар кирса, ижтимоий ҳокимият сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар, маҳалла фуқаролар йиғини каби кўплаб жамоатчилик ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситалари ва бошқалардан иборат бўлади⁴³.

⁴¹ Қаралсин: Политология. Учебник для вузов/ под ред. М.А.Василика. С.99.

⁴² Қаралсин: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. С. 115.

⁴³ Қаралсин: Политология. Учебн. Для вузов /под. Ред. М.А.Василика. С. 106.

Сиёсий ҳокимият, асосан, икки хил шакл-кўринишда-аниқ тузилмалар асосида ташкил этилган расмий, қонуний ҳокимият ва таъсирчан кишилар, гуруҳлардан иборат норасмий сиёсий ҳокимиятларга бўлинади⁴⁴.

Сиёсий ҳокимият бажарадиган вазифалар унинг таркибига кирувчи давлат ҳокимияти, партия, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг ўзига хос хусусиятларига асосланади. Масалан, давлат ҳокимияти ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий соҳаларни бошқариш, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш, давлатлар, халқлар, миллатлараро муносабатлар, суд-ҳуқуқ тизимини тартибга солиш, жамиятни демократлаштириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш билан шуғулланади.

Касаба уюшмалари ҳокимияти меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, корпоратив манфаатларини, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладилар. Касаба уюшмаси аъзоларини ишлаб чиқариш, давлатни бошқаришга жалб қилиш, маданий савияларини, ижтимоий-сиёсий фаолликларини ошириш ва бошқа функцияларни бажарадилар. Умуман олганда, сиёсий ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи, институти фақат унинг ўзига хос ва мос мақсад-вазифаларни амалга оширади.

Сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш ҳуқумронлик, умумий раҳбарлик, бошқариш, ташкилотчилик, назорат қилиш шаклларида намоён бўлади. Бу функцияларни ҳаётга татбиқ этишда ҳокимият субъекти ва объекти ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳамкорлик, келишув-муросасозлик, ишонтириш ёки қонуний йўллар билан мажбурлаш, кўрқитиш, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳаракатлар ёрдамида босим ўтказиш, шунингдек, ҳокимият субъектининг обрў-этибори, қобилияти, хулқ-атвори, ишчанлиги ва принципиаллиги каби турли восита, механизмлардан фойдаланилади.

Сиёсий ҳокимият субъекти ва объекти. Ҳокимиятнинг асослари ва ресурслари.

Сиёсий ҳокимият юқорида кўрсатиб ўтилган таркибий қисмлардан ташқари яна ўзининг субъект ва объектлари-бевосита ташувчиси, агентлардан ташкил топади. Субъект ҳокимиятнинг йўналтирувчи кучи, соҳиби сифатида майдонга чиқади. У алоҳида киши, ижтимоий гуруҳ, кишилар уюшма-ташкilotи (сиёсий партия), ҳаттоки, халқ ёки БМТ тимсолидаги жаҳон ҳамжамияти шаклларида намоён бўлади.

Лекин ҳамма ҳам ҳокимиятнинг субъекти даражасига кўтарила олмайди. Агар алоҳида олинган субъект-шахс тўғрисида фикр юритилса, у ҳар томонлама етук, бошқарув ишларига лаёқатли, ҳалол-пок, билимдон, инсонпарвар, адолат, ҳақиқатга садоқатли, ташкилотчи, принципиал, хуллас, бундан минг йил аввал буюк Абу Наср Форобий кўрсатиб ўтган ҳаммага баробар муносабатда бўладиган, ҳамманинг манфаатини ўзининг манфаатидан ортиқ кўрадиган, умум манфаати учун шахсий манфаатларидан воз кечадиган, халқ манфаати учун ўзларидан куч-ғайрат ва бойликларни аямайдиган⁴⁵ комил инсонларга хос хислат-фазилатлар соҳиби бўлиши керак.

Ҳокимият субъектлари мураккаб, кўп даражали характерга эгадирлар. Унинг бош, бирламчи иштирокчиси шахс ва ижтимоий гуруҳлар, иккинчиси-сиёсий ташкилотлар, ва ниҳоят, энг юқори даражадаги субъектлар-бу жамиятдаги маълум гуруҳ ва ташкилотлар манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатадиган сиёсий элита ва лидер (етакчи)лардир.

Субъект-объект муносабатларида субъект ҳал қилувчи аҳамиятга эга. У ҳокимият хоҳиш иродасини турли буйруқ, топшириқлар бериш орқали амалга оширади ва бунда ҳокимият объектининг хулқ-атвори, буйруқни қандай бажариши ёки бажармаслиги натижасига қараб рағбатлантириш ёки жазолаш мумкинлиги назарда тутилади. Ижро этувчи-объектнинг буйруққа бўлган муносабати эса берилган топшириқнинг характерига боғлиқ бўлади.

Ҳокимият ҳеч қачон бир томонлама фаолият бўлган эмас. Ҳамма вақт у икки томонлама, яъни ҳуқумрон субъект ва ижро этувчи-объект ўртасида ўрнатилган ўзаро муносабатларда намоён бўлади. Демак, объект ҳам субъект катори ҳокимиятнинг ажралмас, зарур қисмидир. Алоҳида олинган шахс ижтимоий гуруҳ, синф ёки бутун жамият ҳокимият объектини ташкил этадилар. Объект фаолияти ва фаоллиги жамият аъзоларининг сиёсий маданияти билан белгиланади. Аҳолининг маданиятлилик даражаси қанчалик юқори бўлса кўр-кўрона итоаткорликка ўрганиб қолганлар ва “қаттиқ қўл” бошқарувчини қўмсайдиганлар сони ҳам шунчалик паст бўлади.

Ҳокимият субъектлари ўз мақсадларига эришишларида мустаҳкам фундамент-моддий ва маънавий асослар ҳамда ҳокимият объекти томонидан кўрсатиладиган қаршиликларни енгиш учун зарур бўлган

⁴⁴ Ўша ерда.

⁴⁵ Қаралсин: Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т.: “Халқ мероси”, 1993. 190 б.

ресурсларга таянадилар. Сиёсий адабиётларда ана шу ҳокимият асослари ва ресурсларнинг турлича шакллари келтирилади.

Ҳокимиятнинг иқтисодий асосини мамлакатдаги мулкчилик шакли, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нисбати, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси ва стратегик табиий ресурс-олтин захиралари ташкил қилади.

Ҳокимиятнинг ижтимоий асоси-бу ижтимоий гуруҳ, қатламлар, уларнинг мавжуд ижтимоий тузум, сиёсий, маданий-тарихий анъаналар ҳамда давлатнинг илмий-техникавий ривожланиш даражасидан иборат бўлади.

Ҳокимиятнинг асоси ҳаракатдаги қонунчилик тизими ва унинг ижросини таъминловчи институтлар, ташкилотлар билан ифодаланади.

Ҳокимиятнинг маъмурий-зўравонлик асоси-бу давлатнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминловчи ҳокимият муассасаларининг йиғиндиси ва уларнинг бошқарув аппаратларидир. Улар таркибига қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятларнинг муҳим тизимлари, шунингдек, давлат миллий хавфсизлик хизмати, разведка ва ички ишлар вазирлиги киради.

Ҳокимиятнинг маданий-маъмурий (ахборот) асосини мамлакат маданий салоҳияти, бойликларини ўзида мужассамлаштирган ва давом эттирадиган ташкилотлар тизими, оммавий ахборот воситалари, разведкага оид хабар ва маълумотларни жамловчи ва қайта ишлаб чиқарувчи тартибот, халқаро ва миллий компьютер тармоғи ташкил этади.

Ҳокимият ресурслари-бу шахс ёки гуруҳнинг бошқаларга таъсир ўтказиш, ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган реал восита, механизмлар йиғиндисидир. Ҳокимият ресурслари ҳам унинг асослари сингари хилма хил шаклларда намоён бўлади.

Иқтисодий ресурслар-бу ижтимоий ва шахсий ишлаб чиқариш ва эҳтиёжларни қондириш учун зарур моддий бойликлар-ҳосилдор ер, фойдали қазилмалар, пул, солиқ, божхона, инвестицион сиёсат, капиталлар ва бошқа қимматбаҳо нарсалардир.

Ижтимоий ресурслар ҳокимиятни ижтимоий гуруҳ, қатламнинг жамиятдаги ижтимоий ҳолатини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлардан иборат бўлиб, улар иқтисодий асосларига яқин турадилар. Моддий фаровонлик, юксак даромад ва бойлик, шунингдек, лавозим, ҳурмат-эътибор, ижтимоий таъминот, таълим, тиббиёт соҳаларидан фойдаланишни билдиради.

Ҳокимиятнинг маданий-информацион (ахборот) ресурсларига миллий-маданий бойликлар, турли хилдаги стратегик аҳамиятга эга ахборот, маълумотларни жамлаш ва қайта ишлаб чиқиш, оммавий ахборот воситалари, билим ва информациялар киради. Америкалик олим О.Тоффлерга кўра яқин келажакда билим ва информацияга эга бўлиш ҳақиқий ҳокимият даражасига кўтарилади⁴⁶.

Мажбурлаш (куч ишлатиш) ресурслари таркиби қурол-аслаҳа, жисмоний зўрлаш институтлари ва бу мақсадлар учун махсус тайёрланган хизматчилардан иборат. Давлатда унинг асосини махсус техника асбоб-анжом, бино, қамоқхона ва бошқа жазолаш воситалари билан таъминлаган армия, полиция, хавфсизлик хизмати, суд ва прокуратура органлари ташкил этади. Ресурсларнинг бундай тури бошқаларга кўра самаралироқ. Чунки улар ёрдамида киши ҳаёти, саломатлигига, озодлиги ва мол-мулкига жиддий зарар етказиш имкони катта.

Ҳокимиятнинг кўп қиррали, универсал ресурси, кишилар ресурси-демографик ресурсдир. Зеро инсоннинг ўзигина табиатнинг энг олий неъматини, бойлигини сифатида жамиятдаги борлиқ моддий-маданий, сиёсий-ижтимоий бойликлар, ресурсларнинг ижодкори, ташкилотчиси, билим, информациялар манбаи, тарғиботчисидир. Унинг энг муҳим мазмун-моҳияти яна шундан иборатки, у ҳокимиятнинг нафақат ресурси, балки унинг субъекти ва объекти ҳамдир.

Ҳокимиятни тармоқларга бўлиниши. Ҳокимият легитимлиги.

Ҳозирги замон сиёсий амалиёти, демократик мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики ҳокимиятни амалга ошириш мураккаб жароён, босқичлардан иборат бўлади. Шу масалага батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Маълумки халқ ҳокимиятнинг бирламчи субъекти, унинг бош манбаидир. У ҳокимиятни бошқаришдаги шахсий ваколатларининг маълум қисмини бевосита ўзи бажаради, бир қисмини эса ўзининг расмий - вакили давлатга узатади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қайд этилганидек “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”⁴⁷. “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини

⁴⁶ Қаралсин: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. Стр. 111.

⁴⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 4 б.

бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар⁴⁸. Давлат ўз навбатида ҳокимият ваколатларини унинг субъектлари-ташувчиларига тақсимлайди. Бундай тартибот ҳокимиятни тармоқлар–қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинишини билдиради.

Ҳокимиятни тармоқларга бўлиш, тақсимлаш ғояси инглиз олими Ж.Локк ва француз файласуфи Ш.Монтескьегга (XVII-XVIII) тегишли бўлиб, биринчи марта у АҚШ Конституцияси ва буюк француз революциясининг конституцион ҳужжатларида ҳаётга татбиқ этилди. Ана шу мамлакатларнинг бу соҳадаги сиёсий тажрибаси ҳокимиятни тармоқларга бўлиш амалиётини тўла оқлади, зарурлигини исботлади. Бундан кўзланган мақсад қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, ҳокимиятни ягона марказда жамланиб қолмаслиги, ҳар бир ҳокимият тармоғининг вазифа-функцияларини аниқ белгилаш, маъсулятини ошириш, фаолиятини назорат қилиб бориш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини самарали тизимини ўрнатиш.

Иккинчидан, ҳокимиятни суиcътемомол қилиниши, диктатура-якка ҳокимлик, тоталитаризмни пайдо бўлишига йўл қўймаслик.

Учинчидан, ҳокимият ва эркинлик, қонун ва ҳуқуқ, давлат ва жамият муносабатларида юз берадиган зиддият, қарама-қаршиликларда инсон шахси, манфаатлари устиворлигини назарда тутиш.

Қонун чиқарувчи ҳокимият Конституция, қонун устиворлиги принципларига асосланади ва сайлов орқали ташкил этилади. У Конституцияни қабул қилади ва унга ўзгартириш, қўшимчалар киритади; конституциявий қонунларни қабул қилади ва уларнинг бажарилишини таъминлайди. Давлат ички ва ташқи сиёсатнинг асосларини белгилайди, давлат бюджетини тасдиқлайди. Бизнинг мамлакатимизда қонунчилик органи Олий Мажлис бўлиб у икки палатадан-Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенат (юқори палата)дан иборат⁴⁹.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки у нафақат парламент қабул қилган қонунлар ижросини таъминлайди, балки ўзи ҳам қарор ва фармойишлар ишлаб чиқади. Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият бу Вазирлар Маҳкамасидир. У иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди, Республиканинг бутун ҳудудида бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради⁵⁰.

Суд ҳокимияти давлатдаги конституцион тузум, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний тартиб-интизом ҳимоясида туради. “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади”⁵¹.

Ижтимоий ҳаётда ҳокимият, олдинлари кўриб ўтилганидек, ўта хилма-хил шаклларда намоён бўлади ва ўзгариб турувчанлиги, нисбийлиги билан характерланади. Ҳокимият фаолиятини такомиллаштириш, барқарорлиги ва фаоллигини таъминлаш учун уни белгиланган тартиб-қоидаларга тушириш, яъни уни институтлаштириш-сиёсий ҳуқумронлигини мустахкамлаб қўйиш талаб қилинади.

Сиёсий ҳуқумронлик бошқариш ва бўйсунуш муносабатларини ташкилий ва қонунчилик нуқтаи назаридан тартибга солиш, бошқарувчилик фаолиятини меҳнатнинг алоҳида турига ажратиш ҳамда у билан боғлиқ имтиёзларга эга бўлишни тақазо қилади. Бошқарувчилик фаолияти ҳокимият субъекти томонидан мустақил қарорлар қабул қилиш, буйруқ бериш ёки буйруқни бекор қилиш, у ёки бу масалани ҳал этишда розилик билдириш ёки билдирмаслик каби муносабат, ҳақ-ҳуқуқларнинг доимий барқарор тус олган пайтдан, яъни институтлашган даврдан бошлаб кучга киради.

Ҳуқумронлик ҳокимият билан чамбарчас боғлиқ воқелиқдир. Ҳаётда шундай ҳодисалар рўй берадики сиёсий ҳокимият қуролли кучлар ёрдамида ўрнатилиши мумкин. Лекин ҳуқумронлик институтлашган тартибга тушмаса ана шу сиёсий ҳокимият узоқ вақт фаолият кўрсата олмайди.

Ҳуқумронликни илмий эътироф этиш уни кундалик ҳаётда учраб турадиган бировнинг кучидан фойдаланиш (эксплуатация), зулм ўтказиш ёки сиқувга олиш эмас. Ҳуқумронлик чин маънода-бу кимларнингдир буйруқ, кўрсатма бериши бошқаларни эса уларни бажарилишини билдирувчи сиёсий тартиботдир. Демократик тузумларда ҳуқумронлик фаолияти ижро этувчининг назорати остида амалга оширилади ва бу қоида нафақат озчиликни ташкил этувчи бошқарувчилар, балки бутун жамият манфаатларига мос келади.

⁴⁸ Ўша ерда. 8 б.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 14 б.

⁵⁰ Ўша ерда. 26-27 б.

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 29 б.

Институтлашган сиёсий ҳокимиятни фуқаролар томонидан қандай қабул қилиниши, ҳокимият фаолиятининг самарадорлиги ва **легитимлиги**-ҳаққонийлиги, қонунийлиги, яъни қонунга мувофиқ ташкил этилганлиги билан белгиланади. “Легитимлик” тушунчасининг келиб чиқиш тарихи ўрта асрларга бориб тақалади ва французча “қонуний”⁵² деган маънони англатади. Ўша пайтларда легитимлик бошқарувни халқнинг урф-одатлари асосида амалга оширилишини кўзда тутган бўлса, XIV аср ўрталарига келиб сайланган ҳокимиятни қонунийлигини билдирадиган бўлган.

Олмон олими М.Вебер ҳукумронлик легитимлигининг учта асосий турларини кўрсатиб ўтади. Булар:

1) анъанавий легитимлик-азалдан ўрганиб қолинган урф-одат, тартибларнинг бузилмаслиги ва муқаддаслигига қатъий ишонч орқали бўйсунуш. Ҳукумронликнинг бу тури, асосан, монархистик тузумлар учун характерлидир. Мазмун-моҳиятига кўра у катталарга сўзсиз итоат қилишга асосланган патриархал оиладаги оила бошлиғи ва аъзолари ўртасидаги муносабатларни эслатади ва легитимликнинг бу кўриниши ўзининг қатъийлик, мустаҳкамлиги билан бошқалардан ажралиб туради.

2) Харизматик легитимлик (харизма-худо томонидан ҳадя, инъом этилган илохий қобилият) шахснинг эҳтироси, ҳис-туйғуларига асосланган, аммо на табиат ва на худо томонидан берилмаган ўта қобилиятлигига чексиз ишонишидир. Аслида харизматик обрў-эътибор ҳеч қандай норма, қоидалар билан белгиланмаган. Энг муҳими харизматик муносабатларни шаклланишида харизма субъектининг ўзи эмас уни ўраб турган кишилар томонидан унинг шундайлигини тан олишидир. Бундай ҳолатда лидер (етакчи) ўзида харизматик фазилатларни борлигига ишонч ҳосил қилади. Муҳлислари эса унга ишонадилар. Одатда харизматик муносабатларнинг иштирокчилари унинг нисбийлигини тушуниб етмайдилар.

Харизматик ҳукумронликнинг вужудга келиши халқнинг ўсиб бораётган маънавий талабларини қондиришга лаёқатли дохийга эҳтиёж сезилаётган давр-ижтимоий инқирозлар даврига тўғри келади. Харизматик-дохий ўзининг туб ва кескин чора-гадбирлари билан мавжуд ижтимоий тартибот, тузум асосларини таги-туғи билан кўпориб ташлашга ҳаракат қилади. У ўзининг харизмасини сақлаб қолиш, ҳақиқатда ҳам шундайлигини тасдиқлаш учун мунтазам равишда янги-янги ғалабалар келтирадиган “улуғ ишлар”ни қилиш илинжида бўлаверади. Харизматик ҳокимият авторитар бошқарув учун хаарктерлидир. Чунки демократик давлатда жамиятнинг сиёсий ҳаёти қонун устиворлигида кечади.

Рационал-ақл-идрок, ҳукукий нормаларга асосланган легитимлик кишиларни ҳукумат томонидан умум эътироф этилган ҳукукий нормалар-демократик талаб-тамоийиллар заминиде қабул қилинган ҳукм, қарорларига итоат қилишни тақазо қилади. Бундай давлатларда фуқаро раҳбар шахсига эмас қонун доирасида сайланган ҳокимият вакилларига бўйсунди.

Ҳокимиятни англаш мураккаб жароён. Аммо М.Фуко таъкидлаб ўтганидек, ҳокимиятни тушуниб етиб, биз ўзи киммиз? Деган саволга жавоб топамиз.

“Сиёсий элита” тушунчаси ва назариясининг вужудга келиши. Шарқ мутафаккирларининг элита ҳақидаги ғоя ва қарашлари.

“Элита” тушунчаси французчадан “сараланган”, “танланган”, “энг яхши” маъноларида ишлатилади. Элита ҳақидаги таълимотнинг шаклланиши ва тараққий этиши Конфуций, Платон, Макиавелли, Карлейл, Ницше номлари билан боғлиқ. Платоннинг идеал давлат ҳақидаги қарашларида давлат бошқарувини энг яхши кишилар-файласуфлар амалга оширишлари лозимлиги кўрсатиб ўтилади. Элита назариясини бойитиш, такомиллаштиришга Форобий, Беруний, Низомулмулк, Амир Темур, Навоий каби шарқнинг буюк аллома, давлат арбоблари улкан ҳисса қўшганлар.

Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида жамоа аъзоларини, уларнинг турли белгиларига қараб ҳар хил гуруҳларга бўлади. Унинг фикрича, одамлар ўзларининг ақлий қобилиятлари, илмларни ўрганиш, билиш ва кўникмаларига қараб ҳар хил гуруҳларга ажралади. Ибн Сино ўзининг “Ишорат ва танбихот” номли асарида кишиларни жамиятда тутган ўрни ва мавқеига қараб уч гуруҳга ажратади: биринчиси-давлат идораларида хизмат қилувчи ва бошқариш ишлари билан шуғулланувчилар; иккинчиси деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан машғул бўлганлар; учинчиси-мамлакатни қўриқлаш, уни ташқи ҳужумлардан сақлаш вазифасини бажарувчилар. Амир Темур ҳам жамият аъзоларини амалдорларга, сипохийларга, илм ахилларига ҳамда деҳқон, ҳунармандларга ажратади⁵³.

⁵² Қаралсин: Политология. Учебник для вузов/под ред. М.А.Василика. С. 119-120.

⁵³ Қаралсин: Рамазонов И.Р., Мўминов Э.М. Политология. Т: “Адолат”, 1997. 155 б.

Низомулмулк қайд қилиб ўтганидек давлатни идора этишда амалдорлар катта ўрин тутлади. Шунинг учун ҳам дейди, - у уларни тўғри танлаб, жой-жойига қўйиб, ҳар бирига лойиқ амал бериб, асосий мақсад йўлида тарбия қилишни муҳим бир талаб деб билади⁵⁴.

Элита ҳақидаги таълимотларни Ғарбий Европа олимлари томонидан ривожлантирилиши.

Элита тўғрисидаги ҳозирги замон мумтоз концепциялар XIX аср бошларида Г.Моски, В.Парето ва Р.Михелс томонидан ишлаб чиқилган.

Таниқли италиялик социолог Г.Моски ҳар қандай инсоният жамияти ижтимоий жиҳатдан тенг бўлмаган иккита гуруҳга бўлинишини тасдиқлашга ҳаракат қилади. Цивилизация томон эндигина қадам қўяётган ўрта миёна жамиятдан то қудратли маданий-маърифий салоҳиятга эга бўлган жамиятда ҳам иккита синф: бошқарувчилар ва бошқарилувчилар синфи мавжуд, - дейди у, - ўзининг 1896 йилда чоп этилган “Сиёсий фан асослари” номли асарига. Нисбатан озчиликни ташкил этган бошқарувчилар синфи жамиятдаги барча сиёсий функцияларни бажаради, ҳокимиятни монополлаштириб (танҳо ҳукумронлик), ундаги барча имтиёзлардан фойдаланади. Мутлоқ кўпчиликни ташкил этган иккинчи, бошқарилувчилар, синфи эса биринчи синф томонидан бошқарилади, идора этилади. Улар бошқарувчилар ва ҳокимият сиёсий организми фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга мажбур бўладилар⁵⁵.

Моски сиёсий элитани ўзига хос сифат ва хусусиятларини кўрсатиб, уларни ташкилотчилик қобилиятлари, моддий, ахлоқий ва интеллектуал устунлиги билан бошқалардан ажралиб туришларини таъкидлаб ўтади. Олим бундай кишиларни сиёсий синф деб номлайди. Унинг мана шу қарашлари плюрализм нуқтаи назаридан жиддий танқид остига олинса ҳам, бу концепция тоталитар давлатлар тимсолида ўз тасдиғини топади. Расмиятчи, бюрократ туралар бошқарувидаги жамиятда сиёсат ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, маънавий ва бошқа барча соҳаларидан юқори туради.

Деярли Г.Моски билан бир вақтда сиёсий элита назариясини Москининг юртдоши инженер, иқтисодчи, социолог олим В.Парето ҳам ижод этади. У дунёни ҳамма вақт сараланган озчилик, алоҳида сифатлар-руҳий (туғма) ва ижтимоий (тарбия ва билим) фазилатларга эга бўлган кишилар бошқариши кераклигини уқтириб ўтади. Бизнинг хоҳлашимиз ёки хоҳламаслигимиздан қатъий назар инсоният жамияти ва индивидлар жисмоний, ахлоқий ва интеллектуал жиҳатдан ҳар хил бўладилар. Парето сиёсий элита у ёки бу соҳада самарали фаолият кўрсатадиган, юқори натижаларга эриша оладиган индивидлар йиғиндисидан иборат деган хулосага келади.

Сиёсий элита назарияси ривожига олмон социологи, иқтисодчи олими Р.Михелс катта ҳисса қўшади. У жамият элитасини келтириб чиқарувчи ижтимоий механизмларни тадқиқ қилади. Москининг элита ҳақидаги таълимотини ёқлаб, Михелс элитанинг ташкилотчилик қобилияти ҳамда унинг жамият бошқарувидаги ролини ортиб бориши жароёнини жамиятнинг ташкилий тизими билан боғлиқлигини ўрганади. Унинг фикрича жамият ташкилотини ўзи элитага муҳтожлик сезади ва элитани етиштириб чиқаради. Жамиятда олигархик (озчилик ҳукумронлиги) бошқарувининг қатъий қонунлари ҳаракат қилади. Унинг маъно-мазмунини шундан иборатки ижтимоий тараққиёт ўз-ўзидан жамият бошқарувини ихтисослаштириш ва рационаллаштиришни тақозо қилади ва оддий фуқаролар назоратидан узоқлашган, сиёсатни ўзларининг шахсий манфаатларига хизмат қилдиришга, барча имтиёзларини сақлаб қолишга хизмат қиладиган марказий раҳбарият ва бошқарув аппаратини барпо этади⁵⁶.

Ҳозирги давр сиёсий фанларида элита назарияси, асосан, икки йўналиш-технократик (илм-фан, техника ва технологиялари даврида муҳандис-ташкилотчиларни бошқариш ишларидаги ролини ортиб бориши) ва меритократик (бошқарувчилик лавозимларига кишиларни халқ олдидаги шахсий хизмат ва қобилиятларига қараб саралаш) нуқтаи назаридан ривожланмоқда. Технократик таълимотлар замида индустриал ишлаб чиқариш даврида муҳандислар сони ва маҳоратининг ортиб бориши ва ҳокимият кенг қамровли билим, омилкорликка асосланиши, сиёсий қарорларни рационал техник қарорлар билан алмаштириш мумкинлиги ғоялари ётади⁵⁷.

Элитага меритократик назариялар моҳиятан қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

а) элита-бу жамиятнинг олий сифат, улкан қобилият ва алоҳида аҳамиятга молик соҳалардаги юқори кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштирган муҳим қисми;

⁵⁴ Қаралсин: Низомулмулк. Сиёсатнома. 12 б.

⁵⁵ Қаралсин: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. Стр. 14.

⁵⁶ Қаралсин: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. Стр. 146

⁵⁷ Қаралсин: Хаджимирзаев М., Бойдадаев М. Политология для всех. Наманган. 2003. стр. 87.

б) элита халқнинг энг серунум ва ташаббускор қисми бўлганлиги туфайли у жамиятда ҳукмронлик қилади. Омма тарихни ҳаракатга келтирувчи мотор сифатида эмас, атиги унинг ғилдираги бўлиб элита томонидан қабул қилинган қарорларни ҳаётга татбиқ этади;

в) элитанинг муқаррарлиги бу нафақат ҳокимият учун кураш, балки жамият лаёқатли вакилларининг табиий танлови натижасидир. Шунинг учун ҳам ана шу танлов, саралаш механизмини доимо такомиллаштириб бориш зарур;

г) элита имкониятлар тенглиги, аммо индивидларнинг тенг бўлмаган қобилият, лаёқатлиги билан боғлиқ воқеликдир.

Ҳозирги замон сиёсий қарашларида элитага ҳокимият, ҳукмронлик нуқтаи назаридан ёндошувларда уни структуравий (тузилиш) ҳамда функционал (вазифа, хизмат) турларга бўладилар. Структуравий ёндошув тарафдорлари элита таркибига ҳокимият органларига расман алоқадор барча шахсларни-Президент, вазирлар, ҳарбий раҳбарият ва бошқаларни киритадилар. Функционал ғояларни қўллаб-қувватлайдиганлар эса жамият ижтимоий ҳаётига реал таъсир ўткази оладиган кишилар-иқтисод намояндлари, сиёсий лидер-етакчилар, профессор-ўқитувчилар, дин пешволари, олий малакали журналистлар, ҳарбийлар, суд ва адвокатларни киритадилар. Ўз ўзидан маълумки уларнинг таъсир ўтказиш доираси ҳам бир хил бўла олмайди.

Элитага нисбатан билдирилган қараш ва ғоялар, ёндошувлардан келиб чиқиб уни шундай таърифлаш мумкин. Ҳукмрон элита-бу жамиятда бошқалардан юқорироқ ўринларда турадиган, мумкин қадар кўпроқ ҳокимиятга дахлдор ва жамиятга жиддий таъсир ўтказиш имкониятига эга ижтимоий гуруҳдир.

Элитизм тарафдорлари ўртасида ҳукмрон элитанинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги баҳс-мунозаралар тиниб тинчиганича йўқ. Р.Миллс бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар элитани ҳукмдорлик соҳасини монополлаштириб олган яхлит, уюшган гуруҳ деб баҳолайдилар. Миллс элита таркибига йирик корпорациялар раҳбарлари, сиёсий лидер-етакчи ва ҳарбий соҳа бошлиқларини киритади. Плюралистик элита назариётчилари бунинг акси ўлароқ элитани яхлит эмаслиги, уни унчалик уюшмаганлиги ғоясини ҳимоя қиладилар. Уларга кўра ҳар қандай жамиятда бир қатор элиталар гуруҳи бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум соҳага ҳукмронлик қилади холос. Улар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳукмронлик қилиш имкониятига эга эмаслар.

Элитага бундай қараш ва ёндошувлар жамиятни турли хил гуруҳ, қатламлардан ташкил топганлигига асосланади. Элита гуруҳлари ўртасида ҳокимиятни монополлаштиришга йўл қўймайдиган рақобат вужудга келади. Ана шу баҳс-мунозаралар натижаси ўлароқ демократик принцип-тамоийиллар ва элитизмни ўзига хос синтез, қоришмаси - демократик элитизм назарияси қарор топади. Унинг ўзига хос мазмун-моҳияти қуйидагилардан иборат:

- 1) элита яхлит бир бутунликни ташкил этмайди. Унинг таркибида бир қанча ўзаро рақобатдош гуруҳлар мавжуд;
- 2) ҳукмрон элитага кириш жамиятдаги энг қобилиятли кишиларгагина насиб этади ва элитанинг алмашиб туриш жароёни анчагина жонли кечади;
- 3) ҳаракатдаги элитага қарши элита (муҳолифат) мавжуд;
- 4) элитанинг оммага таъсири омманинг элитага нисбатан таъсиридан кучлироқ бўлади;
- 5) жамиятнинг элиталар фаолияти устидан назорати энг аввал сайловлар орқали амалга оширилади;
- 6) куч ишлатиш, зўравонликка асосланмаган элита алмашиб туради;
- 7) элита ҳукмдорлиги жамиятдаги кадриятлар барқарорлигига боғлиқ бўлади;
- 8) элита ҳукмронлиги кўпроқ куч ишлатиш, зўравонликка асосланади⁵⁸.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Ҳокимият”, “сиёсий ҳокимият” тушунчаларини таърифланг.
2. Сиёсий ҳокимиятни ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг.
3. Ҳокимият субъекти ва объектларини шарҳлаб беринг.
4. Сиёсий ҳокимият асослари ва ресурсларини кўрсатинг.
5. Ҳокимият турлари, тармоқларга бўлиниши ҳақида нима дейсиз?
6. Ҳокимиятнинг легитимлиги ўзи нима?
7. “Сиёсий элита” тушунчасининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

⁵⁸ Қаралсин: Политология. Учебник для вузов/ под.ред. М.А.Василика. Стр. 179.

8. *Элитанинг жамият тараққиётида тутган ўрни ва роли нималардан иборат?*
9. *Шарқ мутафаккирларининг элита ҳақидаги қарашларидан сўзлаб беринг.*
10. *Г.Моски, В.Парето, Р.Михелснинг элита тўғрисидаги назариялари бир биридан нимаси билан фарқланади?*
11. *Элита таркиб топиши ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтинг.*
12. *Ўзбекистондаги миллий элита ҳақидаги шахсий фикрингиз билан ўртоқлашинг.*

4-мавзу: Сиёсий коммуникациялар ва сайловлар.

Режа

1. “Сиёсий коммуникация” тушунчаси, модель-турлари, ривожланиш тарихи ва унинг жамият сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли.
2. Оммавий ахборот воситаларининг вазифа-функциялари. И.А.Каримов ахборот воситаларини либераллаштириш ва сўз эркинликлигини таъминлаш ҳақида.
3. Сайловларнинг демократик жамиятдаги ўрни, роли ва функциялари. Сайлов жароёнининг асосий босқичлари.
4. Мустақил Ўзбекистонда сайлов тизимининг шаклланиш ва ривожланиш жароёнлари.

“Сиёсий коммуникация” тушунчаси, модель-турлари, ривожланиш тарихи ва унинг жамият сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли.

“Сиёсий коммуникация” тушунчаси сиёсий фаолиятни жонлантириш, жамият аъзоларида ижтимоий-сиёсий онг ва тафаккурни шакллантириш, умуман олганда, фуқароларни сиёсий социаллашувида алоқа воситаларидан фойдаланиш, ахборотларни узатиш, етказиш ва қабул қилиш жароёнини билдиради⁵⁹.

Сиёсат ўз субъектлари ўртасидаги доимий алоқаларни узлуксиз давом эттириб боришда ижтимоий фаолиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан кўпроқ ахборотлар алмашувида муҳтожлик сезади. Агар иқтисодий фаолиятни кишиларнинг бевосита иштирокисиз бозор муносабатлари орқали бошқариб туриш мумкин бўлса, сиёсий фаолиятда ҳокимият соҳиблари, субъектларини бир бири, фуқароларни давлат билан ўзаро боғлаб турувчи воситалар, биринчи навбатда, оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиш амри маҳол.

Оммавий ахборот воситалари -ОАВ ўзи нима деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин. **ОАВ-бу** ҳар бир кишига махсус техника воситалари орқали хилма-хил, очик, расмий маълумотларни етказиб бериш муассасаларидирлар⁶⁰. Улар даврий матбуот, телевидение, радио, кино, овоз ёзиш, интернет ва бошқа турдаги муассаса, воситалардан таркиб топадилар.

ОАВнинг сиёсий аҳамият касб этиши масаласига доир фикрлар биринчи бор XIX асрнинг охирилари-жамиятга оммавий саводхонликни кириб келиши ва матбуотдан ҳамма фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши муносабати билан билдирилган⁶¹. XIX-XX асрларда телеграф ва телефон алоқаларини, радио ва телевиденияни ихтиро этилиши ва кенг тарқалиши нафақат кишилар ва давлатларни коммуникацияга бўлган эҳтиёжини қондира олди, балки сиёсий ҳаётда ҳақиқий революцион ўзгаришларга олиб келди. ОАВ олдинлари юзага чиқмайдиган, ҳаёлий демократик ва тоталитар ғояларни оммага етказа бошладилар. Кейинчалик ҳокимият легитимлиги ва унинг амалга оширилиш услубларини такомиллашув жароёнлари улар фаолияти, жамиятдаги ролини ўзгартириб юборди.

Илмий манбаларда ОАВнинг сиёсий ҳаётдаги ўрни ва роли ҳақида турлича қараш ва ёндошувлар мавжуд. Ана шу ғоя ва назарияларга кўра ОАВ плюралистик модель, ҳукумрон мафкура модели ва элита кадриятлари моделларига бўлинадилар.

⁵⁹ Каралсин: Политологический словарь. В двух частях. Часть 1 стр. 183.

⁶⁰ Каралсин: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. Стр. 346-347; Политологический словарь. В двух частях. Часть I. Стр. 153.

⁶¹ Хейвуд Э. Политология. Стр. 255.

Плюралистик модель истеъмолчига кенг кўламдаги хилма-хил сиёсий ғоя ва қарашлар, ахборотларни таклиф қилувчи бозорга ўхшаб кетади. Унинг тарафдорлари ахборот воситалари кишиларнинг сиёсий онги, тафаккурига жиддий таъсир кўрсата олишини тан олсалар ҳам бу моделни кимларнингдир хусусий манфаат ва ғоявий қарашларини тарғиб қилиш эмас, балки жамиятдаги турли кучлар ўртасидаги умумий мувозанатни сақлаб туришга хизмат қилади деган фикрдалар.

Ҳақиқатдан ҳам ОАВнинг ушбу модели кўпчилик ҳолатларда ижобий баҳоланди. Улар кенг ахборотли фуқаролик жамиятини ташкил этишга, унинг демократлилик даражасини янада оширишга, давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга ҳаракат қиладилар. Айни бир пайтда ОАВнинг янги тармоқлари, айниқса, интернетни ахборот саҳнасига чиқиши сиёсий плюрализм ва рақобатни янги босқичга олиб чиқди⁶².

ОАВни ҳуқумрон мафкура моделида ахборот воситалари жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий элиталар манфаатлари ҳимоясида турувчи, оммани эса сиёсатдан узоқлаштиришга ҳаракат қилувчи консерватив куч сифатида талқин қилинадилар. Марксча қарашларда ОАВ буржуазия мафкурасини ифодаловчи восита нуқтаи назаридан баҳоланиб у ҳамма вақт капитализм асосларини мустаҳкамлашга, йирик корпорациялар, ахборот магнатларига хизмат қиладилар.

ОАВнинг ушбу модели ғарб истеъмолчилик фалсафаси ғоялари, турмуш тарзи ва кадриятларини тарғиб қилиш орқали сайёраамизнинг барча қитъаларига янги бозорлар, катта бизнес кириб келишига ёрдам бермоқда. Унинг уйдирмалардан иборат фаолият кўрсатиш услубларини таҳлил қилган Н.Хомски ва Э. Херманлар бу моделдаги ахборот воситалари томонидан узатилаётган маълумотларни филтрлаш, уларни бузиб кўрсатиш жароёнлари ОАВнинг ўзи томонидан амалга оширилаётганлигини таъкидлаб қуйидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтадилар:

- ахборот узатиш коммуникациялари ўз эгалари-соҳибларининг манфаатларига хизмат қиладилар;
- реклама берувчи ва ҳомийларнинг қараш ва манфаатлари ҳисобга олинади;
- янгилик ва ахборотлар “ҳокимият агентлари”-ҳуқумат органлари ва бизнес томонидан молиялаштириладиган йирик тадқиқотчилик марказларидан олинади;
- журналистларга нисбатан вақти-вақти билан босим ўтказиш, ҳаттоки жиноий иш қўзғатиш мумкинлигига ўхшаш таҳдидлар қўлланилади;
- журналистларни рақобатли бозор ва истеъмолчиликка асосланган капиталистик тузумнинг устунлигига бўлган қатъий ишончи катта рол ўйнайди⁶³.

Хомски ОАВни демократлаштириш жароёнларига ўта салбий таъсир кўрсатишини ҳам ишончли далиллар билан исботлаб ўтади.

ОАВ тўғрисидаги бошқа концепция-элита кадриятлари моделида бош масала ахборот воситаларига ким хўжайинлик қилади масаласи эмас, улар бошқарилишини назорат қилиш қайси механизмлар орқали амалга оширилишидир. Зотан ундаги ношир ва журналистлар, эшиттириш олиб борувчилар етрали даражада мустақил фаолият кўрсатадилар. Ҳаттоки уларнинг авторитар, қаттиққўл хўжайинлари ҳам ходимлар олдида умумий вазифаларни қўядилар-у, лекин уларни кундалик ишларига аралашмайдилар.

Шунга қарамасдан ушбу моделнинг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи бир қатор тахминий қарашлар мавжуд. Улардан бири шундан иборатки кўпчилик газета, журналлар ва телевизион станциялар аксил социалистик ва консерватив туркумлардаги ахборот ва кўрсатувларга катта эътибор берадилар. Бу масалаларни кенг ёритилиши ходимларнинг моддий жиҳатдан яхши таъминланганликлари ва уларнинг ўрта синфга мансублиги билан изоҳланади. Консерватив йўналишдаги тадқиқотчилар фикрларича бу турдаги ОАВ кадрият ва қарашлари халқ оммасининг асосий қисми дунёқарашларига зид, мос келмайдиган университетлик уйдирмачи, интеллектуалларнинг ғоя ва қарашларини ёқлаб чиқадилар⁶⁴.

Ахборот воситалари “бозор модели” нинг бошқалардан фарқи шундаки улар учун борлик воқеликни қанчалик ҳолис ёки ноҳолис ёритилишни аҳамияти йўқ. Чунки бу тоифадаги газета, телевидениелар олдида қўйилган мақсад - вазифа ахборот ва кўрсатувлар орқали мухлисларда маълум фикр-қарашларни шакллантириш эмас, борликни шунчаки “биздан кетгунча-эгасига етгунча” кабилида етказишдан иборатдир.

Оммавий ахборот воситаларининг вазифа-функциялари.

⁶² Ўша ерда.

⁶³ Хейвуд Э. Политология. Стр. 257-258 б.

⁶⁴ Қаралсин: Хейвуд Э. Политология. Стр. 254.

Ҳозирги кунда ОАВ хилма-хил вазифалар, жумладан, сиёсий аҳамиятга молик вазифа-функцияларни бажаради. Шулардан энг муҳими жамият аъзолари ва ҳокимият органлари учун зарур бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва тарқатиш жароёнини акс эттирувчи информацион функциядир. Ахборот воситалари томонидан жамланадиган ва узатиладиган маълумотлар нафақат у ёки бу фактларни ҳақиқий тасвири, балки уларни шархлаш ва баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Маълумки сиёсат-бу мукамал алоқа, мулоқотдир. Сиёсий ҳатти-ҳаракат, фаолият сўз билан бошланади ва у билан амалга оширилади⁶⁵, ҳаётга татбиқ этилади. Олинган информациялар орқали фуқароларда ҳукумат, парламент, партия ва бошқа сиёсий институтлар фаолияти, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларида кечаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида фикр шаклланади, фуқаро ва ҳокимият, давлат ўртасидаги муносабатлар қарор топади.

АҚШнинг учинчи Президенти Т.Жефферсон таъкидлаб ўтганидек, “эркин ва фаол матбуотсиз оддий фуқароларнинг фикрларини мамлакат раҳбарлари билишмайди. Мамлакат етакчиларининг қарашлари эса оддий фуқароларга номаълумлигича қолаверади”⁶⁶.

ОАВ фуқаролар билимдонлиги, айниқса, сиёсий билимдонлик даражасини ошириш, олинган қарама-қаршиликларга бой информацияларни тўғри қабул қилиш ва улардан оқилона фойдалана олиш кўникмаларини шакллантириш функциясини ҳам бажарадилар.

Ахборот воситалари кишиларга ҳамма вақт чуқур ва кўп қиррали билим бериш билан шуғулланмасаларда умр бўйи ҳамроҳлик қилиб уларни етуклик, комилликка етакловчи, йўл кўрсатувчи восита бўлиб хизмат қиладилар. Мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов “Фидокор” газетасининг муҳбири саволларига берган жавобида кўрсатиб ўтганидек “Оммавий ахборот воситалари турли хил фикрлар, ранг-баранг қараш ва ёндошувларга кенг йўл очиб бериши, жамиятимиздаги бугунги ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатини уйғотиши лозим. Токи ҳар қайси инсон бу масалада ўз фикр ва қарашига эга бўлибгина қолмасдан, барпо этаётган жамиятимизнинг фаол иштирокчиси ва бунёдкорига айлансин”⁶⁷.

ОАВ ўзларининг танқидий ва назорат қилиш вазифа-функцияларини амалга оширишда жамоатчилик фикри ва қонунга асосланадилар. Тўғри, улар давлат ва хўжалик органлари сингари маъмурий, иқтисодий жазолаш ҳуқуқ ва механизмларига эга эмаслар. Аммо газета, радио, телевидение ва бошқа масс-медиа муассасалари томонидан у ёки бу воқеа-ҳодисаларга, шахсга билдирилган юридик, маънавий-ахлоқий, танқидий фикр, берилган баҳо солинадиган жарима ёки танбехнинг бошқа турларидан ҳам жиддийроқ таъсир кучига эга бўлади.

Демократик жамиятда ахборот воситалари мустақил текширувлар ўтказадилар ва уларнинг яқунлари бўйича махсус парламент комиссиялари ташкил этилади, лозим топилса жинойий ишлар кўзғатилади, айрим ҳолларда эса муҳим сиёсий қарорлар қабул қилинади. ОАВнинг назоратчилик функцияси, айниқса, кучсиз, заиф муҳолифат ёки назоратни амалга оширувчи давлат институтлари фаолиятининг номукамаллиги шароитида алоҳида аҳамиятга касб этади.

ОАВ нафақат сиёсат ва жамиятдаги хато-камчиликлар, нуқсонларни танқид остига оладилар. Айни бир пайтда улар жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар манфаатлари ҳимоясида турадилар, сиёсат субъектлари таркибини тузишга кўмаклашадилар, уларни бир бирига яқинлашуви, керак бўлса, бирлашуви масалаларини ҳал қилишда иштирок этадилар, ҳар бир гуруҳ вакилига ўз фикр мулоҳазаларини расмий, очиқ-ойдин билдириш, ҳамфикр шерикларни топиш ва умумий мақсад-вазифалар асосида жипслаштиришга имконият яратадилар.

ОАВнинг юқорида кўрсатиб ўтилган барча функция-вазифалари пировард натижада жамият аъзолари сафарбарлиги-сиёсий маданияти, фаоллигини оширишга уларни у ёки бу кўринишидаги сиёсий тадбир, жароёнларда қатнашиш (ёки онгли равишда) қатнашмасликларига олиб келади. Бу оммавий ахборот воситаларининг кишилар тафаккури, ақл-идроки, ҳис-туйғуларига, фикрлаш тарзи, сиёсий хулқ-атворида нақадар катта таъсир ўтказувчи куч, восита эканлигидан далолат беради.

Оммавий ахборот воситаларининг хилма-хил функциялари, айниқса, демократик давлат қурилиши жароёнида намоён бўлади. Демократик ғоя ва қадриятларни тарғиб қилиш, талаб-тамойилларни қарор топтириш, демократик давлатни фуқаролик жамиятига ўсиб ўтиши жароёнларини ОАВ иштирокисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

⁶⁵ Қаралсин: Ильин М.В. Политический дискурс: слова и смыслы. Журн. Политические исследования-полис. М. 1994. № 4. стр. 128.

⁶⁶ Сафаров Ж. Мангу ҳамроҳлар. Т.: Шарқ. 2008. 19 б.

⁶⁷ Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. Халқ сўзи. 2000 10 июнь.

Чунки замонавий демократия масъулиятли, ҳар томонлама етук, жамият сиёсий ҳаётида шунчаки томошабин эмас, балки жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида иштирок этадиган комил инсонларга таянади.

Давлат аҳамиятига молик, муҳим қарорларни кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилишга асосланган демократик мамлакатда ана шундай фазилатлар озчиликни ташкил этувчи имтиёзли элита вакилларидоғина эмас, балки аҳолининг катта қисмида шаклланган бўлиши керак. Бунга лаёқатли, мустақил ОАВ иштирокисиз эришиш мумкин эмас. Зеро радио, телевидение, газета ва журналлар ёрдами, иштирокисиз энг ўқимишли одам ҳам қарама-қаршиликлар, чалкашликлар тўлиб тошган сиёсат оламини тўғри тушуниб етиши, керакли пайтда мустақил қарорларга келиши амри маҳол. Эркин фаолиятли, мустақил ОАВ жамиятда ҳақиқий сўз эркинлиги таъминланганлигини исботидир. Сўз эркинлигисиз шахснинг бошқа сиёсий ҳақ-ҳуқуқлари ҳеч қачон амалга ошмайди.

Демократик давлатни мустақил ОАВсиз тасаввур қилиб бўлмасда уларнинг эркинлиги ва мустақиллиги жамият ва халқ манфаатларига қарши, зид қўйилмаслиги керак. Акс ҳолда улар ўзларининг ҳужжатлари ва раҳбарларнинг сиёсий қуролига айланиб қоладилар. Фуқаролар эса ўз фикр-мулоҳазаларини расман билдириш, сўз эркинлиги имкониятларидан маҳрум бўладилар.

Жамиятда ривожланган, демократик принциплар асосида ташкил этилган, сиёсий воқеа-ҳодисаларни ҳолис ёритиб бера оладиган ОАВнинг мавжудлиги демократик давлат тараққиётининг, самарали бошқарувнинг кафолатчисидир. Агар ахборот воситалари жамият сиёсий тизимида ана шу функция-вазифаларини чин садоқат, принципааллик билан бажара олмасалар демократияга катта футур етказилади, у ҳуқумрон гуруҳ, қатламларнинг яширин ўйин, ҳийла-найрангларига ўрнини ўтайди, кадрсизланади⁶⁸.

Мустақиллик ва Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари. И.А.Каримов ахборот воситаларини либераллаштириш ва сўз эркинлигини таъминлаш ҳақида.

Ўзбекистонда давлат ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йилларданок жамиятимиз олдида қўйилган бош, стратегик мақсад-вазифа-мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини бунёд этиш ва шу мақсад-вазифа билан боғлиқ барча ислоҳотларни туб мазмун-моҳиятини халқимиз онгига сингдириш ва уни ана шу ғоя асосида жипслаштириш, сафарбарликни оширишга хизмат қиладиган қудратли куч-мустақил ОАВни шакллантириш ва ривожлантиришга катта эътибор бериб келмоқда.

Маълумки советлар даврида газета ва журналлар, радио ва телевидение коммунистик партиянинг том маънодаги монополияси, маддоҳига айланиб қолган, аниқроғи, партия ва ҳукумат уни ўз манфаатларига бўйсундирган эди. Чунки ҳар қандай оммавий ахборот воситаси қайсидир партиявий-сиёсий ташкилотнинг органи бўлиб ҳисобланарди. Барча жиҳатдан партия ва ҳукуматга қарам бўлган ОАВ охир-оқибатда белгилаб қўйилган тартиб-қоида доирасида ҳаракат қилувчи ожиз кузатувчига айланиб қолганди.

Ўша даврлардаги “қайта қуриш”, “тубдан ўзгариш”, “социалистик янгиланиш” каби марказ тўқиб чиқарган “компаниялар” бошқарув тизимини ўта марказлашганлиги, марказга қарашлиги, мафқуралашганлиги натижасида халқ хўжалигининг бошқа соҳалари каби ахборот алоқа-коммуникацияси тизимида ҳам Ўзбекистоннинг чинакам манфаатлари, ўзига хос шароит, имкониятлари инобатга олинмай миллий манфаатларимизни қондириш сиёсати ва амалиётига иккинчи даражали муносабатда бўлиб келиши ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Истиқлол йилларида оммавий ахборот воситаларига бўлган муносабат давлат ҳокимиятининг тўртинчи тармоғи сифатида тамомила қайта кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида (12 ноябрь 2010 йил) “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги маърузада кўрсатиб ўтилганидек, шу давр айниқса, охирги 10 йил мобайнида улар фаолиятини либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги” шунингдек, “Телекоммуникациялар тўғрисида”, “Реклама тўғрисида”, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” ва бошқа бир қатор қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар

⁶⁸ Қаралсин: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. Стр. 351-352.

киритилиши⁶⁹ янги сиёсий шарт-шароитларда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш имконини берди.

Шу билан бирга, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирокини таъминлашга йўналтирилган институционал ислохотлар амалга оширилди. Ўз таркибида 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоатчилик фонди ташкил этилди⁷⁰.

“... Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимизда телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда.

Бундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида фақат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийиб 1200 етди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийиб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади”⁷¹.

Кўриниб турганидек республикамызда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштириш, уларни фуқаролар ижтимоий онги-шуурини шакллантириш, сиёсий-ижтимоий фаоллигини оширишдаги иштирокига жиддий эътибор қаратилмоқда. “... Ҳозирги пайтда,-деб уқтиради И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли асарида,-ҳаётимизни электрон ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва радиосиз умуман тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда улар бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот воситалари, ҳам ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий минбар, шу билан бирга инсонга маданий, бадиий-эстетик озик берадиган ва хордиқ чиқарадиган макон вазифасини бажармоқда...

Шу сабабли ўткир таъсир кучига эга бўлган телевидение ва радио соҳасини изчил тараққий эттириш жамиятнинг доимий эътибор марказида бўлиши табиий. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги асосий миллий теле-радиоканаллар аҳолининг холис ва ҳаққоний ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, юртдошларимизнинг маданий савияси, билим ва дунёқарашини ошириш, қадимий анъаналаримиз, тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу билан бирга, фуқароларимиз онгида демократик қадриятлар, гражданлик позициясини шакллантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлида муносиб хизмат қилаётганини таъкидлаш керак”⁷².

Тўғри мақсадга фақат, тўғри йўл, тўғри восита ва тўғри усуллар орқали эришиш мумкин. Шу нуқтаи назардан юртбошимиз оммавий ахборот воситаларининг кундалиқ фаолиятида учраб турадиган хато ва нуқсонларни, уларни бартараф этиш йўллари ҳам рўй рост кўрсатиб ўтади. Ана шу жиҳатдан мушоҳада юритилганда яна бир бор Президентимизнинг эндигина келтириб ўтилган асарига қайтишни лозим топдик. Унда таъкидланишича “...телевидениени давлат ва жамиятимизни бамисоли бир кўпириқдек боғлаб турадиган жонли мулоқот воситасига айлантириш, эфир орқали бугунги куннинг долзарб муаммоларини кўпроқ акс эттириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, фуқароларимизнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, ҳар қайси инсоннинг ўз мустақил фикрини ифода этишга имкон бериш, турли ижтимоий тоифа ва гуруҳларнинг қизиқиш ва интилишлари, ҳаётий манфаатларини ёритиб бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш... матбуот ва сўз эркинлиги принципларини амалда таъминлашга эришиш, матбуотда танқид руҳини кучайтириш биз учун энг муҳим мақсадлардан бири”⁷³ эканлиги тақрорлаб ўтилган.

Ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашнинг ҳозирги кундаги долзарб вазифа ва тараққиёт перспективалари И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган

⁶⁹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Наманган ҳақиқати. 2010. 16 ноябрь.

⁷⁰ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Наманган ҳақиқати. 2010. 16 ноябрь.

⁷¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Наманган ҳақиқати. 2010. 16 ноябрь.

⁷² Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. Тошкент. “Маънавият”. 134-135 б.

⁷³ Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. Тошкент. “Маънавият”. 135 б.

“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да (ноябрь 2010) муҳим ўрни эгаллаган.

Сайловларнинг демократик жамиятдаги ўрни, роли ва функциялари.

Демократияни, умуман, ҳозирги замон сиёсий ҳаётини сайловларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бир қатор сиёсатшунос олимлар демократиянинг туб моҳият-мазмунини сайловларда кўрадилар. Масалан, америкалик И.Шумпетер демократияни ким ўзди беллашуви билан таққослаб бу бизни бошқараётган кишиларни биз хоҳлашимиз ёки хоҳламаслигимиз имкониятидир⁷⁴ деб баҳолайди. Шундай позициядаги тадқиқотлар тузумни демократилик даражасини кўп жиҳатдан сайлов нормаларига риоя қилиш ва унинг бошқарув механизмларидан тўғри, оқилона фойдаланишга боғлиқ эканлигини эътироф этадилар.

Ҳар бир демократик жамиятда сайлов тараққиётга куч бағишловчи, халқ суверенитети, сайлов хоҳиш-иродасини ифодаловчи муҳим воқелик, жароёнدير. Айни бир пайтда у аҳолининг катта бир қисми учун сиёсатда иштирок этишнинг ягона шакли, ҳокимият органларида турли ижтимоий гуруҳ манфаатларини ҳимоя қилувчи вакиллар минбари бўлиб хизмат қилади. Шунинг билан бирга у мамлакат парламенти, ҳукуматини сақлаб қолиш ёки алмаштириш, уларнинг халқ олдидаги масъуллигини ошириш, давлатнинг сиёсий курси-йўналишини ўзгартиришга жиддий таъсир кўрсатиш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда сайлов ҳокимиятнинг вакиллик органи, жамоатчилик органларини фуқароларнинг сиёсий хоҳиш-иродаси асосида махсус қонун, қоидаларга мувофиқ шакллантириш услубидир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида қайд этилганидек “Ҳар бир инсон бевосита ёки эркинлик билан сайланган вакиллари воситасида ўз мамлакатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Халқ иродаси ҳукумат, ҳокимиятнинг негизи бўлмоғи лозим: бу ирода вақти-вақти билан бўладиган ва сохталаштирилмаган сайловда ўз аксини топиши, ушбу сайлов ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа адолатли шакллар воситасида ўтказилиши керак”⁷⁵.

Сайловларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига кўрсатадиган ҳал қилувчи таъсирини у бажарадиган вазифа-функцияларга қараб баҳолаш мумкин. Булар:

а) давлат бошқарув органларининг асосий қисмини тўлдириш функцияси. Демократик жамиятда сайлов сиёсий ва носий институтлар, аввало, давлат органлари таркибини аниқ кўрсатилган муддатларда янгилаб, тўлдириб боришга хизмат қилади;

б) сайлов даврида аҳолининг хилма-хил талаб, эътирозлари, манфаатлари умумлаштирилиб, улар сиёсий партияларнинг, депутатликка номзоди кўрсатилган кишиларнинг нафақат сайловолди дастури, балки ундан кейинги фаолиятининг бош йўналишига айланади;

в) ҳокимият институтлари фаолияти устидан назорат ўрнатиш функцияси. Сайловлар натижасида ҳукумат фаолиятини мунтазам назорат остига олувчи институт-парламент, шунингдек, Конституция ва қонунлар бажарилишини бутун вужуди билан кузатиб борувчи муҳолифат таркиб топади. Бунда парламент назорати фақатгина ўз кучига эмас, балки суд тизими ва энг муҳими-бевосита сайловчилар томонидан билдирилган фикр, талаб, эътирозларга таянади. Бундан ташқари сайловнинг ўзи ҳам муҳим назорат институти вазифасини бажаради. Чунки улар орқали сайловчилар ҳукумат ва муҳолифатга ўз муносабатларини билдирадилар, ҳокимият органлари таркибини янгилайдилар, давлатнинг сиёсий курсига ўзгартиришлар киритадилар;

г) жамият сиёсий системасининг легитимлиги, барқарорлиги, шунингдек, ҳокимиятнинг муайян институтлари-парламент, ҳукумат, Президент ва бошқа сайланган тузилмалар легитимлигини тасдиқлаб бериш функцияси. Одатда фуқароларни сайловларда иштирок этиши сиёсий тизим, сиёсий режим ва ҳокимият органларини шаклланиши, таркиб топиш формаларини қўллаб-қувватлаганидан далолат беради.

Сайловнинг яна бир муҳим томони шундан иборатки улар жамият аъзоларига номақбул ҳукумат ёки депутатни қайта сайлаш, уларни кишилар ишончи, ҳурматини қозонган одамлар билан алмаштириш имконини беради. Сайловлар ёрдамида нафақат бир бутун сиёсий тизим, балки парламент, ҳукумат ва ҳокимият тизимидаги айрим тузилмалар легитимлиги, балки уларнинг давлатни идора этишга бўлган ҳуқуқини ҳам тан олиш амалга оширилади;

⁷⁴ Қаралсин: Хейвуд Эндрю. Политология. Стр. 286.

⁷⁵ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига шарҳлар. Т.: “Адолат”. 1999. 5 б.

д) сиёсий элитанинг қайта тўлдириш функцияси. Сайловлар фуқароларни сиёсий элита таркибига кириб бориши, мансаб-лавозим эгаллаш, сиёсий ҳукумронликни барқарорлашуви ёки унинг инқирозига олиб келувчи жароён, воқелиқдир. Сайлов натижасида ҳукумрон ва муҳолифатдаги элитанинг таркиби янгиланади, партиялар ва улар вакилларининг обрӯ-нуфузи ўзгаради;

е) аҳолининг сиёсий онги, маданияти ва фаоллигини ошириш функцияси. Сайлов жароёнида фуқаролар томонидан сиёсий қадрият ва нормаларни ўзлаштириш суратларини жадаллашуви, уларнинг сиёсий малака ва тажрибаларини ортиб бориши, сиёсий-маърифий, тарғибот ишлари кўламининг кенг авж олиши, кишилар диққат эътиборида сиёсий муаммо ва улар ечими масалаларининг марказий ўрин олиши каби жароёнлар худди шу даврга тўғри келади. Сайловчилар овоз бериш билан бир вақтда ўзларини таъсирчан сиёсий куч эканликларини ҳис этадилар. Бу эса ўз навбатида уларнинг сиёсий фаоллик ва масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ё) муқобил, рақобатдош сиёсий дастурлар ёрдамида жамият янгиланишини таъминлаш функцияси. Сайловлар институтлашган тарзда давлат ва жамиятга жиддий таъсир ўтказишнинг ўзига хос восита, механизмидир. Улар турли сиёсий кучларга жамиятда юзага келган муаммоли масалаларга ўз муносабатларини билдириш ва уларнинг ечимини излаб топиш, ҳаётга татбиқ этиш имконини беради. Шундай қилиб, сайлов жамият тараққиётининг оптимал, қулай йўлини ишлаб чиқиш, сиёсий қадрият ва қарама-қарши йўл-йўриқлардан энг мақбулини танлаб олиш, самарасиз сиёсатдан воз кечишга шарт-шароит яратади⁷⁶.

Албатта, сайловлар юқорида кўрсатиб ўтилган функция вазифаларини сайловнинг демократик талаб-тамойиллар асосида ташкил этилганидагина бажара олади. Таъкидлаш жоизки сайлов демократик қадриятлар билан чамбарчас боғланган бўлиб, демократияни амалга оширилишига хизмат қилади. Сайловларнинг энг муҳим ижтимоий мақсад-вазифаси-бу турли ижтимоий гуруҳ вакилларини ҳокимият вакиллик органларида иштирок этиши ва унумли фаолият кўрсата оладиган ҳукумат таркибини тузишдан иборатдир.

Ана шундай мақомга мос келиши учун сайловлар муайян тамойил-принципларга асосланиши керак бўлади. Уларни иккита гуруҳ-биринчиси, ҳар бир фуқарони сайловда қатнашиш ҳуқуқини белгиловчи низомга асосланиш тамойили ва иккинчиси, сайловларнинг ташкилий асосларини характерловчи ялпий-умумий тамойилларга ажратилади:

1) ялпий, умумийлик тамойили. Барча фуқаролар жинсий, ирқий, миллий, диний мансублиги, сиёсий эътиқоди, синфий, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар сайловда актив ва пассив иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар;

2) тенглик тамойили. Ҳар бир сайловчи фақат битта овозга эга ва бу овоз кимга тегишлигидан қатъий назар бир хил баҳоланади. Сайлов тенглиги сайлов округларининг ҳам тахминан тенглигини билдирилади. Бу ҳолат депутатларни сайлаш жароёнида сайловчиларнинг бир хил шарт-шароитга эга бўлишликларидан келиб чиқади;

3) сайловлар яширинлиги тамойили. Ҳар бир сайловчининг қарори ҳеч кимга тайин, маълум бўлиб қолишига йўл қўйилмайди. Бу тамойил сайлов эркинлигини таъминлайди ва фуқароларни у ёки бу томонга ағдариш, уни таъқиб остига олишдан сақлайди;

4) тўғридан-тўғри, бевосита сайлаш тамойили. Сайланаётган номзодга, овоз беришни сайловчини ўзи ҳал қилади. Сайловчи ва номзоднинг эркин хоҳиш-иродаси, истагини билдиришга ҳалақит берувчи биронта ҳам инстанция (босқич, восита) бўлиши мумкин эмас.

Сайловларни демократик йўллар билан ташкил этишнинг умумий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1) сайловчилар, жамоатчи фаоллар, номзод ва сайлов ташкилотчиларига сиёсий, маъмурий, ижтимоий-иқтисодий, руҳий ва инфорацион босим таъзийқ ўтказилиши мумкин эмаслиги тамойили. Сайловолди тарғибот-ташвиқот жароёнлари мобайнида қонун доирасида йўл қўйиладиган баъзи бир ахлоқий чегараланишлар бундан мустасно;

2) номзодларни муқобиллик асосида танлаб олиш тамойили. “Сайлов” тушунчасининг ўзи таклиф қилинганлардан бирини танлаб олишни билдиради. Агар сайланишга битта номзод ёки партия кўрсатилган бўлса унда сайловчилар томонидан уни манзур тутиш, қўллаб-қувватлаш тўғрисида сўз юритилиши мумкин ҳолос. Уни танлаб олиш ҳақида эмас. Бундай вазиятда сайловларнинг демократик имкониятлари анчагина чегараланган бўлиб қолади. Сиёсий плюрализм, хилма-хиллик шароитида

⁷⁶ Қаралсин: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. Стр. 402-405.

номзодларнинг муқобиллик асосида қатнашуви демократик сайловларнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади⁷⁷.

Кўрсатиб ўтилган эркин сайлов принцип-тамоийилларини ҳаётга татбиқ этилиши бевосита сиёсий тузум шаклига, демократия талаб қоидалари-ҳокимиятни тармоқларга бўлинганлиги, жамиятда мустақил муҳолифат, суд тизимини шаклландирилганлиги, фуқароларнинг сиёсий онги, маданияти, фаоллик даражаси билан боғлиқ бўлади. Акс ҳолда сайловлар демократик мақсадларга эмас, бошқа ғаразли мақсад-муддаоларга хизмат қилиши мумкин. Масалан авторитар, тоталитар тузумга мансуб давлатларда авваллари ҳам, ҳозир ҳам сайловлар орқали манфаатдор доиралар халқаро ҳамжамият фикрини чалғитиш, фирибгарлик услуб-йўллари билан ўз сиёсий ҳукумронликларини мустаҳкамлашга интиладилар.

Тоталитар тузумларда сайлов рўйхатига ҳукумрон гуруҳ ёки партия томонидан битта номзод кўрсатилади. Бундай ҳолатда рақобатдошлик, сиёсий плюрализмга ўрин қолмайди. Тоталитар коммунистик сиёсий системада сайловлар, асосан, жамият олдида турган мақсад-вазифаларни тарғиб қилиш воситаси бўлиб, халқ ва партия, омма ва дохий-раҳбарнинг мустаҳкам бирлиги, сайловда иштирок этиш эса сиёсий тузумнинг демократилигидан далолат берувчи сохта тушунчалар билан суғорилган спектакльни эслатади.

Авторитар давлатларда сайловлар тор доирадаги кишилар гуруҳи ёки алоҳида бир шахс томонидан монополлаштириб олинган ҳокимиятга чирой бериб турувчи безак, пардага ўхшаб кетади. Бундай сайловлар рақобатсиз ёки ярим рақобатли тус олади ва сайловга ҳокимият, партияга содиқ кишилар номзоди қўйилади. Ана шундай тарзда сайланган мамлакат парламенти ваколатлари чегараланган, итоаткор сиёсий институт, ҳокимият механизмига айланиб қолади.

Мухтасар қилиб айтганда авторитар сиёсий системаларда сайловлар мамлакат ичида мавжуд тузум легитимлигини мустаҳкамлашга, жаҳон миқёсида унинг обрў-эътиборини ошириш, давлатдаги сиёсий кескинликни юмшатиш, муҳолифат кучларни ўз томонларига ағдариш ёки қисман ён беришга хизмат қилади.

Сайлов жароёнининг асосий босқичлари.

Сайлов муддатлари ва сайловдан кўзланган мақсад-вазифаларга қараб сайлов жароёни бир неча босқичга бўлинади;

- 1) ташкилий чора-тадбирлардан иборат тайёрлов босқичи;
- 2) номзодларни кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш босқичи;
- 3) тарғибот-ташвиқот кампанияси;
- 4) овоз бериш ва сайлов яқунлари.

Сайловлар ҳамма вақт ҳақиқий демократик ёки қалбаки, хўжакўрсин учун ташкил этилган аниқ бир ижтимоий-сиёсий муҳитда амалга оширилади. Сайлов жароёнига жиддий таъсир кўрсатадиган омиллар қуйидагилардан иборат:

-жамиятда ҳамжамиятлик, ўзаро ишонч муҳитининг қарор топганлиги ва фуқароларнинг катта қисми манфаатларини ифодаловчи сиёсий партиялар томонидан сайлов натижаларини ҳурмат қилиниши;

-давлатда инсон шахси, кўпчилик хоҳиш-иродаси ва озчилик ҳуқуқларини, шунингдек, сайловчилар ва номзодлар эркинликларини турли таҳдид, хавф-хатарлардан ҳимоя қилишга қаратилган шарт-шароитларнинг яратилганлиги;

-сайлов моҳият-мазмуни, қоидалари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар, уларнинг дастур ва номзодларидан фуқароларнинг хабардорлигини белгиловчи сиёсий маълумотлилиқ даражаси. Бу кўрсаткич сайловчилар ҳукмини (ким учун овоз бериш) нақадар онгли ва масъулият билан қабул қилинганини билдиради. Фақат шундагина сайловлар халқ хоҳиш-иродасига мос равишда ўтказилган бўлиши мумкин. Акс ҳолда улар элитанинг ўз мақсадларига эришишларидаги хийла-найранглари, куролига айланиб қолади;

-сайловчиларни рўйхатга олиш жароёнида миллий, ирқий, мулкӣ ва бошқа кўринишлардаги чеклаш, камситишларга йўл қўйилмасликни ифодаловчи демократик тартибот мавжудлиги;

-партияларни рўйхатга олишнинг демократик тартиби ва партияларнинг ўзаро муносабатлари. Партиялар сайловчилар фаоллиги ва сафарбарлигини таъминлашнинг бош субъекти ҳисобланадилар. Зотан улар мамлакат парламенти ва ҳукуматини шакллантиришнинг асосий даъвогарлари бўлиб майдонга чиқадилар. Эркин сайловларнинг муҳим жиҳати шундаки демократик конституцияни тан

⁷⁷ Қаралсин: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. Стр. 407-408.

оладиган барча партиялар, депутатликка номзодлар рўйхатга олинишлари ва сайловдаги курашда қатнашиш имконига эга бўлишлари шарт;

-сайлов жароёнини холис ва омилкорлик билан уддалай оладиган мустақил бошқарув органларни шакллантириш. Бу энг аввало сайлов комиссиясидир. Унинг вазифаси сайлов ҳақидаги қонунни халқ оммасига етказиш, тушунтириш, сайлов ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилаш, сайлов участкаларини ташкил этиш, номзодларни қўллаб-қувватловчи имзолар ҳақиқийлигини текшириб чиқиш, юзага келган келишмовчиликларни тартибга солиш, сайловчилар ва номзодларни рўйхатга олиш, зарур сайловолди ҳужжат, материалларни тайёрлаш ва масъул ходимларни тайинлаш, сайлов натижалари билан боғлиқ маълумотларни жамлаш ва уларни ўз вақтида эълон қилиш, сайлов ўтказиш жароёни устидан умумий назорат ўрнатишдан иборат бўлади.

Сайлов ўтказиш муддатларини белгилаш, тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказиш билан сайлов кампанияси бошланади. Давлат сайловларни ўтказиш, номзодлар, партияларнинг ғалаба қозонишини таъминлайдиган кенг кўламдаги ташкилий, сиёсий, ахборот, тарғибот ва ташвиқот чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Сайлов кампанияси номзод ва партияларни кўрсатиш ва рўйхатга олиш билан бошланади. Бунинг учун: а) номзод ёки партияни қўллаб-қувватловчи имзолар тўпланadi; б) номзодларни қўллаб-қувватловчи ҳужжатлар билан бирга рўйхатга олиш учун зарур бўлган бадал, маблағ тўланганлиги ҳақидаги маълумотнома тақдим этилади.

Кўпчилик ҳолларда сайловда қатнашиш учун талаб қилинадиган имзоларни тўплаган номзодлар, партия, оммавий ташкилот, ҳаракатлар, фуқаролар гуруҳлари томонидан кўрсатиладилар. Номзодларни рўйхатга олиниши учун керакли имзолар сони сайлов даражаси, президентлик, парламент, ҳудудий, шунингдек, сайлов тўғрисидаги қонун билан белгиланади.

Номзодларни кўрсатиш жароёни уларни рўйхатга олиш билан поёнига етади. Шундан кейин сайловчиларга жиддий таъсир ўтказувчи сайловолди тарғибот-ташвиқот кампанияси бошланади. Кампания таркибига бош бошқарувчи, молиявий агент (вакил), сиёсий ташкилотчи, техник котиб ва ёрдамчилардан ташқари номзодни ишончли вакиллари, уни қўллаб-қувватловчи гуруҳ аъзолари, сайловни ижтимоий –сиёсий ташкил этиш гуруҳи, шунингдек, жамоатчи фаоллар, агитаторлар, кампания ҳомийлари ва бошқалар кирадилар.

Кўриниб турганидек сайловлар бир қанча моддий, (мблағ, бино ва х.к.) вақт ва кишилик ресурсларини талаб қилади. Уларсиз сайловларни ташкил қилиш мумкин бўлмайди ёки улар ҳуқумрон гуруҳ, йирик капитал, оммавий ахборот воситалари томонидан уюштирилади ва улар вакилларини сайловларда ғолиб чиқишни таъминлайди.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки тарғибот-ташвиқот кампаниясининг демократик характери сайловлар учун ажратилган ресурсларни барча номзодлар, партиялар ўртасида тенг, ҳеч бўлмаса, холис, ҳаққоний тақсимланганлиги билан белгиланади. Бу сайлов фондларини давлат томонидан молиялаштириш ёрдамида тенглаштириш ва айни бир пайтда шахсий бадаллар миқдорини чегаралаш, корпорациялар, чет эл фуқаролари ва бошқа манбаалардан тушадиган маблағларни таъқиқлаб қўйиш имконини беради.

Тарғибот-ташвиқот кампаниясининг демократик принциплар асосида ташкил этилганлигини тасдиқловчи факторлар қаторига номзодларни оммавий ахборот воситаларидан, айниқса электрон воситаларидан фойдаланишларга тенг шароитлар яратилиши, сайловлар учун ажратилган маблағлардан имтиёзли фойдаланишга йўл қўймаслик ва ниҳоят, давлат раҳбарлари, юқори мансабдаги амалдорларни сайлов жароёнида ўз лавозимларини суиътемом қилишларини олдини олиш чоралари киреди.

Овоз бериш ва унга яқун яшаш сайлов жароёнининг энг сўнги, шунинг билан бирга, юқори босқичи ҳисобланади. Сайлов комиссияси овоз бериш жароёнини тугаши биланоқ сайлов натижаларини ҳисоб-китоб қилишга киришади. Овоз бериш ва сайлов натижаларини ҳисоблаш ўртасида узилиш, тўхталиш мумкин эмас. Зеро бу ҳолат сайловларда учраб турадиган ноҳуш ҳодисалар-сайлов натижаларини сохталаштириш, бузиб кўрсатилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам овоз бериш ва сайлов натижаларини тўғри ҳисоб-китоб қилиш жароёни устидан қатъий назорат ўрнатилади.

Сайлов жароёни мамлакат Конституцияси ва сайлов ҳақидаги қонунда белгиланган норма ва қоидаларга асосланади. Сайловни ташкил қилиш, сайловчилар берган овозларни мандат (ваколатни тасдиқловчи гувоҳнома) ва ҳокимият мансаб-вазифаларга айлантириш ишларини бошқариш, тартибга солиш сайлов тизими томонидан амалга оширилади. Сайлов тизимининг энг муҳим вазифаси халқ, сайловчилар хоҳиш-иродаси, вакиллигини таъминлаш, лаёқатли, самарали фаолият кўрсата оладиган ҳокимият органларини шакллантиришдан иборат бўлади.

Демократик давлатнинг асосий принципларидан бири эркин ва адолатли сайлов тизимини жорий қилинганлигидадир. “Сайлов тизими” тушунчаси биринчидан, сайланадиган (аввало вакиллик) давлат органларини шакллантириш тартиби, иккинчидан, сайловда овоз бериш натижалари аниқлангандан кейин, сайланган органларда жойларни (масалан, парламентдан жой, ўрин олган партиялар ўртасида) тақсимлашни билдиради.

Жаҳон тажрибасида сайлов тизимининг мажоритар (муқобил), пропорционал (вакиллик, мутаносиблик) ва аралаш турлари қўлланилади. Мажоритар сайлов тизимида номзод ёки партия сайловда ғолиб чиқиши учун округ ёки мамлакат миқёсида кўпчилик овозни қўлга киритиши керак бўлади. Кўпчилик деганда баъзи ҳолларда номзодни ғолиб деб топилиши учун у берилган овозларни мутлоқ кўп қисми-ярмидан кўпроғини, камида 50%+1 та ва ундан кўпроқ овоз олган бўлиши лозим⁷⁸. Ҳар бир сайлов округидан сайланадиган депутатларнинг сонига қараб бир мандатли ёки кўп мандатли мажоритар тизимлари бўлиши мумкин.

Пропорционал сайлов тизимида овоз бериш партия рўйхатлари ёки сайлов коалициялари бўйича ўтказилади. Бунда ҳар бир партия, коалиция ўз номзодлари рўйхатини илгари суради, сайловчи эса ўзи ёқтирган партия ёки коалиция рўйхати учун овоз беради.

Аралаш сайлов тизими ўзида ҳам мажоритар, ҳам пропорционал сайлов тизимлари элементларини мужассам этади.

Мажоритар сайлов тизимининг эътиборли томони шундаки ҳукумат шаклланиши ва барқарорлиги нисбатан осон кечади. Яъни ташкилий жиҳатдан яхши уюшган йирик партия сайловда осонгина ғалаба қозонади ва мамлакатда бир партияли ҳукумат таркиб топади. (масалан, Россиядаги “Единая Россия” партияси бир неча сайловлар давомида парламентдаги кўпчилик мандатларни қўлга киритади ва думада яқка ҳукумронлик қилади).

Бу сайлов тизимининг заиф томони шундаки мамлакат сайловчиларнинг каттагина (айрим ҳолларда 50 % гача) қисми ҳокимият органларида ўз вакилларисиз қоладилар. Бу биринчидан. Иккинчидан, сайловда оз овоз олган партия рақибларига нисбатан парламентда кўп ўрин олиши мумкин. Чунки сайловда ўз рақибларига нисбатан кўп овоз олган партия ғолиб чиқади. Учунчидан, сайловда деярли тенг ёки унга яқин овоз олган партиялар парламентда бир хил бўлмаган ўринларга эга бўлиши мумкин.

Пропорционал сайлов тизимининг ижобий жиҳати шундаки шаклланган ҳокимият органларида, жамият сиёсий ҳаётининг реал ҳолати, сиёсий кучларнинг мавқеи, уларнинг жойлашишида кўзга ташланади. Ушбу сайлов тизимининг салбий жиҳатлари эса ҳукуматни шакллантириш жароёнидаги мураккабликда кўзга ташланади: овоз бериш аниқ бир номзод учун эмас, партияга берилганлиги туфайли сайловчилар ва депутатлар ўртасидаги алоқа, муносабатлар етарли даражада бўлмайди; сайланган депутатларни ўз партияларидан мустақиллиги муҳим масалаларни муҳофаза қилишда қийинчиликлар туғдиради (депутат ва партия қарашлари бир-бирига мос келмай қолади)⁷⁹.

Мустақил Ўзбекистонда сайлов тизимининг шаклланиши ва ривожланиш жароёнлари.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Шарқ ва Ғарб демократияси тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган демократик сайловлар шаклланди. Бунда Шарқ демократиясининг инсонни улуғвор билиш, тараққиётда эволюцион, реал шароитдан келиб чиқиб ҳаракат қилиш, масъулият ва фидоийлик каби қадриятлари; Ғарб демократиясининг эса инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ошкоралик, ўз-ўзини танқид, омилкорлик ва ҳаракатчанлик сингари жиҳатлари инобатга олинади.

Ана шу демократик талаб-тамоийлар асосида юртимизда чин маънодаги демократик сайловлар шаклланди ва такомиллашиб бормоқда. 1991 йилнинг 29 декабрь куни Ўзбекистон тарихида илк бор яширин овоз бериш йўли билан тўғридан-тўғри умумий ва альтернатив асосида президентлик сайловлари бўлиб ўтди ва унда И.А.Каримов кўпчилик овозни олиб Республикаимизнинг биринчи Президенти этиб сайланди. 1994 йилнинг 24 декабрь куни эса Ўзбекистон Республикаси парламенти Олий Мажлисига биринчи марта кўппартиявийлик асосидаги сайловларнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди⁸⁰.

“Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларация”сини ратификация қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Сайловчилар ҳуқуқларининг кафолатлари” ва бошқа қонуний-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимиздаги ҳозирги сайлов тизимининг асосини ташкил этдилар. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг биринчи

⁷⁸ Қаралсин: Политология. Учебник для вузов/ под.ред. М.А.Василика. стр. 287.

⁷⁹ Қаралсин: Политология. Под ред. М.А.Василика. стр. 286-289.

⁸⁰ Қаралсин: Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. 297-303 б.

чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган нутқида кўрсатиб ўтилганидек “Халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишни таъминловчи сайлов тизими шаклланди ва қонун билан мустаҳкамланди”⁸¹.

Ўзбекистон Конституцияси ва сайловлар ҳақидаги қонунларнинг муҳим хусусиятларидан бири-буларнинг умумэтироф этилган халқаро нормаларга мослигидир. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- умумий сайлов ҳуқуқи
- тенг сайлов ҳуқуқи
- тўғридан-тўғри (бевосита) сайлаш ҳуқуқи
- яширин овоз бериш ҳуқуқи⁸²

Республикамизда ҳар бир фуқаро сиёсий ҳуқуқини сайлов орқали рўёбга чиқаради. Бунинг маъноси шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўзлари сайлаб қўйган вакиллари, вакиллик органлари бўлимиш қонун чиқарувчи орган-Олий Мажлис, халқ депутатлари тегишли Кенгашлари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали давлатни бошқаришда иштирок этадилар. Конституциямизнинг 32-моддасида муҳраб қўйилганидек “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш билан амалга оширилади”⁸³.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қафолатланади⁸⁴.

Мамлакатимизда фуқароларнинг сайловда қатнашишларига кенг ва реал имкониятлар яратилган. Республика Олий Мажлиси депутатлигига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказиладиган сайловларда Ўзбекистоннинг 18 ёшга тўлган барча фуқаролари умумий сайлов ҳуқуқи принципларига биноан сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда қатнашиши ва сайланиши мумкин эмас⁸⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон фуқароси сайланиши мумкин.

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан-Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенат (юқори палата) дан иборат бўлиб беш йиллик муддатга сайланадилар.

2008 йилда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришларга мувофиқ Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилади, шундан 135 нафар депутат сиёсий партиялардан сайланадиган бўлди. Қуйи палатадаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланиши мақсадга мувофиқ деб топилди⁸⁶.

Ўзбекистонда мажоритар сайлов тизими қабул қилинган. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасига номзод сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини олиши керак. Агар сайловда рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 33 фоизидан дан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган ҳисобланади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида, мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридан тенг миқдорда –олти кишидан

⁸¹ Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. –Т.: Ўзбекистон, 1966. 9 б.

⁸² Қаралсин: Ҳ.М.Муҳаммедов. Сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими.-Т.: ТДЮИ. 2004. 7 б.

⁸³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 8 б.

⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 31 б.

⁸⁵ Қаралсин: Ҳ.М.Муҳаммедов. Сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими. 9-10 б.

⁸⁶ Қаралсин: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси. Наманган ҳақиқати. 2010. 16 ноябрь.

сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади”⁸⁷. Шундай қилиб Сенатнинг таркиби 84 сайланган ва 16 та тайинланган шахслардан иборат бўлади.

Юртимизда сайлов жароёнининг янада либераллаштириш, фуқаролар сиёсий фаолиятини оширишга қаратилган бир қанча тадбирий чоралар кўрилди. Масалан, сайловда иштирок этадиган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиши учун ўрнатилган муддат 6 ойдан 4 ойга туширилди, сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун рухсат бериш масаласини ҳал этиш борасида зарур бўладиган сайловчилар имзосининг миқдори аввалги 50 минг имзо ўрнига 40 минг қилиб белгиланди. Шунингдек, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафаргача кўтарилади⁸⁸.

“Сайлов тизимимиз, -деб таъкидлайди И.А.Каримов, -хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши шарт экани тўғрисидаги норманинг киритилгани бунинг яққол тасдиғидир.

2009 йили сайловлар жароёнида айни ана шу норманинг татбиқ этилиши парламентнинг қуйи палатасига умумий депутатлар сонининг 22 фоизини ташкил этадиган 33 нафар хотин-қиз депутатни сайлаш имконини берди.

Сенат аъзолари этиб сайланганларнинг 15 фоизи аёллардир, маҳаллий вакиллик органларида фаолият кўрсатадиган аёллар эса бугунги кунда жами депутатлар сонининг 20 фоизидан ортиғини ташкил этади”⁸⁹.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки мустақиллик йилларида сайлов тизимини такомиллаштириш борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Сайловлар халқ хоҳиш-иродасини аниқ-равшан ифода этишнинг, жамиятни демократлаштириш жароёнининг зарур шарти, фундаментал асосларидан бирига айланди.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Сиёсий коммуникация” тушунчасини изоҳланг.
2. Сиёсий коммуникация моделларини фарқлаб беринг.
3. Ахборот, сўз эркинлиги ўзи нима?
4. ОАВнинг жамиятда тутган ўрни ва ролини таърифланг.
5. ОАВни вазифа-функциялари ҳақида нималарни биласиз?
6. ОАВ ва демократилаштириш жароёнларининг ўзаро боғлиқлиги нималарда?
7. И.А.Каримовнинг ОАВни либераллаштириш ва сўз эркинлигини таъминлаш ҳақидаги кўрсатмаларини сўзлаб беринг.
8. Сайловларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли, вазифа-функциялари нимадан иборат?
9. Сайловларнинг асосий тамойил-принципларини шарҳлаб беринг.
10. Сайлов жароёнининг асосий босқичларини кўрсатиб ўтинг.
11. Сайлов тизимини характерлаб беринг.
12. Мажоритар, пропорционал ва аралаш сайлов тизимлари ўртасидаги тафовут нималардан иборат?
13. Республикада сайлов тизимини такомиллаштириш, ислоҳ этишининг асосий натижалари ҳақида нима дея оласиз?
14. Сайловларни ташкил этиш, ўтказишда йўл қўйилаётган хато камчиликлар, уларни бартараф этиш ҳақида шахсий фикрингизни баён этинг.

⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 14-15 б.

⁸⁸ Қаралсин: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Наманган ҳақиқати. 2010. 16 ноябрь.

⁸⁹ Қаралсин: Қаралсин: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Наманган ҳақиқати. 2010. 16 ноябрь.

5. Сиёсий ихтилофлар. Сиёсий модернизация

Режа

1. Ихтилоф ижтимоий воқелик сифатида. Сиёсий ихтилофлар: мазмун-моҳияти ва турлари.
2. Сиёсий инқироз: тушунча, кўриниш ва ечимлари
3. Сиёсий ривожланиш: тушунча ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Сиёсий модернизациянинг моҳияти, унинг турлари ва белгилари. Ўзбекистондаги сиёсий модернизация жароёнлари.

Ихтилоф ижтимоий воқелик сифатида.

Ихтилофлар тарихи дунё тарихидек кўхнадир. Ихтилофлар муаммоси қадим замонлардан тортиб ҳозирги кунгача турли фан вакилларининг диққат эътиборини ўзига тортиб келган ва бу жароён бундан кейин ҳам давом этади. Қадимги юнон файласуфи Гераклит таъбири билан айтганда ҳамма нарса ҳаракатда. Абадий ҳаракат айна бир пайтда абадий ўзгариш ҳам демакдир⁹⁰. Ўзгаришлар заминиде қарама-қаршилиқлар ётади. Улар заминиде эса ихтилофлар юзага келади.

Ихтилофлар муаммоси Н.Макиавелли ижодида муҳим ўрин тутган. У турли даража, кўринишлардаги ихтилофларни таҳлил қилиб, уларни жамият тараққиётидаги ижобий ролига катта эътибор беради. Аммо XVIII аср охиригача шу масаладаги илмий изланишларда ихтилофлар ҳуқумронлик ва бўйсунувчилик жароёнлари билан боғлиқлиги эътироф этиб келинган. А.Смит, масалан, ихтилофлар заминиде жамиятни синфларга бўлиниши ва иқтисодий рақобат ётганлиги, Ф.Гегель эса бойлик орттиришга ружу қўйган буржуазия ва абадий меҳнатга маҳкум этилган синф ўртасидаги тенгсизликда кўрадилар⁹¹.

Ижтимоий ихтилофлар икки ва ундан ортиқ ҳар хил йўналишдаги кучларнинг қарши ҳаракат, тўқнашувдир.

Ихтилофларни тадқиқ этишдаги иккита асосий йўналишни кўрсатиб ўтамиз. Булар: 1) Э.Дюркгейм, Т.Парсонс, Н.Смелзерларнинг жамиятдаги барқарорлик ва бардошлиқни таъминлаш назарияси. 2) К.Маркс, М.Вебер, Р.Дарендорфларнинг жамиятда кечаётган жароён, ўзгаришлар сабаб-оқибатларини аниқлашда ихтилофларнинг устуворлиги концепцияси.

Т.Парсонс таълимотига кўра ҳар қандай жамият нисбатан уюшган ва барқарор, чидам-бардошли тизимдан иборат. Унинг таркибидаги ҳар бир элемент (унсур) маълум вазифа-функцияни бажаради ва жамият барқарорлигига ўзининг ҳиссасини қўшади. Ижтимоий тизимнинг барқарорлиги, бирлиги жамият аъзоларининг муросасозлик қадриятларига асосланади.

Р.Дарендорф ҳар бир жамият ўзгаришларга чалиниши ва уларнинг ҳаммага тегишли эканлиги, ҳар қандай жамият ўзаро келишмовчилик, ихтилофлар билан тўлиб тошганлиги ва уларнинг ҳамма жойда ҳозир-нозирлиги, жамиятнинг ҳар бир элементи унинг тарқоқлиги ва ўзгаришларига ўзининг ҳиссасини қўшиши мумкинлиги, жамиятнинг маълум бир гуруҳи бошқаларни итоаткорлик, бўйсунушга мажбур қилишини кўрсатиб ўтади.

Р.Дарендорф таъкидлашча ихтилофларни тан олиш ва уларни уддасидан чиқиш тарихий ўзгаришларни назорат остида ушлаб туриш имконини беради. Кимда ким ана шу имкониятни қўлдан бой берса у ўзига-ўзи душман орттиради. Ижтимоий ихтилоф жамиятдаги ҳуқумронлик ва бўйсунуш муносабатларига қарши кураш натижасидир. Ихтилофни бостиришга йўналтирилган ҳатти-ҳаракат уни янада кескинлашуви, революцияга, уни мақсадга мувофиқ, рационал бошқариш эса-бошқарилиши мумкин бўлган эволюцион ўзгаришларга олиб келади⁹².

Л.Козер ихтилофларни ижтимоий гуруҳ, индивидларни ўз олдиларига қўйган мақсад-вазифа-ҳокимият, ижтимоий мақомни ўзгартириш, даромадларни одил тақсимлаш, қадриятларни қайта кўриб чиқилишига йўналтирилган интилиш, ҳатти-ҳаракатнинг мафкуравий ифодаланиши деб баҳолайди. Олимнинг фикрича ихтилофларнинг кадр-қиймати ижтимоий тузумни қотиб қолишини олдини олиш, янгиликларга йўл очиб берилиши билан ўлчанади.

Америкалик К.Э.Боулдинг ихтилофларнинг барча кўринишлари учун умумий бўлган моделини ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. Ихтилофлар дейди у онгланган ва пишиб етилган қарама-қаршилиқлар, манфаатлар тўқнашувидан далолат беради.

⁹⁰ Қаралсин: Асмус В.Ф. Античная философия. Стр.33.

⁹¹ Қаралсин: Краснов Б.И. Конфликты в обществе. Социально-политический журнал. М.: 1992. №6-7. Стр.15.

⁹² Қаралсин: Политология. Учебник для в узов/ под.ред. М.А.Василика.. Стр. 482-483.

Ана шу моделга мувофиқ ижтимоий ихтилофлар ташаббускорлари томонидан уни ташкил эта олиши даражасига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади: индивидлар ўртасидаги ихтилофлар; маконда бир-биридан ажратилган гуруҳлар ўртасидаги чегара масалалари билан боғлиқ ихтилофлар; маконда кесишувчи гуруҳлар ўртасидаги экологик ихтилофлар; бир хил ташкилотлар (масалан давлатлар) ўртасидаги ихтилофлар; тузилишлари жихатидан ҳар хил ташкилотлар (давлат ва черков) ўртасидаги ихтилофлар; индивид ва гуруҳ ўртасидаги ихтилофлар; индивид ва ташкилот (фуқаро ва давлат) ўртасидаги ихтилоф ва ниҳоят гуруҳ билан ташкилот ўртасидаги ихтилофлар⁹³.

А.Раппорт ихтилофларнинг учта муҳим тури, ва, айни бир пайтда унинг шунча даражаси-уруш, ўйин ва баҳс эканлигини; Р.Даль эса ихтилофларни уларда қатнашувчиларнинг сонидан келиб чиқиб икки томонлама ва кўп томонламага; иштирокчиларнинг бир-бирига ўхшашлигига қараб копулятив ва келишувчи ҳамда қатнашувчилар ўртасидаги қарама-қаршилик даражаси, меъёрига кўра бир-биридан фарқ қилувчи қисмларга бўлинишини эслатиб ўтади⁹⁴.

Ихтилофларнинг туб сабаб, манбаалари масаласига бир хил жавоб излаб топиш анчагина қийин вазифа. Чунки ҳар бир ихтилоф заминидан бир қанча иқтисодий, сиёсий манфаатлар, ижтимоий обрў-эътибор, нуфуз, мафкуравий, миллий, диний ва бошқа соҳа, жихатлар ётганлигидан келиб чиқиш керак.

Жамиятни табақалашуви, уни ижтимоий, миллий, гуруҳ, қатлам, синфларга бўлиниши ихтилофлар келиб чиқишининг асосий манбаалари ҳисобланади. Ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларидаги номутаносиблик ижтимоий қатлам, гуруҳ, синфлар ўртасидаги курашга, авлодлар ўртасидаги, оила, ташкилотлараро қарама-қаршиликка, жамиятдаги этник гуруҳлараро кураш, турли хилдаги диний жамоалар ўртасидаги қарама-қаршилик, анъанавий қадриятларни янги шаклланаётган урф-одатлар билан келиша олмаслиги сабабли юзага келадиган ихтилофларга сабаб бўлади.

Ихтилофлар абадий. Зеро барча, барчанинг талаб-эҳтиёжларини тўла қондира оладиган тузум ҳали ташкил этилмаган ва ташкил этилиши ҳам муаммо. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки кишиларнинг барча талаб-эҳтиёжларини тўла қондириш имкони бўлганида ихтилофга ўрин қолмас эди. Масалани бошқа томони борки бундай ҳолатда жамият таракқиёти ҳам тўхтаб қолган бўлар эди. Д.Истон айтиб ўтганидек тақчиллик барча жамиятларда устунлик қилади. Бу сиёсий анализ, таҳлилнинг бош нуктасидир. Жамият аъзоларининг талаб эҳтиёжларини етарли даражада қондириш учун керакли бойликни ўзи йўқ... фаровонлик, бойлик билан боғлиқ тафовут, ихтилофлар муқаррар⁹⁵.

Сиёсий ихтилофлар: моҳият-мазмун ва турлари.

Сиёсий ихтилоф-бу сиёсат субъектларнинг бир-бирига зид сиёсий қараш, манфаат ва қадриятларини ҳимоялаш, ресурсларга ҳўжайинлик қилиш, муҳим қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлиш, бир сўз билан айтганда, ҳокимият ва ҳуқумронлик учун курашдир.

Давлат ҳокимиятини қўлга киритиш, сиёсий ҳокимият асосини ташкил этувчи сиёсий институтлар, қадрият ва рамзлар, ижтимоий гуруҳлар мақомини белгилаш ва сиёсат билан боғлиқ бошқа масала-муаммолар сиёсий ихтилофларнинг объекти ва предмети бўлиб ҳисобланади.

Мазмун-моҳиятига кўра сиёсий ихтилофлар икки гуруҳга бўлинади: 1) ҳуқумронлик ва улар измидаги бўйсунувчилар ўртасидаги ихтилофлар; 2) жамият сиёсий тизимида бир хил ёки турли хил даражадаги лавозимларни эгаллаб турган амалдорлар ўртасидаги ихтилофлар.

Ихтилофларнинг биринчи гуруҳига кирувчи субъектлараро ихтилофларда бир томондан аҳолининг ҳуқумрон қисми-ҳуқумрон элиталар ва улар манфаатлари ҳимоясида турган партиялар, давлат институтлари, ташкилотлар, лидер-етакчилар, иккинчи томондан эса жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидалар ва ҳуқумрон сиёсий ҳокимиятга қарши турган қарам, бўйсинувчи омма манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар қатнашадилар.

Бундай ихтилофларнинг асосий мақсад, предмети давлат ҳокимияти тизими, мавжуд ижтимоий тартиб, режим бўлиб, унинг ечими жамият сиёсий тизимининг алмашуви билан яқунланади.

Иккинчи гуруҳдаги ихтилофларнинг субъектлари мавжуд тузумда турли позициялардаги бошқарувчилик ва раҳбарлик функцияларини амалга оширувчи сиёсий институтлар, ташкилотлардан ташкил топади (давлат ҳокимиятининг турли хилдаги тармоқ органлари, уларда хизмат қилувчи кишилар гуруҳи ҳамда маҳаллий ҳокимият субъектлари).

Бу хилдаги ихтилофлар предмети сиёсий тизимнинг баъзи бир элементлари ёки ҳуқумрон доиралар олиб бораётган сиёсатни тузум мақсад-вазифаларига, ҳуқумрон кучларнинг айрим гуруҳлари

⁹³ Қаралсин: Политология. Учебник для вузов/ под.ред. М.А.Василика. Стр. 484.

⁹⁴ Ўша ерда. Стр. 485.

⁹⁵ Қаралсин: Санистебан Л. Основы политической науки. М.: МП «Владан», 1992. Стр. 104.

манфаатларига тўла мос келмаслигидан иборат бўлади. Уларни ҳал этилиши ҳокимият структураси ва ўтказадиган сиёсатдаги қисман ўзгаришлар билан ниҳоясига етади.

Шунинг учун бу тоифадаги ихтилофларни радикал (туб) ихтилофлар ҳам деб аталади. Радикал ихтилофлар манбаалари йирик ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий манфаат қадриятлардан келиб чиқади. Унчалик муҳим аҳамиятга эга бўлмаган қисман ихтилофлар манбаини эса ихтилоф вакилларининг вақтинчалик, асосий бўлмаган манфаат ва қадриятлари ташкил этади.

Радикал ихтилофларга жамиятдаги кўпгина ёки ҳаракатдаги барча институтлар ва аҳолининг катта қисми жалб қилинади. Қисман характердаги ихтилофлар атиги бир неча институтлар ва гуруҳлар, элитанинг маълум қисмлари, рақобатдаги партиялар, сиёсий муносабатлар ва институтларни ислоҳ этиш тарафдорларидан иборат бўладилар. Радикал ихтилофчилар жамиятни иккита қарама-қарши кучларга бўлиб қўядилар. Ихтилофларни бошқа, иккинчи тури эса плюрализм қоидалари доирасида ҳаракат қилувчи кўп сонли сиёсий кучлар аралашмаси, қоришмасидан ташкил топади.

Ички сиёсий ихтилофлар режимли ва легитимли бўлакларга ажратилади. Ҳокимиятни, давлатнинг худудий яхлитлигини бузмаган ҳолда қўлга киритиш ёки жамият сиёсий тизимини алмаштириш ички ихтилоф субъектларининг асосий мақсад, вазифаларига киради. Легитимли ихтилофларда давлатнинг бир қисмини унинг бус-бутун қисмидан ажратиб олишга ҳаракат қилинади.

Сиёсий ихтилофлар сиёсатнинг қайси бир соҳасида юзага келиши ва авж олишига қараб юқори даражадаги ихтилофларга ҳамда худудий ва маҳаллий ихтилофларга бўлинадилар.

Ихтилофларни сиёсий таҳлил қилишда уларнинг объективлик хусусиятларига қараб фарқлаш, баҳолаш қабул қилинган. Булар: манфаат ва мақсадлар ўртасидаги объектив қарама-қаршиликлардан келиб чиққан чинакам, ҳақиқий ихтилоф; иштирокчилар томонидан ҳали англаб етилмаган тасодифий, шартли ихтилоф; қарама-қарши томон сифатида қарши ҳолатда бўлмаган томонни қўшиб кўрсатилган ихтилофлар, ва ниҳоят, ҳеч қандай реал сабабларга асосланмаган сохта, ёлғон ихтилофлар.

Ҳозирги шароитда этник сиёсий ихтилофлар алоҳида ўрин тутаяди. Улар сиёсат даражасидаги муайян ҳатти-ҳаракатлар-оммавий тартибсизлик, сепаратив-ажралиб чиқишга қаратилган, ҳаттоки фуқаролар урушини келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкинлиги билан характерланади. Кўпчилик ҳолларда этник сиёсий ихтилофлар худудий ёки маълум ҳақ-ҳуқуқларга давогарлик қилиш билан боғлиқ бўлади. Аммо ҳар қандай этник сиёсий ихтилофлар заминида энг муҳим масала вазифа-ҳокимиятни қўлга киритиш, ресурсларга эга бўлиш, миллий элита ҳақ-ҳуқуқларини амалга ошириш масаласи ётади⁹⁶.

Сиёсий инқироз: тушунча, кўриниш ва ечимлари.

Фалсафий нуқтаи назардан инқироз бу “маълум воқеликнинг табиат ва жамият тараққиёти объектив қонуниятларига зид келиб қолиши, ўз даврида прогрессив ҳисобланган жароёнларнинг вақт ўтиши билан янги талабларга жавоб бера олмаслиги туфайли юз берадиган ҳодисадир⁹⁷.

Сиёсий инқироз-бу жамият сиёсий тизимининг, биринчи навбатда, сиёсий институтларнинг беқарорлиги, иқтисодий жароёнларни бошқаришдаги сусткашлик оқибатида юзага келган сиёсий қарама-қаршиликлар, тангликни кескин тус олиб бориши билан боғлиқ ўзига хос ҳолат⁹⁸.

Сиёсий инқироз ўзининг бошланиши ва ривожланиши даврида бир қатор босқичларни босиб ўтади: жамиятнинг инқироз олди ҳолати ёки сиёсий институтлар томонидан мавжуд қарама-қаршиликларни компромислар йўли билан ҳал қила олмаслиги; ҳуқуқматни жамият олдида турган муаммо, масалаларни, сиёсий усуллар билан урдалай олмаслиги; инқирозни кескинлашуви, авж олиб бориши натижаси ўлароқ жамият сиёсий структурасини парчаланиши. Умуман олганда, сиёсий инқироз жамият тарихидаги фожиали воқеликдир.

Жамиятда юзага келган иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги қарама-қаршиликлар ва улар билан боғлиқ сиёсий инқироз функционал структуравий ва системали қарама-қаршиликларга бўлинади. Уларнинг биринчиси давлат ҳокимияти институтларини фаолият кўрсатиш услуб, механизмларини янги ижтимоий, иқтисодий шарт-шароитларга мослаша олмаслиги натижаси ўлароқ жамият ижтимоий ҳаётини ҳаракатга келтирувчи механизмлар ва сиёсий тизимни функционал парокандаликка юз тутишида намоён бўлади. Бундай қарама-қаршиликларни бартараф қилиш учун юқоридаги механизмларни ислоҳ этиш ва такомиллаштириш талаб қилинади.

⁹⁶ Қаралсин: Каменская Е.И. Политология. Стр. 172-173.

⁹⁷ Қаралсин: Фалсафа: Қомусий луғат. 173 б.

⁹⁸ Қаралсин: Политологический словарь. В двух частях. Часть. II Стр. 32-33; Политология. Учебник для вузов/ под.ред. М.А.Василика. Стр. 491.

Структуравий қарама-қаршиликлар кишиларнинг реал ижтимоий иқтисодий ҳолат, шароитини давлат тузилиши шаклига мос келмаслигидан келиб чиқади. Натижада структуравий инқироз юзага келади, ривожланади. У жамиятни маълум тарихий босқичдаги ривожланиш имкониятларидан тўла, батамом фойдаланиб бўлганлиги ва сифат жиҳатидан янги тараққиёт даврига ўтиш учун барча шарт-шароитлар пишиб етганлигидан далолат беради. Сиёсатдаги структуравий инқироз ҳукмрон доираларни вужудга келган қийинчилик, муаммоларни ҳал этишидаги заифлиги, ноқобиллигини кўрсатади. Уларни тугатиш учун, энг аввало, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, кейинчалик бошқа соҳаларида структуравий ислохотларни амалга ошириш зарур бўлади.

Системли қарама қаршиликлар жамиятнинг асосий элементлари (техник база, иқтисодий, ижтимоий соҳа, сиёсат, ҳуқуқ) шунчалик қийин ҳолатга тушиб қоладиларки уларни мавжуд ижтимоий-иқтисодий тузум доирасида ўзгартириб бўлмайди. Сиёсатдаги системли инқироз давлат ҳокимияти тизими, ҳукумрон гуруҳларни узоқ муддатлар давомида очиқ ойдин ёки ёпиқ-яширин равишда жамият бошқаруви механизмларини ўз қўлларида сақлаб қолиш имконини бой бериб борганликлари сабабли юзага келади. Инқироздан чиқиб кетишни эса янги синф, қатламлар уддалай олишлари мумкин ҳолос.

Сиёсий инқирозларни шунингдек қуйидаги турларга бўлиш мумкин.

Ҳукумат инқирози - тез-тез учраб турадиган ҳодиса-воқелик бўлиб, у ижро этувчи органлар томонидан ҳукумат буйруқ, кўрсатмаларини ўз вақтида бажара олмаганлиги туфайли ҳукуматнинг обрў-эътибори тушиб боришида намоён бўлади. Агар ҳукумат юзага келган вазиятни уддалай олмаса, парламент уни қўллаб қувватлашдан бош тартади ва вазирлар маҳкамасини истефога чиқаради. Ҳукумат инқирози лидер-етакчилар ва бошқарув шаклини алмашувига олиб келиши мумкин.

Парламент инқирози-бу парламент қарорлари кўпчилик фуқаролар хоҳиш-иродасига мос келмай қолганлиги сабабли қонун чиқарувчи ҳокимиятдаги кучлар нисбатининг ўзгаришидир. Парламент инқирози ундаги бир-бирига қарши асосий фракциялардаги кучларнинг ўзаро тенглигидан ҳам келиб чиқиши мумкин. Бундай вазият қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан қарорларни қабул қилишга ҳалакит беради ва парламент фаолиятини тўхтатиб қўйилишига олиб келади. Шундай ҳолларда парламент тарқатилиб юборилади ва янги сайловлар ўтказилади.

Конституциявий инқироз жамиятнинг бош қонуни-конституция ҳаракат фаолиятини тўхтатиб қўйилиши билан боғлиқ бўлади. Аввалги конституция ўз легитимлигини йўқотади ва уни қайта кўриб чиқиш талаб қилинади.

Ташқи сиёсий инқироз халқаро майдондаги қарама қаршиликлар, ихтилофлар билан ва ички сиёсий инқироз- юқорида кўрсатиб ўтилган ҳукумат, парламент, конституциявий инқирозлар билан боғлиқликда юзага келади⁹⁹.

Сиёсий ҳаёт назарияси ва амалиётида сиёсий ихтилоф, қарама-қаршилик ва инқирозларни олдини олиш, уларни бошқариш ва ҳал қилишнинг бир неча умумий характерга молик услуб, тартиб қоидалари ишлаб чиқилган. Компромисс (ўзаро келишув, муроса-мадора) ва консенсус (якдиллик, ҳамжихатлик, розилик) ана шулар жумласига киради. Сиёсий компромисс у ёки бу тараф томонидан бошқа тараф олдига қўйилган талабларнинг бир қисмидан воз кечишни билдиради.

Мажбурий компромислар юзага келган танглик ҳолатида ўзаро келишувга, мажбур бўлган кучларни қарши томон фойдасига қўйилган шартларга рози бўлиши ёки ҳар иккала томон тақдирига бир хил жиддий хавф солувчи вазият оқибатида имзоланади. Ихтиёрий компромисларда томонларнинг маълум соҳадаги сиёсий манфаатларига мос келадиган масалалар бўйича муросага келинади. Худди шу тарздаги компромислар турли хилдаги партиявий коалиция ва сиёсий иттифоқларни ташкил топилишига асос бўлиб хизмат қиладилар.

Компромисснинг назарий-методологик асосини келишмовчилик ва ихтилофни қарама қаршиликлар диалектикаси орқали бошқариш ва ҳал қилиниши мумкинлиги ташкил этади. Ихтиёрий компромиссга эришиш жароёни ҳамкорликдаги кучлар олдига турган вазифаларни ҳал этиш принцип, нормаларига бўлган қараш ва ёндошувларнинг умумийлигидан келиб чиқади. Қолаверса, компромисс сиёсий ҳаракат ва ихтилофларни бошқариш йўлидаги стратегик мақсад-вазифаларни кўзлаб амалга оширилади.

Бордию компромисс мажбурий характерга эга бўлса унда у: а) ихтилоф қатнашчиларининг айрим мақсад-манфаатларини кўзлаб ўзаро келишувга эришиш, ён бериш; б) ихтилофчи томонларнинг барча куч ва имкониятларини, уларни келажиги, ҳаёт-мамоти билан боғлиқ муҳим масалалар атрофида бирлаштиришдан иборат бўлади (агар компромисс ҳар иккала томонга фойдали бўлса).

⁹⁹ Қаралсин: Политология. Учебник для вузов/ под.ред. М.А.Василика. Стр. 491-492.

Сиёсий кучларнинг ўзаро ҳамкорлигини, жумладан, ихтилофлар пайтида таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан бири консенсусдир. Унинг аҳамиятли жиҳати сиёсий бахс-музокараларда қарши томоннинг далил исботларига хайрихоҳлик, розилик билдирилишида намоён бўлади. Умуман олганда, консенсусга эришиш технологияси компромислар технологиясига нисбатан мураккаброқ кечади.

Сиёсий ривожланиш: тушунча ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Жамиятнинг сиёсий тизими ва бошқарув усули вақти-вақти билан у ёки бу структуравий (тузилмавий) ўзгаришлар-фуқароларни давлатни идора этишдаги иштироки, фуқаро-давлат-жамият тизими ва бошқа соҳалардаги ўзгаришларга чалиниб туради. Ана шу жароёнлар даражаси, меъёри ва кўлами мавжуд ҳокимият тизимини сиёсий жиҳатдан қай даражада ривожланганлигидан гувоҳлик беради. “Сиёсий ривожланиш” тушунчаси илмий муомалага XX асрнинг иккинчи ярмида киритилган бўлиб у сиёсий ҳаёт динамикаси, ундаги жароёнларнинг ўзгариб боришини акс эттиради¹⁰⁰.

Сиёсий ривожланиш жароёни иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги жароёнлар тараққиётидан фарқ қилади. Биринчидан, сиёсий ривожланиш қайтарилмайдиган, такрорланмайдиган жароён эмас. Иккинчидан, сиёсий ривожланиш ўзининг мустақил мезон-белгилари билан характерланади. Учинчидан, сиёсий ривожланиш жароёнлари барча сиёсий ижтимоий тузумларда бир хил кечмайди.

Умуман олганда, сиёсий ривожланиш-бу жамият сиёсий тизимини доимий равишда ўзгариб бораётган ижтимоий талаб-вазифалар, вазиятга мослашуви, ҳукумат билан халқ оммаси ўртасида янги даражадаги алоқа-муносабатларни таъминлашига қодир институтларни ташкил этилишидан иборатдир.

Сиёсий ривожланишнинг ўзига хос белги, мезонлари масаласига келганда америкалик политолог Л.Пай томонидан ишлаб чиқилган унинг учта белгиси-структуравий, дифференциаллаштириш, тузумнинг “қобилятлиги” ва тенг ҳуқуқлилик тенденцияга мойиллигини кўрсатиб ўтиш керак¹⁰¹.

Сиёсий тизим институтларини структуравий дифференциаллаштириш кишилар фаолияти хилма-хиллигини ўсиб бориши қонуниятига мувофиқ ижтимоий муносабатларни мураккаблашиб бориши ва манфаатларнинг янги турларини вужудга келишини билдиради. Сиёсий тизим ана шу талабларга ўз вақтида жавоб бера олиши керак бўлади. Бунинг учун эса самарали структуравий дифференциаллаштириш ва сиёсий институтлар функция-вазифаларини ихтисослаштириш талаб қилинади.

Сиёсий ривожланишнинг иккинчи белги-мезони тузумни инновацияларга, сафарбарлик ва қийин вазиятлардан чиқиб кетишга қобилятлигидир. Инновацияларга қобилятлилик-бу янги муаммоларга мослашиш, қутилмаган ҳолат, вазиятларга мос фаолият кўрсатиш; сафарбарликка қобилят-жамият олдида турган мақсад вазифаларни бажаришга кишилар ва моддий ресурсларини сафарбар эта олишни ифодалайди. Ресурслар сафарбарлиги-бу:

- а) омма учун қоронғи, ноаниқ бўлган орзу-тилакларни аниқ дастур ва сиёсатга айлантириш;
- б) коллектив фаолият кўрсатиш ва ҳатти-ҳаракатлар лойихасини ишлаб чиқиш, тарқатиш ва етказиш;
- в) халқ оммасини ана шу мақсад вазифаларга қизиқтирувчи ва уларни бажаришга сафарбар қилувчи сиёсий ғоялар мавжудлиги;
- г) зарур ресурслар-кишилик, иқтисодий, информацион ва бошқа ресурсларни тўплаш, жамғариш;
- д) сиёсий лидер-етакчиларнинг халқ олдидаги обрӯ-эътибори.

Сиёсий ривожланишнинг учинчи белги, мезони- тенг ҳуқуқлиликдир. Бу: а) халқни фақат маъмурий вазифа-мажбуриятларни бажаришга хизмат қиладиган иштирок маданиятдан жамият сиёсий тизимида фаоллик кўрсатиш маданиятига ўтишини таъминлаш. Бу жароён демократик йўл билан ҳам авторитар шаклдаги сафарбарликни ошириш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

б) барча жамият аъзоларининг ижтимоий ҳолати, мақомидан қатъий назар актив сиёсий фаолият кўрсатиш ҳуқуқини ўзида мужассамлаштирган универсал қонунларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш;

в) давлат мансаб-лавозимларига давогарларни уларни синфий, маҳаллий, қариндош-уруғчилик, таниш-билишлик ва бошқа жиҳатларига қараб эмас лаёқат, билимдонлик, ташкилотчилик қобилятларидан келиб чиқиб қўйиш, тайинлашдан иборатдир¹⁰².

¹⁰⁰ Қаралсин: Политология. Учебник для вузов/ под.ред. М.А.Василика. Стр. 448-449.

¹⁰¹ Ўша ерда. Стр. 448-450.

¹⁰² Қаралсин: Политология. Учебник для вузов/ под.ред. М.А.Василика. Стр.451.

Сиёсий ривожланишнинг кўрсатиб ўтилган характерли жиҳатлари сиёсий институтларнинг фаолият кўрсатиш самарадорлигини янада оширишга қаратилган. Яъни мамлакат тараққиётининг жадаллашуви сиёсий тизим институтлари-давлат, партия, касаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилот, бирлашмалар орқали индивидлар, ижтимоий гуруҳ, умуман олганда, кенг халқ оммасини сиёсий социаллашуви, фаоллигини оширишга эришиш жароёни билан боғлиқ бўлади.

Сиёсий модернизациянинг моҳияти, унинг турлари ва белгилари.

Сиёсий ривожланиш таълимотида сиёсий модернизация концепцияси муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий модернизация тушунчаси, асосан, индустриал ривожланиш босқичига ўтаётган мамлакатлар учун қўлланилиб, у фақат сиёсий институтларни шакллантириш билан эмас халқни ижтимоий сафарбарлигини ошириш ва сиёсий иштироки масалалари билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинади.

Сиёсий модернизация назариясининг марказида глобал жароёнлар замонавийлашувининг, умумий модели, яъни фан-техника тараққиёти, ижтимоий-структуравий ўзгаришлар ва сақланиб келинаётган ижтимоий тартиботларни қайта қуриш орқали анъанавий жамиятдан ҳозирги, тараққий топган жамиятга ўтиш мумкинлигини асослаб бериш масалалари ётади.

Сиёсий модернизация таълимоти ўз тараққиёт йўлида иккита босқични босиб ўтди:

1) XX асрнинг 50-60 йиллари. Бу даврда модернизация вестернизация маъносида, яъни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ривожланиш ғарб тараққиётига тақлид сифатида баҳоланган. Унда бир томонлама ривожланиш ғояси ҳукумронлик қилган. Унга кўра баъзи бир мамлакатлар ўз тараққиётида бошқалардан орқада қолган бўлиб, улар модернизациянинг ягона йўлидан ҳаракат қилганлар.

Сиёсий модернизация, биринчидан, ривожланаётган мамлакатларни ғарбона демократлаштириш деб қабул қилинган. Иккинчидан, бу йўлни “учинчи дунё” (ривожланаётган мамлакатлар) мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг оқибат-натижаси деб тан олинган ва, ниҳоят учинчидан, ривожланаётган давлатларнинг ана шу соҳаларда эришган катта ютуқлари уларнинг Ғарбий Европа ва АҚШ билан олиб борган ҳамкорлик махсули оқибати эканлиги уқтириб ўтилган.

2) XX асрнинг 70-90 йилларида модернизация ва ривожланиш ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик масаласи қайта кўриб чиқилди. Модернизация ривожланишининг аввал ўйланганидек, асосий шarti эмас, балки унинг функция-вазифаси эканлиги эътироф этилди: устувор мақсад-вазифа сифатида жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-структуравий ўзгаришларни ғарбона демократик тараққиёт модели билан боғланмаган ривожланиш шакли ғояси олға сурилди; модернизациянинг “қисман модернизациялаштириш”, “чорасизлик, иложсизлик модернизация”, “инкироз аломати билан боғлиқ модернизация” концепциялари ишлаб чиқилди. Турли мамлакатларда кечаётган сиёсий жароёнларни ҳар бир мамлакатнинг тарихий, миллий, маданий хусусиятлари, ўзига хослиги билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилишга катта эътибор берилди¹⁰³.

Унга кўра иқтисодий соҳани модернизациялаш капитал ва илмий билимлар, табиий ресурсларни ўзлаштириш, қайта ишлаб чиқиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларини, товарлар ва меҳнат бозорларини кенгайтиришга асосланган индустриал технологияларни кенг жорий этишга асосланади;

Ижтимоий соҳани модернизациялаш аввал қабул қилинган буйруқ, фармойишларга асосланган ижтимоий ҳимоя тартиб қоидаларини қайта кўриб чиқиш, унинг касбий ёки бозор муносабатларига мос шакллари ҳаётга жорий этиш;

Маданий соҳани модернизациялаш жамият маънавий тизимини дифференциаллаштириш, ижтимоий онг, таълим хилма-хиллиги, саводхонликни ошириш, миллий тил, маданиятни ривожлантириш, ғоявий оқимлар турлари, оммавий ахборот воситалари ва коммуникацияларни тараққий эттириш;

Сиёсий соҳани модернизациялаш таркибида ўз манфаатлари ҳимоясида турган турли ижтимоий-сиёсий ҳаракат, гуруҳлар тармоғи кенг ривожланган, марказлашган миллий давлатни ташкил этишдан иборатдир.

Сиёсий модернизация ҳақида билдирилган бошқа қарашларда у жамиятдаги сиёсий институтлар ва ролларнинг юқори даражада ихтисослашган тизимини ташкил этиш; индивид ва ижтимоий гуруҳларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги иштироки ва фаоллигини ошириш; сиёсий манфаатларни мувофиқлаштириш; жамият сиёсий тизимини доимий ҳаракатдаги ўзгаришларга мослаша олиши; жамият аъзолари катта қисмини қабул қилинаётган қарорларга таъсир ўтказиш жароёнини кучайтириш;

¹⁰³ Қаралсин: Политология. Учебник для вузов/ под.ред. М.А.Василика. Стр. 453; Политология. Уч. Пособие. Под.общ.ред.Ю.А.Северова. ЧастьII. стр. 38-39; Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. Стр. 426-427.

анъанавий элита ва унинг легитимлигини камайтириш; анъанавий элитани модернизациялашган элита билан алмаштириш ва бошқа мақсад-вазифаларни кўзлайди.

Илмий адабиётларда сиёсий модернизациялаш жароёнини “бирламчи”, ва “иккиламчи” турларга ажратиш қабул қилинган. Унинг биринчисига Ғарбий Европа, АҚШ, Канадада бўлиб ўтган биринчи саноат соҳасидаги инқилоблар, анъанавий, наслдан наслга ўтиб келган имтиёзларни бекор қилиниши ва фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигини, демократлаштиришни эълон қилиниши киради¹⁰⁴.

Унинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки “бирламчи” модернизация аввал маънавий-ғоявий соҳани ислоҳ қилишдан бошланади. Кейин эса унга иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар қўшилади. Иккиламчи, “қувиб етувчи”, модернизация даврида жамиятнинг айрим элемент, унсурлари бошқаларга нисбатан олдинлаб кетади ва бу жиҳатдан улар ривожланган мамлакатлар даражасига етиб оладилар. Ўзга мамлакатларда шарт шароитлар пишиб етилмаганли сабабли улар орқада қолиб кетадилар.

Жамиятнинг “иккиламчи” модернизация босқичидаги ҳолати тўрт бурчакли ғилдирак ҳаракатини эслатади. Маълум тадрижий ёки инқилобий ўзгаришлар даврида ана шу ривожланиш ғилдираги куч билан қирчиллаб бир томонга айланади ва яна қайта зарба, туртиниш бўлмаганига ўша ўрнида қотиб қолади, кейин қийинчиликлар билан яна танланган йўналишда давом этади. Бу ривожланиш суратларини бир хил тарзда кечмаётганлигидан далолат беради. Ана шундай ҳар хил суратлардаги ўзгаришларнинг асосий сабаби жамият ижтимоий тизимини бундай жароёнларга тайёр эмаслиги, мослашмаганлигидадир. Тажриба жамиятнинг ижтимоий тизими-оммавий-сиёсий ўзгаришларга тайёр бўлиши кераклигини кўрсатади.

Бу соҳадаги халқаро миқёсда тўпланган амалиёт яна шундан далолат берадики жамиятни бир ҳолатдан иккинчи бир прогессив ижобий ҳолатга ўтиш жароёни демократияга қаршилиқ кўрсатувчи куч-ҳаракатлар қаршилигини енгиш, ижтимоий гуруҳлар манфаатларини умуммиллий манфаатлар билан бирга қўшиб олиб бориш, бирлаштиришга қодир забардаст сиёсий куч бўлишини тақозо этади.

Турли режим, мамлакатлардаги модернизациялаш жароёнларининг илмий-назарий таҳлили шу ҳулосага олиб келдики модернизациялашни босқичма-босқич, кетма-кетлик ва синовдан ўтган тартиб-қоидаларга мувофиқ амалга ошириш керак экан. Баъзи бир олимлар модернизациялаш жароёнини индустриялашдан бошлаш кераклигини, айрим тадқиқотчилар қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдан, бошқалар ривожланган мамлакатларнинг ёрдами билан, ижтимоий ўзгаришларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган институтларни ривожлантириш орқали, модернизациялаш жароёнида муҳим ролни сиёсий коммуникациялар ўйнаши, ёки ундаги бош звено бўлиб шаҳарлар ролини ошириш лозимлигини кўрсатиб ўтадилар¹⁰⁵.

Агар либерал қарашларда сиёсий модернизациялашнинг асосий ўлчов-мезони аҳолининг вакиллик демократиясига жалб қилинганлиги даражаси билан баҳоланса, консерватизм тарафдорлари учун барқарорлик муҳим аҳамиятга эга бўлади. Яъни агар иқтисодий соҳадаги ислоҳларнинг бош кўрсаткичи иқтисодий ўсиш даражаси бўлиб хизмат қилса, сиёсий модернизациялашнинг муҳим шarti сиёсий барқарорликни таъминлашдир. Консерваторлар, шунингдек, модернизациялашнинг тажрибада синаб кўрилган тадрижий йўл-услубини авторитар сиёсий раҳбарлик орқали амалга ошириш мумкинлигини эътироф этадилар.

Сиёсий модернизация назариясини жамиятни демократлаштириш жароёнисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бироқ эътироф этмоқ керакки ҳар бир миллат, жамиятни демократлаштиришни тушуниш, талқин этиш ва амалда қўллашда ўзига хосликка эга бўлади. Чунки ҳар бир халқнинг фикрлаш даражаси, воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабати, баҳолаш тарзи, ўзининг тарихий келиб чиқиши, қадим анъанлари ва табиати билан белгиланади.

Масалан, Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШда демократия инсон ҳуқуқлари, давлат ва фуқаро ўртасидаги очиқ-ойдин, ошқора муносабатларга, индивидуализм фалсафасига асосланади ва халқ оммасининг ҳаддан ташқари сиёсийлашувига олиб келади. Унинг яна бир жиҳатига эътибор бериш ўринлики ана шу ҳудудларда демократик жароёнлар тарихи икки юз ва ундан ҳам ортиқ йилларга бориб тақалади.

Шарқда эса И.А.Каримов кўрсатиб ўтганидек “... демократик жароёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади”. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят ноҳуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам “Ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий

¹⁰⁴ Қаралсин: Политология. Учебник для вузов/ под.ред. М.А.Василика. Стр. 454.

¹⁰⁵ Қаралсин: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. Стр. 428-430.

ва ёввойи шакли деб атаганлар”¹⁰⁶. Шарқона демократия миллий босиқлик, ахлоқийлик ва комиллик фалсафасига, андиша, ёши улуғларга хурмат, ўзаро маслаҳат, ҳар қандай кескин масалада ҳам томонларнинг келишувларига асосланадиган фаолиятдир.

Ўзбекистондаги сиёсий модернизация жароёнлари.

Жамият тараққиёти узлуксиз давом этадиган жароён. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Биз тарихан қисқа муддатларда халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган, янги демократик цивилизация талаб-қоидаларига тўла жавоб берадиган давлатни бунёд этдик. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек “Биз ана шу мустақкам пойдевор асосида мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври-миллий тараққиётимизнинг кейинги мантикий босқичи изчил давом этмоқда”¹⁰⁷.

Ўзбекистонда демократик янгиланишлар ва модернизацияни амалга ошириш дастури 2005 йилда И.А.Каримовнинг “Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш” концепциясида ишлаб чиқилган. Унинг заминида мустақилликни мустақкамлаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлатни бунёд этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдек бош, стратегик мақсад-вазифа ётади.

Жамиятни модернизациялаш жароёнинг бориши ва унинг келажакдаги аниқ вазифалари юртбошимизнинг 2010 йилдаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да давом эттирилди.

Модернизациялаш жароёни ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаб, тараққиётнинг “Ўзбек модели” танлаб олинганлиги ва унинг ўзимизга хос ва мослиги, миллий давлатчилик асосларини ташкил этилиши ва уни мустақкамлашиб борилаётгани, “Кучли давлатдан-кучли жамиятга” ўтиш тамойилининг амалга оширилаётгани, мустақил ички ва ташқи сиёсат юритилаётгани ва бошқа сиёсий-ижтимоий муносабат, жароёнларда намоён бўлмоқда.

Сиёсий модернизациялаш жароёнининг муҳим масалаларидан бири-бу давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришдан иборатдир. Ўтган йиллар мобайнида ҳокимиятлар бўлининининг конституциявий тамойили-ҳокимият тармоқларини ўзаро бир-бирини тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг родини кучайтириш; бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш; бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди¹⁰⁸. Ушбу масалаларни ҳаётга татбиқ этилиши бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, ҳокимият қуйи бўғинлари родини ошириш ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув органларини кучайтириб бориш имконини беради.

Шу ўринда республика парламентидаги туб ўзгариш-уни мамлакат ҳудудлари манфаатларини ифодаловчи юқори палата-Сенат ва профессионал асосда фаолият кўрсатадиган қуйи палата-қонунчилик палаталарга бўлинганлиги, “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши” ҳамда “Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи”¹⁰⁹ каби демократик тартиб-қоидаларни ҳаётга татбиқ этилганлигини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур бўлади. Ўз-ўзидан бу ўзгаришлар жамият сиёсий тизимининг марказий институтларидан бири-сиёсий партиялар оммавийлиги ва фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи халқ оммасининг сиёсий онги, маданияти, фаоллигини, бир сўз билан айтганда, фуқароларни жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги актив иштирокини таъминлаш сиёсий модернизациялашнинг марказий муаммо, масалаларидан ҳисобланади. Аввал таъкидлаб ўтганимиздек киши демократ, ташкилотчи бўлиб дунёга келмайди. У узлуксиз машқ, серкирра билим ва ҳаётини тажриба орқали бу сифатларга эришади.

¹⁰⁶ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. 10-11 б.

¹⁰⁷ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т.: “Ўзбекистон”. 30 б.

¹⁰⁸ Қаралсин: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси. “Наманган ҳақиқати”. 2010. 16 ноябрь.

¹⁰⁹ Қаралсин: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси. “Наманган ҳақиқати”. 2010. 16 ноябрь.

Бу вазифани ҳал қилишда барча аҳоли қатламларининг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-маданий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилувчи фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ноижорат ташкилот, уюшмалар муҳим аҳамият касб этадилар.

Жамиятни модернизациялаш, янгилаш йилларида ана шу фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди¹¹⁰. Ана шу ташкилот, уюшмалар мустақиллигини, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган аниқ тадбир чоралар тизими ишлаб чиқилди.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан шундай хулоса келиб чиқадики, демократия демократия учун эмас, халқнинг ҳоқимият бошқарувида фаол иштирок этишини амалда таъминлашга хизмат қилмоғи зарур. Лекин буни амалга ошириш биринчи кўринганидек осон кечмайди. Шунинг учун ҳам сиёсий модернизациялашнинг бу ва бошқа талаб-тамойилларини эволюцион, яъни тадрижий, ижтимоий-сиёсий ларзаларсиз амалга оширишнинг энг оқилона ечими ўзида мужассамлаштирган назарияси- “Кучли давлатдан кучли жамият сари концепцияси ишлаб чиқилди”.

Албатта кучли давлат тушунчаси бу кимгадир зўравонлик, куч ишлатиш йўли билан таъсир ўтказиш, кўзланган мақсадга эришиш деган маънони билдирмайди. У давлатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий соҳаларидаги тараққиёт даражаси, илмий-техникавий салоҳияти, халқаро нуфузи ва энг муҳими-фуқароларни давлатнинг ҳозирги пайтда бажарилаётган вазифа-функцияларининг катта қисмини яъни жамият бошқарувини амалга ошира олишга тайёрлиги даражаси билан ифодаланadi. И.А.Каримов уқтириб ўтганидек “Кучли давлатдан кучли жамият сари” деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш ижтимоий-иқтисодий жароёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказиш боришни тақазо этади¹¹¹.

Модернизациялаш жароёнинг энг долзарб, энг муҳим, ўзак масалалари қаторига жамиятнинг суд-ҳуқуқ, ахборот, сайлов тизимларини такомиллаштириш, демократик бозор ислохотларини, иқтисодни либераллаштириш-эркинлаштириш вазифалари киради. Буларга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур бўлади.

Такрорлаш учун саволлар

1. *Ихтилофларнинг моҳияти нимада?*
2. *Ихтилофлар шаклланиши ва ривожланишининг назарий асосларидан мисоллар келтиринг.*
3. *Сиёсий ихтилофлардан кўзланган мақсадларни сўзлаб беринг.*
4. *Сиёсий ихтилоф қандай турларга бўлинади? Улар ўртасидаги ўхшашлик ва умумийликни аниқлаб беринг.*
5. *Сиёсий инқирозларнинг келиб чиқиши сабабларини кўрсатиб ўтинг.*
6. *Сиёсий инқирознинг муҳим турларини характерлаб беринг.*
7. *Сиёсий ихтилоф, инқирозлар ечимини шарҳланг.*
8. *Сиёсий ривожланиш ва сиёсий модернизация тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги ва тафовутларини кўрсатинг.*
9. *Сиёсий ривожланишнинг ўзига хос белги, мезонлари нималардан иборат?*
10. *Сиёсий модернизация ўзи нима?*
11. *Сиёсий модернизациялашнинг асосий босқичлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини шарҳлаб беринг.*
12. *Сиёсий модернизация турларини таърифланг.*
13. *Ўзбекистонда сиёсий модернизация жароёнларини таҳлил қилинг.*

6-Мавзу: Сиёсий маданият ва сиёсий мафқуралар.

Режа:

1. Сиёсий маданият тушунчаси, мазмун-моҳияти, функция ва турлари.
2. Сиёсий социаллашувнинг моҳияти, босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистонда миллий сиёсий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши.
3. Сиёсий мафқура тушунчаси, даража ва функциялари.

¹¹⁰ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси. “Наманган ҳақиқати”. 2010. 16 ноябрь.

¹¹¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Халқ сўзи. 2002. 30 август.

4. Сиёсий мафқуранинг асосий кўринишлари. Миллий истиқлол мафқураси.

Сиёсий маданият тушунчаси, мазмун-моҳияти, функция ва турлари.

Сиёсий маданият тушунчаси илк бор XVIII асрда олмон файласуф мутафаккири И.Гердер томонидан иборага киритилган бўлса ҳам унинг асосий кўринишлари Конфуций, Платон, Аристотель асарларида учрайди. Сиёсатшунослик фанига сиёсий маданият назариясини XX асрнинг 50-чи йил охирлари, 60-чи йиллар бошларида америкалик олимлар Г.Алмонд ва Г.Пауэллар олиб кирдилар¹¹². Сиёсий адабиётларда сиёсий маданият тушунчаси, мазмун-моҳияти, вазифа-функцияларига доир кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилади. Шулардан баъзи бирларига тўхталиб ўтамиз.

Польшалик политолог Ежи Вятр сиёсий маданиятни кишиларни ҳокимият билан бўлган муносабатларидаги хулқ-атвори, позицияларининг умумий йиғиндиси деб таърифлайди ва унинг куйидаги асосий унсур-элементларини кўрсатиб ўтади:

а) сиёсат ҳақидаги билим, сиёсат тўғрисидаги маълумот, фактлар билан танишганлик ва сиёсатга қизиқиши; б) сиёсий воқеа-ҳодисаларга баҳо бериш. Масалан, сиёсий ҳаётда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақидаги тушунча, қарашлар; в) шахснинг хис-эҳтирослари, чунончи, Ватанга муҳаббат, унинг душманларига нисбатан қаҳр-ғазаб; г) жамият сиёсий ҳаётида иштирок этишнинг тан олинган ва қўлланилаётган хулқ-атвор намуналари¹¹³.

Г.Алмонд ва Г. Пауэлларнинг сиёсий маданиятга берган таснифида сиёсий маданият, сиёсий тизим иштирокчиларининг сиёсий ҳаётда тутган позицияси, ўрни ва сиёсатдан хабардорлик даражасидан иборат бўлиб, у кишиларнинг сиёсий фаолияти, хатти-ҳаракатларининг субъектив асосини ташкил этади. Ушбу индивидуаллик куйидаги сиёсат элементларида: а) сиёсий воқеа-ҳодисалар, жароёнларнинг тўғри ёки нотўғри, сохта тарафларини аниқлай олиш, англаб етиш; б) сиёсат объектларига нисбатан хис-ҳаяжон таъсирида ёки қарши муносабатда бўлиш; в) сиёсат объектлари ва сиёсий воқеа-ҳодисалар ҳақидаги шахсий фикр-мулоҳазаларда намоён бўлади.

Сиёсий маданият ҳақида билдирилган бошқа таълимот-назарияларида сиёсий маданият, сиёсий билим ва қарашлар, сиёсий фаолият кўрсатиш принциплари, сиёсий тажриба ва анъаналар, шунингдек, сиёсий институтларнинг йиғиндиси; кишиларнинг билимдонлик, етуклик даражаси, олинган билимларни ҳаётга татбиқ эта олиши ёки сиёсий билим, эътиқодларни ижтимоий-сиёсий ҳаётда қўллай олиши ва бошқалардан иборат.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ва ўтилмаган сиёсий маданият ҳақидаги таъриф-тасниф, қараш ва ғояларни умумлаштириб айтиш мумкинки уларнинг барча-барчаси сиёсий маданиятни сиёсат субъекти билан боғлиқлигини эътироф этади. Уни халқнинг умумий маданияти сингари қайта ишлаб чиқилиши, авлоддан авлодга кўчиб ўтиши, давом этиши ва шахс сиёсий фаолият кўрсатишининг воситаси эканлигидан далолат беради.

Сиёсий маданият кўп қамровли тушунча. У кишининг сиёсий эътиқоди, онглилиги, билимдонлиги, жамиятда, дунёда кечаётган сиёсий воқеа-ҳодисалардан хабардорлиги, жамият сиёсий ҳаётида қай даражада иштирок этаётганлигини билдирувчи ўлчов, мезондир.

Мухтасар қилиб айтганда сиёсий маданият-бу сиёсат субъектлари-шахс, ижтимоий гуруҳ, синф, қатлам, жамиятнинг у ёки бу тарихий даврдаги сиёсий муносабат, фаолият кўрсатишида намоён бўладиган сиёсий билим, қарашлар, фаоллик ҳамда хулқ-атвор намуналарининг умумий йиғиндисидир.

Сиёсий маданият мазмун-моҳиятини тўла идрок этиш учун уни умум миллий маданиятнинг таркибий сифатида таҳлил қилиш керак бўлади. Зотан у миллатнинг тарихий, диний, миллий-руҳий анъаналари, урф-одатлари, турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқликдаги воқелик, жароёндир. Шунга қарамасдан эслатиб ўтиш лозимки умуммиллий маданият билан сиёсий маданият ўртасида жиддий тафовут мавжуд. Сиёсий маданият тарих сабоқлари билан бойитилган ҳолда доимо ўзи амал қилаётган давр, ижтимоий-сиёсий тузум табиатига мос равишда шаклланади ва ривожланади. Сиёсий маданият учун энг муҳими сиёсат оламида нималар содир этилаётганида эмас, улар ҳақида одамлар қандай фикрда эканликлари ва қай тарзда уларни қабул қилишларидадир.

Сиёсий онг, билим, мафқура, сиёсий ғоя ва қарашлар, хулқ-атвор, кадрият, сиёсий технология, тажриба, легитимлилик, сиёсий анъаналар, қонун устиворлиги кабилар сиёсий маданият элементлари, таркибий қисмларини ташкил этадилар.

¹¹² Қаралсин: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. стр. 310; Политология. Учебник для вузов/Под. ред. М.А.Василика. стр. 363

¹¹³ Қаралсин: Политология: Уч.пособие/Под общ.ред. Ю.А.Северова Часть II. стр.61.

Ушбу яхлит тизимнинг айрим элементлари, жумладан, сиёсатни билиш, идрок этиш ҳамда хулқ-атвор элементлари ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Сиёсат дунёсини билиш-бу фуқаролар томонидан шахсий, жамоа, давлат, жамият, худудий ва глобал даражадаги манфаатларни англаб етиш; мамлакат Конституцияси ва қонунлари, сиёсий партиялар, оммавий-сиёсий ташкилотлар дастурларидан, жамият ва дунёда содир этилаётган воқеа-ҳодисалар, муносабатлар, жароёнлардан хабардорлик; давлат, партия ва бошқа оммавий-сиёсий ташкилотларнинг вазифа-функциялари, давлат ва жамиятни бошқариш ишларида иштирок этишларининг асосий услуб, шакл-шамойиллари, қонунлари билан танишлиги ва уларни амалда қўллай олиш демакдир.

Хулқ-атвор элементи фуқароларни партия ва давлат органлари томонидан қабул қилинаётган хужжатлар лойиҳасини муҳокама қилиш, реферундум, давлат органларига ўтказиладиган сайловларда, шунингдек, турли давлат, партия, жамоат ташкилотлари, муассасаларида расман ёки жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиш, турли хил шаклдаги ижтимоий-сиёсий тадбирларни ташкил этиш ва уларда қатнашиши; сиёсий партия, касаба уюшмалари, ёшлар, хотин-қизлар ва бошқа оммавий сиёсий ташкилот, уюшма, ҳаракатларга аъзо бўлиш жароёнларида намоён бўлади.

Сиёсий маданият қуйидаги функция, вазифаларни бажаради:

Сиёсат субъектларини жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш воситаси-сиёсий билим, назариялар билан қуроллантириш; жамият сиёсий тизими фаолияти ва ривожланиши жароёнларини тартибга солиш; кенг аҳоли қатламларини сиёсатга ва унда қатнашишга бўлган қизиқиш, талаб эҳтиёжларини қондириш; шахснинг у ёки бу ижтимоий гуруҳга мансублигини англаб етиши ва ўша гуруҳ манфаатларини ҳимоя қилишда ўзига хос усул, йўللарни топа билишга йўналтириш; кишининг шахсий ҳуқуқ ва ҳокимият билан боғлиқ ваколатларини амалга оширишида ўзи яшаётган муҳитдаги ўзгаришларга мослашишини таъминлаш; турли ижтимоий гуруҳларни маълум сиёсий тизим доирасида биргалик, ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатишлари, давлат яхлитлиги ва унинг жамият билан ўзаро муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган интеграллашувни амалга ошириш; барча сиёсат субъектлари ва ҳокимият институтларини жамиятда қабул қилинган умумий меъёр, тушунча, атамалар, рамзлар, нормалар ва бошқа алоқа-мулоқот воситалари орқали ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлигини таъминлаш.

Шундай қилиб сиёсий маданият тарихий тажриба, амалиёт заминида жамланган сиёсат ҳақидаги билимлар ва сиёсий тафаккур усулини, сиёсий хис-туйғу ва анъаналарни, мақсадларни, фаолият кўрсатиш усул ва принципларни камраб олади.

Сиёсатшуносликда сиёсий маданиятнинг кўплаб типология-туркумлари мавжуд. Уларнинг баъзи бирларини таҳлил қилиб ўтмиз. Патриархал сиёсий маданият кишиларнинг маҳаллий урф-одатлари, қадриятлари заминида қарор топади ва аниқ бир бошлиқ-доҳий шахси билан боғлиқ бўлади. Жамоа аъзолари туб маънодаги сиёсатдан четда турадилар. Уларнинг сиёсий қарашлари ижтимоий, диний тасавурлари билан биргаликда намоён бўлади.

Қарам-пассив сиёсий маданият фуқароларнинг сиёсат, жамият сиёсий тизимига пассив-суст, бефарқлик билан муносабатда бўлишлари билан ифодаланади. Шахсда “кичик одам” руҳияти шаклланган бўлиб улар жамиятда кечаётган сиёсий воқеа-ҳодисалардан хабардор бўладилар. Лекин уларга муносабат билдириш, шахсий иштирок этишни шарт деб топмайдилар.

Актив-фаол сиёсий маданият ёки сиёсатда иштирок этиш маданияти индивидларни жамият сиёсий ҳаётига актив кириб боришлари, унда мақсадга мувофиқ онгли фаолият кўрсатишлари, жамият келажаги-истикболини олдиндан кўра билиш ва назарий-амалий таҳлил қилиш билан ажралиб туради. Бундай кишилар ўз манфаатларини сайловлар, манфаатлар гуруҳлари, сиёсий партиялар орқали сиёсий қарорларга киритиш ва бажарилишига эришадилар. Шунинг билан бир вақтда улар ҳаракатдаги қонунларни ҳурмат қиладилар, уларга сўзсиз бўйсунадилар.

Айни бир пайтда сиёсатни бизнеснинг бир тури шаклида, яъни фуқаролар фаолиятини эркин ўрин алмашиши мумкинлигини ифодаловчи бозор сиёсат маданияти ҳамда давлат ва давлат институтларини жамият сиёсий ҳаётини ташкил этиш, индивидларнинг сиёсатда иштирок этишининг принцип ва нормаларини белгиловчи етакчи ролини англатувчи этактистик сиёсий маданият ҳам амалиётда учраб туради.

Сиёсий социаллашув: моҳияти, босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари.

Сиёсий социаллашув (ижтимоийлашув)-бу кишининг жамият сиёсий ҳаётига кириб бориши ва унда самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган сиёсий билим, қадрият, анъаналар, хулқ-атвор, норма-принципларни ўзлаштириши ва қўлланиши жароёнидир. Сиёсий социаллашув жароёнида кишининг ўз ижтимоий-сиёсий ҳақ-ҳуқуқларини англаб етиши, жамиятдаги шахсий ўрни ва ролини

белгилаб олиши, онгли, актив сиёсий фаолият кўрсатиши, умуман олганда, сиёсатнинг фаол субъекти сифатида ўзлигини намоён қила олиши амалга оширилади.

Сиёсий социаллашувнинг бошланғич механизми бу тақлид қилишдир. Масалан, бола ёшлигиданоқ, оила аъзолари, кўни-кўшниларнинг баъзи хулқ-атвор, қилиқларига тақлид қила бошлайди. Ундан кейин эса уларга ўхшаш иштиёқи, кўникмалари пайдо бўлади, ўзига ёкқан жиҳатларни худди ўзиникидек қайтара бошлайди.

Ана шу жароённинг иккинчи босқичида бола томонидан ўзини англаш, атрофдаги социаллашувнинг бирламчи агентлари (вакиллари)нинг хулқ-атвор намуналари, кадрият, нормалар қабул қилинади ва ўзи ҳам ўша рол ва функцияларни бажариб боради.

Социаллашув жароёни, айниқса, сиёсий социаллашув жароёни киши ёшлиги билан тугамайди. У бутун умр бўйи давом этади. Инсон ҳаётининг ҳар бир босқичида бир-бирини тўлдириб борадиган иккита социаллашув жароёни кўзга ташланади: а) десоциаллашув-эскириб қолган кадрият, норма, хулқ-атвор нормаларидан воз кечиш ва: б) ресоциаллашув-янги норма, кадрият, рол ва хулқ-атворни қабул қилиш.

Сиёсий маданият сиёсатга ўқишни билдирмайди. Чунки сиёсат сиёсий маданиятни акс эттирилади, инсоният цивилизацияси томонидан кашф этилган сиёсий кўникма, хулқ-атвор, нормалар заминиде жамият сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш, одамда сиёсий онг, ўзини англаш мустақил сиёсий тафаккурлаш хислат-фазилатларни намоён қилишидир. Ҳозирги кунда сиёсий социаллашув демократик кадрият, норма-тамоийилларни мукамал ўзлаштириш ва ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир.

Сиёсий социаллашув билиш, тарбия ва амалий фаолиятлар бирлигидан таркиб топади ва мактабдаги ўқув-тарбия жароёнидан тортиб давлатни идора этишгача бўлган масофани босиб ўтади. Шу давр ичида сиёсий социаллашувни жамият сиёсий тизимини ташкил этувчи ҳокимият органлари, барча сиёсий-оммавий ташкилотлар, уюшма ва ҳаракатлар амалга оширадилар.

Бундан ташқари сиёсий социаллашув жамиятда бошқа вазифа-функция-вазифалар: а) индивиднинг сиёсатда иштирок этишдан кўзланган мақсад-вазифаларни аниқлаб олишга; б) аниқ бир вазиятда қўлланиши мумкин бўлган хатти-ҳаракат, хулқ-атвор, қоида-нормаларини шаклланишига; в) индивиднинг атроф-муҳит ва жамият сиёсий системасига нисбатан муносабатини қарор топтиришга; г) индивидда уни ўраб турган дунёга муносабатини англаб тушунишга ва, ниҳоят; е) сиёсий ҳаёт сирларини идрок этишга ёрдам беради¹¹⁴.

Сиёсий социаллашув жароёнлари ҳар бир сиёсий тузумининг ўзига хос хусусиятларига мос равишда амалга оширилади. Масалан, АҚШда сиёсий социаллашувнинг кенг шаҳобчалари тараққий этган. У ерда кишининг болалик чоғидан бошлаб унга оилавий муҳит катта таъсир ўтказди. Оила ўз фарзандини жамиятнинг ахлоқий, ижтимоий, диний ва сиёсий асослари, кадриятлари билан таништиради, унинг дунёқараши, ҳаётий йўналишлари, сиёсий онг, маданияти шаклланиши ва ривожланишида катта рол ўйнайди.

Аниқ мақсадларга йўналтирилган социаллашув эса мактабдан бошланади. Бошланғич синфларда ўқувчилар ҳокимият тимсоли саналмиш “Президент”, “генерал”, “полициячи”, “бошлик”; давлат рамзлари-тамға, байроқ, гимн билан танишадилар, бошқалар фикрини ҳурматлаш, синфдошларни ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлаш ва шу каби сиёсий-ижтимоий воқеа-ходисалар, жароёнлардан хабардор бўладилар ва уларда иштирок эта борадилар.

Юқори синфларда социаллашув жароёни мураккаброқ тус олади. Ўқувчилар Америка Конституцияси, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, машҳур сиёсий лидер-етакчи, тарихий шахслар ҳақидаги маълумотларга эга бўладилар. Сиёсий социаллашув университет, коллежларда ўтиладиган политология курсларида давом эттирилади. Бу босқичдаги социаллашув давомида ёшлар сиёсий онгидаги ҳуқуқий нигилизм (ҳар қандай норма, принципларни инкор этиш) ва экстремизм барҳам топади. Ундан кейин ёшлар ўзларининг сиёсий қизиқиш, кўникмаларига қараб қиёсий политология, фалсафа, социология, тарих фанларидан билимларини тўлдириб борадилар. Бундай социаллашув натижаси ўлароқ ўз сиёсий кадриятлари, сиёсий тизими ва тарихи билан фахрланадиган америкалик ватанпарвар шахслар шаклланадилар¹¹⁵.

Мамлакатимизда ўз умрини ўтаб бўлган авторитар бошқарув тизимидан демократик бошқарув тизимига ўтиш даврида жамият аъзоларининг онги, турмуш тарзига қийинчиликлар билан бўлса ҳам янги демократик кадрият, норма-принциплар кириб бормоқда.

¹¹⁴ Қаралсин: Политология. Учебник для вузов/Под ред. М.А.Василика. стр. 379.

¹¹⁵ Қаралсин: Политология. Учебник для вузов/Под ред. М.А.Василика. стр. 379.

Ўзбекистонда миллий сиёсий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши.

Ҳар бир халқнинг умумий маданияти, жумладан, сиёсий маданияти, унинг ўзига хос хусусиятлари-урф-одат, анъаналари, тарихи, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий тараққиёти даражаси билан характерланади.

Ўзбек халқи сиёсий маданиятининг тарихи қадим-қадим замонларга бориб тақалади. Ал Хоразмий, Ал Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий ва кўплаб бошқа буюк аждодларимиз унинг тамал тошига асос солганлар. Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” рисоласида мамлакатнинг ҳақиқатдан ҳам “Фозил” бўлиши учун унинг аҳолисини умумий маданияти, жумладан, сиёсий маданияти юксак даражада бўлиши кераклигига алоҳида эътибор берилиб, Фозиллар шаҳрининг барча аҳолиси учун умумий бўлган куйидаги хусусиятларни... биринчидан, улар расмий сабабни ва унинг барча сифатларини билиши зарур. Сўнг моддийликдан ташқарида мавжуд нарсаларни ва уларнинг сифатларини, шунингдек, уларнинг фаол ақлга қадар бўлган даражаларини ҳамда улардан ҳар бирининг сифатларини билиши зарур. ... Фозил одамлар яна шаҳар (давлатнинг) биринчи раҳбари у ёки бу вақт мобайнида йўқ бўлиб қолганида “... унинг ўрнини оладиган раҳбарларни билиши зарур. Фозиллар шаҳри, унинг аҳолиси, уларнинг диллари эришадиган бахт-саодат нима эканлигини билишлари зарур”¹¹⁶ лигини таъкидлаб ўтилган.

Халқимиз сиёсий маданиятининг тарихий асослари ҳақида фикр юритилганда таниқли давлат арбоби, сиёсатдон Низомулмулк ва унинг нодир асари-“Сиёсатнома”да билдирилган давлат ва давлатни бошқариш ҳақидаги илмий-назарий ғояларга тўхталиб ўтиш лозим. Салжуқийларнинг сиёсий дастури сифатида тан олинган ушбу рисолада муаллиф шох ва амалдорларни азлу инсофга, сулҳ ва мурувватга, давлатни оқилона бошқариб, қатъий қоида ва тартиб ўрнатишга, ҳуқумдорларни виждонли, ҳалол-пок, ва иймонли бўлишга, мамлакат ободонлиги, аҳолисининг фаровонлиги, тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишга даъват этади.

Низомулмулк фикрича давлатни адолатли бошқариш кўп жиҳатдан амалдорларни тўғри танлаш, уларга қўлларидан келадиган ишлар ва вазифаларни топшириш, ҳар бир ишни катталар, олиму мўтабар кишилар билан маслаҳатлашиб амалга ошириш зарурлигини кўрсатиб ўтади. Раият аҳли, зулму ситам кўрган ҳар бир киши, умуман, норози бўлганлар амалдор ва ҳокимдан бошлаб вазир ва шохнинг ўзигача қабулларига бориб, шикоят ёки маслаҳатини баён қилишлари зарур¹¹⁷.

Мустақиллик йилларида жамиятнинг маданий-маънавий соҳаси, давлат-сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди. Мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида таъкидлаб ўтилганидек “ўтган давр мобайнида эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган ... иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш, кўхна қадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, янги жамият куриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи мезон деб қараш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келганини ва бугун ҳам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим”¹¹⁸.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ маданиятнинг методологияси ўзгарди. Агар яқин ўтмишда маданиятнинг, айниқса, сиёсий маданиятнинг асосий вазифаси жамият аъзоларининг коммунистик мафкура ва сохта ғояга эътиқодини мустаҳкамлашга сафарбар этишдан иборат бўлган бўлса мустақиллик даврида у демократиянинг умумбашарий ва миллий асослари, талаб-тамойилларини тарғиб қилиш ва ҳаётга татбиқ этишга қаратилди. Юртимизда маънавияти юксак миллат ва давлатнигина келажаги буюк бўлиши мумкин эканлиги тўғрисидаги ижтимоий фикр шаклланди.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида сиёсий маданият олдида қўйилган вазифа-бу “озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ... ишониб яшайдиган, айна замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир”¹¹⁹.

Жамият аъзолари, айниқса, ёш авлод сиёсий онги, маданияти, умуман, инсон камолотининг бош омили-таълим тарбия тизимини тубдан ислоҳ этишга киришилди. “Таълим тўғрисида” ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Мақтабгача тарбия”, “Умумий ўрта таълим”, “Мақтабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар”, “Ёшлар сиёсати оид” каби қатор концепция ва дастурлар

¹¹⁶ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. 166-167.

¹¹⁷ Қаралсин: Низомулмулк. Сиёсатнома. 10-11 б.

¹¹⁸ Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. “Маънавият”. Тошкент. 6-7 б.

¹¹⁹ Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз кўлимиз билан қурмоқдамиз. Т., Ўзбекистон. 1999. 16 б.

яратилди. “Умид” жамғармаси таъсис этилди. Барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-хунар коллежлари ташкил этилди. Мактаб ва ўрта махсус, олий ўқув юртларида ўтиладиган ижтимоий фанлар тизими қайтадан кўриб чиқилди ва уларнинг таркиби сиёсатшунослик, социология, миллий истиқлол ғояси, маданиятшунослик ва бошқа фанлар билан бойитилди.

1991 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонунда ёшлар сиёсатини юритувчи нодавлат тузилмалари тармоғини кенгайтириш ва такомиллаштириш, уларнинг ёшлар тарбиясидаги фаолиятини кучайтириш; миллий, маданий анъаналарнинг авлоддан авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқасини; мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсий жароёнларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш каби демократик сиёсий маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган тадбир-чоралар кўрсатиб ўтилган¹²⁰.

Мустақиллик йилларида сиёсий маданият шаклланиши ва ривожланишининг хал қилувчи восита омили- жамият сиёсий ҳаётини, сиёсий тизимини ислоҳ қилиш борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, муҳим халқаро пакт ва ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган республика Конституцияси қабул қилинди; қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчилик ва икки палатали парламент барпо этилди; сиёсий плюрализм тимсоли бўлган кўппартиявийлик тизими шаклланди; тараққиётнинг ўзбек модели ишлаб чиқилди; давлат бошқарув органлари вазифаларининг маълум қисми вилоят, туман, шаҳар миқёсига ўтказила бошланди; ўзини-ўзи бошқариш органларининг муҳим звеноси-маҳалла тизими фаолияти жонланди.

Жамият аъзолари тафаккури, сиёсий хулқ-атворида демократик кадриятларни чуқур илдиз отиб боришига ёрдам берувчи, халқимиз сиёсий маданиятини юксалтириш учун улкан асос бўлиб хизмат қилувчи миллий ғоя асосларини ишлаб чиқилиши маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги муҳим воқеликка айланди. У республика аҳолисининг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-интилишлари, улуғ мақсад, муддаоларини ўзида акс эттиради.

“Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа,-деб уқтиради И.А.Каримов, -ана шу юксак тушунчалар билан бирга миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат”¹²¹.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда инсонни жамият сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётини фаол иштирокчисига айлантириш, ҳамда унинг сиёсий маданияти даражасини юксалтириш учун барча ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маърифий-мафкуравий шарт-шароитлар яратилди.

Бироқ юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек халқимизнинг сиёсий фаоллиги хали ҳам замон талаблари даражасида эмас. “Сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур. Бошқача айтганда, жамият марказда ва жойларда сайланган ҳокимият ўз тақдирини қай тарзда хал этаётгани, уларнинг истиқболини қай тарзда белгилаётганидан хабардор бўлиб туриши керак”¹²².

Сиёсий мафкура тушунчаси, даража ва функциялари.

XX асрни мафкуралар асри деб бежиз аталмаган бўлса керак. Инсоният тарихида ҳеч қачон жамиятни туб ислоҳ этиш ғоялари кишилар онгига бунчалик даражада кириб бормаган ва таъсир ўтказмаган. Сиёсий мафкура жамият, давлат тузилиши ва уларни бошқариш жароёнларини ўзида мужассамлаштирган ғоя ва қарашлар йиғиндисидан иборат бўлиб, ижтимоий гуруҳ, синф, миллат ва миллатлараро манфаатларни ифода этувчи, сиёсий онг шаклида намоён бўлади.

“Мафкура” тушунчаси (арабчадан фикрлар мажмуи) илмий муомалага биринчи бор 1796 йилда француз файласуфи, иқтисодчи олим А.Дестют де Траси олиб кирган¹²³. У ўзининг “мафкура лойихаси” номли маърузасида янги даврнинг буюк мутафаккирлари Бэкон, Локк, Гельвеций, Кондилякларнинг ғоялари асосида “ғоялар назарияси” ёки ғоялар ҳақидаги фан асосларини ишлаб чиқишга ҳаракат

¹²⁰ Қаралсин: “Туркистон”. 1992. 10 январь.

¹²¹ Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. Тошкент. “Маънавият”. 75 б.

¹²² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., “Ўзбекистон”, 1999. 20-21 б.

¹²³ Қаралсин: Политология: Учебник для вузов/Под.ред. М.А.Василика. стр. 411-412

килади. Лекин кўзланган мақсадига эриша олмайди. Наполеон мафқурани куруқ сафсатадан бошқа ҳеч нарса эмас деган фикрни билдиради.

Марксизм мафқурани синфнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ҳолати, аҳволи билан боғлиқ воқелик деб, уни илмий билимлар тизими сифатида баҳолайди. Неоанархизм тарафдорлари учун эса мафқура оммавий онг натижаси, самараси бўлиб туюлади. Либерал позитивистик анъаналарга кўра мафқура ижтимоий-сиёсий шароитларга боғлиқ бўлмаган, тарихдан юқори турувчи ҳодиса сифатида таърифланади. Неомакиавелизмчилар онгнинг эстетик ёки диний кўринишларини ҳам сиёсий мафқуранинг ўзига хос намоён бўлиш шакллари сифатида талқин этадилар¹²⁴.

Юқорида келтирилган турли қараш, ёндошувлардан келиб чиқиб сиёсий мафқурага қуйидагича тарифлар берилиши мумкин.

-Сиёсий мафқура у ёки бу кишилар гуруҳининг ҳокимиятга интилишлари ёки ундан фойдаланиш йўлидаги хатти-ҳаракат, уринишларини ифодаловчи ғоя ва қарашлар тизими;

-Сиёсий мафқура муайян гуруҳнинг жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жароёнларга бўлган муносабатини акс эттирувчи ғоялар мажмуи.

Сиёсий мафқура, асосан, жамиятдаги номдор кишилар-элитанинг ғоявий қуроли бўлиб хизмат қилади. У ёки бу гуруҳлар манфаатларини кўзловчи ғояларни ишлаб чиқиш, тарғиб этиш ана шу элитанинг тактикаси, хоҳиш-иродаси билан боғлиқ бўлади. Бироқ шуни назарда тутиш керакки сиёсий мафқуранинг ҳокимият билан ўзаро алоқадорлиги унинг омма онгига етиб борганлиги ва оммани ҳаракатга келтира олганлиги билан ўлчанади, баҳоланади.

Мафқура ва сиёсат бир-бирига яқин, аммо бир хил ижтимоий воқелик, жароён эмас. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусият ва тараққиёт қонунларига эгадирлар. Сиёсат ва мафқурани мутлоқлаштириш маданий сиёсат, айниқса, сиёсий муносабатлар ва давлат органлари тизимини ўта мафқуравийлашувига олиб келади. Шунинг билан бир вақтда сиёсатни мафқуравий асосларини инкор қилиш ҳам ярамайди.

Ҳар бир давлатнинг мустақил сиёсати жамиятда қабул қилинган фалсафий, иқтисодий, сиёсий, ахлоқий ва бошқа ғоя-қарашлар, юридик нормалар, халқ онги, турмуш тарзида ўрнашиб қолган анъаналар, маданий кадриятларга асосланади. Сиёсий мафқура бошқа ғоя, таълимот, фалсафий қарашлардан фарқ қилади ва ҳар доим маълум хатти-ҳаракат, мақсадни кўзлайди. Шу нуқтаи назардан у сиёсат бажарадиган вазифа-функцияларга бетараф муносабатда бўлиши, масалан, сиёсий гуруҳбозликка, давлатни у ёки бу вазиятда яққаланиб қолишига йўл қўймаслиги керак.

Ҳозирги кунда давлатлараро муносабатларни мафқура таъсиридан холи ривожлантириш, мустаҳкамлашни талаб қиладиган уруш ва тинчлик, халқаро хавфсизлик, экологик ва бошқа ўта долзарб ҳудудий, глобал муаммолар мавжуд.

Сиёсий мафқура жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида муайян функцияларни бажаради. Булар: омма онгини забт этиш; омма онги-шуурида ўтмиш, ҳозирги кун ва келажакка бўлган муносабатни шакллантириш; ўзининг сиёсий тараққиётдан кўзлаган мақсад-вазифаларининг ижобий образини гавдалантириш; олға сурилаётган ғоялар асосида жамиятни бирлаштириш, интеграциялаш.

Сиёсий мафқуранинг амал қилиш даражалари бир хил эмас. У назарий-концептуал, дастурий-директивалик ва хулқ-атворлик шаклларида намоён бўлади.

Назарий концептуал даражада у ёки бу синф, ижтимоий қатлам, миллат, давлатнинг маълум бир тарихий даврга мўлжаллаган манфаат ва идеалларини ўзида мужассамлаштирган назарий-амалий кўрсатмалар ўз аксини топади;

Дастурий-директивалик даражада ижтимоий-сиёсий принциплар ва идеаллар сиёсий элитанинг аниқ дастурлари, шиор ва талабларига айлантиради ва бошқарув қарорларини қабул қилиш, омманинг сиёсий хулқ-атворини рағбатлантириш учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилади. Мафқура амал қилишининг ушбу даражаси “сиёсатнинг яратувчи элементи” деб ҳам талқин этилади.

Хулқ-атворлик даражада мафқура мақсад ва принциплари фуқаролар томонидан ўзлаштирилади ва уларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида қандай иштирок этишларида ўз ифодасини топади. Демак, бу ҳолатда мафқура кишиларнинг хатти-ҳаракатига айланиб уларни уюштириш, жипслаштириш, муайян мақсадга йўналтириш, сафарбар этишга хизмат қилади.

Сиёсий мафқураларнинг асосий кўринишлари.

Сиёсий мафқура замон ва макондан четда кечадиган мавҳум руҳий воқелик эмас. У муайян тарихий шароит, вазият билан боғлиқ, аниқ ижтимоий мазмунга эга бўлган маънавий ҳодисадир.

¹²⁴ Қаралсин: Каменская Е.Н. Политология: Курс лекций. стр. 161; Политология. Маърузалар матни. Т.: 2000. 150-151 б.

Ҳар бир тарихий давр ўзига хос ва мос мафкуравий оқимларни келтириб чиқаради. Бундан ҳозирги замон ҳам мустасно эмас. Ҳозирги замоннинг йирик мафкуравий оқимларига ўқувчи диққатини тортамиз. Уларнинг энг кўп тарқалган шаклларида бири либерализмдир. (лотинча “либералис”-эркинлик) У XVII-XVIII асрларда маърифатпарварлик даври ғоялари негизида тарих сахнасига чиқиб келаётган буржуазия синфининг мафкуриси сифатида шаклланади. Бу мафкуранинг асосий қоидалари Ж.Локк, Т.Гоббс, Ш.Монтескье, А.Смит, Т.Жефферсон ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида асослаб берилди¹²⁵.

Либерализм асосини шахс эркинлиги, унинг барча жамият институтларига нисбатан олий кадрият эканлиги, шахснинг ўз олдидан ҳам жамият олдидан ҳам масъуллиги, барча кишиларнинг ўзини намоён қилиш ҳуқуқини тан олишлиги каби принциплар ташкил этади. Бу ғоя, мафкура парламент тузуми ҳамда муҳим сиёсий муаммоларнинг ҳал этишда муросасозлик ва келишувчиликни ёқлаб чиқади. У давлатнинг авж олиб бораётган иқтисодий, ижтимоий вазифа-функцияларига қарши билдирилган салбий муносабатни акс эттиради.

Либерализм ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши, сиёсий плюрализм (хилма-хиллик), элиталараро рақобат, қонун устуворлигини эътироф этади, фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни ўзининг асосий мақсади деб билади. Инсон шахсининг эркинлиги, кадр-қиммати, бошқа кишиларнинг ғоявий қараш ва эътиқодларига сабр-тоқат билан муносабатда бўлиш принципларини ҳимоя қилади.

Эркинлик принципи уни давлат томонидан ўрнатилиши мумкин бўлган турли хилдаги чекланишлардан ҳоли бўлишини тақозо этади. Бу ғояни айниқса инглиз мутафаккирлари Ж.Локк ва Д.Миллар кўпроқ қўллаб-қувватлайдилар. Д.Миллнинг таъбири билан айтганда “Инсон ўзига нима кераклигини ҳар қандай ҳуқуматдан кўра ўзи яхши билади”¹²⁶.

Либерализм тарафдорлари ҳокимиятни авлоддан-авлодга мерос сифатида кўчиб ўтишининг барча кўринишларига қарши чиқадилар. Улар шахс эркинлиги масалаларини тадбиркорлик, бозор ва рақобат эркинлиги масалалари билан боғлаб олиб борадилар. Хусусий мулк инсон эркинлигининг кафолати ва мезони эканлиги, сиёсий ва фуқаролик эркинликлари ана шу иқтисодий эркинликка асосланишини кўрсатиб ўтадилар.

Либерализм вужудга келишининг дастлабки йиллариданоқ давлатга танқидий муносабатда бўлиб, у бажарадиган вазифа-функцияларни “тунги қоровул”лик, яни давлат фақат ижтимоий тартибни сақлаш, ташқи хавфлардан ҳимоя қилиш билан чеклаб қўйишга ҳаракат қилган. Айни бир пайтда либерал ғоялар фуқаролар сиёсий маъсуллигини ошириш, диний бағрикенглик, сиёсий хилма-хиллик, демократия ва эркинлик, универсал инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя ва тарғиб қилиб келган.

Либерализм илм ва маданиятга катта эътибор қаратади. Чунки илм ва маданият киши онги, тафаккури, умуман, инсон маънавий ҳаётига радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари томонидан уюштирилаётган консерватив ғоялар, тажовузларга қарши кураш механизми, қуроли вазифасини бажарадилар.

Ҳамма нарса ҳаракатда, ҳамма нарса ўзгаришда бўлганидек либерализм ғоялари муайян тарихий давр тараққиёт даражаси билан боғлиқ равишда янги ғоя, таълимотлар билан суғорилиб боради. Ана шундай янги йўналишлардан бири XX асрнинг 30-чи йилларида юзага келган неолиберализмдир. Унда давлатнинг жамиятни бошқаришдаги иқтисодий ва ижтимоий функцияларини қайта кўриб чиқиш, чунончи, давлатни иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, фаол ижтимоий сиёсат олиб бориши зарурлиги кўрсатиб ўтилади. Монополиялар ҳокимиятини чеклаш, моддий бойликларни солиқ тизими ва давлатнинг ижтимоий дастурларини бажарилишига жалб қилиш, уларни қуйи қатламлар фойдасига қайта тақсимлаш, ижтимоий адолат принципларини таъминлаш ғоялари олға сурилади¹²⁷.

Неолибераллар сиёсий дастурининг фундаментал асосини бошқарувчи ва бошқарилувчиларнинг ўзаро келишуви, сиёсий жароёнларда халқ оммасининг фаол иштирок этишининг муҳимлиги, сиёсий қарорларни қабул қилиш жароёнини демократлаштириш масалалари ташкил этади.

Ҳозирги замоннинг энг йирик мафкуравий оқимларидан яна бири-консерватизм (эскилик тарафдорлари)дир. Уларнинг иқтисодий дастурлари либерализм асосчилариникидек хусусий мулк устуворлигига асосланади ва капитализм барқарорлигини таъминлашга даъват этади. Консерватизмнинг назарий асосини инглиз мутафаккири Э.Берклининг жамият эволюцион тараққиётига онгли аралашувнинг нотабийлик ғоясидир. Шундан келиб чиқиб консерватизм

¹²⁵ Қаралсин: Политология. Маърузалар матни. 153-154 б.

¹²⁶ Ўша ерда. 154 б.

¹²⁷ Қаралсин: Политология: Маърузалар матни. 155 б.

ижодкорлари инқилоб, тўнтаришлар, уруш ва ҳар қандай бошқа турдаги кескин ўзгаришларга қарши чиқадилар.

Улар оила, дин, хусусий мулкчиликнинг ахлоқий принцип, нормаларини сақлаб қолиш ва давом эттиришни ўзларининг келажак авлод олдигаги бурчлари деб биладилар. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инсон ва табиатнинг узвий бирлиги, шахснинг ахлоқий камолоти ғоялари консерваторлар учун муҳим аҳамиятга эга. Бу ғоялар XX асрнинг охирига келиб янада кенг тарқалди ва кўпчилик томонидан қўллаб қувватланди.

Ана шулардан келиб чиқиб, консерваторлар ижтимоий тараққиётда янгиликларга нисбатан ворисликнинг устиворлигини ёқлаб чиқадилар. Уларнинг фикрича, сиёсий принципларни урф-одатлар, миллий анъаналарга, мавжуд ижтимоий иқтисодий ва сиёсий институтларга мослаштириш лозим. Бу қадриятларни ўзбошимчилик билан ўзгартириб бўлмайди. Тенглик принципи инсон табиатига зид келади ва уни жамият тузилишининг асоси қилиб олиш мумкин эмас. Консерватизм тарафдорлари ҳамма вақт эгалитаризм (тенглаштириш) билан боғлиқ бўлган “ҳаддан ташқари демократизм”га қарши чиқадилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда консерватизмнинг баъзи жиҳатлари заминда янги, неоконсерватизм даври бошланди. Янги мафкуравий оқим олдинги консерватив оила, дин ва ахлоқий қадриятларни постиндустриал жамиятга хос меҳнат ижодкорлиги, шахс ноёблиги ва илм-фан кадр-қимматининг ортиб бориши масалалари билан кўшиб талқин қилади. Иқтисодга давлатнинг аралашуви, халқ оммасини бошқарувда иштирок этиши, сайловларда сайловчилар томонидан муносиб номзодларни кўрсатиш тартиб қоидаларига бўлган қараш ва амалиёт бир мунча соддалашган, демократик тус олади.

Айни бир пайтда неоконсерваторлар аҳолининг кам таъминланган қисмини химоя қилиш мақсадида йирик капиталга солинаётган солиқларга қарши чиқадилар ва давлатнинг ижтимоий дастурларини қисқартиришни талаб қиладилар. Неоконсерваторларга кўра давлат кишилар учун натижалар тенглигини эмас, балки имкониятлар тенглигини яратиб бериши зарур. Давлатни “соғиладиган сигир”га айланиши одамни бузади.

Ҳозирги даврнинг таъсирчан мафкуравий оқимлари ичида социал-демократик оқим алоҳида ўрин тутди. “Социал-демократия” тушунчаси XIX асрнинг иккинчи ярмисида Европада ишчилар партиясининг вужудга келиши билан изоҳланади. Социал-демократик мафкурага кўра капитализмни тадрижий ислоҳ қилиш орқали аста-секин социализмга ўтиш мумкинлиги ғоясини тарғиб қилади. Уларнинг фикрича социализм ижтимоий тузум эмас, балки жамият ҳаётига ижтимоий адолат норма принципларини муттасил жорий этиб боришдир.

Ана шу принциплар баъзи бир давлатлар, жумладан, Швеция, Германияда изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Сиёсий ҳаётда улар “демократик социализм” концепциясига амал қиладилар. XX аср охирида жаҳонда 80 дан ортиқ социал-демократик партиялар, шулардан 30 га яқини ҳукумрон партиялар бўлиб, деярли барчаси ўз мамлакатларидаги парламентлардан жой олганлар. 70 энг йирик ва обрўли социал-демократик партиялар социал-демократик партияларга бирлашганлар¹²⁸.

Миллий истиқлол мафкураси.

Ҳозирги замоннинг мафкуралари каторида миллий мафкуралар муҳим ўрин эгаллайди. Ўзининг шаклланиши ва ривожланиши нуқтаи назаридан улар юқорида кўрсатиб ўтилган мафкуралардан фарқ қиладилар. Миллий мафкуралар тарихи мустамлакачилик тизимини барбод бўлиши, совет иттифоқи, Шарқий Европа ҳудудларида, лотин Америкаси, Осиё, Африка қитъаларида мустақил давлатлар ташкил этилиши даври билан бошланади. Янги мафкуралар алоҳида олинган биронта ижтимоий гуруҳ, қатлам ёки этник бирликнинг манфаатларини эмас, балки бутун халқнинг асрий орзу-умидлари, манфаатларини ўзида мужассамлаштиради.

Ўзбекистон халқи ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритди. Истиқлол йилларида халқимизнинг ўзгаларга қарам бўлмай, эркин ва озод яшаш, ўзини-ўзи идора этишга хизмат қиладиган, келажаги, истиқболни белгилайдиган, орзу-умидлари, қарашлари ва ғоялари мажмуи-миллий истиқлол ғояси ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизни мустақил ривожлантириш хусусидаги асосий хулоса ва тамойиллар Президент И.А.Каримов асарларида ўзининг теран ифодасини топган. Уларда жамиятимизнинг, республика халқининг пировард мақсади-вазифаси-Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этилишининг мафкуравий йўналишларини аниқ ифодалайдиган, яхлит таълимот-миллий

¹²⁸ Қаралсин: Каменская Е.Н. Политология. Курс лекций. стр. 169.

истиклол ғоясининг мохияти, мазмуни, тушунча ва тамойилларининг илмий-назарий жиҳатлари асослаб берилди.

Халқни буюк келажак ва ана шу улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли комил инсонларни тарбиялаш, уларни бунёдкорлик ишларига даъват қилиш, муқаддас диёримиз, халқимиз учун фидоийликни ҳаёт мезонига айлантириш миллий ғоянинг бош мақсадидир.

Миллий ғоямиз дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб бораётган мамлакатимиз халқининг мустақиллик йилларида орттирган тажрибалари, босиб ўтган мураккаб ва шонли йўли, миллий тафаккури ва маънавиятдаги юксалишларнинг мантиқий натижаси, халқ иродасининг мужассам ифодаси сифатида шаклланди.

Миллий истиқлол мафқураси мамлакатимиз халқининг эзгу ғоя-озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу интилишлари, улуғ мақсад муддаоларини ўзида акс эттиради. У халқни халқ, миллатни миллат этадиган, унинг шоън-шарафи, ор-номуси, ишонч эътиқодини ифодалайдиган ғоялар тизимидан иборат бўлиб, жамиятимизнинг ўзига хос таракқиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларини амалга оширишга хизмат қилади.

“Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз,-деб таъкидлаб ўтади И.А.Каримов “...мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар тамонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш.

Мафқурамиз, туган йўлимиз, бор куч-ғайратимиз ана шу улуғвор ниятни амалга оширишга йўналтирилиши керак. Халқимизни, юртимиздаги барча сиёсий кучларни, нодавлат ташкилотларни ягона умумий мақсад атрофида бирлаштирадиган, бир тану бир жон қиладиган миллий ғоя ҳам аслида шу”¹²⁹.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. “Сиёсий маданият” тушунчасини таърифланг.
2. Сиёсий маданиятнинг сизга маълум бўлган турларини кўрсатиб ўтинг?
3. Сиёсий социаллашувни сиз қандай тушунасиз?
4. Сиёсий социаллашувнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Миллий сиёсий маданиятимиз ҳақида нималарни биласиз?
6. Мустақиллик йилларида миллий сиёсий маданиятимизни шаклланиши ва ривожланиши сизни қониқтирадими?
7. “Сиёсий мафкура” тушунчасини таърифланг.
8. Сиёсий онг билан сиёсий мафкура ўртасидаги фарқ нимадан иборат?
9. Сиёсий мафкура функция ва даражаларини изоҳланг.
10. Либерализм ва неолиберализм ғоялари ҳақида қандай фикрдасиз?
11. Консерватизм ва неоконсерватизм мафқураларини шарҳлаб беринг.
12. Миллий истиқлол ғоясининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

7.Халқаро сиёсат ва халқаро муносабатлар

Режа:

1. Халқаро сиёсат ва халқаро муносабатлар: тушунча, мазмун-мохияти ва унинг асосий элементлари.
2. Халқаро муносабатлар таракқиётининг назарий асослари ва йўналишлари.
3. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг стратегияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Халқаро сиёсат ва халқаро муносабатлар: тушунча, мазмун-мохияти ва унинг асосий элементлари.

Ҳозиргача биз давлатнинг ички сиёсати билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиб келдик. Энди эса сиёсатнинг халқаро майдондаги роли ва аҳамияти, унинг асосий йўналишлари масалаларига тўхталиб ўтамиз.

Халқаро сиёсат-бу халқаро ҳуқуқ субъектлари-давлатлар, БМТ ва бошқа жаҳон ҳамжамияти томонидан ташкил этилган қонуний ташкилот, муассасаларнинг башарият келажаги, тақдир-қисмати

¹²⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент. “Маънавият”. 76 б.

дахлдор масала-муаммолар: тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қолоқлик ва қашшоқликка қарши кураш ва бошқа сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳалардаги интеграциялашган сиёсий фаолияти, ҳамкорлигидир¹³⁰. Унда халқаро ҳуқуқ субъектлари билан бир қаторда турли партиялар, сиёсий ва носий ташкилот, ҳаракатлар, касаба уюшмалари, ижтимоий гуруҳ ва алоҳида олинган шахслар ҳам иштирок этадилар.

Инсоният жамияти тарихидан шу нарса аёнки давлат вужудга келгандан кейин бошқа давлатлар, халқлар ўртасидаги сиёсий муносабатларни йўлга қўйиш, ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиш зарурати ҳам юзага келади. Халқаро миқёсдаги илк сиёсий алоқа-муносабатлар тарихи қадимги Миср, Ассирия, Вавилония, Урарту, Юнонистон, Рим ва бошқа давлатларга бориб тақалади. Улар, асосан, куч ишлатиш, зўравонлик орқали қўшни мамлакатлар ва халқларни босиб олиш, ўзига бўйсундиришга қаратилган эди. Шу ўринда эътироф этмоқ керакки бошқа давлатларга нисбатан куч ишлатиш, юзага келган талаб-эҳтиёжларни зўравонлик, уруш йўли билан ҳал этиш давлатлар пайдо бўлган даврдан тортиб ҳозирги кунгача ҳам давом этиб келмоқда.

Тарих шундан гувоҳлик берадики ер юзида кейинги 5 ярим минг йилнинг бор йўғи 300 йилигина тинч ва осойишта кечган. Қолган вақтларда 15 мингдан кўп ҳар хил урушлар бўлиб ўтган. Бу урушлар биргина Европада XVII асрда 3 млн, XVIII асрда 5 млн.дан кўпроқ, XIX асрда 6 млн, XX асрда эса 70 млн.дан ортиқ кишининг ҳаётига зомин бўлган¹³¹ ва бу жароён давом этмоқда.

Ироқ давлатини Эрон ва Қувайтга қарши, АҚШ ва унинг шериклари Англия, Германия, Франция ва бошқа давлатларнинг Ироқ, Афғонистон, Ливияга қарши, Грузиянинг Жанубий Осетия қарши қуролли агрессиялари, шу кунгача давом этиб келаётган араб мамлакатларидаги фуқаролар уруши, жаҳон миқёсида кенг тарқалиб бораётган нарқобизнес, диний экстремизм ва халқаро терроризм хавфи, ҳудудий, маҳаллий миллий ва диний кўринишлардаги ихтилофлар, экологик, демографик ва бошқа хилдаги глобал муаммолар барча, барчани ташвишга солмоқда, ижтимоий-сиёсий кескинликларни авж олишига сабаб бўлмоқда.

Тарих ўжар нарса, буни инкор этиб бўлмайди. Лекин масаланинг ўзига хос, ҳаммага таалукли томони шундаки бир умр, айниқса, ҳозирги фан-техника тараққиётининг юқори даражага кўтарилган, ҳарбий қурол-аслаҳалар турлари, сифати ва куч-қудрати ошиб, ядровий қуролга эга бўлиш учун интилаётган давлатлар сони ортиб бораётган бир пайтда зўравонлик, қарама-қаршиликни кучайтиришни ўзи билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Дунё ҳам илгариги бир-бирига тиш-тирноғи билан қарши турган тузумлар ҳуқумронлик қилган дунё эмас. Кейинги ўн йилликларда унинг қиёфаси янги тус олди, ундаги кучлар нисбати ўзгарди. Совет Иттифоқининг парчаланиб кетиши, янги мустақил демократик давлатларни ташкил топилишига ва социализм системасини таназзулга юз тутишига сабаб бўлди.

Шу давр мобайнида давлатларнинг ўзаро интеграциялашув жароёни тезлашиб, Европа Иттифоқи янги аъзолар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Жаҳон сиёсий харитасида МДХ, Евроосиё, Брик, Шос, Лотин Америкаси, Африка давлатларининг шунга ўхшаш янги типдаги уюшмалари пайдо бўлди.

Булар ҳамда 2008 йилда бошланган ва ҳозирги кунгача давом этиб келаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давлатлараро муносабатларни янада интенсификаштириш, умумбашарий манфаатларни миллий манфаатлардан устун қўйиш зарурлиги, халқаро сиёсатни, ҳамкорликни эса ўзаро тенг манфаатдорлик принциплари асосида олиб боришни тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларига айлантирди.

Мақсад ва вазифалар муштараклиги халқаро муносабатлар самарадорлигини замон талабларига мослаштиришни тақозо этади. Бу масалага ўтишдан олдин сиёсат ва сиёсатшунослик фанида кўп қўлланиладиган, фаннинг асосий категорияларидан ҳисобланмиш “халқаро муносабатлар” тушунчасини изохлаб ўтамыз.

Сиёсий-ижтимоий манбааларда берилган таъриф-таснифларга кўра халқаро муносабатлар-бу: а) жаҳон ҳамжамиятининг асосий субъектлари-халқлар, давлатлар, ижтимоий кучлар, ҳаракат ва ташкилотларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, гуманитар ҳамда дипломатия соҳаларидаги ўзаро алоқа-муносабатларининг тизими, йиғиндиси¹³²; б) давлатлар ва умумбашарий манфаатларни ҳимоя қилиш ва уларни амалга ошириш механизми¹³³.

¹³⁰ Қаралсин: Политологический словарь. В двух частях. Часть 1. стр. 135.

¹³¹ Қаралсин: Проскурин С.А. Баланс интересов государств-основа прогресса цивилизации. Журнал. Социально-политические науки. М. 1991. № 4. стр. 65.

¹³² Қаралсин: Политологический словарь. В двух частях. Часть 1. стр. 129.

¹³³ Қаралсин: Каменская Е.Н. Политология. Стр. 180.

Гарчанд халқаро муносабатлар субъектларининг таркиби кўплаб давлатлар, халқлар, ташкилот, ҳаракат ва бошқа бирлик, уюшмалардан иборат бўлсада уларнинг асосий субъекти-бу давлатлар ва давлатлар гуруҳи, уюшмасидир. Шундан келиб чиқиб ана шу давлат-субъектлар стратификацияси, турларига эътибор қаратамиз. Улар:

- 1) халқаро тизим ва унинг барча аъзоларига жиддий таъсир ўткази олиш имконини берадиган етарли даражадаги кишилик, иқтисодий, дипломатик, географик ва ҳарбий ресурсларга эга халқаро сиёсатдаги глобал кучлар маркази деб аталадиган ута катта давлатлар. (Масалан, “Совуқ уруш” давридаги АҚШ ва СССР);
- 2) жаҳон тақдирига жиддий таъсир кўрсата оладиган, аммо халқаро муносабатларда ҳукумронлик қилиш даражасига кўтарила олмайдиган буюк давлатлар. Уларнинг реал имкониятлари маълум ҳудуд, алоҳида олинган бирорта соҳа ёки давлатлараро муносабатлардан четга чиқиб кетишга йўл қўймайди. Умумбашарий глобал миқёсдаги масалаларни ҳал этиш уларга боғлиқ эмас. Бундай давлатлар маълум ҳудудлардаги “кучлар маркази” ролини ўташи мумкин (ҳозирги Буюк Британия, Франция, Россия, Хитой ва х.к.);
- 3) ён-атрофларида мустақкам позицияни эгаллаб турган ўрта ҳол давлатлар (Испания, Туркия, Италия, Ўзбекистон ва х.к.);
- 4) халқаро муносабатларга унчалик таъсир ўткази олмайдиган, аммо ўз мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, сақлаб қолиш учун етарли куч-қудратга эга бўлган кичик давлатлар (Голландия, Швеция ва х.к.);
- 5) ҳудудий ва аҳолининг сон-миқдорига қараб баҳоланадиган микродавлатлар (Лихтенштейн, Сан.Марино)¹³⁴.

Шунинг билан бирга халқаро муносабатлар иштирокчиларининг сафлари борган сари кенгайиб бораётганлигини ҳам эътироф этиш керак. Халқаро муносабатларнинг муҳим субъектлари қаторидан халқаро ташкилотлар ўрин олмақдалар. Одатда уларни давлатлараро, ҳукуматлараро ёки ноҳукумат ташкилотларга бўладилар.

Халқаро муносабатлар тизимида энг муҳим ўрин ва мақом Бирлашган Миллатлар ташкилоти-БМТга тегишлидир. У ҳақиқатдан ҳам тарихда биринчи бор Ер юзиде тинчлик ва ҳамкорликни таъминлаш, барча халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш масалаларини ўз фаолиятининг бош мақсад-вазифаси қилиб қўйган халқаро институт, механизмига айланди. Ҳозирги кунда унга 192 га яқин давлатлар аъзо бўлиб кирганлар¹³⁵.

Бош Ассамблея, 15 давлат вакилларида ташкил топган хавфсизлик кенгаши, иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, васийлик кенгаши, халқаро суд, котибиятлар БМТнинг асосий органлари ҳисобланадилар.

Бундан ташқари БМТ тизимида халқаро муносабатларда иштирок этувчи бир қатор мустақил ташкилотлар: ВОЗ (жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти); МВФ (халқаро валюта фонди); ЮНЕСКО (фан ва маданият ишлари); ЮНКТАД (БМТ савдо-сотик ва ривожланиш конференцияси); Халқаро суд ва бошқалар ташкил этилган. Диний ташкилотлар ҳам халқаро муносабатларнинг таъсирчан субъектлари ҳисобланадилар.

Халқаро муносабатлар тизими ва сиёсий жароёнларда халқаро ҳокимият институтлари муҳим ўрин ва аҳамиятга эга. Давлат ҳокимиятидан фарқли ўлароқ халқаро ҳокимият институтлари ўзларида ҳамжамият аъзоларининг ягона хоҳиш-иродасини мужассамлаштирадилар. Улар аъзо давлатларнинг ҳарбий, иқтисодий, ижтимоий, инфорацион ва, ниҳоят, мафкуравий салоҳиятга асосланиб қабул қилинган қарорларни барча давлатлар томонидан бажарилиши, (зарур пайтларда мажбурий йўллар билан), сиёсий жароёнлар, умумий мақсад, манфаатлар йўлидаги муносабатларнинг кечиши динамикасини назорат қилиб борадилар.

Ҳукумат, ноҳукумат, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ташкилотлардан ташкил топган халқаро ҳокимият институтлари ўзларининг халқаро мақомларига мувофиқ ҳамжамиятнинг барча аъзолари учун мажбурий ёки тавсия характеридаги қарорларни қабул қиладилар. (БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорлари мажбурий, БМТ Бош Ассамблеяси ва бошқа халқаро ташкилотларнинг қарорлари тавсия кучига эга).

Халқаро муносабатлар субъектлари ўртасидаги алоқа-муносабатлар давлатларнинг ўз хоҳиши ва келишуви асосида ишлаб чиқилган юридик нормалар тизимига мувофиқ бошқариб борилади. БМТ

¹³⁴ Қаралсин: Каменская Е.Н. Политология. Стр. 183-184.

¹³⁵ Қаралсин: Независимый Узбекистан. Научно-популярной словарь, -Т.: «Шарқ». Стр. 236.

Устави барча учун асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Халқаро муносабатларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки унда ҳокимият ва бошқарувнинг ягона маркази йўқ¹³⁶.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки халқаро муносабатлар-бу ўзаро бирлашиш ва алоқаларнинг умумий йиғиндиси бўлиб, халқаро майдонда амалга оширилади. Халқаро муносабатлар предметини ана шу бирлашиш, алоқа қилишга сабабчи бўлган воқеа, ҳодисалар, нарсалар, шунингдек, уруш ва тинчлик масалалари, давлатлараро иттифок, коалиция, шартномалар тузиш, уларни имзолаш ва х.к. ташкил этади.

Халқаро муносабатлар тараққиётининг назарий асослари ва йўналишлари.

Халқаро муносабатларнинг назарий жиҳатлари Н.Макиавелли, Т.Гоббс, И.Кант ва бошқа мутафаккирлар ижодидан муҳим ўрин олган. Улар таълимотида халқаро муносабатлардаги асосий эътибор куч-қудрат омилига қаратилган бўлса, ҳозирги идеалистик қарашларда инсон зотининг ахлоқий ва сиёсий бирлиги, жамият билан давлат ўртасидаги муносабатларда инсон ҳуқуқлари устиворлиги масалалари биринчи ўринда туради. Бундай қарашлар марказида, кишилар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳуқуқ ва ахлоқий нормаларга асосланган умрбод тинчлик ғоялари ётади.

Умуман олганда, ҳозирги замон халқаро муносабатлар назарияси анъанавий, идеалистик ва марксистик таълимотлар асосида ривожланиб бормоқда. Улардан баъзи бирларига тўхталиб ўтамиз.

“Сиёсий идеализм” тарафдорлари Д.Перкинс, Ф.Танненбаум, Дж. Шоттуэл, Т.Кук, Р.Кларк ва бошқалар халқаро сиёсатни халқаро ҳуқуқ, ахлоқ-одоб ва адолат нормалари асосида амалга оширилишини талаб қиладилар. Улар учун коллектив хавфсизлик тизимини ташкил этиш халқаро муносабатларнинг бош масаласи бўлиши керак.

“Сиёсий реализм” вакиллари (Р.Нибур, Ф.Шуман, Г.Киссинджлр, Э.Карр) халқаро муносабатларни ҳокимиятни зўравонлик билан қўлга киритишнинг бир тури, “табiiй ҳолат”и тушунчаларидан келиб чиқадилар.

Халқаро сиёсатни бир неча давлатлар фаолиятининг умумий йиғиндиси деб менсимаслик, юзаки қараш, халқаро тизим тараққиёти динамикаси билан ҳисоблашмаслик каби халқаро муносабатларнинг анъанавий усуллари “Сиёсий реалистлар” томонидан жиддий эътирозларига сабаб бўлди.

“Модернизм” ҳимоячилари (К.Райт, М.Каплан, К.Доич, Д.Сингер, Э.Хаас) реализм назариячиларининг анъанавий қарашларига зид равишда халқаро муносабатлар моделларини фан-техника революцияси натижалари билан боғлаб олиб бориш кераклигини таъкидлаб ўтадилар. Улар халқаро муносабатларни ижтимоий воқелик сифатида таҳлил қилиб, уларда қатнашаётган томонларни расмий вазифа-функцияларни бажараётганликларини кўрсатиб ўтадилар.

“Транснационализм” ижодкорлари (Р.О.Коохейн, Дж.Най, Дж.Розенау) ривожланиш жароёнининг ўзаро боғлиқлиги, халқаро давлатларнинг интеграциялашуви, бир-бири билан яқинлашиши, қўшилиши, киришиб кетиш жароёнларини ҳозирги тезлашиб бораётган бир пайтда халқаро муносабатларда давлатлар билан бир қаторда турли ташкилот, корхона, индивидлар сонини кўпайиб кетаётганлигини қайд қилиб ўтадилар.

Уларнинг фикрича бу ўзгаришлар умумбашарий манфаатлар аҳамиятини ошириш, мавжуд ресурсларни тақсимлаш ва улардан оқилона фойдаланишни назорат қилиш, халқаро ва давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтганда халқаро муносабатларга янгича қараш ва ёндошувларда бу соҳадаги воқеликларни шунчаки тавсифлашдан муносабатларнинг конкрет факт, воқеа ва жароёнларга асосланган янги моделларини ишлаб чиқиш, алоҳида олинган у ёки бу халқаро сиёсат масалалар тадқиқотидан умумбашарий муаммолар таҳлиliga ўтиш, халқаро тартибот масалаларидан халқаро муносабатларни жаҳон тараққиёти жароёнларининг муҳим таркибий қисми сифатида тан олиш ва тушунишга ўтиш зарурлиги ғоялари олға сурилмоқда.

Халқаро муносабатларнинг ҳозирги босқичдаги ривожланиш тенденциялари мавзусини давом эттириб, таъкидлаш жоизки жаҳоннинг “бир кутбли” дунёдан “кўп кутбли” дунёга ўтиши ҳақиқатга айланиб бормоқда. Ўз иқтисодий, ҳарбий куч-қудратини сақлаб қолиш имконига эга АҚШ билан бир қаторда жиддий интеллектуал капитал ва илғор технологиялар билан қуролланган Хитой, Европа Иттифоқи, Германия, Япония, Россия давлатларидан иборат янги кучлар маркази шаклланди. Бразилия, Ҳиндистон каби ҳудудий марказларнинг ҳам халқаро майдондаги мавқеи, роли ошиб бормоқда.

¹³⁶ Қаралсин: Каменская Е.Н. Политология. Стр. 188-189.

Халқаро банк таҳминларига кўра агар Хитой Халқ Республикасининг ҳозирги иқтисодий ўсиш темплари сақланиб қолса у 2020 йилга бориб дунёдаги иқтисодий энг йирик давлатга айланади¹³⁷. Бу биринчидан.

Иккинчидан, ҳозирги пайтда иқтисодий интеграциялашув жароёнларини тезлашуви, алоқаларнинг жаҳон миқёсидаги ягона тизимини яратилиши, миллий давлат вазифа-функцияларининг ўзгариб, заифлашиб бориши, нодавлат транснационал ташкилот, уюшмалар фаоллигини тобора кучайиши, халқаро муносабатларни глобаллашувига олиб келмоқда. Ана шу аснода давлатлар, халқларнинг ўзаро алоқадорлик, боғлиқлиги даражаси кучли тус олиб, уларнинг глобал муаммоларни биргаликда ҳал қилишга бўлган ҳатти-ҳаракати, интилишлари авж олиб бормоқда.

Халқаро муносабатлардаги учинчи тенденция-бу дунёнинг ижтимоий табақалашиб боришидир. Унинг бир қисмида тинчлик, фаровонлик ва демократия қарор топмоқда, иккинчи қисмида эса-уруш, қашшоқлик, бузғунчилик ҳукм сурмоқда. Биринчи гуруҳни 25 Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия давлатлари ташкил этади. Уларда дунё аҳолисининг 15 фоизи истикомат қилади. Булардаги оддий фуқароларнинг ҳаёт даражаси анча юқори бўлиб, уларнинг йиллик даромадлари 10-30 минг АҚШ долларгача етиб боради. Кишиларнинг ўртача умр кўриш даражаси эса камида 74 ёшни ташкил этади.

Дунёнинг нариги қисми-Африка, Осиё, Лотин Америкаси ва баъзи бир МДХ давлатларда эса 80 млн.дан ортиқ киши ишсизлик, қашшоқлик шароитида кун кечирмоқда¹³⁸.

Халқаро сиёсатнинг яна бир тенденцияси сифатида нафақат халқаро муносабатларни балки ички сиёсий жароёнларни ҳам демократлашиб бораётганлигини кўрсатиб ўтиш керак.

Халқаро муносабатларни тизим сифатида ташқи сиёсатсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ташқи сиёсат халқаро майдонда давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни турли восита, йўллар ёрдамида тартибга солувчи, давом эттирувчи фаолият, халқаро ишларни олиб бориш, бошқариш санъатидир¹³⁹.

Ташқи сиёсат мамлакатнинг ички сиёсати каби жамиятдаги ижтимоий тузум ва иқтисодий тартибот билан узвий боғлиқликда амалга оширилади ва уларни халқаро майдонда ифода этади. Ташқи сиёсатнинг асосий вазифа-функцияси халқ ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни тўлароқ қондириш учун қулай халқаро шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Ташқи сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр юритилса айтиб ўтиш керакки ҳозирги пайтда жаҳонда 220¹⁴⁰ дан ортиқ турли тузумларга мансуб, манфаат ва фаолият дастурлари ҳамма вақт ҳам бир-бирига мос келиб келмайдиган давлатлар мавжуд. Бу ҳол ташқи сиёсат субъектлари ўртасидаги келишмовчиликлар бўйича муромага келишиш, бугун ҳар қачонгидан ҳам кескин тус олиб бораётган ҳудудий, хавфсизлик муаммоларини ҳал этиш, иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа долзарб масалалар соҳасидаги алоқа-муносабатларни мустаҳкамлаш, авж олдиришни талаб қилади. Шунинг ҳам кўрсатиб ўтиш лозимки ана шу масала, муаммолар ечими нафақат давлатларнинг биргаликдаги ҳатти-ҳаракатларига, шунингдек, уларнинг ички сиёсат, имкониятларига ҳам боғлиқ бўлади.

Чет элларда давлат бошлиқлари ва ҳукуматларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, давлат ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим институти, механизм-воситаларидан бири-бу дипломатиядир. У орқали турли хилдаги давлатлараро ташриф, музокаралар уюштирилади, махсус конференция, йиғилиш, учрашувлар ташкил этилади, икки ва кўп томонлама шартномалар тайёрланиб имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг стратегияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз ўзининг сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий салоҳияти, жаҳон ҳамжамятида тутган ўрни ва нуфузи туфайли халқаро сиёсатнинг мустақил ва таъсирчан субъектига айланди.

2.5-3 минг йиллик давлатчилик тарихи, маданий цивилизация соҳиби, Шарқ ва Ғарб давлатларини бир-бирига боғлаб турган Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон яқин ўтмишда СССРнинг бошқа республикалари каби халқаро майдонга чиқиш, мустақил ташқи сиёсат юритиш, ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаш ҳуқуқидан маҳрум эди. Халқаро муносабатлар фақат марказнинг руҳсати ва унинг назорати остида амалга оширилди.

¹³⁷ Қаралсин: Хейвуд Э. Политология. Стр. 171.

¹³⁸ Қаралсин: Каменская Е.Н. Политология. Стр. 193.

¹³⁹ Қаралсин: Политологический словарь. В двух частях. Часть 1. стр. 48.

¹⁴⁰ Қаралсин: Жаҳон мамлакатлари: қисқача маълумотлар. Масъул муҳаррир А.Хазратқулов. –Т.: “Шарқ”, 2006. 3 б.

“Мустақиллик давригача республика ташқи ишлар вазирлиги аппаратида бор-йўғи 10-15 нафар ходим бўлиб улар номигагина вакиллик вазифаси хисобланган ишлар, яъни протокол мажбуриятлари ва турли тадбирлар, асосан, чет эллик меҳмонларни қабул қилиш билан шуғулланарди холос. Ўша даврда ташқи ишлар вазири лавозимида ишлаган бир амалдор айтиши билан бир пайтда коммунал хўжалик соҳасини ҳам бошқарганини ўзиёқ бу масалага қандай юзаки қаралганини кўрсатиб турибди”¹⁴¹.

Истиқлол йилларида ташқи ишлар вазирлиги, ташқи иқтисодий алоқалар қўмитаси, кейинчалик ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва бошқа бир қатор давлат бошқарув органлари ташкил этилди, дипломатик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими ишга туширилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар ташкилотининг тўлақонли аъзоси, халқаро ҳуқуқ ва муносабатларнинг фаол субъекти сифатида дунёнинг 182 мамлакатлари томонидан тан олинди, 120 дан ортиқ давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Чет элларда мамлакатимиз ўзининг 27 элчихона, 11 бош консулликларига эга. Тошкентда эса хорижий давлатларнинг 43 та элчихона ва консулликлари ишлаб турибди¹⁴².

Ташқи сиёсат масалаларини мустақил ҳал қилиш тажрибаси амалда бўлмаган бир шароитда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ва асосий принципларини ишлаб чиқди ва уларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилинишига раҳнамолик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

-миллий давлат манфаатлари устун бўлгани ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;

-одамлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда умумбашарий кадриятларни устун қўйиш;

-юзага келган можароларни тинч йўллар билан ҳал этиш;

-тажоввузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга аъзо бўлмаслик;

-низоли масалаларни ҳал этишда куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;

-Ўзбекистонни ядросиз минтақага айлантириш;

-бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

-миллий қонунлардан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устиворлигини тан олиш;

-икки томонлама ҳам кўп томонлама алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш¹⁴³.

Демократик тараққиёт йўлидан бораётган барча давлатларда ташқи сиёсатнинг ана шу принциплари халқаро сиёсатнинг ўзаги, негизини ташкил этади. Ҳар бир мамлакат ушбу принципларга амал қилганидагина жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси, субъектига айланиши мумкин. Ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусияти шундаки бирорта мамлакат жаҳон ҳамжамиятидан ажралган ҳолда кўзланган мақсадга эриша олмайди. Дунё бир бутун ва ягонадир.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири-бу жаҳон халқаро ташкилотлари ва давлатлараро уюшмалари фаолиятида иштирок этишидир. “Ҳозирги кунда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар ташкилоти, Ислом Конференцияси ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва қатор ихтисослашган халқаро тузулмалар ишида фаол иштирок этиб, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд барпо этиш, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ, шунингдек, халқаро ҳамжамият олдида турган бошқа долзарб муаммоларни ҳал этиш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда”¹⁴⁴.

Бундан ташқари республикамиз ўз мустақиллигини эълон қилганидан сўнг 50 дан ортиқ жаҳоннинг энг нуфузли ташкилотлари-халқаро валюта жамғармаси, халқаро молия корпорацияси, халқаро меҳнат ташкилоти, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа халқаро, минтақавий ташкилот ва ассоциациялар билан ҳам ҳамкорлик қилади.

Халқаро ташкилотларда фаол қатнашиш-Ватанимизни жаҳон миқёсида танитишнинг, унинг халқаро обрў-эътиборини оширишнинг муҳим ва самарали йўлидир. Зотан давлат халқаро ташкилотларда қанчалик кенг иштирок этса у шунчалик жаҳон ҳамжамиятига тезроқ кириб боради, Ер юзида тинчлик, осойишталик мустаҳкамланади, инсоният тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ошиб боради, жаҳоннинг

¹⁴¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. И.А.Каримов.-Т.: “Ўзбекистон”, 2007, 23 б.

¹⁴² Қаралсин: Независимый Узбекистан. Научно-популярный словарь. Стр. 94, 262.

¹⁴³ Қаралсин: Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: “Ўзбекистон”, 1988. 23-24 б.

¹⁴⁴ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Тошкент. “Ўзбекистон” 2007, 24 б.

илғор давлатлари билан тобора яқинлашади, уларнинг фан, техника ва технология соҳасидаги янгиликларини самаралироқ қабул қилиб олади.

И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек “Халқаро ташкилотлар иқтисодиётимизни қайта қуришга кўмаклашадиган энг самарали воситадир. Улар кредит олиш, хорижий сармояларни тўғридан-тўғри жалб этиш, республиканинг жаҳон бозорида олға силжишига бебаҳо ёрдам кўрсатиши мумкин.

Асосийси, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироки миллий хавфсизлигимиз, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш гаровидир”¹⁴⁵.

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги туб ўзгаришлар доирасида мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларида ташқи алоқаларни кенгайтириш, республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш, чет эл инвестициялари оқимини рағбатлантириш, ташқи иқтисодий алоқаларни либераллаштириш йўли билан юртимизни жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини тезлаштиришга, хорижий молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурслардан, замонавий технология ва бошқарув тажрибаларидан самарали фойдаланиш ишларига катта эътибор берилди.

Ўзбекистондаги кўп тармоқли инфраструктура, улкан табиий минерал ресурслар, халқаро андозаларга мос, ишончли ҳуқуқий асослар мавжудлиги, энг муҳими, ижтимоий-сиёсий барқарорлик мамлакатимизга дунёнинг машҳур компания ва фирмалари-“Тиссен”, “Симменс”, “Саламандра” (Германия); “Текнип”, “Томсон”, “Буиг”, “Алькатель (Франция); “Сведала Индастари АБ (Швеция); “Ньюмонт Майнинг”, “Энрон”, “Боинг”, “Кейс”, “Кока-кола (АҚШ); “Мицубиси”, “Мицуи”, “Сумитомо”, “Тойота” (Япония); “ДЭУ”, “Самсунг” (Жанубий Корея) ва бошқа давлатлар корхоналарининг кириб келишини таъминлади”¹⁴⁶.

Ташқи иқтисодий муносабатларда амалга оширилган бу ва бошқа ўзгаришлар натижаси ўлароқ республиканинг ташқи савдо фаолияти ўзгариб, дунё бозорида рақобат қилишга қодир тайёр маҳсулотлар сони кўпайиб бормоқда. Олдинлари хорижга чиқарилаётган пахта толаси, рангли металллар ва улардан тайёрланган буюмлар, нефть ва нефть маҳсулотлари, тўқимачилик маҳсулотлари билан бир қаторда мураккаб асбоб-ускуналар, бойитилган каолин, мебель ва бошқа турдаги маҳсулотлар билан савдо-сотик қилинмоқда.

Глобаллашув жароёнларининг тез суратлар билан давом этаётган ҳозирги кунда “... ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораптики, бирон мамлакатнинг бу жароёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас”¹⁴⁷.

Европа-Осиё қитъасида стратегик жиҳатдан муҳим географик-сиёсий ўринни эгаллаб турган республикамиз учун тинчлик, хавфсизлик, барқарорликни таъминлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, ислохотларни изчиллик билан давом эттиришнинг кафолатловчи омил, воситадир.

Давлатимиз, халқимизнинг бу соҳадаги тутган сиёсий позициясини И.А.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48 сессиясидаги (28 сентябрь 1993 йил) нутқида қуйидагича изҳор қилган эди “... минтақа хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажралган ҳолда кўриб бўлмайди. Шунга асосланиб, Ўзбекистон ядро қуролининг тарқатмаслик тўғрисидаги Шартноманинг самарали ҳаракат қилиши ва унинг ҳеч бир муддатсиз узайтирилиши учун ҳаракат қилади. Бизнинг республикамиз ана шу Шартноманинг ҳаракат қилиш муддатини узайтиришга оид Конференцияга тайёргарлик музокараларида фаол қатнашади. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ядросиз зона деб эълон қилинишининг қатъий тарафдори.

... Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида кимёвий ва бактериологик қуролнинг тарқатиши устидан халқаро назорат ўрнатиш зарур деб ҳисоблайди”¹⁴⁸.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида мазкур минтақа халқлари хавфсизлигига даҳл қилувчи тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжиҳатликни, минтақадаги давлатларнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари, имкониятлари ва салоҳиятларини бирлаштириш муҳимлиги эътироф этилади.

¹⁴⁵ Каримов И.А, Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. Т.: “Ўзбекистон”, 1995, 63 б.

¹⁴⁶ Қаралсин: Нуриддинов Э.З. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ғоявий асослари//Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. Т.: “Шарқ”. 2001. 141 б.

¹⁴⁷ Каримов И.А, Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент “Маънавият”. 111 б.

¹⁴⁸ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. Т.: “Ўзбекистон”. 1994. 147 б.

Мамлакатимиз раҳбари минтақада ҳавфсизликни таъминлашнинг асосий шарт-бу Афғонистонда давом этаётган қарама-қаршиликларни тўхтатиш, у ерда тинчликни таъминлаш муҳимлигини ҳам таъкидлаб келмоқда. Чунки бу заминдаги нотинчлик, гиёҳванд моддаларни ноқонуний йўл билан минтақа мамлакатларига олиб ўтиш, қуролларни ғайри қонуний йўл билан тарқатиш, террорчилик ҳаракатларини авж олдиришга олиб келмоқда.

Ўзбекистон кўшни Афғонистондаги ҳарбий можароларни сиёсий йўл билан ҳал этишга қаратилган 6+2 гуруҳ фаолиятини йўлга қўйиш, террорчиликка қарши кураш халқаро марказини ташкил қилиш, минтақа мамлакатлари ўртасидаги интеграция жароёнларини кучайтириш масалаларига ҳам катта эътибор бериб келмоқда.

Республика сиёсий раҳбарияти, энг аввало, Президент И.А.Каримов жаҳон давлатлари, барча хайрихоҳ кучларга халқларнинг осойишталиги ва тараққиётига жиддий ҳавф туғдираётган диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши биргаликдаги курашнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳақидаги таклиф, мулоҳазаларини БМТ, ЕХХТ, ШОС ва бошқа халқаро ташкилотларнинг юқори минбарларидан туриб эълон қилди.

ЕХХТнинг 1999 йил ноябрь ойида Истамбулда бўлиб ўтган Саммитида давлатимиз бошлиғи И.А.Каримов БМТ тизимида терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди ва бу ташаббус БМТнинг 2000 йил 7-8 сентябрдаги минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган Саммитида қайта такрорланди. 2000 йилнинг октябрь ойида Тошкентда БМТ ва ЕХХТ ҳамда Ўзбекистон ҳукумати томонидан ўтказилган Конференцияда 70 та мамлакат экспертлари ва 40 та халқаро ташкилотлар терроризмга қарши халқаро курашнинг умумий стратегик режаларини ишлаб чиқдилар. “Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳавфсизлик Концепцияси тўғрисида” қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳам худди шу мақсадларга хизмат қилади.

Давлатимиз, унинг раҳбарияти томонидан жаҳон ва минтақада тинчлик-осойишталик, барқарорликни таъминлашга йўналтирилган саъй ҳаракатлари кўпчилик давлат ва халқларнинг Ўзбекистонга ҳурмати ва ишончини ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Америкалик сенатор Дж. Либерманнинг “Биз Ўзбекистоннинг ёрдамсиз Афғонистондаги аксилтеррорчилик ҳаракатларимизда мувоффақиятга эриша олмас эдик”¹⁴⁹ деб тан олиши юқорида билдирилган фикрларнинг далил-исботидир.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Халқаро сиёсат”, “халқаро муносабат” тушунчаларини таърифланг.
2. Халқаро муносабатлар субъектларини характерлаб беринг.
3. Халқаро муносабатларни назарий асослари ҳақида нималарни биласиз?
4. Халқаро муносабатлар ҳозирги даврининг асосий тенденциялари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтинг.
5. Мустақил Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатнинг асосий принципларини шарҳлаб ўтинг.
6. И.А.Каримов Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосчиси ва ижодкори.
7. Республикаимизнинг жаҳон жамҳуриятидаги ўрни ва роли.

1 – МАВЗУ: ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ Тўғрисидаги ДАСТЛАБКИ ҚАРАШЛАР.

РЕЖА:

1. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг предмети: объекти, мақсад вазибалари.
2. Ўзбекистонда давлатчилик назариясининг пайдо бўлиш тарихи ва давлатчилик ғояларининг назарий асослари.
3. Миллий давлатчилик ва демократик жамият қуришнинг ривожланиш босқичлари.

Миллий давлат мустақиллиги эълон қилингандан сўнг ўтган қисқа вақт ичида ўзбек миллий давлатчилигининг шаклланиб қарор топиш жараёнлари анча тез самарали содир бўлиб бормоқда. Демократик инсонпарвар жамият қуриш , унинг назарий асосларини чуқур ўрганиш, амалга

¹⁴⁹ Народное слово. 2002. 8 марта.

оширилаётган ишларни чуқур таҳлил қилиш мақсадида “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фани ўқитила бошлади. Ушбу курсни ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турувчи илмий билимларнинг мажмуи бўлиши билан бирга, унинг муайян соҳаларига оид асосий ғоялар тизими ҳамдир. Бу тизимда ижтимоий ҳодисалар ва воқеалар, улар ўртасидаги муҳим алоқалар ва боғланишлар аниқ воқелик билан чамбарчас ҳолда тадқиқ этилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг предмети жаҳон цивилизациясининг тарихий тажрибаларига асосланган ва республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, одил, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг назарий масалаларини тадқиқ этади ҳамда уни амлиётчилар учун дастур сифатида таклиф этиш билан шуғулланади.

“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фани ижтимоий воқеликнинг ўзига хос қонуниятларини кашф этиш асосида жамиятдаги жараён ва ҳодисаларни таҳлил қилиш, тушунтириш ва илмий хулосалар чиқариш билан шуғулланади. Шу боис, ушбу курс ҳозирги ижтимоий эҳтиёж сифатида вужудга келди ва шаклланмоқда. Шу билан биргаликда, у барча фанларнинг ижтимоий тараққиётидаги ўрнини белгилайди ва ҳатто дунёқарашини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшиши муқаррар. У ўзининг мантикий тузилишига ҳамда илмий таҳлил усуллари ва воситаларига кўра мустаҳкам назарий манбага асосланади. Шу ўринда БМТ нинг 1948 йил 10 декабрида қабул қилган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” нинг асосий қоидалари мисол бўла олиши мумкин.

Ўтган йиллар давомида ушбу ҳужжат жаҳон жамиятчилиги ўртасида тан олинди ва унинг асосида демократик давлатларнинг конституциялари ишлаб чиқилди. Демак мазкур декларация ва конституциялар демократик одил давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим мезони ва курснинг назарий асоси бўлиб хизмат қилади, десак муболаға бўлмаса керак.

Тўпланган тажрибалар шундан далолат берадики, ҳар бир миллат ва давлат ўзининг ривожланиш жараёнида ўзининг миллий хусусиятларига, халқининг тарихий анъаналарига, чунончи маънавий ахлоқий қадриятлари давлатчилик каби ўзига хос тажрибаларига асосланади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини фаол излади, бу давр Ватанни эркин, кучли ва раванқ топаётган диёрга айлантиришга интилиш даври бўлди. Жаҳон ҳамжамиятига кириш, давлатлараро кўпқиррали алоқаларнинг энг мақбул йўллари изланди. Буларнинг барчаси жамият жамиятнинг янгиланиши ўзбекистонга хос йўлни келтириб чиқарди. Бу йўл ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга жаҳон тажрибасини, шунингдек, халқимизнинг турмуш тарзини, анъаналарини, урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган, конституцион асосга эга бўлган Республика аҳолисининг манфаатларига тўла мос тушадиган тараққиёт жараёнидир.

Айнан шундай ривожланиш Ўзбекистоннинг муносиб турмуш кечиришини таъминлашга кафолот бўлади, миллий анъаналар ва маданиятнинг юксалишини маънавий-ахлоқий қадриятларнинг тикланишини таъминлайди.

"Пировард мақсадимиз, - дейди И.А.Каримов, - ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, олчиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир".

Ушбу йўлни амалга оширишга, демократик жамиятни барпо этишга Президент И.Каримов илгари сурган беш тамойил асос қилиб олинди. Бу тамойиллар фақат бизнинг мамлакатимизда эмас, бошқа давлатларда ҳам тан олинди. Унинг асосий мазмуни қуйидагилар:

- иқтисодиёт сиёсатдан устивор бўлиши ва бунинг учун иқтисодиёт мафкурадан холи бўлиши;
- давлат асосий ислохотчи бўлиши;
- қонун ва қонунларга риоя қилишнинг ҳамма нарсадан устунлиги;
- кучли ижтимоий сиёсат юргизиш;
- бозор иқтисодиётига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилиши керак;

2. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг демократик объекти ва тушунчалари.

Жаҳонда идеал демократик жамият ҳам, ҳуқуқий давлат ҳам йўқ. Ҳар бир демократик жамият ва ҳуқуқий давлат ўзига хос бўлган хусусиятга эга. Фанимиз мана шу муҳим хулосага таянган ҳолда, унинг аҳамиятини Ўзбекистон мисолида тушунтиришга интилади. Усинфийлик ва партиявийлик

ғояларидан мутлоқо холи бўлиб, унда иқтисодни мафкурадан устун қўйиш, инсонийлик, миллий истиқлол ва тикланиш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ғоялари муҳим ўринни эгаллайди. Шу жиҳатдан олганда ўтиш даврининг муҳим хусусиятлари мазкур курсда яхлит тарзда, яққол ва аниқ мужассам равишда ўз ифодасини топади.

Демократик жамият қуриш шароитида назария бир ёки бир неча, тор доирадаги ижтимоий-сиёсий гуруҳларнинг, шу жумладан, ягона миллатнинг манфаатларигина эмас, балки бутун инсониятнинг юксалишига хизмат қиладиган ғояларга таяниши керак бўлади. Зеро ҳозирги илм-фан, тезника ривож ва тараққиётининг устивор йўналишлари инсониятнинг ер юзида қандай кескин ижтимоий-сиёсий вазиятда яшаши ва фаолият кўрсатиши масаласини қўймоқда. Агар ушбу муаммони ҳал этиш, Ўзаро мақбул ва манфаатли йўллар билан амалга оширилмаса, аксинча синфий манфаатлар нуқтаи-назардан ҳал қилинса, умумбашарий фалокат муқаррардир. Бу фалокатни олдини олиш эндиликда, жамиятда тутган ижтимоий ўрни ва мавқеидан қатъий назар, барча инсонларга боғлиқ. Уни бартараф этиш синфий ва гуруҳий манфаатларини устун қўйишни инкор этади. Натижада ижтимоий тотувлик, муросамадора биринчи ва ҳал қилувчи ўрига чиқади. Шунга кўра курснинг назарий ва методологик асосларига янгича, замонавий фикрлаш талаблари тақозоси билан ёндашиш зарур. Бу умуминсоний қадриятларнинг бири бўлган миллийликни синфийликдан ва шовинистик байналминалчиликдан устун қўйишдир. Зеро, бу муаммоларни ҳал этмай демократик жамият қуриш, унинг мафкуриси ва назарияси муаммоларини ечиш ғайри-табиийдир.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фанининг асосий вазифаси ва унинг ўзига хос томони шундаки, у жамиятни яхлит бир бутун ижтимоий жараён сифатида ўрганади ҳамда ҳозирги даврга мос равишда тадқиқ қилади.

Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда жаҳон халқларининг тарихий тажрибалари, халқимизнинг бой ва қадимий мероси ҳамда шарқона турмуш тарзининг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, комил инсонни тарбиялаш билан боғлиқ илмий-фалсафий қарашлар ва амалий тажрибаларни ҳам курснинг назарий асоси сифатида ўрганиш мумкин.

Президент И.А.Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" китобида жуда аниқ ва мукамал қилиб таърифланганидек, "Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. Бу - мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу - инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси, биринчидан, ўз тақдирини ўзи белгиладиган, умбашарий қадриятлар устиворлигига асосланган, инсонпарварлик қоидаларини тан оладиган демократик давлатдир. Иккинчидан, фуқаролар осойишталиги ва миллий тотувлигини таъминлашни ўзи учун мақсад қилиб олган тинчлик севар давлатдир. Учунчидан, ўзбек халқининг бой ижтимоий-маънавий меросига, миллий, маданий-маънавий, ахлоқий, тарихий қадриятлари, миллий урф-одатлари, анъаналарига таяниб иш тутадиган инсонпарвар давлатдир. Тўртинчидан, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак маъсулият чуқур англаб ва ҳис қилиб фаол ички ва ташқи сиёсат олиб бораётган давлатдир. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда қарор топаётган давлат - бу демократик давлатдир.

Демак, "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фани инсон манфаати, эркинлиги ва кадр-қийматига хизмат қилувчи тинчлик, меҳнат, озодлик, биродарлик, адолат ва бахт каби умуминсоний қадриятларга асосланиб, демократик жамият қуришнинг умумбашарий илғор ғояларини амалга оширишнинг қулай оширишнинг қулай усул ва йўналишларини ўзида акс эттиради.

Курснинг асосий манбалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарор ва қонунлари, Республика Президентининг фармонлари, Ҳукумат қарор ва фармойишлари, Айниқса Президентнинг бир қатор фундаментал асарлари: "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли", "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида", "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" "Ўзбекистон буюк келажак сари", "Ўзбекистон XXI асрга интилоқда", "Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари" ва бошқалар ҳисоланади. Юқоридаги асарларда ҳамда кейинги нутқ ва маърузаларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг вазифалари, устивор йўналишлари дастлабки яқунлари ҳамда сабақлари ҳар бири алоҳида босқичга хос равишда асослаб берилган: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий асосларини маълум тизимга солиниши билан бирга, улар асосида барпо этилаётган янги жамиятни такомиллаштириш, демократик бошқаришнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилган.

Келажак сари интилиш, тараққиёт ва юксалишнинг таъминланиши учун республикамизда амаолга оширилаётган туб ўзгаришларнинг назарий асосларини амалий услубларини тушуниб олиш ва ўзлаштириш ғоят муҳимдир. Бу айниқса эртага мамлакатнинг келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши керак бўлган бўлғуси мутахассислар, умуман ёшлар учун зарурдир.

Ҳар қандай давлат ўз жамиятининг тарихий, маданий ва ахлоқий мероси негизлари асосида ривожланади. Бундай уйғунлик халқни ривожланишида янги босқичларга кўтаради, унинг истикбол омилларини кенгайтиради. Аждодларимиз томонидан яратилган ана шундай давлатчилик мероси инсоният тарихи ривожига улкан ҳисса қўшади.

Президент И.А.Каримов тарихчи олим ва журналистлар билан бўлган учрашувида – “Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъний бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмакда. Бу қадимий ва таббаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу – фузоллар, олими – уломалар, сиёсатчилар саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илимларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган” дейди. Дарҳақиқат, Мовараунахр оралиғида пайдо бўлган улкан давлатчилик маданий мероси инсоният тарихи ибтидосида энг дастлабки ҳамда қадимий давлатчилик маданияти сифатида маълум. Айни пайитда, бундай мерос мустақиллигимиз шарофати билан миллий давлатчилик тўғрисидаги таълимотларни ўрганиш имкониятларини очиб беради.

Маълумки, Ўзбекистонда миллий давлатчилигимиз тўғрисидаги энг қадимий манба “Авесто” дир. У эрамиздан олдинги 3 мингинчи йилларда аждодларимиз томонидан яратилган илк давлатчилик тўғрисидаги ижтимоий қараш ҳисобланади. Агор “Авесто” да илгари сурилган ғояларга эътибор берадиган бўлсак, бугунни адолатпарвар – демократик жамият барпо этишга қаратилган ғояларимиз билан ҳамоҳанг эканлигини кўрамиз.

Давлатчилик асосларини шакиллантириш борасидаги “Авесто” деярли барча ижтимоий масалалар, қадимги географик тушунчалар, этник жамоалар, вилоят ҳудудлари, уларнинг номлари, қадимги мамлакатларнинг рўйхати, иқтисодий ва ижтимоий ва сиёсий тузум асослари, зардўштиларнинг фалсафаси, дунё тарихининг ривожланиши ҳақидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олади.

Манбада, аввало, инсон эрки, комиллиги, рухий соғломлиги масалалари устувор қўйилади. Масалан; “Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон – шавкат бахш этаман” дейилади Ясна (14) китобида. Ахурамазда, инсонлар ўртасида бўлаётган муносабатлар ўзаро самимийлик, ҳурмат беғаразлик, ёрдам ва оқибасли бўлиш зарурлигига, ёмон фикирлардан холи бўлишга ишора қилади. Каттага ҳурмат ва кичикка иззат, сабр – бардош, ҳалоллик, меҳр – оқибат ва бошқа бир қатор тамойиллар борки, миллий ғоямизнинг асосий тамойилларига уйғун келади.

Ғояларнинг бундай тарзда қўйилиши дунё ана шу кучларнинг ёнма – ён яшашидан иборат, деган фалсафанинг моҳиятини англашга ундайди. Шу тариқа “Авесто” ўша маминда яшаган одамлар ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштиришда давлатга бўлган эҳтиёж ва зарурияти ўлароқ юзага келган манба бўлиб ҳисобланади.

“Авесто” да энг муҳум масалалардан бири – бу ҳуқуқий муносабатларнинг назарий жиҳатдан шакилланидир. Унда инсон ҳаёти ва одамлар ўртасидаги ижтимоий – иқтисодий муносабатлар ҳуқуқга асосланганлиги ҳақида маълумот бор. Ҳақиқат, яхши сўз ва мақсад, поклик ва эзгуликка интилиш, сув, ер, олов, хонадон ва чорвани асраб – авайлаш ахлоқий бурч бўлиб саналган. Инсон ўзининг ишлари ва фикирлари билан, яхшилик, ёруғлик ва бахт келтурувчи, ҳаёт ва ҳақиқат берувчи олий тангри Ахурамаздага ёрдамчи бўлиб хизмат қилади.

Оила ва жамоада берилган сўздан ёки қасамдан воз кечиш, одамлар ўртасида тузилган аҳдногани бузиш катта гуноҳ ҳисобланган: “О Спитама, шартномани бузувчи киши бутун мамлакатни бузади, шу билан бирга Артага тегишли барча мулки – молларга путур етказади. О Спитама аҳдингни бузма...” (“Яшт”, X боб)¹⁵⁰

Тарихий ҳужжатлар асосида айтиш мумкинки, “Авесто” нинг “Ясна”, “Виспрат”, “Яшт”, “Видевдат” китобларида илгари сурилган ҳуқуқий таъминртлар Рим ҳуқуқидан қадимийроқ ҳисобланади, бос устига, улар кейинчалик ташкил топган давлатлар сиёсий тизимининг шакилланиши манбаси бўлиб ҳам хизмат қилган. Шу тариқа “Авесто” Грек мутафаккирлари ва Рим ҳуқуқшунослари ижодига ўзининг ҳар томонлама мукамаллиги билан таъсир кўрсатга. Жумладан, инсон ҳуқуқи,

¹⁵⁰ Каримов И.А. Асарлар тўплами. 7-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1999. 132-б.

жисмоний ва ҳуқуқий шахс эркинлиги, инсон эркинлиги, эркак ва аёл тенглиги масаласи, озчиликнинг ҳуқуқи, вояга этмаганлар ҳуқуқи, виждон, этикод ва дин эркинлиги, жамоа ва гуруҳларнинг ҳуқуқи, мол – ҳол ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, шартномаларнинг мажбурийлик ҳуқуқий, жиноятнинг қасдан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилган жиноят турлари ишлаб чиқилган, ўғрилиқ ёки босқинчилик фарқлари таснифланган, бошқа ҳуқуқи ва суд ишларини юритиш ҳамда ташкил топиш каби бошқа ҳуқуқий тамоиллар ўз ифодасини топган¹⁵¹.

Бундан ташқари “Авесто” даги адолатли қонунлар ва яхши ҳокимлар тўғрисида илгари сурилган ғояларга таяниб айтиш мумкинки, улар умуминсоний қадриятлар билан боғлақ бўлган демократик таъминотларнинг назарий кўринишлари сифатида ўз ифодасини топган.

Ундан ташқари “Авесто” даги адолатли қонунлар ва яхши ҳукмлар тўғрисида илгари сурилган ғояларга таяниб айтиш мумкинки, улар умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ бўлган демократик таълимотларнинг назарий кўринишлари сифатида ўз ифодасини топган.

Инсон табиатан эркинликка, эзгуликка интилиб яшиди. Бундай эҳтиёжларнинг барча учун муҳим бўлган қоидаларини ва уларнинг тиртиботларини ташкил этишда давлатга бўлган эҳтиёж вужудга келади. Мана шундай эҳтиёж маърифий ва маъданӣ таълимотларни ҳосиласи сифатида умуминсоний қадриятларнинг меъзонларини ўақклантириб келган. Айни пайтда, кишилик жамиятининг ўзаро урушлар ва ихтилофлар билан боғлиқ даврларида янги маърифий таълимотлар ҳалоскор ғоя сифатида вужудга келган. Айнан IX ва XIII асрлар Ўрта Осиё тарихида шундай мураккаб давр бўлган. Халқнинг ўз мустақиллиги учун курашиши, бунда хуррият ва инсон эркинлиги ғоялари миллатни маънавий юксалишига олиб келган. Бу даврда дунёга машҳур Хоразмий, Фарғоний, Абу Носир Форобий, Ибн – Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк каби файласуф, сиёсатчи, тарихчи олимлар, шу даврда яшаб ижад этадилар. Бу давр ўз мавзусини, салмоғи жиҳатидан Ўрта Осиё Уйғаниш даври деб тарихга киради. Уйғониш даври маданиятнинг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат эди:

1. Дунёвий маърифатга интилиш, бу йилда ўтмиш ва қўшни мамлакатларнинг маданияти ютуқларидан кенг фойдаланиш, айниқса табиӣ – фалсафий, диний, тарихий ҳамда ижтимоий илмларни ривожлантириш.
2. Табиатга қизиқиш, табиатшунослик илмларининг ривожи, рационализм, ақл кучига ишониш, асосий этиборни ҳақиқатни топишга қаратилган фанларга бериш, ҳақиқатни инсон тасавури, илмининг асоси деб ҳисоблаш.
3. Инсонни улуғлаш, унинг ақлий, табиӣ, рухий бадий, маънавий фазилатларини асослаш, инсанпарварлик, юқори ахлоқий қонун ва қоидаларни намаён этиш, комил инсонни тарбиялаш.
4. Универсаллик – қомусийлик, барча табиат ҳодисалари билан қизиқиш ва унинг моҳиятига интилиш¹⁵²
5. Давлат қурилиши ва бошқарувининг назарий негизлари адолат, ахлоқ тамойилларида шакиллантириш, уларнинг ҳуқуқий ҳамда амалий асосларини ривожлантириш.
6. Давлат раҳбари ва хизматчиларининг фаолияти даражалари таснифлари, масъулияти меъзонлари тизимининг назарий негизларини яратиш.

Шу даврнинг йирик намоёндаларидан бири Абу Носр Фаробий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида инсоният жамиятнинг вужудга келиши ва ривожланишининг муайян табиӣ – давлатга бўлган эҳтиёжларнинг пайло бўлишини, унда адолат ва ахлоқнинг шакилланиши қонуниятларининг назарий жиҳатдан таснифини яритганлиги билан машҳурдир. Шу тарих олим давлат шакиллари ва унда бошқарувнинг мунтазам, изчил сиёсий тизимини яратишга эришади. Масалан, фозиллар шаҳрининг (давлат нарда тутган) таркиб топиши ва унда қандай ахлоқий сифатдаги шахснинг раҳбар бўлиши таснифлари бугунги демократик жамият қуришнинг бевосита назарий талаблари билан уйғун келади. Бу борада А.Н. Фаробий – “Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбарлар ёки бошлиқлар ҳокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган энг олижаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳафаза қиладилар”¹⁵³ деб давлат бошқарувида демократик тамойилларни таъминлаш билан боғлиқ ахлоқий қадриятларни тизимлаштиради. Эътиборли жиҳати шундики, Фаробий қарашларидагӣ “ҳокими мутлоқ бўлмаслиги”, “сайловчилар иродаси”, “озодлик” каби фикрлари

¹⁵¹ Отамуродов С. “Авесто” миллий ғоямиз манбаи. /Жамият ва бошқарув.2002, сон.-34-б

¹⁵² Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. ХайруллаевМ. Таҳрири остида. Т.: “Ўзбекистон”, 1995 йил, 11-12 – б.

¹⁵³ Абу Носр Фаробий “Фозил одамлар шаҳри”. Т, 1993, 190-б.

нафақат шу даврда, балки, бугунда ҳам инсоният маданиятининг – демократиянинг бош ғояси бўлиб хизмат қилади.

- Айни пайтда, Фаробий фозил шаҳарларнинг (давлатнинг) зиддий бўлган шаҳарларни ижтимоий ҳимоясини очиб берадики, бу тоталитар давлат тизимига мос келади. Масалан, разолат ва бадбахтлик шаҳри, обрўпарастлар шаҳри, амалпарастлар, ҳокимятпарастлар шаҳри ва хоказо турларини кўрсатади. Бундай шаҳарлар адолатли жамият куриш тўғрисидаги таълимотларга зид эканлиги кўрсатилади.

Давлат ва унинг бошқарувига дахлдор масалалар Юсуф Хос Ҳожиб ижодида ҳам катта ўрин тутади. У “Кутадғу билиг” достонида давлатни бошқариш амаллари, қоидалари ва сиёсий – ахлоқий муносабатларни жамиятда қарор топтиришга қаратилган қарашлари билан эътиборлидир. У давлат бошқаруви ва хизматини ташкил этиш турларини ҳамда шу даражаларга мувофиқ сифатларини таснифлайди.¹⁵⁴ “Шоҳликка даъвогарлар онадан ажойиб бир истеъдод билан туғиладилар ва улар дарҳол яхши – ёмонни ажратиш сифатига эга бўладилар. Бундайларга Худо идрок, фаросат ва юмшоқ бир кўнгил ато этади, қолаверса яхши иш юритиш уқуви билан ҳам сийлайди”¹⁵⁵ дейди, Айни пайтда, ана шундай истеъдоднинг таснифларини Фаробий сингари 12 сифатларини кўрсатиш билан бирга унинг вазифа ва мажбуриятларини белгилайди. Бунда у жамият табақаларини 15 тоифаларга ажралиб, ҳар бирига кўрсатилиши лозим бўлган муруватни адолатли давлатни мустаҳкамлашда ва унинг бошқарувини ташкил этишда муҳум олим эканлигига эътиборни қаратади. Масалан, у, зиёлилар тўғрисида шундай дейди: - “Ҳақиқий зиёлий ҳақиқат таянч бўлади. Агарки оламда донишлар бўлмаганда, ерда риск – рўз унмас эди. Уларнинг зиёси халқ йўлини ёритувчи машъаладир. Донишларга ширин сўз билан баҳра бер, моддий манфаатини қондиришга ҳаракат қил”¹⁵⁶.

Унга замондош бўлган қомусий олим Ибн – Сино Ўрта Осиё табиий – иллий ва ижтимоий – фалсафий фикрларнинг буюк намоёндаси, тиббиёт, фалсафа, ижтимоий – сиёсат, ахлоқий таълимот тарихига улкан ҳисса қўшган мутафаккирдир. Ибн – Сино фалсафани назарий ва амалий фалсафа сифатида иккига бўлади. Ижтимоий – сиёсат масалалар, давлат, инсон жамиятнинг тузилиши, вазифалари, жамоани бошқариш, инсон уюшмаларининг фаолияти, инсоннинг хулқ – одатлари, ахлоқ, жамоа ва оиладаги ахлоқ меросларини ўрганади. У амалий фалсафани ва предметига қараб уч қисимга бўлади. Ахлоқшунослик – бу инсон шахсиятнинг фазилатлаи, ахлоқий тушунчалар, қоидалар; иқтисодий – оилани бошқариш, унинг талабларини, вазифа ва фаолиятини таъминлаб туриш учун зарур бўлган масалалар; сиёсат – бу давлатни идора этиш ва бошқариш, ҳукумат ва фуқароларни ҳамда давлатлар ўртасидаги муносабатларни таъминлаш масалаларини ўрганиши таснифланади.¹⁵⁷ Унинг “Ишорат ва Танбихот”, “Рисолату тадбири - манзил”, “Қуш тили” каби асарлари бевосита давлат бошқарувининг адолатпарворва ахлоқий асосларига бағишланади.

Адолатли давлат бошқаруви, унинг мукамал тизимини яратиш борасида улкан илмий мерос қолдирган ўрта асрлар мутафаккири Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асари муҳум манба ҳисобланади. У амалдорларни ахлоқий фазилатларига қараб танлаш, адолат ва инсофни оёқ ости қиладиган кишиларни давлат ишларига аралаштирмасликни, давлатни бошқаришда кенгаш билан олиб бориш, фаолиятларни мунтазам назорат қилиш, итаот ижро ва сифатлари тўғрисидаги фикрлари билан аҳамиятлидир. Айниқса, Низомулмулкнинг – “Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва шундай йил тутиш керак”¹⁵⁸ деган қарашлари аждодларимизнинг давлат қурилишининг демократик тартиботларига нечоғли даражада аҳамият берганлигидан далолат беради.

Маълумки, ислом дини ижтимоий дунё қараш сифатида кенг тарқала бориши билан унинг назарий, фалсафий, ҳуқуқий томонларини ишлаб чиқишга эътибор ҳам тобора ортиб борган. Шу тариқа IX – XII асрларда Мовароуннаҳрда илм – фан, маданият, ислом фалсафасининг назарий жиҳатдан юксак даражада ривожланган даври бўлди. Улардан Имом Ал – Бухорий, Имом Ат – Термизий, Ал – Мотрудий, Муҳаммад Имом – Ғаззолий, Маҳмуд аз – Замахшарий, Бурҳониддин ал – Марғулоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абдулҳалиқ Ғиждивоний, баҳовиддин Нақишбанд, Жалолиддин Румий каби буюк алламалар ўзларининг илмий тадқиқотлари билан жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшдилар. Диний – илмий тадқиқотларда борлиқ, илоҳий қудрат, инсон комиллиги, адолат, инсоф, диёнат, виждон, адолат каби ғоялар инсон руҳиятини поклаш орқали эркин жинойтга чорланади. Бу

¹⁵⁴ Юсуф Хос Ҳожиб. “Кутадғу билиг” Т. “Фан”, 1971.

¹⁵⁵ Ўша асар. 329-б

¹⁵⁶ Ўша асар. 649-651-б.

¹⁵⁷ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т.: “Ўзбекистон”, 1995, 67-б.

¹⁵⁸ Низомулмулк. Сиёсатнома. Т.: “Адолат”, 1997, 98-б

борада Ж. Румий шундай дейди: “Инсон буюк бир мўъжиза ва унинг ичида ҳамма нарса ёзилган. Бирок зулмат ва пардалар борки, улар ёзувларни ўқишга имкон бермайди. Зулмат ва пардалар, турли – туман машғулотлар инсоннинг дунё ишлари борасида олган тадбирлари ва кўнгилнинг сўнгсиз орзуларидир.”¹⁵⁹ Дарҳақиқат, Ж. Румийнинг қарашларида инсоннинг фарқи унинг комиллигига асосланади. Шунинг учун у дунёга ирки, дини, миллати, табақасидан қатъий назар, барча инсонларга баробар мурожаат қилади. “Менга ваҳдаи майини тутгил, ўзгаларни ҳам ондин бахрамант этгил, токи жамоат дам бўлиб, фақат сувратда бўлмиш тафобитларни бартараф этайлик. Биз ҳаммамиз ягона ёғочнинг бутоклари, ягона кўшиннинг навқарларимиз”. Жалолиддиннинг башарият бирлиги ҳақида гапириши ўша давр учун мислсиз жасорат эди.¹⁶⁰ Ижтимоий – сиёсий тараққиёт ривожини маънавий асосларини ўрганишда Ўрта Осиёда вужудга келган тасаввуфчилдик оқимининг аҳамияти ҳам алоҳида муҳим ўрин тутди. Тасаввуф гарчи ислом бағрида ниш уриб, Куръон ва ҳадислар хикматидан озиқланган, кўп ҳолларда шариат аҳкомига тиянган бўлсада, лекин у расмий диний ақидапарастлик ва мутаассибликка ҳамда хоким табақаларнинг айшу-ишратларга Ғарб турмуш тарзи талончилик ва манфаатпарастликка зид ўлароқ меҳнаткаш халқ норозилигини ифодалаб келди. Ушбу таълимотнинг эл орасида ёйилиб, фикрий янгиланишларга қаноат биргина, ҳақ ва ҳақиқатга ташна зиёлилар юрагини забт этганига сабаб шу.¹⁶¹ Тасавууф таълимоти асосида адолат, ҳақиқат, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, инсоф, иймон, эътиқод, илм, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби умуминсоний ғояларни тарғибот қилувчи футувватга асосланган бир қанча диний-сиёсий оқимлар пайдо бўлади. Улар жамиятнинг ахлоқсиз унсурларига ғоявий куч сифатида қарши қўйилади. Бу борада, А.Яссавий шундай дейди: “Шайх улдирким, ниёз олса, мустаҳқиқларга ғариб, бечораларга бергайлар. Агар олиб ўзи еса, мурдор эт емишдек бўлғай. Агар тўн қилиб кийса, ул тўнғузча Ҳақ таъоло намоз, рўзасини қабул қилмағай ва агар олган ниёзидин нон қилиб еса, Ҳақ таъоло они дўзоҳда турлук азобга гирифдор қилғай. Ва агар ондоғ шайхга ҳар киши эътиқод қилса, кофир бўлғай”¹⁶²

Яссавийнинг хикматларида раҳбар шахсларнинг сифатлари тўғрисидаги талқинлар даярли ижодининг асосини ташкил этади. Чунки, шу даврда халқ орасида катта обрў – эътиборга эга бўлган сўпий шахслар сиёсатга бевосита араллишиб келганлар. Бу борада Амир Умарнинг қарашлари (1406 й. ўлган) сиёсатнинг назарий ва амалий моҳиятини очишда аҳамиятлидир. Унда сиёсатга шундай нисбат берилади: “Билгилким сиёсат – тутиб туриш ва тартибга солишдир... ёмон кишиларни қўрқинч ва титроқда тутмоқ, яхшиларни тақдирламоқ керик. Агар сиёсат бўлмаса, давлатнинг муҳум ишлари амалга ошмайди; агар тартибот жазо қонунлари бўлмаса давлат ишлари ҳам ўнганмайди, чунки ҳукмдорнинг, жамоанинг кўрки, давлат ва диннинг ривожини сиёсатди”¹⁶³ ” Яъни дин орқали сиёсатда умуминсоний қадриятлар ифода этилиши ва бундай сиёсат эса бевосита давлат қонунлари орқали амалда ўз тасдиғини топишига эришмоқ лизим деб ҳисобланган.

XIII- XIV асирларда Ўрта Осиёни муғуллар томонидан истило қилиниши иқтисодий ва маънавий ҳаётга катта салбий таъсир кўрсатади. Мамлакатда жабо – лумл ва зўровонлик кучаяди, Меҳнаткаш халқ қаттиқ эзилади. Жуда кўп маданий бойликлар, илм масканлари, мадраса ва кутубхоналар йўқ қилинади, санъат ва илм – фан вакиллари: олимлар, шоир ва ёзувчилар, мунажжимлар ва мусаввирлар ўлдирилади, омон қолганлари Шимолий Ҳиндистонга, Ғарбий Эрон ва Ҳурасон вилоятларига қочиб жон сақлаб қоладилар.¹⁶⁴

Айнан мана шундай мураккаб даврда Амир Темурнинг (1370йил) сиёсий сахнага келиши ҳамда мустақил давлат барпо этишга, айна пайитда, турли ислохатларнинг амалга оширилишига, илм-фан ва маданиятнинг ривожланишига туртки бўлди.

Бу даврда миллий давлатчилик тўғрисидаги қарашларнинг ривожланишида Амир Темурнинг хизматлари катта бўлди. Унинг тузукларида давлат тизими, уни идора қилиш услублари ва воситалари, ундаги турли лавозим – вазифалар даражаси, табақаларнинг тоифаланиши, ҳарбий кўшинларининг ташкил этилиши, жанг олиб бориш маҳоратлари, давлат хизматчилари рағбатини ташкил этиш омиллари, адолатнинг солиқ турларининг жорий этилиши, мамлакатни ободонлаштириш тадбирлари миллий давлатчиликнинг юксак маданий ва ҳуқуқий даражада шакиллантирилганликдан далолат беради. Бундай сиёсатнинг асос-маҳияти адолатли давлат, инсонпарвар жамият негизларини қарар

¹⁵⁹ Ж. Румий. Ичингдаги ичингдадир. Т.: “Ёзувчи”, 1997, 51-б.

¹⁶⁰ Фиш.Ради. Жалолиддин Румий. Т.: “Адабиёт ва санъат”. 1986, 241-б.

¹⁶¹ Комилов.Н. “Тасаввуф” Т.: “Ёзувчи”, 1996, 4-б.

¹⁶² Яссавий, Ахмат Хожа. Девони Ҳикмат. Т.: “Ғ Фулом” наш. 1992, 8 бет.

¹⁶³ Мақомат-и сайид Амир Кулол. Қўлёзма. ЎзҒа ШИ. № 8667. в.103 а-б.

¹⁶⁴ Ўбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. “Ўзб”, 1995,67 бет

топтиришга хизмат қилади. Бу борада Ибн Араб Шоҳ шундай дейди: “Темур тамғасининг нақши” “рости расти” бўлиб, бу “ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан” демакдир. Унинг отларидаги тамға, тангау тиллоларига зарб бериладиган белги ҳам мана шундай уч халқадан иборат эди. Кўпинча унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, наҳбу ғорат қилиш ва ҳарам ҳақорат гаплар бўлмасди. Темур кўркмас, шижоатли, ботир кишиларни итоат қилдирувчан бўлиб, жасоратли кишиларни, довюрок ва мардларни ёқтирар эди. У улар ёрдамида даҳшатли жойлар қулфларни фатҳ этиб, одамлар шерларини ўлжа қилар, улар зарбалари билан баланд тоғлар чўққиларини вайронқиларди. У беҳато (нишонга урувчи) фикрли, ажойиб фаросатли, мисилсиз (даражада) бахтли, улуғворлик (ўзига) мувофиқ, қатъий азм билан сўзловчи, (бошига) кулфат тушганда ҳам ҳақгўй (киши) эди¹⁶⁵

Амир Темур ана шундай сифатлари сохиби сифатида давлат бошқарувининг демократик асосларини яратишга эришади. У мамлакат ишларини доимо, кенгаш, машварат маслаҳат, ҳушёрлигу, мулоҳазакорлик, эҳтиёжкорлик¹⁶⁶ билан амалга оширилганлигини таъкидлайди. Айни пайитда, мамлакат ишларини Кегаш асосида олиб бориш бу аслида фуқароларнинг розилиги ва ихтиёри демак. Ундан чиқди бундай ёндашув бевосита давлат бошқарувич тақсимотнинг илк кўринишлари тўғрисидаги қарашларнинг ривожланишига замин яратган.

Соҳибқирон ҳар бир ишда сиёсатни адолат билан амалга оширишга ва бунда турли воситалар асосида унинг изчиллигини таъминлашга эришади. Яъни адолатга қаратилган мақсадларни адолатли воситалар билан уйғунлаштириш асосида давлат бошқарувининг технологик таъминотларини амалий жиҳатдан бойитадики, салтанатда адолатни таъминловчи мурватлар юзага келади. Масалан, у нафақат давлат хизматчиларининг қандай қилиб давлат бошқарувига келишини таъминлашнинг чораларини ишлаб чиқади. Бу борада у шундай дейди: “Агар ҳар нарсани ва ҳар кимни ўз мартабасида сақлай олмасанг, салтанатингга бундан кўп ҳалал ва зиён етгай. Демак, ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак”.¹⁶⁷ Шу тариқа, у, масаланинг назарий асосларини ойдинлаштириш билан унинг амалий тадбиғини ҳам ўз “Тузук” ларида амалга оширади. Жумладан: “Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозисида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқлагини билсам, уни тарбиятимга олиб, амарлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматларига яраша мартабасини ошириб борардим”¹⁶⁸ дейди.

Амир Темур ўз давридаги хизматларининг энг асосийси ва энг буюк – бу унинг давлат арбоби сифатида адолат ғояларига асосланган миллий давлатчилик таълимотларининг ҳуқуқий негизларини яратганлиги ҳамда уни тадбиқ этиб берганлигидадир. Шу тариқа у ўз сиёсий фаолиятини шундай ҳуласалайди: “Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим, нафси ёмонлар, бузуқлар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатимдан қувиб чиқардим. Пасткаш ва разил одамларга ўзларига лойиқ ишлар топширдим, ҳамда ҳақларидан ошишларига йўл қўймадим. Улуғларини ва шариф-эътиборли кишиларни ҳурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўстим”¹⁶⁹ Шу даврнинг йирик классик намоёндаларидан бири Алишер Навоийдир. У назариятчи ва амалиётчи сифатида давлат сиёсатининг адолатли асослари ва унинг маънавий мезонларини ривожлатиришга катта ҳисса қўшади. Айниқса, адолатсизлик ва зулм давлатни таназзулга, жамиятни жаҳолатга олиб келиши тўғрисидаги қарашлари ўз ифодасини тофади: “...давлат иши билан машғул бўлган амалдорлик чоғларимда кўнгил мулкини турли одамларнинг хужуми булғади. Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва ҳукумат маҳкамасида халқнинг арз-дотини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим.”¹⁷⁰ деди.

Алишер Навоий адолат тўғрисидаги қарашларида инсон руҳияти билан боғлиқ ижтимоий иллатларнинг моҳиятини излайди. Жамиятда ёвузликнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этади. Адолатли жамиятга эришишга нафақат подшоҳнинг одиллиги, балки, фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг адолатли, маънан соғлом бўлиши лозимлигига эътиборни қаратади: “Оламда бўлмиш ҳар нав одам билан курашдим; катта-кичикнинг феълу атворини ўргандим: яхши-ёмоннинг хислатларини тажрибадан ўтказдим; яхшилик ва ёмонликларнинг шарбатини ичиб, захрини тотиб кўрдим. Бахл ва пасткашларнинг захмини, саховатли кишиларнинг малҳамини кўнглим дарҳол

¹⁶⁵ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Т.: “Мехнат”

¹⁶⁶ Амир Темур Тузиклари. Т.: Ғ. Ғулом наш, 1996, 24 бет.

¹⁶⁷ “Темур тузуклари” Т.: Ғ. Ғулом, Адабиёт ва санъат, 1996, 81-б.

¹⁶⁸ Ўша асар. 83-б.

¹⁶⁹ Ўша асар. 119-б.

¹⁷⁰ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т.: “Ғ. Ғулом” 1983. 12-б.

сезадиган бўлиб қолди”¹⁷¹ дейди. Айни пайтда инсон руҳияти билан боғлиқ иллатлар моҳиятига шундай нисбат беради: “яхшиликка мукофот – қўполлик; одоб билан қилинган қилинган хушмуомила эвазига кеккайиш, такаббурликдан ўзгача муносабат кўрмайсиз. Бировга бир хизмат қилсанг, ундан ўн зарб ейишга тайёр туриш керак; кимдаки бир тавозеъ кўрсатсанг минг қўполлик ва дил сиёхликка ҳозир бўлиб турмоғинг лозим”¹⁷². Шу тариқа, у, “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ҳар хил одамларнинг феъл-атвори ва аҳволи, яхши феъл хосияти ва ёмон хислат касофати ҳақидаги қарашлари асосида жамият ижтимоий муносабатларининг яхлит назарий тизими, фуқаро-жамият-давлат ўртасидаги ахлоқий мажбуриятларни умумлаштиришга эришади.

Адолат ғояси Наволийнинг жуда кўп асарларида турли тарзда ифодаланган. “Хайрат-ул-аброр”, “Садди Искандарий”, “Фарҳод ва Ширин”, “Саббаи сайёр” дostonларининг, “Маҳбуб ул – қулуб” асарининг бош ғояси адолатдир. Яна шуни айтиш керакки, Навоийда инсондаги жуда кўп ижобий хислатлар, чунончи садоқат, вафо ва ҳаё, саховат кабилар адолат билан боғлаб тушунтирилади. Зеро, кишида адолат туйғуси бўлмаса, унда бошқа сифатлар ҳам бўлмайди¹⁷³ деб қарайди. Алишер Навоий замондошлари, Арасту, Афлотун, Фаробий, Ибн Сино, Насриддин Тусийнинг илмий мероси, асарларини қунт билан ўрганган, ўзи ҳам шу йўналишда катта мерос қолдирган ижодкорлар Захириддин Муҳаммад Бобур, Хусайн Воиз Кошифий ва Жалолиддин Давонийлардир. Улар давлатшунослик, ахлоқшунослик, адабиёт, таълим-тарбия, наср ва назм соҳаларида ижод қилган йирик олимдир. Давлат бошқаруви ва унинг сиёсати билан боғлиқ бўлган ижтимоий – ахлоқий масалаларни М.З.Бобурнинг “Бобурнома”, Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, Давонийнинг асарида атрофлича баён қилади.

Уларда жамиятнинг пайдо бўлиши, ижтимоий табақалар, давлат ва уни бошқариш йўллари, адолатли адолатсиз подшоҳлар, уларнинг фуқароларга муносабати, ахлоқ ва таълим-тарбия масалалари таҳлил этган. Давлат бошқаруви оид ижтимоий қарашлари ўз навбатида ўтмиш давлатчилик маданий меросимиз билан боғлиқ бўлган кадрятларимизни янада бойитишга хизмат қилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, XVI-XV асрдаги ижтимоий ва маданий юксалиш ўз мазмун – моҳияти билан IX-XII асрлардаги Ўрта Осиёдаги Уйғониш даврининг узвий давоми эди. Хулоса шундаки, бундай маданий меросларнинг монандликка интилишига, унинг даврий уйғунлашуви халқлар ҳаётида тараққиёт ҳамда юксалишига пойдевор бўлган назарий таълимотларнинг ривожланиш боскичларини кузатамиз.

Амма, Ўзбекистон халқлари давлатчилик тарихи ўз тараққиётида бир жуда ривожланган эмас. XVI-XIX асрлар Ўрта Осиё ҳаётида мураккаб ва кескин бурилиш даври бўлди. Унинг мураккаблиги аввало Амир Темур империясининг парчаланиши ҳамма дорислар ўртасидаги низолар билан борланади. Доимий ихтилофлар майдонига айланиб қолган Моварауннахр Шайбонийхон лашкарлари томонидан босиб олинади. Давлатда эгасизлик, боўбодоқлик ҳукм суради.

Мана шундай шароитда ҳақиқий илм ўрнини диний ақидавий қарашлар эгаллайди. Натижада аниқ ва табиий фанлар қувғунга учрайди, айниқса математика ва астараномия орқада қолади. Бунинг оқибатида илм-фан ривожининг даражаси кескин пасайиб кетади. Айни пайтда, бу давр олдинги мутафаккирларнинг илғор ғояларининг ўзаро фаол таъсири зайифлашуви билан характерланади. Дин бевосита давлат сиёсатининг асосига, ҳокимият унинг раҳномалари қўлида манфатларини ниқобловчи мафкурага айланади. Натижада жамиятда диний тазйиқ кучаяди. Дин пешволари давлат сиёсатига бевосита аралашуши оқибатида бир ёқлама мафкуравий зуғум ортиб боради. Ҳар қандай ижодий хур фикр таъкибга олинади¹⁷⁴.

Шунга қарамай Ўрта Осиёда ижтимоий фикр, фалсафа адабиёт, тарих, мусиқа фанлари, меъморчилик, тасвирий санъат ривожланди, қатор мадраса ва мачитлар қурилди. Жумладан, Ибн Муҳаммад Шариф, Машраф ва Сўфи Оллоёр, Нодира, Увайсий, Дилшод, Комил Хоразимий, Аваз Ўтар, Бедил, Фузулий, Амад Дониш, Муқумий, Огохий, Фурқат, Муқумий, Мулла Олим Махмуд Ҳоди ижодиётида илҳор ижтимоий ҳоялар яратилади.

Шу давр шарқ мутафаккирларининг ижтимоий қарашларини чуқур ўрганган олим И.Мўминов айниқса, Бедилнинг фалсафий ижодиди¹⁷⁵ катта баҳо беради. Бедил дастлаб ислом фалсафаси бўлган каломни сўнгра машҳур сўфийларнинг асарларини ҳамда хинд фалсафасини ўрганганлиги қайд этади.

¹⁷¹ Ўша асар. 13-б.

¹⁷² Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т.: “Ғ.Ғулом” 1983. 60-б.

¹⁷³ Комилов Н. Навоий ва замонамиз. / Жаҳон адабиёти. 10-б

¹⁷⁴ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. “Ўзб”, 1995, 182- бет

¹⁷⁵ Бедилнинг «Куллиёт», “Чор унсур”, “Ирфон” номли асарлари машҳур.

Унинг ғоялари маърифатли бўлишга, билим ва ҳунарни ўрганишга, айти пайитда, ёзувликка мурасиз бўлишга даъват қилганлигини кўрсатади¹⁷⁶.

Эътирофли жиҳати шундаки, шу давр ижодкорлари қайси соҳада ижод қилмасин, шахс ва зиёлийликка хос қудратда уларнинг асосий бўлганлигига амин бўламиз. Мулла Олим Маҳдум Ҳожининг “Тарих Туркистон” асарида шундай дейди. “Туркистон хонлари вақтидаги мусулмонийлар ниҳоят даражада ахволи оламидин хабарсиз бўлдилар. Золим ҳакамларга рост ва тўғри сўзни айтадурғонлар қолмай, золимлар учун беш-ўн тилло бадалига эртадан кечгача хушоматсўзлар айтиб, улар қандай сўз айтса маъқул дейдурғонлар бўлгон эдилар. Илму маорифда бўлса Туркистонда ўтган Ибн Сино, Фаробий, Улуғбек, Алиқушчи ўрнига ўлтурғон олим, файласуфи замон деганларимиз иззату нафс ва риёкорликга табдил бўлуб, жажл балосига мубтало бўлгон эдилар. Хакам ва улуғларимиз фуқаролардин ўз жойига ва масрафига сарф қилмай, ўз хохишлари ва йўшаъларига Ҳарж ва счарф қилар эди. Ҳукумат ишида мутлақо мунтазам қоида ва қонун йўқ эди. Фуқаролар оларнинг ўз молидек ҳисоб қилинур эди¹⁷⁷”

Мавжуд манбаларни ўрганиш миллий давлатчилик тарихимизда таназзулга тортган сиёсий курашлар ва ўзаро ихтилофларнинг сабабларини ўрганиш билан бирга, ундан сабоқлар чиқариш имкониятларини беради.

Маълумки, Мовароуннаҳр давлатчилик тарихи ва унинг таракқиётини ислом фалсафасидан айри ҳолда кўра олмаймиз. Аждодларимиз дунёвий ва диний илмларни бевосита уйғун тарзда олиб боришган. У хох диний, хох дунёвий йўналишда бўлмасин, унинг асосида инсон – жамият – давлат муаммоси ётади. Фақат бирёқлама мафкурага асосланган мустамлакачилик босқини сўнгра, собиқ шўро ҳукмрон сиёсати халқни маданий меъросидан маҳрум этишга ҳаракат қилади. Оқибатда маънавий мерос таъқиб остига олиниб миллий-маънавий меросни ўрганишда бўшлиқ пайдо қилинди. Фан ва таълимот ўз заминидан узилган ақидалар ва мавҳум ғоялар таъсирига тушиб қолди.

Аммо, тарихнинг ана шундай мураккаб даврида ҳам Ўзбекистон хуррият билан йўғрилган ижтимоий – сиёсий қарашлар тўхтаган эмас. Аксинча, бундай истак ҳар бир ватандошимиз қалбида умуммиллий истиқло ғоясининг вужудга келишига туртки бўлди. Ўрта Осиё халқларининг мустамлакачилик сиёсатига қарши миллий – оходлик кураши ва унинг асосий босқичларини шартли равишда уч босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

- а) Биринчи босқич: 1860-1904 йй.
- б) Иккинчи босқич: 1904-1918 йй.
- с) Учинчи босқич: 1918-1991 йй.

Биринчи босқичда мустамлакачилик асоратига тушушнинг ижтимоий – сиёсий сабабларини очиб берувчи манбаларни ўрганиш орқали шу даврдаги миллий тарқоқлик, давлат бошқаруви ишларида маърифатсизлик, маҳаллий амалдорларнинг нафс ва риёкорлик ботқоғига ботишига эътибор қаратиш муҳим¹⁷⁸

Иккинчи босқич: Туркистон миллий давлат мустақиллиги учун курашда озодлик ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда шарт-шароитларини сиёсий жиҳатдан тахлилига эътибор қаратиш лозим. Бунда Жаидларнинг мустақиллик учун кураш ғояларининг вужудга келиши назарда тутилади.

Миллат озод бўлиб, ўзининг мустақил давлатини ўрнатмагунча, ижтимоий адолатни тиклаб бўлмайди. Бу Бехбудий келган биринчи хулосалардан эди¹⁷⁹, айти пайтда, бундай ғоя миллий истиқлолчилик ҳаракатининг асосини ташкил этган.

Айти пайтда, жаидлар асосий эътиборини жамиятда маънавийтни ривожлантиришга қаратадилар. Улар янги усулдаги мактабларни ташкил этиш, газеталар чиқариш, дарслик ва ўқув кўлланмаларини нашр эттириш, Ғарбнинг янги маданият ва технология услубиятларини жорий этиш орқали миллий-дунёвий таълимни юзага келтириш, маънавий ҳаётни янгилаш ва бойитиш орқали миллий ўзликни англашни юксалтиришга замин яратишга интилганлар.

Шу тариқа, Туркистонда мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш ва унинг ижтимоий-сиёсий асосларини ёритувчи манбалар Мунавварқори Абдурашидхон ўғли¹⁸⁰, Бехбудий, Фитрат, Авлоний, Хувайдо ва бошқа миллий истиқлол қаҳрамонлари асарларида атрофлича ёритилган.

¹⁷⁶ Мўминов И. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан. Т.: “Фан”, 1960, 77 бет

¹⁷⁷ Мулла олим Маҳдумхожи “Тарихи Туркистон”, “Насаф” нашриёти, 1992. 100-бет

¹⁷⁸ Огаҳий. Асарлар 6 жилд. Т.; “Ғ.Ғулом” наш., 1978.

¹⁷⁹ Бехбудий. Танланган асарлар. Т.; “Маънавият”, 1999, 28-б.

¹⁸⁰ Абдурашидхонов М. Хотираларим. Т.; “Шарқ” наш., 2001.

Эътиборли жихати шундаки, ўз даврида жадидлар миллий-маданий мухторият қурилиши тамойилларини ишлаб чиққан ва бунда ўлкани ривожлантиришнинг амалий дастурлари мавжуд бўлган. Туркистонда давлатчилик шакли ва уни бошқариш ваколатлари, барча сохалар бўйича қонунларни жорий этиш, суд органларини ташкил қилиш. Давлат тузулмаларини яратиш каби масалаларга эътибор берилган. Аммо, шу давр сиёсий шароити ҳамда ерли халқнинг тушунчасида Туркистонда мустақил демократик жамият қуриш тўғрисидаги қарашларни бир мунча чекланганлигини кўраимиз. Бехбудийнинг “Туркистон маданий мухторияти лойихаси” дастурида тўла мустақил демократик жамият тўғрисида баҳс олиб борилади. Аммо, уларнинг демократия ва федерация тўғрисидаги қарашлари ҳам аслида конституцион монархия тузумидан ташқарига чиққан эмас. Туркистонда шу тариха, миллий давлатчилик ғояларининг тикланишига бўлган уринишлар ва шу йўлдаги сиёсий ҳаракатларнинг фаолияти тўғрисида Б.Дўстқораевнинг “Ўзбекистонда янги давлатчилик маърифати” номли мақоласида танишиш мумкин бўлади.

Учинчи босқич: миллатнинг ўз тақдирини ўзи белиглаш ҳуқуқини тинч йўл билан амалга ошириш мумкин эмаслигини тушуниб етган маҳаллий халқ вакиллари 1917 йил 26-28 ноябрь кунлари Қўқонда ўлка умуммуслмонларининг фавқулудда съездига тўпланиб, “Қўқон мухторияти” ни ташкил этилганлигини эълон қилдилар. Лекин, 1918 йил 23 январда Туркистон советларининг IV ўлка қурултойи Қўқон мухториятини Муваққат ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари деб эълон қилади ва қурол-яроғи деярли бўлмаган мухториятчилар жойлашган Эски шаҳар тўплардан ўққа тутилиб, 18 минг одамнинг қурбон бўлишига сабаб бўлади. Айнан шу давр воқеа-ҳодисалари давоми, тафсилотлари ҳамда муваффақиятсизликнинг сабабларига М.Чўқаев “Истиклол жаллодлари” асарида қуйидагича таъриф беради: “биринчидан, объектив омиллар: ...биз қурашга ўзимиз танлаган фурсатда эмас, Русия инқилоби жараёнини келтириб чиқарган вазият ижоботи билан киришдик. Иккинчидан субъектив яъни ўзимиздан бўлган омиллар: миллий манфаатлар йўлида қурашиш лозимлигини билганлари ҳолда туркистонликлар ўзаро кучли бирлик қура олмадилар ва бунга улгурмадилар”.

Туркистон мухториятининг ташкил топиши, унинг сиёсий фаолияти, сўнгра инқирози масалалари С.Азамхўжаевнинг “Туркистон мухторияти” номли асарида тарихий – илмий маълумотлар асосида ўз ифодасини топган.

Миллий истиклол учун қураш йўллари ва шу йўлдаги мақсад муштаракликда бўлган эмас. Мустақилликка эришиш қурашлари афеуски, турлича анланган ва ёндашилган. Аммо, миллий-озодлик ҳаракатининг мағлубияти ёхуд кўплаб зиёли намоёндаларнинг қатағон қилиниши, шахид бўлиши билан миллатнинг хурриятга бўлган интилишини бир сония ҳам тўхтатган эмас. Ўзбек зиёлиларининг мустақиллик учун олиб борган қураши 30-40 йилларда ҳам, 50-60 йилларда ҳам турли сиёсий кўринишларда давом этиб боради.

XX асрнинг 80 йилларига келиб коммунистик мафкура зуғуми остида қатағонлик сиёсати янги палласига кирди. Марказ ходимлари томонидан уюштирилган “Ўзбеклар иши”, “пахта иши” билан 11 мингдан ортиқ ўзбекистонлик раҳбарлар ва оддий фуқаролар таъқиб олинди, жазоланди, халқнинг турмуши ниҳоятда оғирлашиб борди.

Ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг зиддиятлашуви ва ҳодисаларнинг кескинлашуви “Қайта қуриш” йилларида ҳам ўз таъсир кўламини кенгайтириб келди. Натижада, Республикада жамият яхлитлигини парчалайдиган ҳамда вужудга келган эгасизлик ҳолати фуқаролар ўртасида парокандалик мухитини юзага келтирди, миллатлараро зиддиятлар, баъзан тўқнашувлар, айниқса, давлат бошқарувида қонунсизлик, парокандалик ҳолатлари вужудга келади.

Мана шундай қалтис вазиятда, 1989 йил 23 июнда Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов ўзбекистоннинг биринчи раҳбари сифатида ўз фаолиятини бошлади. У қисқа вақт ичида Ўзбекистонда вужудга келган ижтимоий танглик шароитини барқарорлаштиришга қаратилган тубдан янги миллий сиёсатни шакллантиришга эришади. Натижада, сиёсий беқарорлик, фуқаролар ва миллатлараро низоларнинг олди олинди, давлат бошқаруви мустаҳкамланди – Ўзбекистонда мустақил давлат ташкил этишнинг барча сиёсий ва ҳуқуқий заминлари яратилди.

1991 йил 31 август Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Аммо, мустақиллик сиёсатидан қолган сиёсий, иқтисодий, маданий – маърифий, мерос билан мустақилликни мустаҳкамлаш ва унинг истиклол йўлини аниқлаш, аслида унданда мураккаб вафифа эди. Бундай фазифа мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, унинг жаҳонҳамжамиятига кўпчиликни таъминлаш бўйича қатъий ва изчил сиёсат юргиздиришдан иборат бўлди.

Ўзбекистон ялпи янгилашларнинг назарий жараёни икки ўзаро узвий боғланган йўналишларда амалга оширилди:

Биринчи йўналиш, мамлакатнинг ички дунёсида, яъни иқтисодиёт, маънавият, сиёсат, турмуш тарзида, халқ характери ва менталитетида режали асосларда амалга оширилаётган янгилашлар мажмуидан иборат бўлган бўлса;

Иккинчи йўналиш, халқаро ижтимоий муҳит манзарасини такомиллаштириш, яъни қарама – қарши кучлар ўртасидаги зиддиятларни барқарорлаштириш, колезия муҳитида муроса, хамкорлик муносабатлари, тинчлик маданиятига ўтиш, миллатлараро, давлатлараро, конференциялараро толерантлик муносабатларни чуқурлаштириш, инсониятга умумий хавф туғдирувчи терроризм, нарқобизнес, экстремизмга қарши халқаро ташкилот тузулмаларига асос солиш ва бошқа фаолиятлар мажмуидан ташкил топади.

Таянч тушунчалар:

Илк сиёсий қарашлар, миллий давлатчилик, Авесто, Ислом дини, Ўрта Осиё уйғониш даври, Темур тузуклари, жадидчилик, мустамлакачилик сиёсати, тоталитаризм, авторитаризм, марказлашган маъмурий бошқарув, демократияни синфий тушуниш, адолатли давлат, одил жамият, инсон эркинлиги, эзгулик, маърифат, мустақиллик. *Демократик жамият, ижтимоий фан, ислоҳот, фаннинг предмети, объекти, услублари, қонуниятлари, категориялари, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли, демократия, дунёвий давлат, демократик онг, демократик тафаккур, демократик қадриятлар, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилиши, Ўзбекистон ва жаҳонҳамжамияти*, курснинг назарияси, амалиёти, мақсади, вазифаси, умуминсоний ғоялар, манбалари, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий асослари.

Мавзу юзасидан назорат саволлари

1. Ўзбекистонда демократик жамият тўғрисидаги қарашларнинг вужудга келишидаги тарихий шароитларни тасвирланг.
2. Ўзбекистон ҳудудида демократик жамият тўғрисидаги қарашларнинг илк манбалари, уларнинг ривожланиш босқичларини сананг.
3. Сиёсий қарашлар шаклланишининг асосий сабаблари нималардан иборат.
4. Марказий Осиёда ўрта ва уйғониш даври мутафаккирларини асосий ғоялари нималардан иборат.
5. Ғарб мутафаккирларининг ўрта аср ва илк саноатлашган жамиятда демократия ҳақидаги қарашлари қандай бўлган.
6. XIX аср охири – XX аср бошларида вужудга келган демократия тўғрисидаги қарашларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат.
7. Жадидчиликнинг асосий мақсадлари ҳақида гапиринг.
8. Шарқдаги сиёсий ғоялар нималарга таянади.
9. Ўзбекистонда давлат ва жамият қуришнинг “совет”ча кўриниши нималардан иборат эди.
10. Ўзбекистонда мустақиллик давридаги демократик ўзгаришларнинг асоси нимадан иборат.
11. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фани нимани ўргатади
12. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанини мақсад ва функциялари нимадан иборат.
13. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанининг предмети нимадан иборат.
14. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанининг объекти.
15. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанини ўрганиш услублари қандай.
16. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанининг ривожланиш қонуниятларини айтиб беринг.
17. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фани ролининг ошиб боришининг сабаблари нимада
18. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фани мустақиллик йилларида қандай ривожланган.
19. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фани категорияларини тавсифланг.

Қисқача хулосалар.

"Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фани миллий истиқлол, мустақилликнинг мевасидир. Утобора мустақил фан ва ўқув дарси сифатида шаклланиб, мустақил Ўзбекистон фуқоролари сиёсий тафаккуурининг вужудга келишига, улар қураётган жамиятнинг илғор ривожланган ва жаҳон ҳамдўстлиги қаторидан ўзига муносиб ўрин эгаллаб олишига хизмат қилади.

2 – Мавзу: Мустақиллик ва демократик жамият қурилишининг “Ўзбек модели”

Режа:

- 1. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг асосий тамойиллари.**
- 2. Янги жамиятни барпо этишда мафкуравий муаммоларни хал қилиш вазифалари.**
- 3. Тараққиётнинг ўзбек модели.**

Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз? Мустақиллик йилларида шаклланиш йўлига кирган миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг асрий анъана ва қадриятларини, миллий узлгимизни ўзида мужассамлаштириб, уларни умуминсоний қадриятлар, дунё цивилизацияси ютуқлари ҳамда илғор, тараққийпарвар ғоялар билан бойитиб, мамлакатимиз уз олдига куйган эзгу мақсад ва вазифаларни аниқ-равшан акс эттиради. Унинг воситасида хар бир ватандошимиз биз қандай жамият, қандай давлат, қандай тузум барпо этмоқдамиз, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий асослари нималардан иборат, деган саволларга жавоб топа олади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон буюк келажак сари», «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» каби асарларида ҳамда кўплаб маъруза ва нутқларида Ўзбекистон халқи қандай мақсад сари интилаётгани, қандай жамият барпо этгани илмий асосда кенг ва атрофлича ёритиб берилган.

Айниқса, Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» асарида мустақил тараққиёт йилларида орттирилган тажрибаларга таянган ҳолда, собик совет тузумининг оғир асоратларига қарамай, юртимиз қатта ривожланиш йўли, Ўзбекистон янги асрга қандай режалар билан кириб бораётгани асосланади. Юртимизда маъно-моҳиятига қура бутунлай янги жамият барпо этиш ва XXI асрнинг дастлабки йилларига мулжалланган тараққиёт стратегиясининг устувор йуналишлари кўрсатиб берилган.

Маълумки, биз қандай жамият барпо этмоқдамиз, деган масала мустақилликка эришганимиздан буён долзарб аҳамият касб этиб келмоқда. Бу масала Президентимизнинг мазкур асарида айниқса ўзининг тугал ва мукамал ифодасини топди. Унда қурилажак янги жамиятнинг илмий-фалсафий концепцияси, жамият ҳаётини тубдан ислох этишнинг навбатдаги стратегик вазифалари асослаб берилган. Ана шу масалаларни бажариш миллий истиқлол ғоясининг пировард мақсадларини белгилайди ва бу мақсадларга етишга хизмат қилади.

Бизнинг бош стратегик мақсадимиз - озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Бозор иқтисодиёти, энг аввало, кўпмулкчиликка ва улар уртасидаги рақобатга таянади. Унда мулкнинг барча қонуний шакллари тенг ҳуқуққа эга бўлиб, бу ҳуқуқ давлат томонидан қафолатланади. Иқтисодий тараққиётни бозордаги талаб ва тақлиф йўлга солади ва бошқара бошлайди. Уни марказдан туриб бошқаришга, маблағ ва фондларни режали тақсимлашга ҳожат қолмайди. Собик социалистик мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, марказдан туриб бошқариладиган режали иқтисодиёт охир-оқибатда барибир таназзулга юз тутаяди.

кўпмулкчиликка асосланган бозор иқтисодиётини жорий қилиш орқали юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби қафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш — давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Лекин бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш ва уларни амалда жорий қилишнинг тайёр андозаси йук. Бу борада биз хатто жаҳондаги энг юксак ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳам кўр-кўрона кўллай олмас эдик. Чунки бизнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг таркибий тузилиши, казилма бойликлари ва иқлим шароити, табиий ресурслари, халқимизнинг менталитети, аҳоли таркиби ва усиши бирор мамлакатникига айнан ухшамайди. Бошқа давлатларда яхшигина самара берадиган тараққиёт модели бизда ҳеч қандай натижа бермаслиги ёки аксинча, инкирозни янада чуқурлаштириши мумкин эди. (Масалан, айрим Хамдустлик мамлакатларининг шок терапияси усулини куллаб, кийин ахволга тушиб қолганини эсланг).

Шу боис халқимиз иродаси билан танлаб олинган ва ўзимизга мос ривожланиш бу — ижтимоий ларзаларсиз, инкилобий сакрашларсиз, тадрижий тарзда олга боришни такозо этадиган йўлдир. Миллий истиқлол ғояси ана шу йўлда фуқароларни бирлаштиради, яқдил ва ҳамфикр бўлишларига хизмат қилади. Жамият тараққиётининг устувор йуналишларини катъий белгилаб олиб, асосий куч ва имкониятларни бир жойга туплаб, аввало ана шу устувор йуналишлар буйича тараққиётни таъминлаш, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш орқали бозор муносабатларига асосланган демократик одил жамият барпо этиш Ўзбекистон танлаган йўлнинг маъно-мазмунини ташкил этади.

Танлаб олинган бу йўл, ҳамда унга хос миллий истиқлол ғоясининг стратегик мақсадлари жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахлдор бўлган қуйидаги бир қатор вазифаларни амалга оширишни такозо этади.

Сиёсий соҳада:

Жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш - мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг энг асосий йуналишидир.

Биринчидан, мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унда миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган сиёсий маданиятни шакллантириш. Миллий истиқлол ғоясининг сиёсий соҳадаги хусусиятларининг мохияти ана шуларда намоён бўлади.

Ўзбекистон гонституциясига мувофиқ, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир. Халқнинг менталитети, сиёсий маданияти, уз ҳақ-ҳуқуқларини, туб манфаатларини анг-лаш даражаси, ҳуллас, сиёсий ва маънавий етуқлиги унинг давлат қурилишида қанчалик фаол иштирок этишини белгилайди.

Бинобарин, сиёсий ҳаётни эркинлаштиришнинг асосий шартларидан бири халқнинг сиёсий онгини устириш, унга демократик эркинликларнинг маъно-мохиятини тугри тушуниб олиш ва узлаштиришга имкон яратишдан иборатдир.

Сиёсий маданият, бир томондан, фуқароларнинг, иккинчи томондан, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари ҳамда ҳужалик юритувчи субъектларнинг қонунга буйсунишидан бошланади. Демак, биз барпо этаётган жамиятда нафақат аҳоли ҳуқуқий билимларининг ошиши, унинг онги юксалишига, балки ҳокимиятнинг барча мустақил тармоқлари, нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий институтлари фаолият самарадорлиги ортишига ҳам жиддий эътибор қаратилади.

Ижтимоий тараққиётга интилаётган, сиёсий ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш йўлидан бораётган ҳар қандай жамият ҳуқуқий маданияти юксак, озод ва эркин шахсни тарбиялашга интилади. Зеро, шундагина демократия, фикр ва виждон эркинлиги, плюрализм ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний қадриятларга амал қилиб яшаш тамойили жамият ҳаётининг асосий мезонига айланади. Чунки демократиянинг ижодқори, амалга оширувчиси, ривожлантирувчиси - инсондир. Демократия - фақат халқ ҳокимияти бўлиб қолмай, у айни пайтда ҳар бир инсон, ҳар бир жамоа ва бутун халқнинг уз мамлақати келажаги, уз тақдири олдидаги масъулияти ҳамдир.

Демократия ва сиёсий ҳаётни эркинлаштириш заруратини охлоқратиядан (охлос - туда, оломон), яъни турли гуруҳларнинг сиёсий узбошимчалигидан, ҳокимият идораларига ноурин талаблар қуйишидан, тазйик утказишидан фарқ қилиш лозим.

Бу уз навбатида демократия, сиёсий ҳаётни эркинлаштириш ор³али фуқаролардан уз манфаатларини давлат ва жамият манфаати билан уйғунлаштиришни, юксак сиёсий маданиятга эга бўлишни талаб қилади.

Иккинчидан, жамиятимиздаги турли манфаатлар, карама-қарши кучлар ва ҳаракатлар уртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантириш, сиёсий ҳаётда ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик тамойилини қарор топтириш. Мазкур жихатлар миллий истиқлол ғоясининг сиёсий соҳадаги ўзига хос тамойилларини ифодалайди.

Мулкчиликнинг ранг-баранг шакллари қарор топаётгани, улар тенг ҳуқуқчилигининг давлат томонидан қафолатланаётгани жамиятнинг ижтимоий-табакавий таркибини узгартирмоқда. Бугун янги ижтимоий катлам ва гуруҳлар - сармоядорлар, тадбиркорлар ва урта синф вужудга келмоқда. Мулк шакллари хилма-хилиги ва ижтимоий табақаланиш жараёнига мос ҳолда турли манфаатлар, карама-қарши кучлар ҳамда ҳаракатлар ҳам пайдо бўлмоқда. Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши бунинг яққол далилидир.

Ҳозирги ўтиш даврида мулкчиликнинг нодавлат шакллари ва сиёсий партиялар ҳали мустаҳкам оёққа туриб олгани йук. Лекин улар қундан-қунга кучга тулиб уз мавқеларини ошириб бормоқда.

Шу маънода, Президентимиз Ислам Қаримовнинг қуйидаги мулоҳазаси муҳим аҳамиятга эга: «Шунга эришиш керакки, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳити қарор топиши даркор. Ҳар бир партия муайян ижтимоий катламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлиши керак. Унда ҳар қайси партиянинг мақсад ва вазифалари, жамият тараққиёти борасидаги муқобил таклифлари уз ифодасини топиши лозим»¹⁸¹.

группартиявийлик, партияларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, энг аввало, парламент ишида уз вакиллари орқали иштирок этувчи партияларнинг демократик қонунлар қабул қилиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида фаолиқ кўрсатиши, парламент орқали ижроия ҳокимият фаолиятини назорат қилиб бориши турли манфаатлар, карама-қарши кучлар уртасидаги мувозанатни вужудга келтирувчи асосий омилдир.

Турли манфаатлар, карама-қарши куч ва ҳаракатлар мувозанатини таъминлайдиган маънавий омил бу - миллий ғоядир. Уз ижтимоий гуруҳлар манфаати ва мафқурасидаги умумийликни, яъни умуммиллий манфаатларни ва ягона олий мақсадни ақс эттирувчи ғоядир. Уз миллатнинг жипслигига, консолидациясига ҳизмат қилувчи маънавий кучдир. Шу боис мамлакатимиз мустақиллиги, келажак тараққиётимиз уни ҳалқимиз онгига мунтазам ва босқичма-босқич сингдириб боришни тақозо этади. Миллий ғоя негизида миллий мафкура шаклланади.

Шундай қилиб, биз барпо этаётган жамиятдаги турли манфаатлар, карама-қарши кучлар ва ҳаракатлар уртасидаги мувозанатни таъминловчи механизм қуйидаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий омиллардан ташкил топади:

- мулкчиликнинг турли шакллари ривожлантириш;
- ҳақиқий кўппартиявийликни қарор топтириш;
- муқдорлар синфи ва урта синф шаклланишини жадаллаштириш;
- ижтимоий гуруҳлар уртасидаги ҳамкорлик ва шерикчиликни вужудга келтириш;
- миллий истиқлол ғоясини мунтазам ва босқичма-босқич жамият онгига сингдириб бориш.

Учинчидан, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун янада кенгрок шарт-шароит яратиш, ҳокимиятнинг конституциявий булиниши тамойилига қатъий амал қилиш, жамият аъзоларининг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини, ташаббус эркинлигини руёбга чиқариш учун зарур имкониятларни ишга солиш тақозо этади.

Бу — мамлакатимизда демократия тамойилларига асосланган, ҳеч қандай сиёсий кучнинг субъектив хоши-иродасига қарам бўлмасдан ишни фаол ташкил қиладиган, уз моҳиятига қура, жамиятнинг олға силжишига ҳалақит бераётган иллат ва асоратларни бартараф этишга қодир бўлган самарали тизимни шакллантириш демақдир.

Бундай самарали тизим - демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятидир. Ҳуқуқий давлатда нафақат ҳокимиятнинг уч тармоғи - қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти бир-биридан ажратилади ва бир-биридан мустақил ҳаракат қилади, балки оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий институтлар ҳам эркин ва мустақил бўлиб, ҳеч қандай кучга қарам бўлмайди. Ҳокимият бўғинлари ва ижтимоий институтлар фақат гонституция ва амалдаги қонунчиликка таяниб иш тутади. Уларнинг ўзаро муносабати ва ҳамкорлик механизми ҳам гонституция ва амалдаги қонунлар орқали белгилаб қуйилади. Уларнинг мустақиллиги, бир-бирига бевосита бўйсунмаслиги, фақат қонун олдида масъуллиги, амалда уларни бутун жамият олдида масъул қилиб қуяди.

Демақ, мустақиллик бу — ҳуқуқ, ҳуқуқ эса - масъулият ёки, бир суз билан айтганда, мустақиллик - масъулият. Мана шу боғлиқликни, айниятни оддий фуқародан тортиб масъул ходимларгача теран англаб, уз фаолиятини ана шу асосда юритиши мақсадга мувофиқдир.

¹⁸¹ Ислам гаримов. «Озод ва обод Ватан, эркин фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз». Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 й., 7-бет.

Тургинчидан, махаллий хокимият ва фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич утказиб бориш, нодавлат ва жамоат тузилмаларининг ҳуқуқи ва нуфузини оширишни кузда тутадиган «**гучли давлатдан - кучли жамият сари**» концепциясини амалга ошириш.

Бу — одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазибаларининг нодавлат тузилмалар ва фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, махаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ошиши, уларга кўпроқ ҳуқуқлар берилиши демакдир.

Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш жараёнида жамиятни бошқариш борасидаги вазифа-функциялар икки йуналишда қайта таксимланиб боради. Биринчиси - давлат марказий идораларининг айрим ҳуқуқ ва вазибалари махаллий хокимиятлар зиммасига утказилади. Шу тарика махаллий хокимиятнинг ҳуқуқ ва масъулияти оширилади. Ушбу жараён марказнинг вазибаларини камайитириш - децентрализация деб аталади. ўз навбатида, махаллий хокимият идоралари ҳуқуқ ва вазибаларининг бир қисми фукарларнинг узини ўзи бошқариш органлари (фукарлар йигинлари, махалла кумиталари, уй-жой ширкатлари ва бошқалар) зиммасига утказилади. Айниқса, бу аҳолининг маълум тоифаларини ижтимоий ҳимоялаш, яшашнинг умумий тартиб-қоидаларини тартибга солиш ва назорат қилишга, коммунал хизмат каби ҳаётини масалаларга тааллуқлидир.

Иккинчиси - жамоат ташкилотларининг ҳуқуқи ва масъулиятини ошириш, давлат зиммасидаги ваколатларнинг бир қисмини улар зиммасига утказиш. Бунинг учун гонституция ва қонун доирасида фаолият кўрсатадиган жамоат, яъни нодавлат ва ноҳуқумат ташкилотларининг тармогини кенгайтириш зарур.

Нодавлат, жамоат ташкилотларининг кўпайиши, уларнинг қундалик ҳаётимиздаги аҳамияти ортиб бораётгани фуқаролик жамияти асослари тобора мустаҳкамланиб, ривожланаётганидан далолат беради. Айнан шундай ташкилотларнинг фаоллиги ва масъулиятининг ортгани, фукарларнинг онги ва тасаввурида, қундалик ҳаётида улар тобора кўпроқ иштирок этаётгани «гучли давлатдан - кучли жамият сари» концепциясини ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим шартини ва шаклидир. «гучли жамият» тушунчасининг моҳияти шундан иборатки, халқ жамоат ташкилотлари орқали давлат идоралари фаолиятини назорат қилади, уларнинг уз вазибалари ва жамият олдидаги бурчларини тугри ва самарали бажаришига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият ана шундай кучли жамият бўлади. Унинг сиёсий тузуми - демократик, ҳуқуқий давлат бўлса, ижтимоий тузуми - ³онун устувор бўлган фуқаролик жамиятидир.

Бешинчидан, давлатнинг ислохотчилик вазибаларини демократик талаблар асосида, халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос ҳолда амалга оширадиган истеъдодли, изланувчан, чуқур билимли ва юксак малакали, Ватанга, она заминимизга садоқатли ёш кадрларни танлаш жой-жойига қуйиш ва янгилашга имкон берадиган тизимни такомиллаштириш. Бу - ҳеч қайси замонда осонликча ҳал бўлмайдиган, одамларнинг тафаккури ва дунёқараши узғаришини такозо этадиган, одатда субъективизм, манфаатпарастлик, уруг-аймоқчилик каби кўп-кўп иллатларни бартараф этиш, жамиятни тубдан янгилашни талаб қиладиган жараёндир.

Давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий сиёсатининг қанчалик тугри ва самарали амалга оширилиши кўп жихатдан турли бўғиндаги ташкилотчи-ижрочиларга боғлиқ. Уларнинг қасбий тайёргарликлари қанчалик қанчалар бўлса, уз вазибаларини қанчалик қанчалар ва виждонан бажарса, ишлар шунча олға кетади, қундалик муаммолар тезроқ ҳал бўлади. Бу ҳол одамларнинг қайфиятига ва уларнинг давлат идораларига муносабатига ижобий таъсир қилади. Шунда жамиятда ўзаро ишонч мустаҳкамланади, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий муҳит яхшиланади.

Ватанпарварлик ва миллий ғояга содиқлик раҳбарнинг фаолиятини, изланишларини юксак маъно-мазмун билан тўлдирди. У йўлида учрайдиган қийинчиликларни, баъзи бир омадсизликларни психологик жихатдан осонроқ енгади, тушқунликка тушмайди, ютуқлардан эсанқирамайди. У уз фаолиятига ва жамоаси эришган ютуқларга доимо энг юксак мезонлар билан ёндашиб, унга танқидий баҳо беради. У энг илгор тажрибаларни қўллаб иш юритади, уларни жамоаси фаолиятида жорий этишга уринади. Ватанпарварлик ва миллий ғояга содиқлик унинг қучига қуч, ақлига ақл, ташаббусига ташаббус қўшади, уни ҳақиқий фидойига айлантиради.

Раҳбар ходим нафақат ташкилотчи, балки тарбиячи ҳам бўлмоғи лозим. Шу боис ватанпарварлик ва миллий ғояга содиқлик фазилатлари унинг уз жамоасини тугри тарбиялашда, уни юксак омилларга етаклашда раҳбарга ёрдам беради. Ватанпарварлик ва миллий ғояга содиқлик бор жойда қанчалар, угирликка, таъмагирликка, махаллийчиликка, гуруҳбозлик, уруг-аймоқчилик ва бошқа қанчалар асло урин бўлмайди.

Бу турли бўғин раҳбарларининг кадрларни танлаш, жой-жойига куйиш борасидаги узбошимчаликларининг, ноҳолисликларининг кўп жихатдан олдини олади ёки кадрларни уларнинг узбошимчалигидан, турли тасодифлардан муҳофизат қилади. Ошкоралик тамойилини қўллаш, баъзи соҳаларда конкурс-танлов асосида лавозимга тавсия этиш, танланаётган мутахассис хақида жамоанинг фикрини урганиш ва шу каби тадбирлар ҳам кадрлар танлаш механизмини такомиллаштиришга, бинобарин, янги жамият қуришни тезлаштиришга хизмат қилади.

Иқтисодий соҳада:

Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан амалга ошириш ва олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, ҳужалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини янада ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тусикларни бартараф этиш - бу соҳадаги узғаришларнинг асосий йўналишларидир. Мазкур узғариш ва йўналишлар миллий истиқлол ғоясининг иқтисодий соҳадаги хусусият ва тамойилларини белгилайди. Бунда бир асосий вазифалар амалга оширилади.

Биринчидан, иқтисодиётни эркинлаштиришдаги бош вазифа - энг аввало, давлатнинг бошқарувчилик вазифаларини - функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар ҳужалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш.

Бу - хусусий бизнесга, умуман, иқтисодий фаолиятининг бозорга хос механизмларига кўпроқ эркинлик бериш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатларни яратиш, институционал узғаришлар, молия ва банк тизимини ислох этишни янада чуқурлаштириш, ривожланган бозор инфратузилмасини барпо этиш, рақобат муҳитини шакллантиришга асосий эътиборни қаратиш демакдир.

Мустақиллик даврида мулкчиликнинг турли шакллари, жумладан хусусий мулк ривожланиши учун зарур ҳуқуқий кафолатлар ва амалий механизм яратилди. Масалан, Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш кумитаси, унинг жойлардаги тузилмалари барпо этилди, товар, хом ашё, фонд биржалари, тижорат банклари тизими, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, бизнес-фонд, турли консалтинг, лизинг ва бошқа бозор инфратузилмаси тармоғи шакллантирилди. Мулкнинг аксарият қисми давлат тасарруфидан чиқарилди. Нодавлат шаклидаги мулкчиликнинг акциядорлик жамиятлари, корпорациялар, компаниялар, фирмалар, ширкатлар, қўшма корхоналар, хусусий корхоналар, фермер ва деҳқон ҳужаликлари, урта ва кичик корхоналар каби тармоғи вужудга келди. Бозор инфратузилмасини шакллантириш ва такомиллаштириш жараёни бундан буён ҳам давом эттирилади ва чуқурлаштирилади.

Ҳужалик юритувчи субъектларнинг юридик, ҳуқуқий эркинлиги тулақонли амалий эркинликка айланиши учун улар ишлаб чиқаришни бозор талабларига мос ташкил этиш, етарлича инвестициялар жалб қилиш, маркетинг тадқиқотлари утқишиш, зарур ахборот ва консалтинг олиш имкониятларига эга бўлишлари лозим. Шунда бозор механизми яхши ишлай бошлайди, хақиқий рақобат вужудга келади, иқтисодиётнинг уз-ўзини тартибга соладиган, мувозанатга келтирадиган механизми шаклланади. Шу боис янги жамият барпо этиш жараёнида мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Иккинчидан, хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва бу борада хақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, бу жараёнга тармоқларнинг асосини ташкил қилувчи йирик корхоналарни жалб этиш.

Бу — хусусий мулкнинг микёси ва улуғи узлуксиз ортиб борадиган кўпқабатли иқтисодиётни ривожлантириш, жамиятда мулкдорларнинг кўпчилигини ташкил этишига эришиш орқали иқтисодий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликни кафолатлаш демакдир.

Хусусийлаштиришнинг асосий мақсади, бир томондан, мулкчиликнинг турли нодавлат шакллари ривожлантириб, улар уртасида хақиқий рақобатни вужудга келтириш бўлса, иккинчи томондан, мулкдорлар сонини, айниқса банд аҳоли таркибидаги яқин келажакда кўпчилигини ташкил этадиган урта синфни қарор топтиришдан иборат.

Учинчидан, иқтисодиётга хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қўлай ҳуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кенгайтириш.

Бу - салоҳиятли хорижий шериклар билан фаол ҳамкорлик қилиш, улар билан бирга замонавий, халқимиз эҳтиёжига мос, дунё бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни амалга ошириш демакдир.

Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ниятида муҳим аҳамиятга эга. Чунки ишлаб чиқариш фондларини замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва механизмлар билан янгилаб, илғор технологияларга ўтиш учун маблағ керак. Халқ ҳужалигида таркибий узғаришлар қилиш, кўплаб янги

корхоналар куриш, ишлаб чиқаришнинг ва бозор иқтисодиётининг инфратузилмасини ривожлантириш учун ҳам маблаг керак.

Шу боис хориж сармоясини иқтисодиётга оқилона, қулай шартлар асосида жалб қилиш зарурати кучли.

Янги жамият барпо этиш жараёнида Ўзбекистонда чет эллик инвесторларнинг манфаатларини кафолатлайдиган, уларнинг тадбиркорлик фаолиятлари учун маълум муддатга имтиёзлар берадиган тегишли қонунлар қабул қилиниб зарур ҳуқуқий база яратилмоқда. У муттасил кенгайиб боради.

Чет элликларга узларининг корхоналарини очишга, маълум шартлар асосида ер ости бойликларини казиб олишда иштирок этишларига рухсат берилаётгани ҳам бу борада олиб борилаётган ишлар сирасига киради.

Мамлакатимизда сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш канчалик кўпайса, халқимизнинг моддий эҳтиёжлари шунчалик қондирилади, турмуш фаровонлиги усади, давлатимизнинг иқтисодий қудрати ошади.

Тургинчидан, мамлакат, экспорт салоҳиятини ошириш, унинг халқаро меҳнат тақсимоотида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шартлар асосида иштирок этиши, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига кенг қулабда интеграциялашувини янада кучайтириш. Бу - Ватанимизнинг дунё бозоридаги урни ва нуфузини, фуқароларимизнинг уз юрти иқтисодий салоҳияти ва қудрати билан фахрланиш туйғусини юксалтириш демакдир.

Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш бевосита жаҳон бозорида харидорғир, рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Ўтмишдан қолган оғир мерос - бу иқтисодиётимизнинг асосан хом ашё етказиб беришга мулжаллангани ва саноат корхоналари технологиясининг қолоқлиги, уларнинг серхаракат сифатсиз ишлаб чиқариш воситалари билан жиҳозланганидир. Бундай технологияси эски корхоналар маҳсулоти жаҳон бозорида рақобатга бардош бера олмайди. Шу боис мамлакатимиз ҳозирча четга кўпроқ хом ашё чиқаришга мажбур булмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатда унинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Маҳсулот сифати ва нархининг маъқуллиги билангина жаҳон бозоридаги мавқени мустақамлаб олиш, доимий шериклар ва харидорлар топиш мумкин. Шундан кейингина халқаро меҳнат тақсимоотида тенг ҳуқуқли иштирок эта оламиз. Лекин мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш учун нафақат анъанавий маҳсулотлар ҳажмини кўпайтиришимиз, балки илгари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаган маҳсулотларни узлаштириб, экспорт қилишга эришмо³ лозим. Бизда эса бундай имконият юксаклигини қисқа муддатда автомобилсозлик саноати вужудга келгани, автомобилларимизни хорижга сотаётганимиз ва шунга ухшаш бошқа мисоллар кўрсатиб турибди.

Бешинчидан, иқтисодиётдаги таркибий узгаришларни изчил давом эттириш.

Бу - бой табиий захираларимиз, интеллектуал ҳамда илмий - техникавий салоҳиятимиздан тулик ва самарали фойдаланиш, иқтисодиётда муқаммал технологик жараёни уз ичига оладиган, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, минерал ва қишлоқ хужалиги хомашёсини сифатли қайта ишлайдиган қувватлар етакчи урин тўтишини таъминлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги урнини кучайтириш, қишлоқда янги иш уринларини яратиш демакдир.

Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий узгаришлар бир неча йўналишда амалга оширилмоқда:

1. Иқтисодиётнинг мулкчилик асослари ривожлантириляпти. Турли мулк шакллари вужудга келтирилди ва такомиллаштирилмоқда. Юқорида бу ҳақда гапирилган эди.

2. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар тармоғи кенгайтирилмоқда, янгилари қурилмоқда.

3. Қичик ва урта бизнес корхоналари тизими шакллантирилди ва жадал ривожлантирилмоқда.

4. Бозор инфратузилмаси вужудга келди. Тадбиркорларга ва аҳолига ранг-баранг иқтисодий, молиявий, ахборот-реклама, ҳуқуқий ва илгари ўзимизда булмаган бошқа хизмат турлари кўрсатилмоқда. Бу тармок ҳам кенгайиб, ушиб, шакл ва мазмунини бойитмоқда.

5. Ўзбекистоннинг географик урни, геополитик хусусиятлари транспорт ва коммуникация масалаларига жиддий эътибор қаратишни талаб этмоқда. Мазкур масалага иқтисодиётда амалга оширилаётган таркибий узгаришларнинг муҳим ва нисбатан мустақил қисми деб қараш лозим.

Жаҳон мамлакатлари билан кафолатли алоқа, савдо-сотикни, иқтисодий муносабатларни ривожлантириш учун бир неча йўналишларда транспорт алоқа тизими барпо этилмоқда.

Иқтисодиётда таркибий узгаришларни амалга ошириш, айниқса қишлоқ саноатни олиб бориш, биринчи галда, қишлоқ хужалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мулжалланган урта ва қичик корхоналар тармоғини ривожлантириш давлатимиз иқтисодий сиёсатида устувор аҳамият қасб этмоқда.

Ижтимоий соҳада. Жамият ҳаётининг барча жабхаларида туб узгаришлар амалга оширилади, бозор муносабатлари устувор бўлиб бораётган ҳозирги шароитда кучли ижтимоий сиёсат юритиш тараққиётимизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолаверади. Бу эса миллий истиқлол ғоясининг ижтимоий соҳадаги тамойилларини белгилайди, уларнинг амалга ошишига хизмат қилади.

гучли ижтимоий сиёсат деганда, халқ тугрисида - ҳар бир ижтимоий гуруҳ, қатлам, табақа, ҳар бир фуқаро, ёш кекса, эркак аёл - барча-барча юртдошларимиз тугрисида гамхурлик қилиш, ислохотларни, иқтисодий тадбирларни халқ манфаатларини қўзғаш ҳолда утқизиш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан соҳаларига эътиборни сўйсатиш тушунилади. Президент Ислам Каримовнинг ислохотлар ислохотлар учун эмас, халқ учун, унинг турмуш фаровонлиги учун, муносиб ҳаёт кечириши учун, деган ҳулосаси кучли ижтимоий сиёсат утқизишнинг маъно-мазмунини ташкил этади. Бу — давлатимиз сиёсатининг инсонпарварлик моҳиятидан келиб чиқади.

Янги жамиятни барпо этиш жараёнида ижтимоий йўналтирилган кучли сиёсатни давом эттиришга қаратилган кўйидаги тадбирлар утқизилади.

Биринчидан, халқ моддий фаровонлигини босқичма-босқич ва изчил ошириб боришни таъминлаш, юртдошларимизнинг муносиб ҳаёт кечириши ва камол топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, аҳолини, энг аввало, унинг ёрдамга муҳтож қатламлари - болалар, қариёлар, ногиронлар, қўриқчиларни ижтимоий муҳофазалашнинг аниқ йўналтирилган механизмининг янада такомиллаштириш.

Иккинчидан, халқимиз учун муқаддас қўриқ ва маънавий бешиги бўлган оила, оналар ва аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш соҳасида олиб бориладиган ишларни изчил давом эттириш.

Оила ҳар қандай жамиятнинг ҳам асосини ташкил этади. У қанча мустақкам, фаровон ва илғор бўлса, жамият шунчалик барқарор ва тараққиётпарвар бўлади. Жамиятда амалга ошириладиган йирик лойиҳалар, туб узгаришлар агар улар оила асосларини ҳам мустақкамласа, такомиллаштирса ёки жила курси, унга салбий таъсир қўрсатмаса муваффақиятга эришади.

Учинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги ва қонун устуворлигини, жамият манфаатлари ва аҳоли ҳаётига янада самарали қўриқчи давлат тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш.

Тўртинчидан, келажак буюк давлатни соғлом мафқурани, маънавий барқамол авлод барпо этиш олишини назарда тутиб, қонун инсонни тарбиялаш борасидаги ишларни истиқболда ҳам давлат сиёсати даражасида қўриқиб бориш ва умумхалқ ҳаракатига айлантириш.

Жамиятимиз уз олдида қўриқ олиқ мақсад - келажак буюк Ўзбекистонни, озод, обод Ватанни яратиш ва умуман, ислохотларнинг тақдири охири-охирида бугун шаклланаётган авлоднинг дунёқарошига, ижтимоий муқофаларига, қонуний илм-фан ва қасбларни эгаллашига, амалий ташкилотчилигига бевоқиф бўлиқ.

Шу боис ақлан етук, руҳан тетик ва соғлом, эркин ва танқидий фикрловчи, аниқ пайтда ижтимоий масъулиятни тугри ҳис этадиган, муайян ҳунар-қасбни эгаллаган барқамол авлодни тарбиялаш Ўзбекистонда янги жамият барпо этишнинг тарқибий қисмига, асосий шарт-шароитига ва мақсадига айланди. Мана шундай муқофани уқдалаш учун таълим соҳаси тубдан ислох қилинмоқда. Бу ислохотлар қадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилмоқда. Бундай дастурнинг андозаси жаҳонда бирор бир мамлакатда йуқ. Унинг асосида юртимизда амалда таълимнинг янги модели жорий этилмоқда. Шунинг учун ҳам унга бутун жаҳонда қизиқиш қатта. Миллий дастурнинг тулиқ амалга оширилиши йигит ва қизларнинг қасбий, иқтисодий ва маънавий жихатдан тезроқ муқофил бўлиқ олишига, аниқ мақсадни қўриқиб, ҳаётдан уз ўрнини топиқ олишига имқон яратади.

қадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажариш буюқ қилинаётган ташқилий ишлар, соғлом ва барқамол авлодни тарбиялаш борасидаги барча ишлар Ватанимизнинг келажакда жаҳон майдонида муқофам ва нуқузли ўринни эгаллашидан, биз, бугунги ва қелгуси авлод вақиллари ота-боболаримиздан мерос мана шу муқофам қаминда келажак буюқ давлат, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга қодир эканимиздан қалолат беради.

Маънавий соҳада. Маънавий қадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, узлигимизни қўриқроқ ақлаш, миллий ғоя ва истиқлол мафқураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онига синқдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни соқталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда қўриқланишларга йўл қўриқмаслик - бу қордаги асосий вазифаларимиздир. Ушбу вазифалар миллий истиқлол ғоясининг маънавий соҳада намўн бўлишининг асосий тамойилларини белгилайди.

Янги жамиятни барпо этиш жараёнида, энг аввало, маънавий қадриятларни тугри бақолай олишни, соқта қадриятлардан ёки тарихан эскирган, ўзидаги бунёдқорлик ва ижобий салохиятни сарқлаб бўлган қадриятлардан ҳақиқий ҳаётбахш қадриятни ажрата олишни ўриқни лозим. Бирор бир қадриятга бақо

берилар экан, унинг мамлакатимиз мустакил тараққиётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, эътиқодий ва ахлокий асосларини қай даражада мустақамлай олиши, халқимизнинг умумжаҳон ижтимоий тараққиётининг фаол субъектига айланишига хизмат қила олиши бош мезон бўлиши керак.

Миллий кадриятларга, жумладан маданий меросга илмий асосда туғри ёндашишнинг асосий тамойилларига хос мезонлар — инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқчиллик ва тараққиётпарварликдир. Бу мезонларнинг ҳар бирида миллийлик ва умуминсонийлик мужжасамлашган. Улар мохиятан умуминсоний характерга эга булса-да, ҳар бир тарихий даврда муайян халқларнинг эҳтиёжларини юзага чиқаради ва уларни қондиришга хизмат қилади. Шу боис уларнинг замирида мужжасам бўлган умуминсонийлик мохияти, миллий эҳтиёжларни муайян миллий шаклда ифодалаб ва уз мазмунини уларга мослаштирган ҳолда юзага чиқади. Мазкур мезонларга нафақат миллийлик ва умуминсонийлик, балки тарихийлик ҳам хос. Яъни улар шаклан ва мазмунан қотиб қолган андозалар мос ҳолда эмас, балки давр талабларига, жамият олдида турган янги вазифаларга мутаносиб тарзда бойиб, такомиллашиб боради.

Мазкур тамойиллар миллий ғоямизнинг таркибий унсурларидир. Зеро, миллий истиқлол ғояси бутун жамият, бутун миллат, бутун Ўзбекистонликлар учун хизмат қилади. Миллий кадриятларимизни баҳолаганда, уларнинг миллий ғояга нечоғлик мос эканини назарда тутамиз. Лекин биз баҳолаш жараёнида фақат алоҳида бир инсон, муайян ижтимоий гуруҳ, бирор бир этнос, манфаатни эмас, балки умуминсоний жамиятимиз, барча Ўзбекистонликлар манфаатини назарда тутамиз. Шу боис, юқорида зикр этилган мезон ва тамойилдан фойдаланиб, маданий меросимизни ва бугун айрим ёт мафкуравий полигонлар томонидан тарғиб этилаётган баъзи ғояларни таҳлил этсак, уларда инсоннинг эркин ривожига, ўз орзу-интилишларига мос ҳолда яшашига, халқимизнинг психологияси, мақсад-муддаолари, Ватан манфаатлари ва замонавий тараққиёт талабларига мос келмайдиган унсурларни, ғояларни яхши пайқаб оламиз.

Янги жамиятни барпо этишда маънавий соҳада қуйидаги вазифаларни бажаришимиз лозим:

Биринчидан, юртдошларимизни маънавий янгиланиш ва ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш. Уларнинг куч ва салоҳиятини ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби эзгу мақсадларга хизмат қилдириш.

Бу - маънавиятнинг куч-қудратидан эзгу мақсадлар йўлида самарали фойдаланиш, ижтимоий муносабатларни инсонийлик ғоялари асосида ривожлантириш демакдир.

Иккинчидан, турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос орзу-интилишларини уйғунлаштирувчи ғоялар - Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги - барча юртдошларимиз учун муқаддас мақсадга айланишига эришиш. Бу - кўппартиявийлик ва плюрализм тамойилларига амалда риоя қилган ҳолда миллий ҳамжиҳатликни янада мустақамлаш демакдир.

Учинчидан, ота-боболаримиз динининг гуманистик мохиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш борасидаги ишларни давом эттириш. Токи, бу дин халқимизнинг минг йиллик тарихи, бугунги маънавий ҳаётимизнинг ҳам асоси, муҳтасар айтганда, Оллоҳ доимо қалбимизда, юрагимизда экани юртдошларимиз онгига сингиб борсин.

Шу маънода, буюқ аждодимиз Баҳоуддин Накшбанднинг «Дилинг - Оллоҳда, қулинг - меҳнатда булсин» деган хикмати биз учун муҳим ҳаётий тамойил бўлиб қолаверади.

Тўртинчидан, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш, таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида муттасил такомиллаштириб бориш.

Бу - давлатимиз қудрати, мамлакатимиз келажаги билимли, доно ва маънавий барқамол кадрларга боғлиқ эканини чуқур англаган ҳолда фаолият юритиш демакдир.

кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши инсон омилини фаоллаштиришга, уни замон талабларига мос равишда ривожлантиришга имкон беради. Шу боис мазкур дастурни бажаришни изчил давом эттириш, уни янада такомиллаштириш таълим жараёнини жаҳон халқлари тажрибаси ва ютуқларини ҳисобга олиб бойитиб бориш Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бешинчидан, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг кадриятлари, тили, маданияти, диний эътиқоди, урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қумаклашиш.

Бу - кўп миллатли мамлакатимиз фуқаролари орасида, уларнинг миллий ва диний мансублигидан қатъи назар, ҳамжиҳатлик ва биродарлик туйғуларини кучайтириш, «Шу азиз Ватан - барчамизники» ғоясининг амалга ошишини таъминлаш демакдир.

Умумий мақсад - Ватан равнаки, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини мустаҳкамлаш истаги - умумий тақдир ва келажақ, Ўзбекистонда яшайдиган барча халқларни янада ҳамжиҳат ва жипс бўлишга, ўзларини бир бутун халқ - ўзбекистонлик деб, Ўзбекистон учун ўзини масъул деб хис қилишга, тараққиётда янада юксак поғонага кўтарилишга даъват этади. Бугунги хаётий, зарурат шуни тақазо этмоқда. «Шу азиз Ватан - барчамизники» ғояси амалда ана шу умуммиллий ғоянинг хусусий кўринишларидан биридир. У мамлакатимиз халқларини, миллатидан, динидан, тилидан катъи назар, Ватан равнаки йўлида, янги жамият барпо этиш йўлида бирлаштирадиган миллий консолидацияни кучайтирадиган кудратга эга омилдир.

«Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз» деган саволга, юқорида билдирилган фикрларни умумлаштириб, шундай жавоб бериш мумкин:

1. Биз барпо этаётган жамиятнинг моддий-иқтисодий негизини кўп мулкчиликка таянган, ижтимоий йуналтирилган, ички мувозанатга эришган бозор муносабатлари ташкил этади.
2. У, сиёсий тузумига кура, кўп партиявийликка, фикрлар хилма- хиллигига таянган, конуннинг ҳамма учун бир хилда экани ва устуворлиги таъминланган демократик, ҳуқуқий давлат бўлади.
3. Ижтимоий муносабатлар характериға, давлат ва ижтимоий институтлар, жамоат ташкилотларининг ўзаро таъсириға кўра, фуқаролик жамияти курилади. Унда барча ижтимоий гуруҳлар, катламлар уртасида ижтимоий ҳамкорлик, барча миллатлар ва элатлар уртасида тинч-тотувлик, умуммиллий муштараклик янада мустаҳкамланади.
4. Маънавий хусусиятларига кўра, бу жамият ўзида миллийликни умуминсонийлик билан уйғунлаштирган, барча илгор янгиликларға, ютуқларға очик, миллий маҳдудлик, миллатчилик ёки миллий номукамаллик туйғуларидан холи, эркин фикрловчи ва ижтимоий масъул фуқароларнинг эркин жамияти бўлади.
5. Демак, биз бозор иқтисодиётиға, конун устуворлигига, ижтимоий ҳамкорликка, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларининг уйғунлигига асосланган демократик, янгиликларға очик, маърифатли фуқаровий жамият барпо этмоқдамиз.

Тараққиётнинг ўзбек модели.

Миллий истиқлол ғоясининг хаётбахшлиги Тараққиётнинг ўзбек моделини амалға оширишда яққол намоён бўлади. Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати. Бу заминда табиий бойликлар, унумдор ер, кудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими, бу диёрда меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди.

Ўзбекистон - ўзига хос мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган давлат. Бу йўл жаҳонда ўзбек модели деб тан олинган ривожланиш йўлидир. Унинг рационал магзи жамиятни инкилобий тарзда эмас, балки эволюцион - тадрижий равишда ислох этишни назарда тутлади.

Ўзбек моделининг асосчиси Ислом Каримов раҳбарлигида амалға оширилаётган тараққиёт йўлининг кўпчилик бошқа миллий моделлардан фарқ қиладиган хусусияти шундаки, у фақат иқтисодий ривожланиш эмас, балки кенг маънодаги миллий тикланиш ва ижтимоий тараққиёт моделидир. Шу сабабдан, у иқтисодиёт билан бир қаторда давлат курилиши, ижтимоий соҳа ва маънавиятни, жамият хаётининг барча соҳаларини қамраб олади.

Ўзбек модели тушунчаси, аввало, Ўзбекистоннинг мустақил миллий тараққиёти қандай бўлиши лозимлигини асослайдиган, уни муайян мақсадларға йуналтирадиган энг умумий назарий хулосалар ва мулжаллар билан давлатнинг белгиланган мақсадларға эришишға қаратилган амалий сиёсатининг муштараклигини англатади (давлат сиёсати деганда ҳокимиятнинг ҳар учала бўғини фаолияти назарда тутилмоқда).

Демак, ушбу тараққиёт модели ўзининг назарий ва амалий жиҳатларига эга. Унинг назарий жиҳати мамлакатнинг юзага чиққан салоҳият ва имкониятлари, ишлаб чиқарувчи кучлари ривожини, инфратузилмасини, юртимизнинг табиий бойликлари, демографик вазияти, аҳолининг онги, билими, касбий салоҳияти каби омилларни ҳисобға олган ҳолда ривожланиш концепциясини, оддий тил билан айтганда, бизнинг ўзимизға хос ва ўзимизға мос йўлимизни асослайди. У бир неча нисбатан мустақил йуналишлардан иборат: иқтисодий сиёсат тамойиллари ва макроиқтисодий назария; давлат курилиши ва жамиятни демократиялаш тамойиллари; мулкдорлар синфини шакллантириш ва ижтимоий стратификацияни (жамиятнинг ижтимоий, табақавий тузилмаси) такомиллаштириш тамойиллари; миллий ғоя, миллий мафкура концепцияси ва маънавий-маданий ривожланиш масалалари; ташки сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар тамойиллари ва хоказо.

Моделнинг амалий томони ҳам бир неча йуналишларға эга:

- ислохотларнинг ҳуқуқий базасини яратиш ва мустаҳкамлашга қаратилган сиёсат;
- давлатнинг назарий ҳулосаларни, мулжалларни амалга ошириш юзасидан ташкилотчилик ишлари ва аник ижро механизмини ўзида акс эттирган фармонлар, қарорлар, мақсадли дастурларни (шу жумладан инвестиция дастурларини) қабул қилиши;
- амалдаги инвестиция сиёсати, солиқ сиёсати, молия-кредит сиёсати, иқтисодий-таркибий сиёсат, фонд бозорини, қимматли қозғалар бозорини шакллантириш ва ривожлантириш, истеъмол бозорига таъсир кўрсатиш ва хоказо;
- фармонлар ва ҳукумат қарорлари моҳиятини одамларга тугри етказиш, уларни бирлаштириш, уларда эски тузум инерциясини енгишга қодир иродани шакллантириш борасида тарғибий-ташвиқий ва тарбиявий ишларни йўлга қуйиш.

Хуш, ўзбек моделининг асосий устувор хусусиятлари нималардан иборат? Ўзбекистон мустақилликка эришгач, нафақат иқтисодий тараққиёт масалаларини, балки миллий давлатчилик асосларини, миллий кадрларини, халқнинг узлиги ва гурурини қайта тиклаши, ривожлантириши, жамиятнинг ижтимоий-синфий тузилмасини тубдан янгиллаши ва мустақиллик ғояларини амалга ошириш учун мутлақо янгича фикрлаб, янгича иш юритадиган кадрларни тарбиялаш каби масалаларни ҳам ҳал этиши лозим эди.

Германия, Швеция, Япония, Жанубий ғорая, Франция, Хитой каби мамлакатларнинг тараққиёт моделлари кўпроқ иқтисодий моделлар эди. Улар сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётни тубдан янгиллашни назарда тутган эмас. Ушбу мамлакатларнинг бирортасида, иқтисодий ислохотлар даврида, миллий давлатчиликни, маданий меросни ва она тилини тиклаш сингари масалалар ҳам долзарб бўлмаган (фақат Жанубий ғораяда давлат қурилиши муҳим аҳамият касб этган).

Шундай қилиб, ўзбек модели иқтисодий муносабатларни ислох қилиш билан бирга, давлат қурилиши, жамиятни демократиялаштириш, мулкдорлар синфини ва хусусан, урта синфни шакллантириш, ижтимоий-синфий тузилмани такомиллаштириш ва кадрлар тайёрлаш, маданий мерос ва маънавият билан боғлиқ жиҳатлари сингари бир қатор кенг қамровли ҳаёт соҳаларини қамраб олади. Бу унинг ўзига хос устувор хусусиятларидан биридир.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Президент Ислом Қаримов раҳбарлигида ислохотлар стратегияси ишлаб чиқилди. Бунда тараққий топган мамлакатларнинг бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси, мамлакатимиз бошдан кечирган тарихий синовлар ва уларнинг сабоқлари, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи асос қилиб олинди. Шу тарика жамиятни ислох этишнинг чуқур илмий асосланган қуйидаги беш тамойили вужудга келди:

Биринчи тамойил иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги. Иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафқурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Ички ва ташқи иқтисодий муносабатлар мафқурадан холи бўлиши лозим.

1. **Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ва мафқурадан холилиги** ўзбек моделининг тамойили сифатида нафақат мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг мазмун-моҳиятини акс эттиради, балки юртимиз иқтисодий ҳаётининг янгиликларга, илғор тажрибалар ва оқилона ташаббусларга очиклигини ҳам кўрсатади.

Иқтисодиётни мафқурадан холи этиш иқтисодий муносабатларни тугри тушуниш ва ишлаб чиқаришни оқилона ташкил қилишнинг омилдир. У объектив иқтисодий қонунларни тан олишга, мулкчилик шакллари, тақсимотга нисбатан субъектив муносабатдан қутулишга маънавий шарт-шароит яратади. Ислом Қаримов таъкидлагани каби: «Мафқуравий ақидаларни бартараф этиш ҳужалиқ юритишнинг турли ижтимоий шакллари, нисбатан хайрихоҳ бўлган ижтимоий фикрнинг, бозор муносабатларига мос бўлган психологиянинг ва шунга хос иқтисодий тафаккурнинг идрок этилишига қумаклашади».

Мазкур тамойил иқтисодий ривожланишда маънавиятнинг аҳамияти нечоғлиқ муҳим эканини, унинг нозик қирраларини очиб беради.

Иккинчи тамойил. Давлат - бош ислохотчи. У ислохотларнинг устувор йуналишларини белгилаб бериши, янгиланиш ва узғаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши лозим.

Мустақил тузум асоратларидан ҳалос бўлиш жараёнида ўзини ўзи тартибга соладиган етук ривожланган иқтисодий механизм бирданига вужудга келиб қолмайди. Шу боисдан маъмурий-бўйрукбозликка, марказлашган иқтисодиётга асосланган тузум қолдиқларини босқичма-босқич бартараф этиш, бу йўлдаги турли зиддият ва қаршиликларни енгиб ўтиш, янги муносабатларни қарор топтириш учун ўтиш даври керак. Зиддиятларга бой бўлган ўтиш даври шароитида иқтисодиётни, ислохотларни уз холига ташлаб қуйиб бўлмайди.

Ислом Каримов, ўзбек моделининг мазкур тамойилини илмий асослар экан, қуйидагиларни таъкидлайди: «ўтиш даврида давлат халқ хужалигининг, айникса, унинг асосини, тизимини белгилайдиган тармоқларнинг фаолиятини куллаб-қувватлаши, нарх-наволарни тартибга солиб туриши, шунингдек, бевосита ёрдам беришда имтиёзлар яратиши, бевосита ёрдам кўрсатиш йўли билан ана шу тармоқларга мадад бериши лозим»¹⁸².

Бу сузлар давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги вазифаси нимадан иборат эканини асослаб беради ва айни пайтда турли ижтимоий гуруҳларнинг, нодавлат ва жамоатчилик ташкилотларининг, алохида шахсларнинг ислохотчилик ташаббуслари ва фаолиятлари чекланмаслигини, аксинча, давлат уларга ёрдам беришини билдиради.

Учинчи тамойил. Жамият ҳаётининг барча соҳларида конуннинг устуворлиги. Демократик йўл билан қабул қилинган гонституция ва конунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.

Биринчидан, мазкур тамойил турли мулк шакллариининг тенг ҳуқуқий асосда ривожланишини таъминлайди. Мулкчилик шакллари ва ҳужалик юритувчи субъектлар уртасидаги муносабатлар, рақобат қатъий ҳуқуқий меъёрлар ёрдамида тартибга солинади. Иқтисодий бошқаришда узоқимчаллик ва субъективизмга, турли иқтисодий зуравонликларга йўл қуймаслик учун зарур ҳуқуқий шарт-шароит вужудга келади. Иккинчидан, демократия ривожланади, аҳолининг сиёсий маданияти ва фаоллиги ошади. Фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги ривож, мафкуравий плюрализм қарор топиши учун ҳуқуқий қафолат пайдо бўлади. Инсон ҳуқуқлари таъминланади. Ноконуний имтиёзларга ёки аксинча, қамситилишларга чек қуйилади. Учинчидан, алохида шахснинг, барча ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг манфаатлари туликрок ҳисобга олинади ва уларнинг яратувчилик имкониятлари, ижодий салоҳияти самаралирок руёбга чиқади. Жамоат ташкилотларининг урни ва аҳамияти йил сайин ортиб боради. Фуқаролик жамияти шаклланади. Демак, конуннинг устуворлиги тамойили, кенг маънода, Ўзбекистонда ижтимоий тараққиётга, жамият янгилашишига, инсон шахсининг юксалишига хизмат қилади.

Ўзбек моделининг мазкур тамойили ўзидан аввалги тамойил билан ҳамбарчас боғлиқ. Зеро, давлат бош ислохотчи сифатида ижтимоий барқарорлик, конунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг асосий қафили бўлади.

Ушбу тамойил жамият ҳаётида бирданига тулик қарор топиб қолмайди. У нисбатан узок муддат талаб қиладиган, босқичма-босқич ва доимий ривожланиб борадиган жараён. Унинг тулик қарор топиши учун ўзаро муштарақ бўлган қуйидаги уч омил муҳим аҳамият қасб этади:

- жамиятнинг, ижтимоий ҳаётнинг барча қабқаларини қамраб оладиган пухта ва заруратга қараб узгарувчи конунлар мажмуасининг вужудга қелиши ва доимий такомиллашиб бориши;
- жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги даражаси ва конунга итоатқуилигининг юксак бўлиши;
- мавжуд конунларни ҳаётга татбиқ этишнинг зарур иқтисодий шарт-шароити, сиёсий-маъмурий ва ижтимоий механизмини яратиш.

Туртинчи тамойил. Аҳолининг демографик тарқибини ҳисобга олган ҳолда қучли ижтимоий сиёсат юритиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда, аҳолини, айникса қам таъминланган оилаларни, болалар ва қексаларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан қоралар қурилиши лозим.

гучли ижтимоий сиёсатнинг тарқибий қисмлари ва йуналишлари қўп. Улар ижтимоий таъминот, янги иш уринлари яратиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият, спорт ва жисмоний тарбия соҳалари фаолиятини маблаг билан таъминлаш ва ислох қилишдан тартиб, жинойтчиликка қарши қурашиш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашгача бўлган масалаларни қамраб олади.

гучли ижтимоий сиёсат олиб бориш ва аҳолининг турли қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш ўзбек моделининг инсонпарварлик моҳиятини белгиловчи тамойиллардан биридир.

Бешинчи тамойил. Бозор иқтисодиётига объектив иқтисодий конунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, тадрижий асосда, пухта уйлаб, босқичма-босқич ўтиш. Бу иш ислохотларнинг ҳуқуқий асослари ва қафолатларини вужудга қелтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва унинг янги иқтисодий тақакқурини шакллантириш билан бирга олиб борилиши лозим. «Қақат фармонлар, фармоийишлар қикариш билан бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. У узок тарихий тараққиётнинг натижаси бўлиб, тегишли инфраструктурани ва ҳуқуқий асосни яратишнигина эмас, шу билан бирга, қадриятлар

тизимда чуқур узгаришларни, хужалик фаолияти ва амалий муносабатларни асослашни ҳам кузда тутати»¹⁸³.

Ўзбекистонда айнан шундай йўл тутилди. Бундай сиёсат юритиш нафақат маблаглардан самарали фойдаланиш имконини бермокда, шунингдек, одамларнинг сафарбарлигини оширмокда, ижтимоий ларзаларнинг олдини олмокда, мулкчилик шакллари босқичма-босқич ривожлантирмокда.

Ушбу тамойиллар Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йўлининг асосини, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Уларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг мухими, бозор муносабатларини изчил жорий этишни таъминламокда. Тараққиётнинг ўзбек модели халқимизнинг миллий давлатчилик анъаналари, қадриятлари ва менталитетига таянгани, айтилган вақтда, жамиятни ислох этиш борасидаги дунё тажрибасининг илгор ютуқларига асослангани туфайли халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмокда. Хуллас, миллий истиқлол ғояси мамлакатимизда барпо этилаётган жамият ва Тараққиётнинг ўзбек модели билан узвий боғлиқдир. Мустақилликни мустақамлаш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш жараёнида бу ғоя халқимизни пировард мақсадлар йўлида уюштирувчи омил, ижтимоий фаолиятнинг маънавий мезони сифатида уз ахамиятини сақлаб олаверади.

Таянч тушунчалар:

Демократик жамият моделлари: Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари; демократиянинг умумбашарий тамойиллари, Шарқона демократия, “Ўзбек модели”, эволюцион-тадрижийлик йўли; ижтимоий сиёсий барқарорлик. Демократик жамият қурилишининг турли хил миллий моделларининг мавжудлиги.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 3–10-б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 36-85-бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.1. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 274-284, 301-308, 309-322, 341-359-бетлар.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.3. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 175-181, 183-191, 202-226, 227-246-бетлар.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. -Т.: «Ўзбекистон», 1997, 31-40, 125-135, 149-162-бетлар.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6,8-12, 314-15, 16-26, 28-38, 47-48-бетлар.
7. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 285–312-б.
8. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –313–337-б.
9. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. –156–223-б.
10. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 61–97, 139–153, 248–265-б.
11. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 11-б.
12. Раҳимов И., Зоҳидов А., Азизов Ш., Аюпов А. ва бошқ. Мустақиллик мафқураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қурилишнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: «Университет», 2001. 232-бет.
13. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.
14. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: Тошкент Молия институти, 2004, 3-180-бетлар.

15. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт нашриёти», 2005. – 160 б.
16. Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 528 б.

3-МАВЗУ: ЎТИШ ДАВРИ назарияси ва УНИНГ Ўзбекистонда демократик жамият қуриш жараёнида намоён бўлиш хусусиятлари.

РЕЖА:

- 1. Ўтиш даври тушунчаси, унинг моҳияти ва умумий қонуниятлари.**
- 2. Ўтиш даврининг “Классик”, “Инқилобий”, “Эволюцион”, “ Шок терапияси ” ва ислохот йўллари.**
- 3. Ўзбекистонда И.Каримов томонидан демократик жамиятга ўтишнинг назарий концептуал методологиясининг ишлаб чиқиши.**

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришганидан сўнг, келажакда қандай йўлдан бориши масаласи кун тартибига қўйилган энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бунинг бир қатор объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Унинг объектив сабабларидан бири жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барча давлатларга мос келадиган бирон-бир тайёр андозасининг йўқлиги бўлиши ҳам мумкин эмаслиги эди. Иккинчи объектив сабаб- маъмурий буйруқбозликка асосланган тузумга хос ижтимоий муносабатлар ва қоидалар эндиликда республикада барпо этилаётган янги ижтимоий йўналтирилган, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат манфатларига мос келмаслиги эди. Мулкчилик ва уни бошқариш, ишлаб чиқаришдаги инсон омилининг ортишини ҳисобга олган ҳолда давлатни бошқаришнинг бутунлай янги шаклини вужудга келтириш зарур эди. Демак, биринчидан ҳар бир давлат демократик тараққиёт йўлига кириши учун маълум бир муддат талаб қилинар эди. Иккинчидан, вақтни қўлдан бой бермасдан ривожланишнинг тарихий жихатдан асрлар мобайнида шаклланган анъаналари асосида ўзбекистоннинг ўзига хос ишлаб чиқишни бир дақиқа ҳам кечиктириб бўлмас, янги консессия ишлаб чиқиш зарур эди.

Мамлакат президенти Ўзбекистон фуқаролари учун табиий ҳақ-ҳуқуқ ва шунингдек олий неъмат бўлган мустақиллик тўғрисида, сўз юритар экан, уни жамият ривожининг асоси, бугунги ва узоқ истиқболдаги тараққиётимиз шарти, барча ислохотларимизнинг мезони ва ниҳоят, барча амал қиладиган бош тамойил деб таърифланади. Шундай экан, у жамият аъзолари олдига муттасил янги- янги вазифаларни қўяди ва унинг бажарилишини талаб қилади. Зеро, тараққиётнинг ҳар бир босқичи, турли – туман муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги тадбирлардан иборатдир.

Халқаро жамият тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мустақилликнинг илк асноларида вужудга келган муаммолар ечимини излашда сусткашликка йўл қўйиш огир ижтимоий ларзаларга олиб келиши мумкин. Зотан, ҳар қандай ечилмаган муаммо яна бошқа қатор хавф-хатарларни келтириб чиқариб, давлат тараққиётининг анча мураккаблашишига олиб келади. Демак, мамлакат тақдири учун масъулликни ўз зиммасига олган ҳокимият тузулмаси бу борада бир нафас ҳам бегамликка йўл қўя олмайди, доимо уйгоқ ва ҳаракатда бўлади. Дарҳақиқат, мустақиллик бир томондан, миллий тараққиёт йўлини эркин танлаш борасида улкан масъулият юкласа, иккинчи томондан, эскиликка барҳам бериш ва янги жамиятга асос яратиш учун беқиёс имконият яратади. Шу нуқтаи назардан, мустақилликни демократия учун энг зарур шарт-шароит, деб атасак бўлади.

Ўтмиш, бугун ва келажак – бир- бирига туташган бундай тарихий пайтларда мустақиллик даврини кечираётган ҳар бир давлат бир томондан, демократия борасида жаҳон халқлари орттирган бой тажрибадан миллат манфаатлари йўлида фойдаланишга мажбур бўлганини, иккинчи томондан уни ўзига хос ноёб бир шароитда жорий этиш билан боғлиқ муаммога дуч келганлигини тарихий тажрибалар кўплаб мамлакатлар мисолида тасдиқлаган.

Ана шундай зиддиятли ва мураккаб бир пайтда ўзбекистон ўзининг миллий мустақиллигини демократиянинг узвий боғлиқлигини таъминлаш орқали ҳал этиши мумкин эди. Бу масалани ҳал этиш жараёнида давлатимизнинг сиёсий раҳбарияти ҳам ичкаридан, ҳам ташқаридан турли қаршиликларга дуч келди. Мамлакат ташқарисида, айниқса, собиқ марказдаги “сиёсатчи кароматчилар” нинг халқимизнинг дунёқарашини заҳарлаш мақсадида “Сизлар мустақил давлат қуришга қодир эмассизлар!”, “Сизлар муте, қарам миллатсиз!”, “Сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, сизлар бажарасизлар, холос”¹ деган гаразгўй фикрлари оммавий ахборот воситаларидан ўрин олар эди. Мамлакат ичкарисиддаги айрим аламзада партократлар “Энди халқ марказсиз яшай оладими?”, “Республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланадими?” деб хавотирланишса, “ўзбекистонда қандай жамият қурилади?” каби саволларга эса ҳар ким ўзига жавоб қилар эди. Президент И.А.Каримов ибораси билан айтганда, “вазият шундай келган эдики, мустақил Ўзбекистон қайта дунёга келган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди.....”. Бундай шароитда Ўзбекистон учун ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаш, миллий мустақиллик ва демократиянинг умумбашарий тамойилларига асосланган андозасини ишлаб чиқиши лозим эди.

Ана шундай улуг маъсулиятни ўз зиммасига олган И.А.Каримов Ўзбекистонни раҳбари сифатида асосан икки нарсани муштарак ҳолда олиб борди. Улардан бири- мамалакатимизнинг ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини ишлаб чиқишда ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасини ўрганиш ва уларнинг бизга мақбул жиҳатларини ижобий жиҳатдан ўзлаштириш бўлса, иккинчиси - ўзбекистон ҳалқининг турмуш тарзи, менталитети ва анъаналарига таянишдан иборат бўлди. Унга Ислом Каримов томонидан таклиф қилинган беш асосий тамойил асос қилиб олинган.

Ўта мураккаб шароит ҳар бир миллатда улкан интеллектуал ва руҳий қудратни талаб қилади. Ушбу вазифа – тарихий бир амалиётнинг уддасидан чиқишни у ҳам бўлса демократияни жамият тараққиётининг муҳим воситаларидан бирига айлантириб олиш салоҳияти билан ўлчанадиган сиёсий фаолият мезонига айланади.

Қисқача ифодалаш жоиз бўлса, демократиянинг инсоният тарққиётига беҳисоб ҳисса қўшганлиги ва ўзининг афзаллигини ҳар доим исбот қилиб келганлигини бугун ҳеч ким инкор қилмайди. Лекин бу уни шунчаки қандай бўлса, шундай ўзбекистонга тадбиқ этса бўлаверади, дегани эмас. Аксинча, муаммони мувоффақиятли ечиш учун миллатнинг кўп минг йиллик сиёсий тажрибаси, ақл заковатидан фойдаланиш зарур. Сўз миллий давлатчилигимиз умрбоқийликка йўгирилишида аҳоли турмуши учун қулайликлар яратишдан ташқари, ўзига хос ва мос урф-одат, ахлоқ, қонунлар мажмуаси, бош қомус, яъни Конституция ҳамда уларга таяниб тузилган миллий бошқарув услубини батамом янги шароитга ўткази олиш қобилияти ва амалиёти ҳақида бормоқда. Бу масаланинг бир томони бўлса, унинг бошқа жиҳати, демократиянинг юртимизда равнақини таъминлаш учун хатто географик жойлашуви, унга монанд ҳолда асрлар оша аждодлар томонидан шакллантирилган хўжалик юритиш воситалари ва кўникмалари ҳамда инсонлараро

¹ Каримов.И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, маффура. 1-жилд,-Т.: Ўзбекистон, 1996 й.

алоқалар ҳам ҳисобга олинишини тақозо этади. Мустақилликнинг демократик асосларини чуқурлаштириш ва муваффақиятли фаолият юритиши учун ўзбекистон айнан шу йўлни тутди. Натижада демократия мамлакатимиз миқёсида назариядан амалиётга ёки мавҳумликдан “Ўзбекистон модели” га айланди.

Бу мураккаб ўтиш жараёни, яъни ҳокимиятнинг ҳалқ кўлига ўтиши миллатдан, энг аввало батамом янги гоёни қурол қилган сиёсий раҳбариятдан матонат, сабр-бардош ва сиёсий уддабуронликни талаб қилар эди.

“Ўзбек модели”ни бугунги кунда демократик жамият барпо этишда муҳим, ўзига хос модел эканини дунёнинг жуда кўплаб сиёсатшунос етакчи олимлари ўрганмоқда ва уни таҳлил қилмоқдалар.¹ Масалан, Россиялик тадқиқотчилар Гафарли М.С., Касаев А.Г., Германиялик Л.Левитин, Россия Фанлар Академиясининг академиги Ф.Бурлацкий уни юксак баҳолашган.

Маълумки, миллий сиёсий маданият ва сиёсий онг даражаси жамият ҳаётида инсон иштирокининг қандайлигини белгилайди. У юксак бўлган жойда одамлар ҳокимият ишида фаолроқ иштирок этишади. Қарорлар қандай қабул қилиниши, унинг ижроси қандай назорат қилинаётганлигини кузатиб боришади, муносабат билдиришади. ўз ҳаёти ва туб манфаатларига бевосита дахлдор бўлган тадбирларга бефарқ қарашмасдан аксинча, уларни тайёрлашда иштирок этишади, қарорлар ижроси учун ўз маъсулиятини хис қилади.

Президент И.А.Каримов аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарурлигига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бу механизм энг аввало, жамиятни эркинлаштириш орқали фуқароларнинг ҳар бир сайловга мамлакат тақдири учун аҳамиятли тадбир сифатида муносабат қилишни тақозо этади. Одамлар ўз манфатлари ва мақсадларини амалга ошириш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун сайловларда иштирок этиш зарурлигини англаши зарур бўлади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг эҳтиёжларини қондиришда давлат қурилиши, бошқарув тизими ва жамиятни эркинлаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада Президент И.А.Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатнинг узоққа йўналтирилган мақсадларини аниқ ва равшан ифодалаб берди ҳамда давлат ваколатларини аста-секинлик билан босқичма-босқич нодавлат ва жамоат ташкилотлари зиммасига ўтказиш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг яъни маҳалаларнинг ролини ошириб бориш орқали демократик жараёнларни чуқурлаштириш зарурлигини айтган эди. Ана шу тамойилнинг ўзи фуқароларнинг бир жиҳатдан эркинлиги ва озодлигини таъмин этса, иккинчи томондан ўз ҳаётларни изга солишга, демакки, жамиятни бошқаришга иштиёқини кучайтиради. Шахс ўзини жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига дахлдор, унинг олдида бурчли ва маъсулиятли эканлиги англаб боради.

Президент И.А.Каримов миллий тараққиёт тамойиларини ишлаб чиқар экан, Ўзбекистоннинг биринчи навбатда инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлат бўлишига катта умид боғламоқда. Бугунги босқичда демократик институтлар фаолиятлари кўламларини кенгайтириш,

¹ Каранг: Гафарли М.С., Касаев А.Г.. Ривожнишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик-тараққиёт асоси. – Т.:Ўзбекистон, 2001, 430-бет.

Левитин.Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида.- Т.: Ўзбекистон,2000.368-бет.

Дональд Карлайл, Ўзбекистон Урта Осиё, истикболдаги утмиш ва ҳозирги замон ва бошқалар.

аҳолининг сиёсий фаолигини кучайтириш ва сиёсий маданиятини ошириш жамиятда манфаатлар, турли хил қарашлар, сиёсий ва эътиқодий рақобатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, жамоат бирлашмаларининг ҳозирги босқичдаги ижтимоий мавқеини ошириш, сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштириш, иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш, давлат қурилишини эркинлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳокимият бўлиниши принципининг инсоният томонидан умумэътироф этилган тамойилларини амалда қўллаш, давлат ҳокимияти органларининг ваколатини нодавлат ва жамоат ташкилотларига ўтказиш масалаларининг стратегик вазифа даражасида англаши керак бўлади.

Агар ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элатга мансуб турли дунёқараш ва турмуш тарзига эга бўлган аҳоли яшашини, 10 дан ортиқ диний конфессиялар фаолият кўрсатаётганлигини назарда тутадиган бўлсак, кўп миллатли мамлакатда миллатлараро мурося муҳитини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар жиддий аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, жамиятда турли диний ва гоявий эътиқодга эга бўлган аҳоли табақаларининг интилишларини уйғунлаштириш, уларни мамлакат тараққиётини белгилайдиган гоя атрофида бирлаштириб, йўналтириш фавқулодда катта салоҳият тақозо этиши равшан. Айни чоғда, умумий фикрларга келиш ҳар бир инсон эркинлиги, шахсий талаблари ва рағбатини бўғиш ҳисобидан бўлмаслиги зарур. Зеро, инсон илоҳий ва табиий қисматига кўра мутлак, бетакрор ҳодисадир. Шу боисдан, улуг аломаларимиз ҳам мазкур масалага алоҳида ургу бериб, инсонга берилган муқаддас ҳуқуқлардан бири ихтиёрий танлов, меъёрий мувозанатга интилиш ва ҳақни ўз рағбатига кўра топа билиш салоҳияти эканлигини алоҳида таъкидлаганлар. Ҳолбуки, миллатдан, ирқидан ва дунёқарашидан қатъий назар, мамлакат фуқароси ўз эҳтиёжларини қондириш учун барча имкониятларга эга бўлиши, ўз ҳаётини ихтиёрий танлов асосида йўлга қўйилиши, жамиятда барқарорлик мувозанатини сақлаши, муросяга келиши ва бир-бирини тушуниши, ўзаро ҳамжиҳатлик ва демократик жараёнларда иштирок маконини қарор топтириши ҳаётий заруриятдир.

Ўзбек давлатчилигининг ўзига хос миллий хусусиятларидан бири бўлган, давлатчилик тараққиётининг инқилобий сакрашларини четлаб, тажрижий тарзда такомиллашиб борганлигини Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрлари билан асослашимиз мақсадга мувофиқдир: “Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни, Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста секин- тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар гоят ноҳуш, ҳатто фожеали натижаларга олиб келади. Инқилобни гарб олимлари ҳам “ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли” деб аташганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди”¹ Бу фикрларнинг нақадар асосли эканлигини ижтимоий тараққиёт ҳам кўрсатиб турибди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида янги асосда тиклана бошлаган миллий давлатчилигимиз ўзининг демократик сиёсий мақомига эга бўлиб, ижтимоий тараққиётда тадрижий ривожланиб келган миллий давлатчиликнинг қонуний давоми сифатида намоён бўлди.

Ўзбекистоннинг Мустақилик тараққиёт йўли билан “ўзбек модели” мамлакатимизнинг ижтимоий тараққиёт дастури бўлиб, бу дастур ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг гоявий, назарий негизини ташкил этади. Мазкур ислохотлар мустақиллик йилларида бир нечта босқичларни босиб ўтади. Жумладан, ислохотларнинг

¹ Каримов.И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 1995 й,10-11 бетлар.

дастлабки босқичида эски маъмурий буйруқбозлик тизими тугатилди ва миллий давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий пойдевори барпо этилди. Кейинги босқичда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асоси яратилди, иқтисодиётнинг барқарорлашувига эришилди. Ислохотларнинг навбатдаги босқичида давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” номли дастурий асарида белгилаб берилган олти устивор вазифалар амалга оширила бошланди. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

- мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш:
- жамият маънавиятини янада юксалтириш:
- жамиятимиз келажагини белгилаб берувчи кадрлар сиёсати:
- халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш:
- иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни таъминлаш:
- жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш.¹

Жамиятнинг сиёсий ҳаётини эркинлаштириш аввало, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтиришни, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб боришни тақазо этади.

Иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштириш вазифаси хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий эркинликларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлашни ўз ичига олади.

Жамият маънавиятини янада юксалтириш масаласида ўз ҳақ ҳуқуқларини танийдиган мустақил фикрлай оладиган иймон иродаси эътиқоди мустаҳкам, шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштирадиган, эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишни, мамлакатимизни келажагини таъминловчи етук мутахассислар етиштиришни тақазо этади. Аҳолини яна кучли ижтимоий ҳимоя қилиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг барча босқичларида, “ўзбек модели” нинг мазмуни ва моҳиятга мос бўлган муҳим бир мезон бўлиб келмоқда.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни таъминлаш иқтисодий ислохотларнинг мазкур босқичига хос бўлиб, бунда бозор инфратузилмасини ривожлантириш экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини ошириш молия ва банк тизими фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, мамлакатимиз ҳудудий яхлитликни таъминлаш мазкур босқичдаги долзарб вазифалардан бири саналади. Бу вазифа жаҳондаги глобаллашув шароитида, турли минтақалардаги вазиятни кескинлашuvi ўзбекистонинг суверенитети ва барқарор тараққиётига хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларга муносиб жавоб қайтарадиган хавфсизлик тизимларини яратишни тақазо этади. Мазкур босқичда бундай тизим яратилди.

¹ Каримов.И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда.-Т.: Ўзбекистон, 1999 й, 15-19 бетлар.

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос йўли бўлган “ўзбек модели” мамлакат тараққиётининг ҳар бир босқичида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ижодий ривожлантирилмоқда. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида “Биз аввалгидек, давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ва модернизация қилишда “ўзбек модели” нинг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичли тамойилига бундан кейин ҳам амал қиламиз”, деб таъкидладилар.

Умуман, “ўзбек модели” ўзбекистоннинг ўзига хос бўлган тараққиёт йўли бўлиб, бу йўл мамлакатимизнинг тарихий миллий хусусиятларини, географик ва демографик шарт-шароитларини ҳисобга олган, республиканинг бош, стратегик мақсади сари йўналтирилган ислохотларнинг ҳар бир босқичида ижодий ривожланиб боровчи дастуруламалдир

Таянч тушунчалар:

Демократик жамият моделлари: Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари; Шарқона демократия, “Ўзбек модели”, эволюцион-тадрижийлик йўли; демократик жамият қурилишининг турли хил миллий моделларининг мавжудлиги. “Ўтиш даври”, тараққиётнинг “классик”, “инқилобий”, эволюцион” кўринишлари, ўтиш даврининг хусусиятлари, тоталитар тузум, демократик жамият, тараққиётнинг “Ўзбек модели”, босқичма-босқич тараққий этиш, иқтисодий ислохотлар, сиёсий ислохотлар, маънавий янгиланиш.

АДАБИЁТЛАР:

17. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 3–10-б.
18. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 36-85-бетлар.
19. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.1. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 274-284, 301-308, 309-322, 341-359-бетлар.
20. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.3. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 175-181, 183-191, 202-226, 227-246-бетлар.
21. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. -Т.: «Ўзбекистон», 1997, 31-40, 125-135, 149-162-бетлар.
22. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6,8-12, 14-15, 16-26, 28-38, 47-48-бетлар.
23. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 285–312-б.
24. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –313–337-б.
25. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. –156–223-б.
26. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 61–97, 139–153, 248–265-б.
27. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаравон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 11-б.
28. Раҳимов И., Зоҳидов А., Азизов Ш., Аюпов А. ва бошқ. Мустақиллик мафқураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. - Т.: «Университет», 2001. 232-бет.
29. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.

30. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: Тошкент Молия институти, 2004, 3-180-бетлар.
31. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт нашриёти», 2005. – 160 б.
32. Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 528 б.

4-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ЯНГИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ ЙЎНАЛИШИ.

РЕЖА:

1. Ҳуқуқий давлат тушунчаси, моҳияти ва уни барпо этиш йўллари.
2. Демократик ҳуқуқий давлат қуриш фуқаролик жамиятининг муҳим босқичи.
3. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг тузилиши ва унинг янги жамият қурилишидаги роли.
4. Ўзбекистонда одил фуқаролик жамияти қуриш- демократиялаштиришнинг олий мақсади.

Ҳуқуқий давлат тушунчаси XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб немис ҳуқуқий адабиётида таркиб топган эди. Аслида ҳуқуқий давлат ғояси қадимги Юнон файласуфи Платонга бориб тақалади. Давлат ва ҳуқуқ, сиёсат ва қонун нисбатини эса Цицерон асослаган эди. Цицерон Марк Туллий (э.о.106-43) йиллар - Қадимги Рим нофиғи, давлат арбоби, философияда «эклектик» (грекча - эклектикос – турли хил қарашлар, принципларнинг қўшилиши) назарияси асосчиларидан. Асарлари – «Яхшилик ва ёмонлик чегаралари ҳақида», «Давлат тўғрисида» ва б.

Цицерон давлат деганда кўпчилик бир - бирлари билан бирга яшовчи кишилар эмас, балки ҳамма учун ягона қонунга бўйсинувчи, жамиятнинг ҳуқуқий ўзаро ҳаракат қилувчи эркин аъзоларидан иборат муносабатни тушунади.

Ҳуқуқий давлат ғоясини фалсафий асослаш Иммануил Кант қарашларида бир мунча тўла акс этган. И. Кант 1724 йилда Кённесберг (Калининград)да туғилган. У немис классик фалсафаси асосчиси, Кантнинг 3 томлик «Танқид» номли асари мавжуд. У воқеа ва нарса ҳақида фикр юритиб, уларнинг ўз-ўзидан қандай мавжуд бўлишини исботлайди.

«Нарса ўзида» ғоясини илгари суради.

И.Кантнинг фикрича, ҳар бир киши умумий масалани ҳал қилишда катнашиш ҳуқуқига эга бўлгач, унга сўзсиз итоат қилиши, бевосита бўйсунуши ҳам шартдир. У озодликни ана шунга асослашиб қайд қилади, яъни озодлик - бу анархия эмас, балки масъуллиқдир. Кант фикрича, фуқароларнинг бегоналашмаслиги асоси уларнинг қонун олдидаги тенглигидир. Барча фуқаро шундай ҳокимиятни тан олиши мумкинки, ҳокимият ҳам, фуқаро ҳам шу қонунга сўзсиз амал қилиши шарт. Инглиз сиёсий мутафаккири Ж.Локк ва француз мутафаккири Ш.Монтескье асарларида ҳам ҳуқуқий давлатнинг кўп белгилари ишлаб чиқилган. Масалан, Ж.Локкнинг «Бошқариш тўғрисидаги икки мажмуа»номли асарининг 1-бобида – мутлақ қирол ҳокимиятининг илохий ҳуқуқ асосида эканлиги тўғрисидаги замондоши Р.Фильмер қарашларини танқид қилинган. Ж.Локк фикрича, қирол ҳуқуқи – ижтимоий ҳолатдан келиб чиққандир. Асарнинг 2-боби 1688-1689 йилларда Англиядаги давлат тўнтаришидан кейин ўрнатилган ижтимоий-сиёсий тузумнинг ҳуқуқий эканлигини исботлашга ва уни оқлашга бағишланган, яъни унда конституцион-парламентар қироллик зарурлиги назарияси ишлаб чиқилган. Давлат ҳокимиятининг муқаррар тарзда ўрнатилиши зарурлигини Ж.Локк (Гоббсга ўхшаб) «табиий ҳуқуқ» ва «жамоат шартномаси» назарияларидан келтириб чиқаради. Лекин у мутлақ давлат назариясидан юз ўгириб, ҳокимият қўлига фақат хакамлик, ташқи муносабатлар ва шу каби айрим вазибаларни адо этиш топширилади, дейди. Қолган «табиий ҳуқуқ» белгилари – сўз, эътиқод, мулкчилик эркинликларини ҳимоя қилиш системаси яратилиши керак, яъни қонун чиқарувчи ҳокимиятни ижро этувчи ҳокимиятдан ажратилиши зарур, ташқи муносабатлар соҳаси ҳам узига мустақил амал қилиши лозим, ҳокимиятнинг узи фақат қонунга бўйсунуши керак, деган ғояни илгари суради. Француз маърифатпар фалсафа гуруҳининг фаол аъзоси Шарль Луи Монтескье ўзининг «Қонунлар руҳи тўғрисида» номли асарида сиёсий-тарихий жараёнларни диний-рухий талкин қилишга

қарши чиқиб, у католик черковининг дунёвий ҳукмронликни уз қўлига жамлаб олиш учун қилган ҳаракатларини танқид остига олади ва диннинг амалий вазифаси – жамиятда тартиб-интизомни кучайтириш, маънавий-ахлоқий кадриятларни янада ривожлантиришга катта хисса қўшиши лозимлигини таъкидлайди. Монтескье сиёсатшуносликда жўғрофий мактаб ғоялари назариясига асос солади. Унинг фикрича, иқлим, замин ва замин усти холати халқлар руҳи шаклланишини ҳамда ижтимоий тараққиёт табиатини белгилаб беради. Монтескье яна шуни таъкидлайдики, сиёсий -тарихий тараққиётнинг муштарак қонунлари, масалан, ишлаб чиқариш – мулкчилик муносабатлари, бошқариш акидалари, урф-одатлар ва диний эътиқодлар каби ижтимоий – сиёсий омиллар мажмуаси билан белгиланади ва шу омилларда намоён булади.

Ушбу таълимотни асосида Монтескье мустабид феодал сиёсий ҳукмронлик тизимини аёвсиз танқид қилади ва Локкнинг қонун чиқариш, ижро этиш ҳакамлик ҳокимиятларини бир-бирларидан ажралган ҳолда амал қилишларини жорий қилган инглиз сиёсий тузуми ҳақидаги қарашларини маъқуллайди ва бундай қарашларга тўла қўшилади.

Шундай қилиб Ж Локк ва Ш Монтескье асарларида ҳуқуқий давлатнинг кўп белгилари ишлаб чиқилган бўлиб унинг кўп қисми 1787 йилги АКШ Конституциясига 1789-йилги Француз инсон ва фуқаро ҳуқуқи Декларациясига асос қилиб олинган эди. Унда: қонуннинг устиворлиги барчанинг қонун олдида тенглиги жамиятга зарарли фаолиятни рад қилиши қонун олдидаги тенглик асосида ҳокимият бўлиниши кўрсатилган эди. Юқорида қайд этилган фикр ва мулоҳазаларга асосланиб, биз собиқ совет давлати тажрибасида мавжуд бўлган қуйидаги хусусиятлар, яъни ижро этувчи ҳокимиятнинг текинхўр организмга айланишиши, унинг жуда катта бюрократик машинага айланиши ва фуқаролик жамиятдан ажралиш ҳамда унга қарши туриши кабиларга асосланиб, шундай хулосага келишимиз мумкинки, бунда :

Биринчидан, давлат ҳокимиятида ҳам худди фабрикадаги сингари, меҳнат таксимоти ва марказлашув ҳукмронлик киларди.

Иккинчидан, жамият аъзоларининг оддий фаолиятини ҳам ҳуқуқат уз вазифаларига айлантиради.

Учинчидан, ҳокимиятнинг воситалри ва марказлашуви шу даражага етадики, жамият аъзолари уз фаолияти доирасидан юлиб олиниб, у давлат фаолияти предмети бўлиб қолади.

Шу тарика бутун ҳокимият бир кеча шахс кулида туплами тоталитар тузум вужидга келади. Демакратия эса уларнинг рақибига айланади. Яқин утмишимиздаги манна шундай тарихий воқеяликни менсимаслик унга эътибор бермаслик бундай жирканч тузимнинг колдикларидан фақат кучли Қонунлар асосида шиддатли курашли жараёнида кутилиш мумкинлигини тушиниб етиш ва бу йўлда оғишмай ҳаракат қилиш мустақил Ўзбекистонда демакратия фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг макул йўлидир.

Демак фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни аввало демакратия ҳуқуқий давлатнинг куриш орқали амалга оширилади. Ҳуқуқий давлат бу давлатчилик тарихида цивилизация кулга киритган энг ката буюк ютуқдир. Унинг белгилари асирлар мабайнида инсоният томонидан ишлаб чиқилди ва такомиллантирилди. Булар қуйидагилар:

Биринчидан, ҳуқуқий давлат белгиси бу ҳуқуқнинг устиворлиги ҳукмронлиги унинг давлат устидан эътиборлигидир. Қонун булмаса ёки у кимнингдир ҳукмронлиги кулида булса бундай давлат халокатга маҳкум булади.

Иккинчидан, ҳуқуқий давлатда шахс химояланиши юқори даражада униг ҳуқуқи ва озодлиги кафолатланиши мавжуд булади.

Учинчидан, ҳокимият таксимоти бўлсагина ҳокимиятни суистеъмол килинмаслиги кафолатланади. Бунда фақат яхши қонун қабул қилиш етарли эмас. Қонуннинг кучи одамларнинг эътиқоди ишончи одатига айланишидадир. Масалан Мустақил Ўзбекистонда ҳозирги демократик жамиятга ўтиш даврида ҳозиргача 600 га яқин қонунлар қабул қилинган бўлса, шундан 80% ни аҳолининг кўпчилиги аниқроқ билмайди. 40% қонунлар жойларда нисбатан ногўғри амалда қўлланилмоқда ёки 30% қонунлар бизнингча умуман ҳаётга татбиқ этилмай қолинмоқда . Қонунларни бузиш уларга амал қилинмаслик ҳамон оддий халққа нисбатан « Коррупцияда» кучлироқ бўлиб колмоқда .

Тўртинчидан, ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири бу халқнинг мустақиллиги ва юқори ривожланган туйғусидир. Фуқаролик етуқлиги эса ватанпарварлик, миллатпарварлик, фуқаролик жавобгарлиги ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат ва шу кабилар.

Ҳуқуқий давлат деганда биз кўпроқ назарий фикр юритамиз чунки ҳаётда туганланган комил давлат тузими йўқ.

Давлат жамият ҳаракати билан бирга ўзгариб, ҳам бирон бир давлатда ҳуқуқий давлат тузилди деб айта олмаёмиз. Шу ҳам, биз ҳуқуқий давлат қандай бўлиши лозим, унинг принциплари, характеристикаси ва белгилари ҳақида фикр юритишимиз мақсадга мувофиқдир. Масалан ҳозирги дунёда қайси давлат адолатли, инсонпарвар деган саволга ҳуқуқий давлатнинг у ёки бу принциплари турли мамлакатларда қайдаражада ҳаётга жорий этилганлигига қараб жавоб бериш уринлидир.

Энг аввало, бу ўринда қонуннинг устиворлиги ҳақидаги принцип муҳимдир. Ўзбекистон Республика конституциясида таъкидланганидек 3 боб 15 маддада « Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади» ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам ҳимояси ҳам сўзи ҳам қонундир. Қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки қонун халқнинг хоҳиш иродасидир унинг бузадиган менсимайдиган одам халқнинг юзига оёқ қўядиган кишидир. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлат сифатида ҳар қандай синф, гуруҳлар ҳукмронлигига йўл қўйилмайдиган конституцияси доирасида сиёсий партияларга муҳолифлик эркинлигини таъминлайдиган фуқаролар ҳуқуқини халқаро меёрлар даражасида сақлайдиган давлатнинг фуқаролар олдидagi маъсулиятини фуқароларнинг эса давлат олдидagi маъсулиятидан кам қўймайдиган сиёсий ташкилотдир.

Давлат унинг органлари мансабдир шахслар, жамоат бирлашмалари фуқаролар конституция ва қонунга мувофиқ иш қўрадилар .

Ўзбекистонда ўтиш даврида қандай давлат шаклланади. Ҳозир суверент демократик Республика барпо этилмоқда. Бу йўлдаги мақсад аниқ бозор иқтисодиёти тамойилига асосланган эркин очик демократик давлат қуришдир.

Ҳозир барпо этилаётган давлатимиз халқимиз ҳаётига ташқаридан зўравонлик йўли билан киритилган совет давлатининг бутунлай акси янгича қурилаётган давлатдир. Эски совет тузуми шакли ва моҳияти жиҳатидан маҳаллий халқимизнинг ахлоқий маънавий рухий кадриятларига тўғри келмайдиган тизимга асосланган эди

Ҳўш, бундай давлат кимга суянар эди. Бундай тизим ўз халқининг тарихини унинг рухий ва урф-одатларини ўз авлод аждодларини билмайдиган манқуртларга таянади.

Эски совет тузуми шиорларида ваъда қилинган гоёлар амалий ишлардан жуда узокда эди. Шу ҳам ўша давлатнинг ижтимоий тизими билан халқ эҳтиёжлари ўртасида чуқур жарлик юзага келди. Бундай давлатнинг истиқболи йўқлиги аниқ эди .

Ўзбекистон Республикасини барпо этишда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, халқимиз босиб ўткан йўлни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимизнинг негизини аниқлаб, буюк маданиятимиз ва қадимий меросимиз илдизларига қайтиб ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қуришга тадбиқ этиш зарур бўлиб қолди.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов Ўзбекистонда янги ҳокимият органларини шакллантиришнинг йўллари, унинг шарт-шароитларини яратиш усулини аниқлаб берди. Шулардан энг муҳимларига тўхталиб ўтамиз.

Биринчидан, жамиятда сиёсий, миллатлар аро, иштимоий ва моддий тенгликни асосланган қонунлар қабул қилиниши керак.

Иккинчидан, барча бўғимдаги давлат идоралари жамиятнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қиладиган қонунлар тизимини барпо этиш лозим.

Учинчидан, давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисида қонун қабул қилиш зарур;

Тўртинчидан, ҳуқуқ органлари қонуний негизини мустаҳкамлашнинг зарурлиги;

Бешинчидан, яқин келажакда фуқароларнинг сиёсий жараёнларида давлатнинг бошқаришда қатнашувни таъминлайдиган ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш;

Олтинчидан, бозор муносабатлари шароитида давлатнинг иқтисодиётларини бошқаришдаги роли кескин ўзгариши яъни иқтисодиётни бошқаришни асосий усули давлат органларини бошқарувчилик фаолияти эмас, аксинча қонун бўлиб қолади.

Демак, мақсадга эришиш учун жамият аъзолари сиёсий онгини маданиятининг даражаси етуқлиги, ривожланган бўлишлиги керак. Бюракратизм виждонсизлик порахўрлик каби иллатларнинг юз беришига қонун асосида барҳам бериш талаб қилинади.

Халқ ҳокимиятининг манбаи халқ манфаатларига хизмат қилиш давлатнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ҳокимият:

1. Фуқароларининг вакиллик органлари.
2. Президент.

3. Суд орқали амалга оширилар экан, улар вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. (фуқаролар)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиш устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар амалга оширади. Демократик ҳуқуқий давлат қуриш фуқаролик жамиятининг муҳим босқичи, Ўзбекистон Республикасида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қуришни кўзлаб, Республика конституцияси қабул қилинди. Ўзбекистонда бундай жамиятни барпо этишнинг шартлари мавжуд.

Биринчидан, Ўзбекистонда барпо этилган давлат энг аввало умум жаҳон сивилизациясига давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар қулга киритган ижобий тажрибаларга кадрларга асосланади.

Иккинчидан, халқимизнинг ўтмишдаги юксак маънавияти, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини уйғун равишда ривожланади ва ўз навбатида бу фалсафий ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳраманд бўлиб бойиб борди.

Ҳозирги даврида демократик жамиятнинг бутун Дунедан олган таъмойиллари мавжуд булар жумласига:

- Инсоннинг ўз хоҳиши иродасини эркин билдириши ва амалга ошириши .
- Озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуши
- Барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги
- Давлат ва жамиятнинг бошқарувида қонуннинг устуңлиги
- Давлатнинг асосий органларини сайлаб қўйилиши
- Уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши
- Тайинлаб қўйиладиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар.

Бундай таъмойиллар деярли барча ривожланган мамлакатларининг конституцияларида ўз ифодасини топган . Энди, Ўзбекистонда бу таъмойилларга қандай амал қилиш мумкин. Ҳуқуқий давлат чин манодаги эркин фуқаролар жамияти қурмок учун шуларнинг ўзигина қифоями? Йўқ, албатта.

Маълумки, демократик жараёнлар ўз объектив қонунлари асосида ривожланади. Демократик қуришда уларни ўрганиб бориш, уларга амал қилиш талаб қилинади. Бу ўринда шуни ҳам эътиборга олишингиз керакки, Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос хусусиятлари мавжуд яни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда аста-секин таркиб топади . Бу хусусда инқилобий ўзгаришлар қилишга уринишга ғоят ноҳуш фожеали оқибатларга олиб келиши мумкин.

Учинчидан, демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи керак. Маълумки, демократиянинг ғарб намунаси, кўп ҳолларда эндивидуализм фалсафасига таянади. Фуқаролик жамияти қуришнинг маъноси шуки, давлатчилик ривожланиб боргани сари бошқарувнинг турли хил вазибалари бевосита халққа топширилади, янада ривожлантирилади, лекин, ўтиш даврида эски қотиб қолган тизим билан янги тизим ўртасидаги қураш кескин тус олади. Ижтимоий иқтисодий ислоҳатларнинг муваффақиятли амалга ошириш учун қучли ижроси ҳокимият ҳамда жамият тубида янгилаётган бир пайтда, малакали хар тамонлама тажрибага эга бўлган ўзгаришларни ҳаётга тадбиқ этишга қодир қучли бошқарув аппарати давлат органлари керак бўлади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти мисолида ана шундай бошқарув идоралари тизими шакллантирилди(Ҳокимлик, маҳалла), демократияни қисман чекланиши давлат органлари фаолияти кенгайтирилиши вақтинча зарурий тадбирдир. Бироқ, ҳақиқий миллий раваққа фақат давлат ҳокимияти вазибалари қатъий ва мукамал белгилаб, чеклаб қўйилган фуқаролик жамияти шароитидагина эришиш мумкин. Бундай жамиятда давлатнинг бош тарғибот стратегиясини аниқ белгилаш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш учун қаттиқ назорат олиб боришдан иборат . Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга даҳлдор бўлган энг муҳим вазибаларни амалга оширади.

Булар жумласига; Мудофаа, Давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш кабилар қиради. Жамият тараққий этиб борган сари фуқаро билан давлат ўртасидаги муносабат янгиланади, сиёсий бошқарув тизими қамайиб, фуқароларнинг давлатчилик фаолияти ўз-ўзини бошқариш аҳамияти ортади. Давлат ҳокимияти

вазифаларни катъий ва мукаммал белгилаб кўйиш асосида фуқаролик ривожланади. Бошқарувнинг маҳалла ----- жамоатчилигининг фикри ва фаолияти ортади. Хақиқий демократик адолат ҳукмронлик қиладиган жамият, бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган, бир-бирини ҳаётга келтириб турувчи қисмлардан:

- Давлат ҳокимияти органлари,
- Фуқароларнинг сиёсий ҳамда жамоатчилик бирлашмаларидан тузилган бошқарувдан иборат бўлади.

Шулардан давлатга тааллуқли бўлмаганларини фуқаролик жамияти деб аташ мумкин. Фуқаролик жамиятини барпо этишда қасаба уюшмалари, фахрийлар, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари, кўп сонли ижтимоий жамғармалари катта аҳамиятга эгадир.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви билан фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг ўзаро боғланиш нисбатини қуйидаги қўринишда акс эттириш мумкин .

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси .1992 й.
2. И.А.Каримов Ўзбекистон келажаги буюк давлат тизими 1992 й.
3. И.А.Каримов бизнинг буюк келажагимизнинг ҳуқуқий қафолати 1993 й.
4. И.А.Каримов сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари 1995 й.
5. И.А.Каримов Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.1996 й.
- 6.И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида 1995 й.
7. Президент Ислам Каримов бош тамойили «Мулоқот» 1993 й.
8. А.Сайидов Мустақиллик комуси. 1993 й.
9. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти курси буйича маърузаларнинг қисқача баёни 1998-й
- 10 Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили . Ўзбекистонда демократик жамият қуд. Наз. Ва амалиёт курси
11. И.А.Каримов Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. 2005- 27 январ .

5 – МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. МАҲАЛЛА ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ.

РЕЖА:

1. Фуқаролик жамияти тушунчаси.
2. Кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма-босқич ўтиш –фуқаролик жамияти шаклланишида стратегик вазифа эканлиги.
3. Ўзини-ўзи бошқариш тушунчаси. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимининг тикланиши.
4. Маҳалла-фуқароликнинг ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида.

Демократик ҳуқуқий давлат ривжнинг мантиғи, ички қонуниятлари давлат ҳокимияти органлари ва бошқарувининг сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари-қасаба уюшмалари, фахрийлар, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари, ижтимоий ва ижодий жамғармалар, фуқароларнинг бошқа чилли бирлашмалари билан ҳар томонлама яқин алоқалари ва ҳамкорлигини тақозо этади.

Чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ўзаро яқин алоқада бўлган ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ икки қисмдан:

- 1) давлат ҳокимияти органлари ва бошқаруви;
- 2) фуқароларнинг турли-туман манфаатларини ўзида ифодалаган мустақил сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларидан иборат.

Мана шу 2-нодавлат қисмини **фуқаролик жамияти** деб айтилади.

«Биз фуқаролик жамиятини қуришга интиломқдамиз,-дейди Президент И. А. Каримов- Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир».

«Фуқарлик жамияти» деган иборани илк бор Европада XVII аср ўрталарида **Т. Гоббс «Табий ва сиёсий қонунлар унсурлари», «Фуқаролар ҳақида»**, шунингдек давлат ва ҳокимият ҳақидаги бошқа асарларида («Левиафан») ишлатган. Шу даврдан бошлаб фуқаролик жамияти долзарб ижтимоий-сиёсий тасаввур ва тушунча сифатида такомиллашиб борди. Томас Гобс (1588-1679). **Жон Локк** (1632-1704) эса фуқаролар жамиятининг давлатдан имтиёзли эканлигини таъкидлаган. **Лужде Монтескье** (1689-1755) фуқарлик жамияти зўрлик ва ҳукмронликдан қутулиш гарови эканлигини очди. **Эммануэл Кант** (1724-1804) фуқаролар жамиятида ҳар бир кишининг эркинлиги бошқалар эркинлигига монанд келиши билан ифодаланишини уқтириб, қуйидаги принципларни илгари суради:

- 1) Инсон сифатида жамият аъзолари эканлиги;
- 2) Фуқаро сифатида уларнинг тенглиги;
- 3) Фуқаро сифатида ҳар бир жамият аъзоларининг мустақиллиги.

Гегель (1770-1831) биринчи бўлиб, фуқаролар жамиятига мустақил мавжудот тарзида қарайди ва уни давлат ичида эмас, давлат қаторида талқин этади.

«**Фуқаролик жамияти**» ва «**Жамият**» тушунчалари айан бир нарса эмас. **Жамият**— бу кишилар умумийлиги, давлатнинг бутун белгиларини ҳам ўз ичига оладиган бирлиги. **Фуқаролик жамияти**—бу жамиятнинг бир қисми, ҳокимиятнинг давлаторганлари ва бошқарувидан ташқари қисми.

Фуқаролик жамияти давлатнинг вужудга келиши билан юзага келади ва шаклланади, мавқеи унинг демократиклик даражасига мувофиқ белгиланади.

Ҳозирги даврда Шимолий Америка, Европа, Осиёнинг Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон мамлакатлари, шунингдек, Австралияда барпо этилган фуқаролик жамиятлари тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда фуқаролик жамияти бу:

- 1) жамият ҳаёти фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шакланган, бошланғич нодавлат тизимларини ўз ичига қамраб олган инсоний бирликдир;
- 2) жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуисидир;
- 3) эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шакланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазйиқлари, аралашилари ёки бир қолипда солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамияти бўлиб, унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўладилар.

Шу билан бир қаторда, ҳозирги даврда фуқаролик жамиятининг асосий белгилари шаклланди. Булар:

Иқтисодий соҳада: нодавлат ташкилотлари; кооператив-ширкатлар; ижара жамолари; акциядорлик жамиятлари; уюшмалар; корпорацияларнинг мавжудлиги.

Ижтимоий соҳада: оила; партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар, иш ва яшаш жойларидаги ўз-ўзини бошқариш органлари; нодавлат оммавий ахборот воситалари; жамоатчилик фикрини ўрганиш тарғиботларининг мавжудлиги.

Маънавий соҳасида: сўз, виждон ва фикрлар эркинлиги; ижодий, илмий ва бошқа уюшмалар мустақиллигининг таъминланганлиги.

Фуқаролик жамиятининг белгилари, мезонлари ва институтларини тасаввур қила олган ҳар бир кишига кўриниб турибдики, бундай демократик жамиятнинг асосини ўз-ўзини бошқариш ва жамоат **ташкилотлари** ўзаро муносабатларининг мажмуаси ташкил этади.

Фуқаролик жамиятида давлат ва ҳукуматнинг алоҳида ўз функциялари нодавлат ва жамоат ташкилотларининг эса алоҳида ўз функциялари бўлади. улар бир-бирини тўлдириб, юксак ривожланган демократик жамиятнинг яшовчанлигини таъминлайди.

Фуқаролик жамияти инсонлардаги ўз-ўзини англаш, уларнинг объектив равишдаги маъсулият хиссини сезиш қобилиятининг юксалишига ҳамоҳанг равишда шаклланиб боради. Бу жамиятда шакланган фуқароларнинг сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий маданият даражалари юқори бўлади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларнинг стратегик мақсадларини Президент Ислам Каримов қуйидагича ифодалайди: «Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган **кучли** демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир».

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган барча **қонунлар** мажмуаси **руҳи** ва **ғояси** мамлакатимизда фуқаролик жамиятини куришга қаратилгандир. Айниқса, II чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессиясидаги И.А. Каримовнинг маърузасида фуқаролик

жамияти куришнинг hozirgi davrdaги bosqichlari va tamoyillari kўrsatib berildi: «Bizning oldimizda turgan yana bir muhim va dolzarb vazifa-u ham bўlsa, **«Kuchli davlatdan kuchli jamiyatga ўtish»** degan shiori amalda rўybagha chikarishdir. Bu maksadga erishiш uchun, birinchidan, davlatimizning markaziy va yukori bosqaruv organlari vaqolatlarini bosqichma-bosqich quyi tizimga, shu jumladan, ўzini-ўzi bosqarish tuzilmalariga ўtkazish talab qilinaadi. Bular qatorida biz, birinchi navbatda, ўzini har tomonlama oklagan **махалла** tuzilmagini kўzda tutamiz, ikkinchidan jamiyatimizda noдавлат, jamoat tashkilotlarining, avvalo fuqarolik institutlarining rivojlaniшиga keng imkoniyatlar ochib berish va ularning faolligini oshirishga kўmak va erdam kўrsatish darqor».

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши билан мамлакатда демократик жамиятнинг қуриш асоси яратилди. Конституциянинг ғоялари, максادلари, руҳи, унинг ҳар бир қоидаси БМТнинг **«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»**, асрлар мобайнида илғор ва етакчи мамлакатларда шаклланган демократив қадриятлар, миллий давлатчилик, шунингдек, бир неча минг йиллардан буён авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган миллий ва шарқона давлатни адолатли идора этиш, мамлакатни бошқаришда халқнинг ҳам бевосита иштирок этиши анъаналарини ўзида мужссамлаштиради. Конституциянинг **29-моддаси**даги **«Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга»**, **32-моддаси**даги Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўз-ўзини бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. **34-моддаси**даги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмалари, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар», **43-моддаси**даги **«Давлат фуқороларининг конституция ва қонунларда мустаҳкамландан ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди»** каби фуқаролик жамияти куришнинг демократик қадриятлари ва тамойиллари шаклланишни таъминлайдиган қонун ва қоидаларнинг киритилиши Ўзбекистон жамиятининг **келажак максад**ларини белгилаб берди.

Конституциянинг алоҳида **«Жамоат бирлашмалари»** тбоби республикада фуқаролик жамияти ва кўппартиявийлик тизимини қарор топтириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатдан шарт-шароит яратди. Конституциянинг **58-моддаси**да эса **«Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради»** дейилган.

Конституциянинг **«Сайлов тизими»** бобига биноан республика фуқаролари эркин равишда вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Республикада кўп партиявийлик тизим қарор топиб, сайловларни кўп партиявийлик асосида ўтказиш оддий бир демократик қадриятга айланди.

Мамлакатда фуқаролик жамиятига хос бўлган демократик сиёсий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг демократик принциплари, сиёсий тизимни ривожлантириш масалалари Президент И. А. Каримовнинг I-чақириқ Олий Мажлиснинг **VI ва XIV** сессиялари, 2-чақириқ Олий мажлисининг **I, VIII, ва IX** сессияларидаги маърузаларида, шунингдек, **«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»** номли асарида назарий ва концептуал жиҳатлардан асослаб берилди. Бунда демократик жамият ва давлат куришга нафақат имкон беради, балки ислохотларни янада чуқурлашувини, ўтиш жараёнларини тезлаштиришни таъминлайди. Ана шу максадлардан келиб чиқиб, Президент Ислам Каримов бошчилигида давлатнинг **«Kuchli davlatdan kuchli fuqarolik jamiyati sari»** концептуал сиёсий дастур қабул қилинди. Жамият сиёсий тизимини янада эркинлаштириш масалалари маскур сиёсий дастур қабул қилинганидан кейин янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон республикасининг миллий мустақиллиги даврида жамиятнинг бутунлай янги сиёсий тизими шаклланди. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали натижалари сифатида **давлат** ва **jamiyat** курилишининг барча жабҳаларида демократик ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон президенти И. А. Каримов ташаббуси билан, дунёдаги барча давлатлар тан олган ривожланишнинг **«Ўзбек модели»** вужудга келди ва ушбу моделда ифода этилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили ҳаётга татбиқ этила бормоқда.

Шу билан бирга мамлакатда фуқаролик жамиятининг асоси бўлган **демократик институтлар**ни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига доир ислохотлар ҳам тавора чуқурлашиб бормоқда. Ҳозирги даврда республикада **305 та** республика аҳамиятига молик **жамоат бирлашмалари** фаолият кўрсатиб, улардан **64 таси** халқаро ташкилотлар мақомига эгадир. Уларнинг **48 таси** жамғарма, **79 таси** жамият, **4 таси** сиёсий уюшмалари, **2 таси** ҳаракат, **20 таси** марказ, **48 таси** ассоциация, **20 таси**

уюшма, **5 таси** кўмита, яна **27 таси** турли номларда расмий рўйхатдан ўтганлар. Шунингдек, Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган **2237 та** жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида «**Кучли давлатда кучли жамият сари**» концептуал сиёсий дастурни бажара бориб, сиёсий ҳокимият органларининг маҳаллий тизимини мустаҳкамлаш, уларга марказий ҳокимият ваколатларнинг марказий ҳокимият ваколатларини бериб бориш асосида **номарказлаштириш** ислохотларини ўтказиш, бу соҳадаги ижрои ҳокимият тизимларини вакиллик органлари ва нодавлат, жамоат ташкилотлари томонидан кучли назорат этиш механизмлари ва ҳуқуқий асосларини яратишга доир ислохотларни амалга ошириш ҳам фуқаролик жамияти куриш талабларидан биридир.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш (ёки **муниципал**-инг, municipal-«**ўзини-ўзи бошқариш**») деб, у ёки бу маъмурий-ҳудудий бирликларидаги аҳолининг ваколатларини ифодаловчи сайланган органлар ва уларнинг маъмурияти томонидан амалга ошириладиган маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларни бошқаришга нисбатан айтилади.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳақидаги назария дастлаб **XVIII асрнинг** II ярмида Ғарбий Европада ишлаб чиқилган бўлиб, у даврларда бундай органлар давлатнинг қуйи маҳаллий бошқарув функцияларини бажарувчи **сиёсий ташкилот** сифатида шаклланган бўлса, улар **XX асрга** келиб **фуқаролик жамияти** институтига айланди.

Ғарб сиёсатшуносларининг фикрича, «**ўзини-ўзи бошқариш**» тушунчаси давлатга нисбатан фуқаролар жамоалари мустақиллигининг шаклланиши билан боғлиқдир. француз мутафаккири Алексис деТоквил фикрича маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш шундай бир сиёсий институтки, у нафақат **сиёсатчилар**, балки, умуман барча фуқаролар учун бир мактабдир.

Немис олимлари эса бу тушунчани Пруссия вазири барон фон Штейн (1757-1831) номи билан боғлайдилар. Штейн маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувни «фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришдаги фаол шаклидир», деб ёзган эди. XIX аср манбаларида «ўзини-ўзи бошқариш» тушунчаси **давлат-республикалар**, **AҚШ** штатлари, **Швецария кантонларига** (кантон-ўлка) берилган нисбат сифатида ишлатиш одатга кирган эди. Буюк Британияда эса «ўзини-ўзи бошқариш органлари» деганда **келишув судлари**, **маслаҳатчилар судлари** ва парламент институтлари тушинилади.

XIX аср давомида марказ билан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўзаро муносабатларининг **учта модели** шаклланди. (инглиз, француз ва прусс), Бугунги кунларда ҳам ана шу шаклланган анъаналар асосидаги моделлар-инглиз саксон, француз ва герман ҳаётда амал қилиб келмоқда.

Маҳалла ўзини-ўзи бошқаришнинг энг намунали модели **инглиз саксон** ҳисобланади. Унда ўзини-ўзи бошқариш жараёнлари «ҳокимият маҳаллий манфаатлари доирасида» рўй беради. **Француз** ўзини-ўзи бошқариш модели эса ҳокимият ўзини-ўзи бошқаришни назорат қилувчи маҳаллий ҳукумат органларинингқўлида бўлади. **Германия моделида** эса давлат бошқаруви билан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ягона институт сифатида уйғунлашади.

Инглиз саксон модели гуруҳга: Буюк Британия, AҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Ирландия каби мамлакатлар киради.

Француз модели эса кўпроқ мамлакатларда, жумладан, Италия, Бельгия, Нидерландия, Португалия, баъзи Лотин Америкаси мамлакатларида амал қилади. Шунингдек, Германия ва Скандинавия мамлакатларида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари бетакрор сифатларга эгаки, улар юқорида кўрсатилган икки моделга мутлақо ўхшамайди.

XIX асрда ўзини-ўзи бошқаришнинг коммуна модели Франция ва Италиядан ташқари AҚШ да ҳам ривожлана бошлади. Буюк Британия эса маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувчининг йирик, бир-бирига айнан ўхшаш бирликларини камайтириш йўлидан борди. Бошқа қатор мамлакатлар эса «ўрта» йўлдан борди.

ЎҚШ ташкил топган дастлабки йилларда Т. Жефферсон «кичик республикачилар» тизими тарафдори бўлиб, унга кўра, ўзини-ўзи бошқариш ҳудудлари шу даражада кичик бўлиши, натижада бу «кичик республикачилар»да ҳар бир фуқаро тўғридан-тўғри умумий йиғилишларда қатнаша олиши ва унинг ўзи бевосита сиёсий фаолият билан шуғулланиши лозим эди. Ана шундай тизимнинг классик намунаси сифатида **A. Токвил** Янги Англия принциплари мисол тариқасида келтирилади: «Агар ҳокимият халққа тегишли бўлса, унда халқнинг ўзи идора этиши лозим. Бу республикачи ҳукуматнинг асосий қондасидир».

AҚШда шаклланган плюрализм тамойиллари Жон Локкнинг ҳокимиятни назорат этиш ва чеклашга доир қарашларига асосланган эди. Ўша даврда бундан кучли таъсирланган **Ж. Мэдисон** шундай деб ёзган эди: «Фақат ҳукумат ҳокимиятини назорат этиш ва чеклаш билан чегараланмасдан, балки,

кўпчиликнинг ҳокимиятини, шунингдек, бир-бирига қарама-қарши турувчи «франциялар»нинг ҳокимиятини ҳам назорат этиш ва чеклаш лозим».

Кейинчалик **С. Хантингтон** бу икки хил ёндашувларни ўзаро қиёслаб, шундай таҳлилни келтиради: «Демократия идеали тўғрисидаги **Т. Жефферсон** қарашлари **Ж. Мэдисоннинг** кенгайтирилган республиканизм концепциясига тўғридан-тўғри ва бутунлай қарама-қарши туради». **Жефферсон** учун республиканизм кишиларга яқинлиги билан жозибалидир, **Мэдисон** учун эса у кишилардан узоқ бўлганлиги учун ҳам ахамиятли. Жефферсон учун республиканизмга таҳдид солувчи асосий хавф - марказлашган автократиянинг мустабидлигидир.

Мэдисоннинг ҳокимиятлар тақсимланиши, «ўзаро ушлаб туриш ва мувозанатлар» воситасида чегаралашлар киритиш зарурияти тўғрисидаги қарашлари АҚШ нинг XIX асрдаги Янги Англиядан ташқаридаги таукшинларига (туншин-туман, шаҳарча, қишлоқдаги яшаш ҳудудлари ҳам) ва у Американ муниципал бошқарувидаги ижроия (мер) ва вакиллик (кенгаш) ҳокимиятларининг ўзаро тақсимланишда уз ифодасини топди.

Ривожланган демократик мамлакатларда ўзини –ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятнинг асоси сифатида йилдан-йилга такомиллашиб шунингдек, маскур органларнинг бошқарув тизимидаги кўламини кенгайиб бориши ҳуқуқий давлатнинг ўз ваколатларининг демократик тайиллар асосида амалга ошириш учун қулай ва кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

IV. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида **махаллалар** ўзини-ўзи бош-ариш органи сифатида фуқаролик жамиятини ташкил этувчи.

«Маҳалла»-арабча «шаҳар ичидаги шаҳар» маъносини англатади. Тарихчи олим Норшахий «Бухоро тарихи»номли асарида бундан 1100 йил илгари барча маҳалла бўлганлигини ёзган эди. қадимда маҳаллалар нафақат ижтимоий шу билан бирга маъмурий, ҳудудий тузилма тарзида ҳам эътироф этилган. Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши») номли асарида қуйидаги бандлар учрайди.

Шаҳарлар отини маҳолат этиб,

Бўлди чу юз шаҳар Хири от этиб.

Маҳалланинг «шаҳар ичидаги шаҳарга» деган мазмунда юқоридаги ташбехдан кўриниб турибдики, ўрта асрларда Хири деб аталган Хирот шаҳри юз «шаҳарча» маҳаллалардан ташкил топган экан.

Демак қадим замонлардаёқ бугун биз таъриф этаётганимиз фуқаролик тамойилларининг, кишилар ўзининг –ўзи бошқариш органларининг илк куртаклари намоён бўла бошлаган. Шарқ бу жараён минг йиллар тарихга эга бўлган. **Маҳаллалар** кўринишида ривожланган бўлса ғарб мамлакатларида кишиларнинг ўз манфаат ва қизиқишларини жамиятда кечаётган жараёнларидан келиб чиқиб ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида ҳар хил уюшмалар, партиялар, жамиятлар, ҳаракатлар ва бошқа тузилмалар сифатида пайдо бўлишига асос солинди.

Узоқ йиллар маҳалла тарихи ва социологиясини татқиқ этган **Д. Карлайл** ёзади: Оила ва дўст-ёронлар маҳалла турмушининг бош асоси бўлиб келган ва шундайлигича қолади. У шахсий муносабатлар тамал тоши саналади. Улар «**сулола**» деб аталувчи, кишиларни бирлаштирувчи ва ажратувчи ўта муҳим тармоқ тузилмасини яратди.

Бироқ собиқ иттифоқ даврида маҳалланинг мазмуни ва вазифалари бутунлай издан чиққан эди. Бу даврда маҳаллалар ўзининг ҳуқуқий мақомини йўқотдилар, уларнинг асосий фаолияти собиқ компартиянинг маҳаллий ташкилотларини кўллаб—увватлашдан, шунингдек, маҳаллий анъана ва урф одатлар, одоб-ахлоқ меъёрларини ташвиқот-тарғибот қилиш оилалардаги маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказишда «Кўз ва қулоқ» бўлиб туриш кабилардан иборат бўлиб келди.

Мустақиллик даврига келибгина фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг қонуний мақомини мустаҳкамлаш, уларни фуқаролик жамиятининг **асосий институтга** айлантиришга доир жиддий ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон конституцияси маҳалла мақомини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида мустаҳкамлади. Мамлакатда шаҳарча, посёлка, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини –ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомини олдилар. Жумладан, мустақиллик даврида мамлакатда 8142 та маҳаллалар мустақил ташкилот сифатида қайтадан мустаҳкамланди ва уларнинг аксарияти ўзининг қадимги номларини ва халқ ўртасидаги обрў-эътиборларини қайтадан тиклаб олдилар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда **махалла** тарихий ва ривожланган мамлакатлардагитушунчада аниқ белгиланган **ижтимоий-демокрафик**, маданий-маънавий ва ҳудудий-маъмурий бирлик сифатидаги мақомга эришиб, у ўз ҳудудидаги фуқаролар ўртасида анъана ва урф

одатлар бирлиги, инсоний хўжалик, ҳуқуқий муносабатлар бирлигини ташкил этгани ҳолда ўзаро ижтимоий муносабатларни боғлаб туриш воситасига айланди.

Президент И. А. Каримов маҳаллаларни фуқаролик жамиятининг **асоси** деб билди ва уни ҳар томонлама ривожлантириш чора –тадбирларини кўриб келмоқда.

- 1) 1992 йилда Ўзбекистон президенти «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори,
- 2) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилдаги «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш ҳақида»ги фармони,
- 3) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилдаги «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги фармони.

Шунингдек, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қатор фармон, қарорлар, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар эълон қилинди.

Ўзбекистон конституциясининг 105-моддасида ўзини-ўзи бошқариш органларига қуйидагича таъриф берилган: «**Шаҳарча, қишлоқ** ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари **ўзини-ўзи бошқариш органлари** бўлиб, улар 2,5йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонуни билан белгиланади».

1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида** (янги таҳрири)»ги. қонуннинг 1-моддасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий тушунчаси қуйидагича таърифланади: «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш-фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожлантиришнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, миллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир».

Демак, мустақиллик даврида мамлакатимизда ўзини-ўзи бошқариш органлари тизими тушунчаси ва унинг ҳуқуқий мақомлари ривожлантирилди ва улар илғор демократик мамлакатлардаги ҳуқуқий мезонлар билан бир хил тарзда ифодаланди.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон **маҳалла йўналиши**да олиб борилаётган ишлар **иккита йўналишни** назарда тутади:

Биринчиси-бу маънавий вазифа бўлиб, у халқимиз минг йилик тарихидаги ноёб, энг азиз анъаналарни, қадриятларни қайтадан тиклаш ва ривожлантиришдан иборат. Иккинчиси эса сиёсий вазифа бўлиб, Президент И. А. Каримов томонидан илгари сурилган маҳалла институтини бугунги замон талабларига мувофиқ тарзда тиклаш баробарида вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари зиммасига юкланган кўпчилик вазифа ва ҳуқуқларини фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларига, яъни маҳаллаларга бериб, улар мақомини тегишли даражада кўтарилишини таъминлаб, шу тариқа мамлакатни ҳаётини демократиялашда янги ва жуда муҳим имкониятларга эришиш.

Маҳалла ўз ҳудудида яшаётган фуқаролар турли ижтимоий муаммоларини ҳал қилиб беришда бевосита иштирок этадилар: қариялар, фахрийлар, етимлар, байналминал-харбийлар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар манфаатлари ҳимоя қилинади, маҳалла фаолларини масқуро фаолиятда иштирок этишига бошчилик қилади. Шу билан биргаликда инсонни маънавий юксалиши ва маллий ташаббусларини намоён бўлиши учун шарт-шароит яратилади, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланади.

Мамлакат сиёсий ҳаётида фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштирокини таъминлаб берувчи асосий бўғин-бу **маҳалла фуқаролар йиғини**дир (мфй). Бундай бошқарув тизими фуқароларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишда кучли қобилиятга ва қулай имкониятларга эгадир. Бу борада «Маҳалла» хайрия жамғармаси, унинг вилоят, туман бўлимидаги ҳокимликлар билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ўтказиб, маҳаллаларни ободонлаштириш, озода сақлаш, айниқса ёшларни комил инсон –илиб тарбиялашда муҳим ишларни амалга оширмоқдалар.

Таянч тушунчалари:

Фуқаролик, фуқаролик жамияти, фуқаролик масъулияти, кучли давлат, кучли жамият, концептуал сиёсий дастур, давлат қурилишини эркинлаштириш, нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар, ўзини-ўзи бошқариш, касаба уюшмалари, жамғармалар, диний ташкилотлар, маҳалла.

Мавзу юзасидан назорат саволлари:

1. Фуқаролик жамияти тушунчаси, зарурияти, мақсади ва хусусиятлари нимадан иборат.
2. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши деганда нимани тушунасиш.
3. Фуқаролик жамиятининг белгилари ва мезонлари қандай?
4. Кучли давлатдан кучли жамият сари ғоясини қандай тушунасиш.
5. Маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришнинг тарихий кўринишлари ва турларини айтиб беринг.
6. Маҳалланинг фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини қандай тушунасиш?
7. Жамоат ташкилотларининг фуқаролик жамиятини қуришдаги ўрни қандай?
8. Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчларини айтинг.
9. “Фуқаролик жамияти” ва “фуқаролар жамияти” деган тушунчаларнинг ўзаро таққосланг.
10. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари нима ва улар қандай асосда тузилади?

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2003.
2. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10, Т., 2002.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон 21 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997.
4. Каримов И. А. Миллий давлатчилик, истиқлол мафқураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. Т., 1999.
5. Каримов И. А. Ўзбекистон 21 асрга интилмоқда. Т., 1999.
6. Каримов И. А. Минтақавий хавфсизликдан ялпи хавфсизлик сари. Т., 1995.
7. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 7-жилд. Т., 1998.
8. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. «Ўзбекистон». Т., 2005.
9. Ўзбекистонда политология. Т. 2002.
10. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т., 2003.
11. Нуриддинов З. Международное сотрудничество Республики Ўзбекистан со странами Европы. Т., 2002.
12. Юсупов Х. Ўзбекистон: сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. Т., 2003.
13. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т. 2000.
14. Ўзбекистон Республикаси; Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Т. 1992.
15. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп Луғат. Т. 1998.
16. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. Т. 1997.

6- Мавзу: Демократик жамият қурилишида кучли ижтимоий ҳимоя ва адолат тамойиллари. Оила –демократик жамият негизи сифатида.

Режа:

1. Ўзбекистоннинг кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати: мақсади, босқичлари хусусиятлари.
2. Ижтимоий адолат тамойиллари ва уларнинг Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши жараёнида амал қилиши.
3. Демократик жамиятда оила институти: тушунчаси, шаклланиши, вазифалари.
4. Ўзбекистонда оила муҳитининг демократик жамият қуришдаги ўрни ва роли.

Жамиятда демократик тартибнинг қатъий шаклланиши, ислохотлардан кўзланган стратегик мақсадларга асосан эрилиши даври мамлакатимизда ўтиш даврини ўзига қамраб олган. Шу маънода ўтиш даврида амалга ошириладиган асосий вазифалар ижтимоий ҳимоя тизимини ва ижтимоий адолат тамойилларини ҳам назарда тутлади.

Хўш, бозор муносабатлари шаклланиши даврида биз ижтимоий адолатнинг қайси қоидаларига устувор даражада аҳамият бермоғимиз керак?

Бизнинг фикримизча, адолатнинг марказий муаммоси ҳисса ва улуш муносабати, уйғунлиги масаласидир. Бундай муносабатликни ва мувозанатни таъминлаш: иқтисодда-меҳнат ва иш ҳақи; сиёсатда – бошқарувдаги иштирок ва бурч; ҳуқуқда эса эркинлик ва зарурат, ҳуқуқ ва бурч, жиноят ва жазо мувофиқлиги кўринишда бўлиши мумкин. Шу маънода ижтимоий адолат ижтимоий тенгсизликларни оқилона кўринишга келтирувчи, яқкаликни ижтимоийликка жалб этувчи, жамиятда умумий манфатларни ифодалавчи идеалгина эмас, баки шу билан бирга мавжуд тузумга нисбатан

зарурат ҳамдир. Ижтимоий адолат макросоциал муносабатларни тартибга келтиришга хизмат қилган ҳолда жамиятда мавжуд бўлган кадриятлар ва имкониятлар даражасига мос бўлган алоқалар ва ўзаро ҳаракатлар тизимига, индивидларнинг ҳисса ва улушларига асосланган меъёрдир.

Бозор муносабатлари мустаҳкам илдиз отган жамиятларда адолат қоидаларининг амал қилиш тажрибасини ҳам ижобий-танқидий таҳлил этиш фойдадан холи эмас. Зеро, адолатни таъминлаш демократия мезонлари билан бирга бозор ҳиссаси иқтидорсизга нисбатан улкан бўлади, меҳнат севар одам дангасага нисбатан жамоага кўпроқ фойда беради. Шунинг учун ижтимоий адолат йўлида меҳнат жамоаси, жамият ўз аъзоларига ўзаро тенг бўлмаган улуш беришга ҳақлидир.

Эквивалит қафолат қоидаси. Бу қоида, у ёки бу ҳатти-ҳаракатга унинг оқибатига нисбатан тенг қийматдаги акс таъсир кўламани англатади. Масалан, меҳнатга яраша ҳақ тўлаш, у ёки бу жиноятга нисбатан муносиб жазо ва ҳ.к.

Ижтимоий қафолат қоидаси. Ижтимоий қафолат тимимининг мавжудлиги, у ёки бу жамиятда ижтимоий адолат мавжудлигидан далолат беради. Кўпгина мутахасислар, жаҳон социализм тизими инқирозидан сўнг ижтимоий қафолат ғояси ва амалиётига қарши чиқа бошладилар. Шуниси ғалатики, Бундай “назарийчилар” ижтимоий қафолатлар ва ҳимоя тизимидан вос кечишни тарғиб қилаётган бир вақтда ғарбнинг баъзи мутафаккирлари бутунлай аксинча фикр билдира бошладилар. Масалан, машхур америкалик иқтисодчи Ж.К.Гелбрейт асосий муаммони тизимнинг барча аъзоларига қафолатланган даромат билан таъминлашда деб билади. Унинг фикрича, тараққиёт жамиятда тўла ҳуқуқли ўрин билан таъминланган одамлар миқдори билан баҳоланиш керак. Бу олим ғарбнинг кўпгина йирик шаҳарларида кўплаб одамлар иш жайларидан ва яшаш учун зарур воситаларидан маҳрумлигини адолатсизлик деб баҳолайди. Дарҳақиқат, қафолатни дароматга эга бўлмаган, эртанги кунга ишонмайдиган кишилардан иборат жамиятда адолат ўрнатиш жуда қийин.

Тенг имкониятлар қоидаси. Фуқороларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглиги замонавий жамият учун асос ҳисобланади. Шу билан бирга одамлар айнан нимада тенглиги ва нимада тенг эмаслигини билиши ҳам зарур. Маълумки, одамлар тенг бўлмаган даражадаги туғма қобилиятлар ва хусусиятлар билан туғуладилар. Аммо, инсонлар қобилиятлари ва муносабатларини ҳам тақозо этади. Бу қоидалар жамиятнинг барча азолари учун умумийлиги ва бир хилда тадбиқ қилиниши хусусиятига эга бўлиши зарур. Шунингдек, бу қоидалар самарадорлиги ва амалга қўллашга яроқлилигига кўра ижтимоий тартибнинг зарурий асоси бўлиб қолиши керак. Бу қоидалар ўз кадр-қимматига кўра ўзаро боғлиқ бўлсада, ўзгариб туриши мумкин.

Хизмат кўрсатиш қоидаси. Бу қоида ҳар қандай даврда ҳам устувор бўлмасада, замонавий жамиятда унинг аҳамияти сўзсиздир. Бунда шахс истеъдоди, қобилиятлари ва интилишлари ҳаётий зарур неъматлар қонуний тарзда эга бўлиш меъёрлари сифатида майдонга чиқади. Шундан келиб чиққан ҳолда ривожланган мамлакатларда адолат шахснинг ижтимоий самарали интилиши учун мукофот, унумле меҳнатга мажбар этиш воситаси деб қаралади.

Албатта, жамиятда хизмат кўрсатиш қобилиятлари орқали амалга ошади. Аммо индивидлардаги қобилиятларни рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни жамиятнинг иложи борица кўпроқ аъзолари учун озми-кўпми яратиш талаб этилади. Бу шароитларни ҳаммага теппа-тенг яратиб бўлмайди. Гап имкони борица кўпчилик учун “старт имкониятларини” яратиш ҳақида борар экан, ўзини демократик деб ҳисобловчи жамият ҳар бир индивиднинг иқтидори, интилиши, қобилиятларига ҳаётий неъматларига эга бўлиши меъёрий сифатига катта қизиқиш билан қарайди.

Мутаносиблик қоидаси. Мутаносиблик ўзаро мосликни ифодалайди. Индивид ҳиссаси ва улушнинг ўзаро мослиги қанчалик мустаҳкам бўлса, жамиятдаги барча индивидларнинг фаолиятдан келиб чиқадиган ҳолат ҳам шунча мустаҳкам бўлади ва аксинча. Индивидлар турли қобилиятларга эга бўлганликлари учун ҳам ижтимоий неъматларни яратишга бир хил бўлмаган ҳисса қўшадилар. Иқтидорли шахснинг жамият ривожига қўшгани учун тенг имкониятлар яратилган шароитдагина бунга эриша олиш мумкин. Чунки шу тариқа тақсимот муносабатлари соҳасида камситиш, сохта тенглик романтизми, ғариблик, қашшоқлик туйғуларига йўл қўйилмайди.

Эҳтиёж қоидалари. Адолатга бўлган эҳтиёж оддий бўлмайди, у кенг миқёсдаги ижтимоий-рухий эҳтиёждир. Бошқача айтганда, физиологик, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларга нисбатан олганда адолат кундалак эҳтиёж бўлиб ҳисобланмасада, ижтимоий тартиб, фаробонлик ва яхлитлик таъминлашга қаратилганлиги туфайли катта ижтимоий аҳамиятга эга. Шундай ҳулоса қилиш мумкинки, адолатга бўлган эҳтиёж озиқ-овқатга, кийим-кечакга, уй-жайга бўлган ёки обро-эътиборга бўлган эҳтиёж каби ҳаётий деб олинмаслиги мумкин, лекин айнан ҳаётий неъматларнинг тақсимотига ва истеъмолида одамлар адолати ёки адолатсизликка нисбатан сезгир бўладилар. Оқилона эҳтиёжларнинг

шакилланиши шунинг учун ҳам катта аҳамиятга эга. Адолат талаби асосан эҳтиёжларга нисбатан эмас, балки ҳаёт даражаси, сифати ва стандартларига нисбатан қўйилади. Турли ижтимоий гуруҳларнинг ҳаёт даражаси ёки сифатидаги фарқ ҳаёт стандартларига ҳам боғлиқ. Стандартдан оғиш адолатсизлик кўриниши даб ҳисобланиши мумкин. Албатда, ҳаёт даражаси, сифати ва стандарти кўрсаткичлари бўйича алоҳида турли қатламларида ягона ўлчўв бўлиши мумкин эмас.

Талаб ва таклиф қоидалари. Мусобақаланиш учун кенг имкониятлар яратиш бозордаги талаб ва таклифга биноан, ўзаро мувофиқлик асосидаги муносабатларга боғлиқ. Шунинг ҳам этироф этиш зарурки, бозор муносабатлари шароитида уларга хос тарзда ахлоқ нормалари, қизиқиш омиллари ва тушунчалар ҳам шакилланади. Бозорда ҳамма нарса талаб ва таклиф асосига қўйилгани боис инсонлар онгига изтиробли кечирмалар уйғотиши мумкин. Бу кишиларда шакилланган одатий тушунчаларнинг ўзгариши билан ҳам боғлиқ. Бозор муносабатлари шароитида кишиларнинг янги хусусиятлари бўйича тенг бўлмасаларда, яшашга бўлган ҳуқуқлари бўйича, кадр-қимматлари бўйича тенгдирлар. Барчанинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўпламига эга бўлишларида ҳам тенглик зарур. Бу мавжут ижтимоий-иқтисодий тенгсизликларни тартибга келтиради.

Аммо “тенг имкониятлар” қоидаси “натижалар тенглиги” қоидасидан фарқ қилиши лозим. Юқори мақомга эга бўлган иш жойларига эга бўлиш, олий ўқув юртларига кириш каби ютуқлар тенг имкониятлар асосида амалга оширилади. Шунда кўпгина стандарт ҳолатлар катта рол ўйнайди. Демократик жамиятларда тенг имкониятлар қоидаси гуруҳлар ва индивидларнинг ҳаётда омадга эришиш учун эркин мусобақада тенг ҳуқуқлик асосидаги иштироки сифатида тушунилади. Даставвал бу қоида бозордаги эркин рақобат қоидаси сифатида илгари сурилган эди. Бу қобилиятларнинг ҳалол мусобақасида удабурон, ақиллий шахсларгина ютиққа эришади деб талкин этилади. Буни кўпгина социолог ва руҳшунослар индивиднинг омадга эришиш ўйлида социал муҳитга нисбатан туғма реакцияси деб боҳолайдилар.

Умуман, “тенг имкониятлар” қоидаси икки нарсага – рақобот ва индивидуализмга асосланади. Кишилар ўз мақсадларига эришиш йўлини турли хил шароитда бошлайдилар, шунинг гучун адолатга натижалар тенглиги мувофиқроқдир. Бу аввало жамият аъзоларининг ягона меъёрларига бўйсиниш зарурлиги, ҳеч кимнинг қонун олдида яхшироқ ҳолатга эга бўлиши жойиз эмаслигини билдиради. Бир сўз билан айтганда, номақбул тарздаги “адолатсиз тенглик (сунъий тенглаштириш) адолатсиз тенгсизлик ноқонуний имтиёзлар” тизими ўрнига “адолатли тенглик – адолатли тенгсизлик” қоидаси ўрнатилиши зарур.

Адолат тенгликка нисбатан доимо афзал экаллигини айтиб ўтдик. Ижтимоий тараққиёт манфатлари шунинг тақозо этади. Аммо барча тафаккури шакилланмоқда. Демак, муваффақиятга интилиш соғлом жараён бўлиб, яратувчанлик ғурури, фаоллик интилувчан фаолият асосига айланиши зарур.

Эркинлик қоидалари. Инсон эркинлиги азалдан юқори мақомга эга. Шу билан бирга адолат ва эркинлик муносабатларида адолатни ягона қоидасига айлантириш инсон эркинлиги, унинг ҳуқуқларини чегаралаб қўйиши мумкин. Жумладан, таниқли франсуз файласуфи А.Камю шундай ёзади: “Мутлоқ адолат – эркинликни рад этишдир. Эркинлик адолат ва адолатсизликка ўз муносабатини ифода этиш имкониятисиз тасаввур этиш мушкул”.

Айнан нотўғри тушуниланган адолат тушунчаси таъсирида инсоннинг эркинлиги мубтало бўлиши, унинг ҳуқуқларининг поймол қилиниши демократик қоидаларга зиддир. Жамиятга тенг эркинлик муҳити устувор даражада таъминланиши зарур. Чунки бу аввало ҳар бир жамият аъзосига бошқаларнинг эркинлиги зарар етказмаган ҳолда эркинликка нисбатан тенг ҳуқуқини таъминлашни англатади. Адолат аслида эркинлик ва тенгликни ўзига хос тарзда мувофақлаштирувчи механизм ҳисобланади.

Ижтимоий фойдалилик қоидаси. “Нима фойдали бўлса, ўша адолатли” қабилида иш кўриш баъзан мақсад йўлида ҳар қандай воситани оқлашга олиб келиши мумкин. Аслида шахсий ва ижтимоий манфатлар ўртасидаги зиддиятлар уларнинг мослиги ҳолатидан кам учрамайди. Шу аснода адолатни зиддиятли манфатлар тўқнаш келиши мумкин.

Ҳар кимга қонунга биноан қоидаси. Жамиятдаги мавжут адолат ҳуқуқий тизимларга, қонунларга мос келиши муҳимдир. Шу маънода фуқаронинг жамиятга нисбатан хатти-ҳаракатини муносиб равишда баҳолаш адолатнинг ижтимоий тартибга мажбурловчи томони ҳисобланади.

Ижтимоий мақом қоидаси. Моддий нематлар, имтиёзлар, ҳурмат-эътибор, ваколатларини шахс қобилиятлари, фазилатлари, ахлоқий ва касбий жиҳатларига боғлиқ равишда эмас, балки унинг мақомидан келиб чиқиб тақсимланиши жамият тараққиётига бевосита салбий таъсир кўрситмаслиги мумкин, аммо шахс-жамият муносабатларини ёки шахслараро муносабатларни емирадиган ҳолатдир.

Зеро, ижтимоий мақом ва мавқеяга кўра тақсимлаш белгилари – мерос, бойлик хажми, ёш, жинс, миллат ва х.к. ҳисобланади. Мафкуравий, миллатчилик, ирқилик, ва х.к. нуқтаи назарида ёндашув ҳам “кастали” адолатга олиб келади.

Касбий лаёқатлик қоидалари. Индивитларнинг жамиятдан оладиган улуши уларнинг малакаси, касбий тайёргарлиги, маълумоти, меҳнат кўникмаларига мос бўлиши катта аҳамиятга эга.

Рағботлантириш қоидалари. Индивидларнинг “бирламчи неъматлари” эркинликлар ва ҳуқуқларга (аввало конституцион ҳуқуқлар), дароматга, мулкка, бошқарув ишларида иштирок этишга интилишларни рағботлантириш катта аҳамиятга эга. Зеро, бу боқимандалик, зоҳидлик, паразитимни тугатишга маълум ижобий вазифани бажариши мумкин.

Ҳар кимга меҳнатига яраша қоида. Бу қоида “йиғма” адолат десо бўлади. Бу қоидасиз адолат жамиятда тўлақонли ўрин тутмайди.

Жамиятнинг кўпчилиги аъзолари қабул қиладиган адолат туфайлигина инсонпарвар жамият барпо этиш мумкин. Шу маънода юқорида баён этилган барча қоидалар демократик шароитидагина амалга ошиши мумкинлигини ҳисобга олиши зарур. Бу қоидалар мувофиқлаштириш ва дастурлаштириш вазифаларини бажариш. Жамиятнинг асосий қоидалари эса қонунларда ўзининг юридик ифодасига эга бўлади. Ўзбекистон Конституциясида, унинг муқаддимасига ижтимоий адолат қоидаси ўзининг тўла юридик ифодасини топганлигини таъкидлаб ўтишни истар эдик. Аммо бунинг ўзи етарли эмас. Биз юқорида таҳлил қилган адолат қоидалари шунчаки қуруқ жойда эмас, балки инсонлар ўртасидаги муносабатларига амал қилинг.

Оила

Мамлакатимизнинг эртанги порлақ истиқболини таъминлашда бошқа ижтимоий инсититутлар билан бир қаторда оила омилига ҳам катта эътибор қаратилаётганлиги барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳатларнинг сифат ва самарадорлиги босқичига кирганлиги мантиғи билан изоҳланади. Шундай экан, оила муҳитида мамлакатимизнинг умумий ривожланишига муносиб хисса кўша олишига қобил ва тайёр шахсларни шакиллантириш учун биринчи галда нималар қилишимиз лозим, қайси жиҳатларни ривожлантиришимиз ва қайси жиҳатларни такомиллаштиришимиз учун жиддий эътиборда тутишимиз зарур? Даставвал ўсиб келаётган ёш авлод онги, шуури, маънавиятида ватан туйғусини мустаҳкам қарор топтириш иши халқимиз учун тақдириломон вазифа саналади. Юртбошимиз И.А.Каримов “қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналади”, деб айтганлари бежиз эмас. Зеро, оилага садоқат, ота-онага оқибот, ака-укаларга меҳрлилик ватан туйғусининг дебочаларидир. Оилага самимий садоқат бўлмаган жойда, фарзандлар олдида ота-она ҳурмати йўқ жойда эса, на қариндошларга, на маҳаллага ва на ватанга муҳаббат таркиб топмайди. Шу боисдан ҳам, бу масаланинг ҳуқуқий асослари мамлакатимиз Конституциясининг 66-бандида “воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”, деб махсус қайт этилган.

Оилада ватан тарбияси муҳум аҳамиятга эгадир. Ватанга бўлган меҳр даставвал ота-онага, ака-укаларга, яқин қариндошларга, қўшниларга бўлган муносабатдан бошланади. Бу борада халқаро тажрибаларда Хитой ва Америка тажрибаси эътиборга сазовордир. Қадимги Хитой ватан туйғусини ижтимоий-жуғрофий ва маънавий омиллар орқали шакиллантиришга интилиб келади. Бунинг учун эса, Конфуцийнинг Ватинни ўзликдан излаш таълимотининг моҳиятини турли омиллар, услуб ва шакилларда ҳар тамонлама такомиллаштириб беришга интилинган.

Табийки, мустақилликка эришилган сўнги ўн олти йил янги кадриятларга ўтиш, ўзлаштириш ва бу кадриятлар асосида бошқача яшашдан иборат мураккаб жараёнларни бошдан ўтказиш даври бўлди. Биргина мадҳия мисолини олайлик. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришига кўра, гиминлар ватан йшлида якка-ёлғиз жонини тикиб, қурбон бўлган фидоий-қахрамонлар ругига алқов, бағишлов яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, тантанали марсиядир. Табийки, марсия айтиладиган пайитда арвоҳлар руҳининг ҳукмати учун одамлар ўз ўринларидан туриб, жўр бўлиб марсияни ижро этишган.

Узоқ йиллар давомида амалга оширилган кузатишлар, халқимиз тарихини синчковлик билан қилинган таҳлили шунгад гувоҳлик беради-ки, оилада ота-онанинг фарзандлар билан қанча кўп вақт бирга бўлиши, ўзаро мулоқатлар, ўрганилган билим ва касиб-корлар меҳр туйғусининг шунча мустаҳкамланишига олиб келади.

Тарбия тизимида оила таркиби, туғулажак фарзандларнинг ёш фарқлари ҳам муҳум аҳамиятга эгадир. Кўп йиллик кузатишлар, ҳуқуқий идоралар ҳужжатлари, тартиб бузарлик ҳолатларининг асл сабабларини ўрганиш шундан гувоҳлик беради-ки, оила муҳитида тинчлик, тотувлик, ўзаро меҳрға чанқок бўлганлик, ота-оналарнинг ўзаро адолати, ака-укалар ўртасидаги меҳрсизлик тифайли аксарият ёшларнинг жинойт кўчасига кириб қолишлари маълум бўлди. Ака-укалар ўртасидаги меҳрсизлик

даставвал ато-оналарнинг ўз фарзандларига эътибор бермасликлари, бу ишга жуда кам вақт ажратишлари билан изоҳланса, иккинчи томондан эса фарзандлар туғулишида бири ва иккинчиси ўртасидаги ёш фарқи масаласига ҳалқимизда умуман аҳамият берилмаслиги ҳам жиддий масаладир, Рухиятшунослик илми нуқтаи назардан ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра агар бола 1 дан 3 ёшгача бўлган вақтда иккинча фарзанд туғулса балалар ўртасида она ва отага эгалик қилиш, суюкли бўлиш, эркалик қилиш борасида бир қарашда кичик вақт туюлсада, аммо бу вақтнинг онг ортида мужассамлашувига кўра жиддий ходиса-ўзаро рақобат ҳолати таркиб топади. Бу билан эса, ака-укалар ўртасида жуда нозик бўлган меҳрнинг биологик омиллар орқали раҳна топишининг олди олинади. Ҳалқимизда унчалик эътибор берилмайдиган, аммо, меҳр туйғусига раҳна солувчи яна бир жиҳат – бу ака-укалар ўртасидаги ўзаро жанжаллар, муштлашувлар ҳодисасидир.

Ҳалқимиз тарихидан улиғ ва қудратли салтанатларнинг асосан ички омилларга кўра, оилавий тарбия муаммалари, оталар ва болалар, акалар ва укалар, опалар ва ака-укалар ўртасидаги меҳрсизлик, ўзаро нифоқлар, яқдиллик руҳининг сустиги сабабли завоқ топганлигини биламиз. Таасуфки айни шу сабабларга кўра қорахонийлар Хоразимшоҳлар, Темурийлар бошқа давлатлар инқирозга юи тутган эди.

Оила барқарорлиги ва ватан салоҳиятини оширишда она омилининг роли бекиёсдир. Дарҳақиқат, она муқаддас ва чексиз эъзоз эҳтиромга муносиб зотдир. Ҳалқимиз онага онага бўлган чексиз ҳурмати, самимий муҳаббати борасида кўпгина ҳалқларга намуна бўларли анъана ва одатлар, маросимлар тизимига эга. Муштифар оналаримиз фарзандни ҳаётга келтирганидан сўнг то ўз вафотига қадар фақат жигарбанди тақдирини ёйлаб, унга омонлик, тенчлик, ризқ-рўз, барака тилаб ўтади. Оналарнинг фарзандларга яхшилик тилаб, Яратгандан паноҳ сўраши, ўзи емай боласига берувчилик, ўзи киймай кийдириши, ўзи кўрмай ўтса-да боласи кўришига орзумандлиги айни ҳақиқат ва чуқур таъзим, таҳсинга сазовордир.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда оила инсититутига катта ижтимоий аҳамият бериб келинмоқда. Хусусан, 1998 йилнинг “Оила йили” даб эълон қилиниши мазкур масалага бевосита ва “Соғлом авлод”, “Оналар ва болалар”, “Обод маҳалла” йиллари мобайнида эса бевосита тарзда боимий эътибор қаратиб келмоқд. Айниқса, 2003 йилда мамлакатимиз маҳаллаларини иқтисодий, ташкилий ҳамда маънавий обод этиш муносабати билан оилаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими янада такомиллашиб, инсон шаъни ва ғурурига муофиқлаштирилди, ўсиб келаётган авлод маънавияти ҳамда маърифий-интеллектуал камолатини таъминлашининг ҳуқуқий, ташкилий-педагогик ҳамда ижтимоий жиҳатлари мустаҳкамланди.

Таянч тушунчалар:

Ижтимоий адолат концепциялари, кучли ижтимоий ҳимоя, либерал-демократик ғоялар, демократия институтлари, адолат ва социал фойдалилик, адолат ва эркинлик муштарақлиги, ижтимоий адолат принциплари, ижтимоий қафолат, ижтимоий тартиб, ижтимоий нормалар, ижтимоий ҳимоя босқичлари, оила ва ижтимоий сиёсат, ижтимоий мақом, касбий лаёқатлилик, оилавий муҳит.

Мавзу юзасидан назорат саволлари:

Ўзбекистонда мустақиллик даврида ижтимоий адолат ва кучли ижтимоий ҳимоя ғояларининг ривожини айтиб беринг.

Демократик жамиятда оила институти: мазмун-моҳияти, ўзига хослигини ёритиб беринг.

Бозор муносабатлари шаклланиши шароитида адолатнинг қандай тамойиллари амал қилади?

Ижтимоий ҳимоя моделларини айтинг.

Демократик дамийат қурилишида фуқароларнинг тенглик имкониятлари нима билан белгиланади?

“Ҳар кимга қонунга биноан” қондаси билан “ижтимоий фойдалилик” қондасини ўзаро фарқли томонларини аниқлаб беринг.

“Ҳар кимга меҳнатига яраша” қондаси билан “эҳтиёж” қондасини ўзаро солиштиринг.

Ўзбекистонда оилавий тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.

Мутлақ адолат – эркинликни рад этишдир(фр. А. Камю), деган концепсиянинг мазмун – моҳиятини тушунтириб беринг.

Оилада ота-она ва фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисидаги Конституциявий қоидаларни гапириб беринг.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2003.
2. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10, Т., 2002.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон 21 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997.
4. Каримов И. А. Миллий давлатчилик, истиклол мафкуриси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. Т., 1999.
5. Каримов И. А. Ўзбекистон 21 асрга интилмоқда. Т., 1999.
6. Каримов И. А. Минтақавий хавфсизликдан ялпи хавфсизлик сари. Т., 1995.
7. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 7-жилд. Т., 1998.
8. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. «Ўзбекистон». Т., 2005.
9. Ўзбекистонда политология. Т. 2002.
10. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т., 2003.
11. Нуриддинов З. Международное сотрудничество Республики Ўзбекистан со странами Европы. Т., 2002.
12. Юсупов Х. Ўзбекистон: сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. Т., 2003.
13. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т. 2000.
14. Ўзбекистон Республикаси; Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Т. 1992.
15. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп Луғат. Т. 1998.
16. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. Т. 1997.

7- МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИДА ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРГА АСОСЛАНИШИ

РЕЖА:

1. **Мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши.**
2. **Ўзбекистон Республикасининг БМТ ислохотлари бўйича ташаббуси ва унинг ташқи сиёсати.**
3. **Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари ва турлари**
4. **Умумсоний кадрятлар тизимида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ўрни**

XX асрнинг охирига келиб совуқ уруш даври тугагандан сўнг жаҳатда ушбу тамойил устунлик қила бошлади. Биринчиси ривожланган ва ривожланиб келаётган давлатларга демократик институтларнинг тартиб – қоидаларнинг тобора ривожланиб боришида АҚШ, Европа давлатлари, Япония каби мамлакатлар бозор иқтисодиёти қонуниятлари, фуқаролик жамияти қоидалари асосида демократик томонида анча олдинга чиқиб олдилар.

Мамлакатларда амалга оширилаётган сиёсат ва ислохотларни демократлаш, ривожлантиришга, инсон ҳуқуқларини таъминлашга, аҳолини давлат ишларига кенг жалб қилишга, сиёсий хур фикрларини таъминлашга, эркин сайловларни ўтказишга, аҳолини ҳукумат қабул қилаётган қарорлардан доимо ҳабардор қилишга, яъни давлат ва унинг органлари устида жамоатчилик назорати ўрнатишга қаритилган. Дикқатга сазоворли томони шундаки, бунда биринча навбатда ҳамма фаолият давлатнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам қонун олдида тинглиги таъминланган.

Иккинчи тамойил эса, дунё мамлакатлари орасидаги муносабатлари демократик кадрятлар таъсирида борган сари умуминсоний аҳамият касб этмоқда. Мамлакат ўртасидаги алоқаларда сунъий равишда ўрнатилган тартиб – қоидаларни ўзаро ҳамкорлик, маданий, сиёсий, иқтисодий жиҳатдан яқинлаштиришнинг толерантлик сиқиб чиқормоқда. Дунё бўйича ягона инфармацион худудни, ягона демократик кадрятларни шакиллантириш араёнлари жадал чиқмоқда. Буларнинг натижасида жаҳон бўйича глобаллашув юз бермоқда.

Учинчи томайил эса юқоридаги тамойиллар натижасида давлатлар ўртасида алоқалор борган сари интеграциялашиб дормрқда. Турли давлатлар турли минтақаларда ўзларининг тайёргарлик ва имкониятларига мос равишда иқтисодий жиҳатлар (масалан ЕИ, АТР, НАТО) ҳарбий – сиёсий жиҳатдан (НАТА), сиёсий жиҳатдан (ЕХХТ, МДХ), иқтисодий жиҳатдан (ЕИ, МХТ, ШОС) интеграциялар вужудга келди ва ривожланиб бормоқда. Шундай шароитда Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига мустақил давлат сифатида кириб келди ва ўз миллий манфаатлари асосида жиҳатдан жараёнларга кўшилиб бормоқда.

2. Демократик тамойиллар ва Ўзбекистон Республикаси дипломатик алоқалари

Халқаро муносабатларни ривожланишида жаҳон ҳамжамияти томонидан эътириф этилган демократик кадриятлар, халқаро ҳуқуқ асосида ўз ташқи сиёсатини юритиш, муносаботларда куч ишлатмасдан музокорлар ёрдамида муаммоларни ҳал этиш, бошқа давлатларнинг суверинитетини худудий яхлитлигини ҳурмат қилиш муҳум аҳамиятга – эгадир. Ўзбекистон ўз дипломатсиясини юқоридаги кадриятлар асосида олиб бормоқда.

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлашда Халқаро валюта фонди, тараққиёт банки каби халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик ижобий самара бермоқда.

Ўзбекистон халқ хўжаликдан аниқ, лойиҳаларга сарланаётган хорижий сармоялар миқдори йилдан йилга ортиб борапти.

Ўзбекистонда ҳазирги пайтда 130 дан ортиқ хорижий мамлакатлар билан савдо – сотиқ қилади. Юртимиздаги 15 мингга яқин корхона маҳсулотлар экспорт – импорти билан шуғулланмоқда.

Халқаро муносабатлар равнақи мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, аҳоли турмиш даражасини юксалтиришнинг ўзига хос қафолати эканлиги ҳеч кимга сир эмас

Ўзбекистон бир қатор халқаро ташкилотлар – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Иқтисодий ҳамкорлик ташкилати (ЭКО) билан тенг ҳуқуқли аъзо сифатида, Европа Иттифоқи, НАТО билан эса махсус битимлар асосида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Жумладан, НАТО билан “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури доирасидаги алоқаларимиз минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга муносиб ҳисса кўшмоқда. АҚШ ва бошқа етакчи давлатлар аскарлари билан биргаликда ҳар йили ўтказиладиган ҳарбий машғулот қуролли кучларимиз учун ўзига хос маҳорат мактаби бўляпти.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқларининг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида республикамиз Президентининг терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш борасидаги таклиф кўплаб давлатлар томонидан қўллаб – қувватланди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ана шундай марказнинг таъсис этилишига ҳам Ўзбекистон раҳбариятининг таклифи сабаб бўлди.

Ўзбекистон ўзининг ташқи алоқаларини ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама асосда ташкил этиш тарафдоридир. Бугунги кунда ер юзининг турли чеккаларида ишончли ва манфаатдор шерикларимиз бор. Уларнинг доираси мунтазам кенгайиб бормоқда. Шу ўринда АҚШ билан муносабатларимизни тилга олишимиз мумкин. Бу муносабатлар иккала давлатлар учун ҳам муҳим бўлган йўналишларда изчиллик билан ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон расмий хайъатининг 2002 йилда АҚШга ташрифи стратегик ҳамкорликни вужудга келиши ва имзоланган ҳужжатлар бир қатор халқаро анжуманларда икки давлат раҳбарларининг ўзаро мулоқотлари, самимий ёзишмалар, ўзаро алоқалар даражасидан далолат беради. Дунёнинг етакчи давлати, жуда катта сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган АҚШ билан ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Европа Иттифоқи билан 1996 йилда имзоланган шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома 1999 йилнинг 1 июлида кучга кирди. Мамлакатимизнинг Европа давлатлари билан кенг миқёсли алоқалари учун қулай имконият вужудга келди. Табиийки, Германия, Франция, Буюк Британия каби илғор давлатларнинг демократик жамият қуриш борасидаги тажрибалари, ишлаб чиқаришдаги илғор технологиялари биз учун муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда Шарқий ва Жанубий, Шарқий Осиё мамлакатлари Япония, Корея Республикаси, Хитой ва бошқа давлатлар билан алоқаларимиз кенгайди. Ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз самараларини берди. Қурилаётган корхоналарда қад кўтараётган иншоотларда бозорларимиздаги хилма-хил маҳсулотларда кўришимиз мумкин.

Албатта, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар шу жумладан, Марказий Осиё республикалари билан ҳамкорлик ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб

қолмоқда. Бунга сабаб, Ҳамдўстлик мамлакатларимизнинг ҳудудий яқинлиги ва иқтисодий жихатдан боғланганлигига эмас, балки чуқур тарихий илдиздир. Маданий ва маънавий алоқалар, катта тарихий давр мобайнида халқларимизнинг муштарак тақдирга эга бўлганлигидир. Россия Федерацияси билан мустақиллик йилларида шакилланган ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик яхши самара бераётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган 1992 йилдан буён сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда жами 150 дан ортиқ ҳужжат имзоланган. 1998 йил май ойида И. Каримовнинг Россия ва ўша йил октябрида Б. Ельциннинг мамлакатимизга расмий ташрифлари, сафар давомида қабул қилинган ҳужжатлар, айниқса 1998 – 2007 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ўзора алоқалорни мустаҳкамлашга муҳим аҳамиятга эга бўлди. В. Путин президенти сифатида илк сафарни Ўзбекистонда бошлаганлиги ҳам Россия раҳбарияти мамлакатимизни ўзининг стратегик шерикларидан бири, Марказий Осиёдаги етакчи давлат деб билишидан далолат беради.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасида ягона иқтисодий макон ташкил этиш ҳақида имзоланган шартнома Марказий Осиё интеграцияси йўлидаги илк қадам бўлган эди. 1998 йили бу шартномага Тожикистон ҳам қўшилди. Ҳозиргача ўзаро ҳамкорлик ҳақида 150 дан ортиқ ҳужжат имзоланди. Эндиликда давлатлараро кенгаш ишлаб турибди, Ҳамдўстлик дастурларини рўёбга чиқариш бўйича ижроия кўмита Марказий Осиё: ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилган. Мазкур интеграция халқимизнинг манфаатларига тўла мос келади, минтақамизда барқарорлик ва тинчлик мустаҳкамлашга ёрдам беради. 2000 йил 20-21 апрель кунлари Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентларининг тошкентда бўлиб ўтган учрашуви чоғида имзоланган терроризмга, сиёсий ва диний экстремизмга, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш юзасидан биргаликдаги ҳаракатлар тўғрисидаги шартнома бунга мисол бўла олади.

3. Ўзбекистони ташаббуслари минтақа осойишталиги ва демократик тараққиётдаги аҳамияти.

Бугунги кунда Ўзбекистонда демократик жараёнларни шунчаки эътироф этиш эмас, балки уни ҳар тамонлама ривожлантиришга эътибор берилмоқда. Чунки демократик кадриятларнинг қанчалик ривожланиши, давлатни, халқни шунчалик тараққиётга олиб келади. Демократик кадриятларни ҳимоялаш эса муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун Ўзбекистон ташқи сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири – минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқлар тинчлигига раҳна солувчи терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қатий кураш олиб боришдан иборат. Давлатимиз ана шу мақсад йўлида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти, бир қатор давлатлараро ва ноҳукумат халқаро ташкилотлар билан кенг қамровли алоқаларни изчил ривожлантириб бормоқда, айтилган вақтда бу ташкилотлар ишида фаол иштирок этмоқда. Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг минтақа хавфсизлигини таъминлаш, низоларни сиёсий чоралар билан бартараф этиш, Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан доғли ҳудуд деб эълон қилиш, нарқобизнесга қарши курашда саъйи ҳаракатларини мувофиқлаштириш, Афғонистондаги можароларни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги конструктив ташаббусларини қўллаб - қувватламоқда.

1997 йил 19 – 20 июл кунлари “6+2” гуруҳининг Ташкентда бўлиб ўтган учрашуви бунга мисол бўла олади. Унда биринчи бор муҳолиф тамонларнинг юзми – юз музокара олиб боришлари учун имкон яратилганлигини анджуман якунида “Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий принциплари” ҳақида Декларатсиянинг қабул қилинишининг халқаро жамоатчилик афғон заминида тинчлик ўрнатиш борасида ташланган жиддий қадам сифатида баҳолади.

Кейинчалик Афғонистондаги экстремистик кучларнинг йўқолишига, Афғонистондаги ишларига Ўзбекистоннинг салмоғи сезиларли бўлди ва бу жароён давом этмоқда.

БМТ Хавфсизлик Кенгаш раиси Бош ассамблеяда “Афғонистондаги ташаббуси БМТ ва жаҳон жамиятчилиги тамонидан тўла қўллаб – қувватламоқда. Бу таклиф БМТ бош ассамблеясининг сессияларида муҳокама қилинди ва махсус резолюция қабул қилинди.”

Марказий осийёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш фақат минтақадагина эмас. Балки жаҳонда ҳам тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

4. Ўзбекистоннинг демократик кадриятларга содиқлиги жаҳон жамиятидаги обрўсини қафолатидир.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида иқтисодий ҳарбий қудрат билан биргаликда мамлакатдаги демократик жараёнларнинг характери билан давлатларнинг обрў – эътибори белгиланмоқда. Шу жихатдан олганда Ўзбекистонда босқичма – босқич амалга оширилаётган демократик жараёнлар жаҳон

ҳамжамятда мустаҳкам ўрин эгаллашга ва миллий манфатларимиз асосида ташқи сиёсат юритишга имконият яратмоқда.

XX асрнинг охирида инқилоблар юз йиллиги жаҳон саҳнасида социалистик тизимнинг емирилиши билан яқун топган собиқ “қизил империя” ҳудудида халқаро муносабат ва халқаро ҳуқуқнинг тўла қонли субъектлари - янги мустақил давлатлар пайдо бўлди. Шулар қатори узоқ давлатчилик таихига эга Ўзбекистон Республикаси ҳам миллий тараққиёт йўлини танлаб олди. Қадимий маданият ўчоқларидан бири бўлган юртимиз яна жаҳон ҳамжамяти унинг ажралмас қисмига айланди.

Миллий давлатчилигимизнинг барқарор соҳалари собиқ шўролар тузуми даврида инқирозга юз тутган эди. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик стратегиясининг ҳам асосий контурларини белгилаш учун куйидаги изчилликда иш олиб бориш маъқул. Биринчидан, «хавфсизлик муҳити» ни белгилаш. Шунингдек таклиф қилинаётган модел доимийликка даъво қилмаслигини ҳамда беқарор дунёда рўй берган кескин ўзгаришлар хавфсизлик стратегиясига кескин таъсир қилишларини ҳам назарда тутиш лозим.

Ўзбекистон Республикасига тадбиқан юқоридаги моделни олиб кўрадиган бўлсак дунёдаги кучлар марказининг бир нуқтадан иккинчи бир нуқтага ўтиши, яъни халқаро ҳаётнинг ўзгарувчанлиги, унда доимийликни инкор этишини ҳисобга олган ҳолда хавфсизлик стратегиясининг асосий, шунингдек тахминий контурлари куйидагича кўринишга эга бўлиши мумкин.

Биринчидан бугунги кунда миллий хавфсизлигимизда у ёки бу даражада ҳисобга олинмиши лозим бўлган куч марказларининг жойланиши: Америка Қўшма Штатлари лидерлигида фаолият юритаётган Шимолий Атлантика давлатлари иттифоқи бўлиб, унинг режаси, хатти-ҳаракатида рўй берган бирон-бир кескин ўзгариш Ўзбекистонга нисбатан хавфсизлик маконида у ёки бу манфий ёки мусбат томонга ўзгариш ясаши муқаррар. Лекин бу НАТО ва Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистонга нисбатан хавфсизлик маконида устувор, шунинг билан бирликда яққо ягона омил эмас. Ўзбекистон миллий хавфсизлик стратегияси нуқтаи назаридан Хитой, Ғарбий Европа, Россия, Хиндистон, Япония ундан кейинги қаторда Покистон, Эрон ва Туркия сингари минтақавий куч марказларида содир бўлган салбий ва ижобий жараёнлар ҳам ҳисобга олинмоғи керак.

Иккинчидан ҳисобга олинмиши зарур бўлган омил: бутун жаҳон тараққиётини у ёки бу даражада белгилаб турувчи тенденциялар бўлиб, уларнинг орасида энг муҳими икки бир-бирига қарама-қарши, шунинг билан биргаликда доимо қўшалок тарзда намоён бўлувчи, бир томондан муносиб хавфсизликни таъминлашга бўлган барча халқлар ҳоҳиш-иродасининг кучайганлиги ва иккинчи томондан эса, қуролланиш пойғасининг жонланиши учун беихтиёр шарт-шароит яратилаётганлиги билан белгиланади.

Учинчи омил асосан «совуқ уруш» давридаги кескин қарама-қаршилиқларнинг ўрнини глобал ноаниқлик эгаллаётганлиги билан белгиланади. Гап шундаки, ким-кимнинг таъсир доирасида деган савол бўлиши мумкин эмас.

Тўртинчи омил дунёнинг турли жойларида рўй бераётган воқеаларга янги қараш диний ва демографик тенденцияларнинг хавфсизлигимизга у ёки бу даражада таъсир ўтказиши билан боғлиқ, чунки, мамлакат хавфсизлиги, истиқболни нуқтаи назаридан дунёнинг барча жойларида рўй бераётган ноҳуш мафкуравий, диний ва демографик жараёнларни ҳисобга олиш билан бирга прагматик ташқи сиёсат ва фаолият юритиш муҳимдир.

Бешинчи омил субъектив ташқи таъсир остида минтақамизда пайдо бўлаётган айрим муаммоларнинг миллий хавфсизлигимизга таъсири билан белгиланади.

Қисқаси, юқорида келтирилган омиллар ва тенденциялар у ёки бу даражада миллий хавфсизлик стратегиясига таъсир қилиши хатто уни ўзгартиришни ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Бинобарин, миллий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш мамлакат захиралари чексиз эмаслигини ҳисобга олишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик стратегиясининг ишлаб чиқилиши тўғрисида сўз борар экан унда бугунги кунда миллий ғоя билан боғлиқ жиҳатнинг кучайганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Зеро, Ўзбекистон бошқа мамлакатларга ўхшаш кўп миллатли, ранг-баранг миллий маданиятлар мажмуасидан ташкил топган бўлиши билан бирга, унда яшайдиган барча халқлар ва элатларнинг «Ўзбекистон ғояси» атрофида жипслашаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Айни пайтда миллий ғоя Ўзбекистон учун хавфсизлик стратегиясининг функцияси, фаолият режими нуқтаи назаридан таянчи сифатида қайси миллат ва диний эътиқотга мансублигидан қатъий назар фуқароларда хаводек зарур ғоявий иммунитетнинг шаклланишига олиб келди.

Таянч тушунчалар:

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, иқтисодий интеграция, “Туркистон умумий уйимиз”, ўзаро алоқалар, ташқи сиёсат, халқаро ташкилотлар, иқтисодий плюрализм, халқаро муносабатлар, халқаро тизим, дипломатик алоқалар, минтақавий осойишталик, жаҳонҳамжамияти, Шанхай ҳамкорлиги, НАТО, “Тинчлик йўлида ҳамкорлик”, ЕХХТ.

Мавзу юзасидан назарат саволлари:

Ўзбекистоннинг мустақил ташқи сиёсати муносабатларининг сиёсий, иқтисодий, илмий ва маънавий асосларини тушунтиринг.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари нималарга қаратилган?

Ўзбекистон ташқи сиёсатида эришган муҳим ютуқлари ва муаммоларини очиб беринг.

Ўзбекистоннинг АҚШ, Россия ва бошқа Европа, Осиё давлатлари билан ҳамкорлик кўринишлари нималардан иборат?

МДХ давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ўтмиши ва истиқболлари.

Ўзбекистон – НАТО муносабатларининг асл моҳиятини айтиб беринг.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдаги фаолиятини айтиб беринг.

Ўзбекистон Республикасининг Европа мамлакатлари билан сиёсий иқтисодий ва маданий алоқалари.

Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёдаги янги мустақил давлатлар билан ўзаро ҳамкорлиги.

Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги ва тарихий аҳамияти.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2007, 6, 33-34-бетлар.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. –Т.: «Ўзбекистон», 2001.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Президент И.А.Каримовнинг БМТнинг 1993 йил 28 сентябрда бўлиб ўтган 48-сессиясида сўзланган нутқи. Асарлар, Т.1 – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 47-бет.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4 – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 56-59-бетлар
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. – Т.: «Ўзбекистон», 1997, 279-297, 326-бетлар.
6. Каримов И.А. Миллий давлатчилик, истиқлол мафқураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 29-30, 39-45, 110-115, 497-506, 543-бетлар.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10-«Ўзбекистон», 2002, 247-280, 387-393-бетлар.
8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11 – Т.: «Ўзбекистон», 2003, 64-69, 248-265, 274-280-бетлар.
9. Каримов И.А. Ватанчимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. – Т.: «Ўзбекистон», 2004.
10. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 285–312-б.
11. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –313–337-б.
12. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 156–223-б.
13. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 61–97, 139–153, 248–265-б.
14. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 11-б.
15. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
16. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаёт гаровидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 62 б.

17. Раҳимов И., Зоҳидов А., Азизов Ш., Аюпов А. ва бошқ. Мустақиллик мафкуриси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: «Университет», 2001. 232-бет.
18. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т.: ТошДШИ, 2003, 260-363-бетлар.
19. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.
20. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 3-44-бетлар.
21. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: Тошкент Молия институти, 2004, 3-180-бетлар.
22. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: Шарқ, 2005. – 240 б.
23. Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 528 б.
24. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 160 б.
25. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашр., 2006. – 280 б.
26. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 204 б.